

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги  
Давлат ва жамият қурилиши академияси

Ташқи сиёсат ва дипломатия кафедраси

**С.А.Жўраев**

**Ўзбекистон республикаси**  
**Ташқи сиёсати ва**  
**ДИПЛОМАТИЯСИ**  
(Ўқув қўлланма)

**ТОШКЕНТ — 2007**

## МУНДАРИЖА

|  |            |
|--|------------|
| <b>I. БОБ Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида</b>                                       | <b>3</b>   |
| 1.1. Ташқи сиёсат механизми  | 3          |
| 1.2. Ташқи сиёсий фаолиятни амалга ошириш ҳамда Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш органлари | 21         |
| 1.3. Ўзбекистон Республикаси таши сиёсатининг асосий тамойиллари                             | 44         |
| <b>II. БОБ Ўзбекистон ва Марказий Осиё</b>   | <b>59</b>  |
| 2.1. Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатида тутган ўрни ва аҳамияти                               | 59         |
| 2.2. Хорижий экспертлар Марказий Осиё давлатларининг ривожланиш истиқболлари ҳақида          | 67         |
| 2.3. Марказий Осиёдаги интеграция жараёнлари   | 90         |
| 2.4. Марказий Осиёда хавфсизлик масаласи   | 105        |
| <b>III. БОБ Ўзбекистон халқаро ва минтақаларо Евроосиё ҳамкорлиги тизимида</b>               | <b>136</b> |
| 3.1. <b>Икки томонлама муносабатлар</b>  | <b>136</b> |
| 3.2. Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари  | 141        |
| 3.3. Ўзбекистон ва Қирғизистон   | 152        |
| 3.4. Ўзбекистон ва Туркманистон  | 156        |
| 3.5. Ўзбекистон ва Тожикистон  | 160        |
| 3.6. Ўзбекистон ва Россия  | 166        |
| 3.7. Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари  | 186        |
| 3.8. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи(ЕИ)   | 195        |
| 3.9. Ўзбекистон ва Буюк Британия   | 201        |
| 3.10. Ўзбекистон ва Германия   | 205        |
| 3.11. Ўзбекистон ва Франция  | 210        |
| 3.12. Ўзбекистон ва Япония   | 217        |
| 3.13. Ўзбекистон ва Корея Республикаси   | 223        |
| 3.14. Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси  | 233        |
| 3.15. Ўзбекистон ва Ҳиндистон  | 240        |
| 3.16. Ўзбекистон ва Покистон   | 242        |
| <b>IV. БОБ. Ўзбекистоннинг кўп томонлама муносабатлари</b>                                   | <b>249</b> |
| 4.1. Кўп томонлама муносабатлар  | 249        |
| 4.2. Ўзбекистоннинг БМТда иштироки   | 257        |
| 4.3. Ўзбекистон ва ШХТ   | 263        |
| 4.4. Ўзбекистоннинг ва ЕврАзЭС да иштироки   | 276        |
| 4.5. Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги ҳамкорлик алоқалари                                      | 301        |
| Фан юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар  | 310        |
| Курс бўйича реферат ва мустақил иш мавзулари   | 312        |

# I. Ўзбекистон халқаро муносабатлар тизимида

## 1. Ташқи сиёсат механизми

Ташқи сиёсат механизми ёки бошқача айтганда, Ташқи алоқалар соҳасида бошқарув ва давлат ҳокимиятини амалга ошириш органлари ва усуллари тизими Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ривожлана бошлади.

Ташқи сиёсат механизмининг асосини уни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга йўналтирилган президентлик ва парламент ваколатлари ташкил этилди. Айнан шуларнинг алоқалари ва ўзаро муносабати ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилини ифода этади.

Ташқи сиёсат механизмининг ташкилий асослари давлат ҳокимиятининг олий органлари фаолиятида намоён бўлади. Президент давлат бошлиғи бўлгани боис, у бу тизимда алоҳида мавқега эга. Албатта, унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўрни ва аҳамияти ҳам беқиёсдир. Бу ҳол унинг давлат ҳокимиятининг қонунчилик ва ваколатли олий органи сифатидаги ваколатлари билан белгиланади.

Ушбу механизмнинг институционал асосини бошқарув аппаратининг махсус органлари: вазирликлар, давлат қўмиталари, муассаса ва ҳоказолар ташкил этади. Улар давлатнинг Ташқи фаолияти, жумладан, юридик ва жисмоний шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлган функционал ва тармоққа оид масалаларни бошқаришга йўналтирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат ва халқнинг олий манфаатлари ҳамда уларнинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиққан ҳолда шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, конституция ва Ўзбекистон Республикаси қонуниятларига риоя этишни кафолатлайди, давлат Ташқи сиёсий механизмнинг самарали фаолият юритиши, бу борада тегишли сиёсатни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш учун жавобгардир.

Президентнинг Ташқи сиёсатни ташкил этишда асосий мавқега эга экани Ташқи сиёсий механизм фаолиятининг изчиллиги ва самарадорлигини

таъминлаш зарурати билан белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, Президент ижроия ҳокимият аппаратини шакллантиради ва уни бошқаради; ҳокимият олий органлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни таъминлайди; министрликлар, давлат кўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини ташкил этиш ва тугатиш ҳақида қарор қабул қилади ҳамда бу ҳақда Олий Мажлис палаталари тасдиғига тегишли фармонларни киритади. Бошқача айтганда, Президент Фармони билан тайинланган министрлар, давлат маслаҳатчилари, ташкилот муассаса ва хизматлар раҳбарлари бевосита ёки фаолиятининг йўналишлари қаторида халқаро муносабатларнинг турли жиҳатлари билан шуғулланади. Ушбу ваколатлар умумлаштирилган ҳолда ҳокимиятнинг сиёсий ва маъмурий ресурсини ташкил этади ва Президентга давлат Ташқи сиёсий механизми фаолиятини самарали бошқаришга имкон яратади.

Ташқи сиёсий механизмни бошқаришда Президентнинг роли халқаро ҳуқуқ меъёрлари билан ҳам белгиланади. Унга кўра, Президент хорижий давлатларга ташриф буюради, музокара олиб боради, халқаро конференция, саммит ва бошқа анжуманларда иштирок этади, давлат раҳбарлари ёки нуфузли халқаро ташкилотлар фаолиятларида маъруза ва баёноتلар билан қатнашади, давлат бошлиқлари ва бошқа мансабдор шахслар, турли даража ва таркибдаги делегациялар, жамоатчилик ва жамоат ташкилотлари, хусусий шахслар ҳамда ишбилармонларнинг юқори доиралари вакилларини қабул қилади.

Илмий адабиётда давлат бошлиғининг Ташқи сиёсий фаолияти юқори ёки олий даражадаги дипломатия сифатида алоҳида турга ажратилади. Глобаллашув жараёни жадаллашуви шароитида дипломатия бу турининг аҳамияти кучайиб бормокда.

Зеро, олий мансабдор шахслар томонидан имзоланган ҳужжатлар келишувларнинг бажарилишини таъминловчи қўшимча кафолат сифатида хизмат қилади. Бевосита дипломатик фаолият, шунингдек, турли тадбирларни ўтказишда тегишли давлат аппарати тузилмаларини сиёсий ва маъмурий-

ҳуқуқий бошқариш орқали давлат раҳбари мамлакат миллий манфаатларини ҳамда мамлакат Ташқи сиёсатининг амалга оширилишини таъминлайди.

Президент Ташқи сиёсатни амалга оширилиши билан боғлиқ вазиятларни бажарувчи ва тегишли қарорларни тайёрловчи вазирликлар ҳамда муассасалар фаолиятини бевосита бошқаради. Айрим ҳолларда баъзи қарорлар парламент томонидан тасдиқланиши ҳам мумкин.

Ташқи сиёсий фаолиятни амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам алоҳида ўрин тутди. У, жумладан, давлат хавфсизлиги ва муҳофаза қилинишини, Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини ҳимоя қилишга оид чора-атдбирларнинг амалга оширилишига кўмаклашади; давлат идораларининг табиатни муҳофаза қилиш, мамлакат ва дунё миқёсидаги йирик экологик дастурларнинг амалга ошириш борасида фаолиятини мувофиқлаштиради; Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлардаги вакилликни ҳукуматлараро шартнома ва келишувларни тузади ҳамда уларнинг бажарилишини таъминлайди; Ташқи иқтисодий фаолият, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик соҳаларида бошқарувни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан Бош вазир халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг вакилликни таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар, Ташқи алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирликлари, Президент Девони ва Вазирлар маҳкамасининг турли бўлинмалари ҳам Ташқи сиёсатни амалга оширишда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси таркибига кирган давлат бошқарув органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро-ҳуқуқий меъёрлар билан белгилаб берилган тамойиллар асосида Ўзбекистон республикасининг Ташқи сиёсатини амалга оширади.

Вазирлик ўз фаолиятини бевосита Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида юритади.

Президентнинг Ташқи алоқалар соҳасидаги фаолияти Ташқи сиёсатнинг турли жиҳатларини мувофиқлаштириш, назорат қилиш ҳамда ахборотнинг таҳлилий вазифаларни бажарадиган Президент аппарати тегишли бўлинмалари ишининг самарадорлигига боғлиқ. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Миллий Хавфсизлик Кенгаши Котиби, унинг аппарати ҳамда Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институтини таъкидлаб ўтиш мумкин. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи сиёсий масалалар ва протокол бўйича давлат маслаҳатчиси ҳамда унинг хизматини ҳам айтиб ўтиш лозим. Шунингдек, Ташқи алоқаларга алоқадор идоралар қаторига Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Мудофаа вазирлиги ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ушбу ташкилот ва муассасалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига биноан тегишли тартиб ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрларига таянган ҳолда Ташқи алоқалар соҳасидаги давлат ишларини бошқаради. Бундан ташқари, улар муайян Ташқи сиёсий ҳаракат ва тадбирлар юзасидан тегишли ҳужжатлар ва таклифлар тайёрлайди, ўз ихтисослиги доирасида Ташқи сиёсий қарорлар жараёнини ахборот-таҳлилий жиҳатдан таъминланишини амалга оширади. Давлат раҳбари унга тақдим этилган ҳужжатлар, қарорлар лойиҳалари, маълумотномалар, маърузалар ва ҳоказолар бўйича муайян қарорлар чиқаради, уларни маъқуллайди ёки камчиликларини тузатиш учун қайтаради. Одатда, алоҳида муассаса ваколати доирасида ташқаридаги масалаларгина Президентга тақдим этилади.

Давлат раҳбарининг мамлакат олий мансабли вакили сифатидаги сиёсий ҳуқуқий мақоми унинг музокараларда иштирок этиши ҳамда халқаро шартномаларни имзолаш ваколатини белгилаб беради. Унинг бу ваколатлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 3 ва 4-бандлари мустаҳкамланган. Унга кўра, Ўзбекистон республикаси Президенти

мамлакатнинг халқаро муносабатларидаги бош вакили сифатида музокаралар олиб боради, шартнома ва келишувларни имзолайди ҳамда Ўзбекистон ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайди.

Давлат раҳбари сифатида Президент, халқаро ҳуқуқ масалалари ҳамда Ўзбекистон республикаси Конституциясига кўра, махсус ваколатларсиз Ўзбекистон номидан музокаралар олиб бориш ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларини имзолашга ҳақлидир.

Одатда, халқаро шартнома тузишдан олдин ҳар икки тараф ёки улардан бири тегишли ташаббус билан чиқади; сўнг музокаралар бошланади, халқаро шартноманинг матни тузилади ва қабул қилинади, ниҳоят, унинг бир хиллиги аниқлангач, шартноманинг мажбурийлигини тарафлар эътироф этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқаро шартномани тузиш тўғрисидаги таклифни Ташқи ишлар вазирлиги томонидан киритилади. Бошқа вазирлик ва муассасалар ўз ваколати доирасидаги масалалар бўйича халқаро шартномалар тузиш тўғрисидаги таклифларни Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда ёки у билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини тузиш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига киритишдан олдин Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишилиши ва ушбу таклиф юзасидан тегишли вазирлик ва муассасалар хулосалари тақдим этилган тақдирдагина, у Президент томонидан кўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзоланиши ҳақида қарор қабул қилинган халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклифни Олий Мажлисга киритади. Шу билан бирга, Президент Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган халқаро шартномани ратификациясиз тасдиқлаш ваколатига эга. Президент, шунингдек, ратификация қилинмайдиган халқаро шартномаларга қўшилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Шартнома қабул қилинган, ратификация қилингандан кейин Ўзбекистон Республикаси Президенти унинг шубҳасиз бажарилиши, унга қатъий риоя этилишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган халқаро шартномаларнинг тўхтатилиши, денонсация қилиниши Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ваколатига кирадиган шартномалар бўйича – Республика ҳукуматининг тавсиясига биноан Олий Мажлис томонидан амалга оширилади.

Ушбу қоидада давлат ҳокимиятининг бўлиниши тамойилининг муҳим тамойили – қаршилик ва мувозанат унсурининг моҳияти намоён бўлади. Бу тадбир ижроия ҳокимиятининг Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси бўлган халқаро муносабатлар тизимида ўзгаришлар юз беришига олиб келадиган фаолияти устидан парламент назорати ўрнатилади.

Олий Мажлиснинг мазкур ваколатларининг табиийлиги ушбу органнинг ваколатли ва қонунчилик моҳиятидан келиб чиқади. Чунки муайян шартноманинг денонсация қилинмагани муайян салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Таъкидлаш жоизки, ушбу механизм маълум демократик асосларга таянади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, ички ва Ташқи сиёсатининг долзарб масалалари юзасидан йиллик маърузаларнинг Олий Мажлисга киритилиши (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-модда 7-бандига биноан) нафақат ҳокимиятнинг бўлиниши тамойилининг намоён бўлиш, балки давлатнинг Ташқи сиёсий курси бўйича ягона ёндашувни ишлаб чиқишга йўналтирилганининг ифодаси сифатида баҳоланиши керак. Бир палатали ва икки палатали Парламент тажрибаси кўрсатишича, ушбу маърузалар орқали Олий Мажлис депутатлари ва сенатлари эътиборига шунчаки маълумот тақдим этилмайди, балки давлат раҳбарларининг Ташқи сиёсат ва халқаро муносабатларнинг долзарб масалалари юзасидан нуқтаи назари ва қарашлари баён этилади. Бу ҳокимият тармоқлари ўртасида сиёсий нуқтаи назарларнинг уйғунлашувида намоён бўладиган Ташқи сиёсий механизмнинг конституцион-ҳуқуқий асосларини яратиш борасидаги



фаолиятнинг таркибий қисми ҳисобланади. Олий Мажлиснинг Ташқи сиёсат асосий йўналшилари белгилашга оид муайян вколатларга эга экани эътиборга олинса, ушбу тадбир Ташқи сиёсий курсни ишлаб чиқишнинг конституцион усуллари билан бири сифатида намоён бўлади.

Президентнинг мамлакат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда самарали муҳофаа сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ конституцион вколатлари Ташқи сиёсий соҳа билан узвий боғлиқдир.

Юқорида Президентнинг Ташқи сиёсат билан боғлиқ бўлган хавфсизликни таъминлашга оид вколатлари ҳақида сўз юритилган эди. Бу ўринда, сўз Президентнинг Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги, хавфсизлиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш борасида қўллайдиган чора-тадбирларга тегишли конституцион бурчи ҳақида бормоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасига тажовуз қилинган ҳолларда ёки агрессиядан биргаликда ҳимояланиш юзасидан олинган шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш учун уруш ҳолатини эълон қилади ва уч сутка мобайнида қабул қилинган қарорни Ўзбекистон республикаси Олий Мажлиси палаталари тасдиғига киритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти конституцион ҳуқуқ ва вколатлари жиҳатидан Ташқи сиёсий механизмда етакчи ўрин тутаяди. Жумладан, Президент дипломатик фаолият тизими ва кадрларини шакллантиради, ушбу соҳа учун Ўзбекистон халқи олдида жавоб беради, халқаро муносабатларда миллий манфаатларнинг таъминлишини кафолатлайди.

Халқаро муносабатларнинг иқтисодий, ахборий ва ижтимоий-сиёсий тараққиётининг глобаллашуви даврида асосий Ташқи сиёсий вазифаларнинг давлат бошлиғи зиммасига юклатилиши (аммо бу парламент назорати ва унинг Ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилашдаги иштирокига тўсқинлик қилмаслиги зарур) республиканинг жаҳон хўжалик алоқалари тизимида уйғунлаштириш самарали стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий

этиш, ялпи хавфсизликни мустаҳкамлаш, ягона ижтимоий-маданий ва ахборот маконини шакллантиришнинг зарур шарти ҳисобланади.

Олий Мажлиснинг сиёсатдаги ўрнига, аввало, унинг давлат ҳокимияти органларидаги ҳолати ҳамда давлат томонидан амалга ошириладиган Ташқи функцияларнинг ортиб бориши тенденцияси нуқтаи назаридан қараш лозим. Бу ҳолат қуйидаги омиллар билан белгиланади.

Биринчидан, Ўзбекистон сингари ёш, ривожланиб бораётган давлатда Олий Мажлиснинг Ташқи сиёсий соҳадаги ваколатлари эҳтиёжларнинг ўзгариши, миллий давлатчилик ривожининг даражаси, эркинлаштириш жараёнининг чуқурлашуви билан боғлиқ ҳолда кенгайиши мумкин.

Иккинчидан, давлат Ташқи сиёсий фаолияти кўламининг ортишига (бу ҳол Олий Мажлис Ташқи сиёсий функцияларининг кенгайиши сабаб бўлади) глобаллашув ва интеграциялашув жараёнлари ривожидан объектив тарзда таъсир этади.

Шу билан биргаликда, давлат раҳбари ёки ҳукуматнинг Ташқи алоқалар соҳасидаги кенг миқёсли фаолиятидан фарқли ўлароқ, ҳар қандай парламентнинг бу борадаги фаолияти маълум даражада чеклангандир. Зеро, Ташқи сиёсий фаолият соҳасида қарор қабул қилиш юксак малака, фаолиятда узлуксизлик, меросийлик, конфиденциялик ва ҳоказо бўлишини тақозо этади. Депутат ва сенаторлар зиммасига ўзгача вазифаларни бажариш юклатилган: улар муҳим сиёсий қарорлар юзасидан паламент назоратини ўрнатиши ҳамда халқаро аҳамиятга молик масалалар бўйича ўз нуқтаи назарини баён этади.

Олий Мажлис, қонунчилик ҳокимиятини амалга оширувчи давлатнинг олий ваколатли органи сифатида Ташқи сиёсат соҳасида қонунчилик ва сиёсий ваколатларни қамраб олган муайян компетенцияга эга.

Олий Мажлиснинг қонунчилик фаолияти асосий вазифаси бўлгани сабабли, унинг Ташқи сиёсат борасидаги ваколатлари умумий характер касб этади. Қонун қабул қилиш орқали парламент Ташқи сиёсий муносабатларнинг барча соҳаларига бевосита ёки билвосита таъсир этади, мамлакатнинг

хавсизлиги, мудофаа қобилияти халқаро ташкилотлардаги иштирокини мустаҳкамлашга қаратилган шарт-шароитлар яратади, халқаро ҳуқуқ нормаларининг имплементациясини таъминлайди ва ҳоказо.

Олий Мажлиснинг Ташқи сиёсат соҳасида энг муҳим қонунчилик ваколати – халқаро шартнома ва келишувларни ратификация ва денонсация қилиш ҳисобланади.

Халқаро шартномаларнинг ратификация қилиш тўғрисидаги таклиф уларни имзолаш ҳақида қарор қабул қилган давлат раҳбари, яъни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Олий Мажлисга киритилади. Шунингдек, бундай таклиф Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилиши ва бу ҳақда тегишли қарор қабул қилиниши мумкин. Халқаро шартномаларни ратификация қилиш тўғрисидаги таклиф Ташқи ишлар вазирлиги ёки бошқа вазирликлар билан келишган ҳолда (шартномада уларнинг ваколатига тегишли масалалар киритилган тақдирда) Ўзбекистон Республикаси Президенти ёхуд Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига киритилади.

Шартномаларнинг денонсация ва бекор қилиниши ҳам Олий Мажлис томонидан амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси номидан тузилган шартномалар Ўзбекистон Республикаси Президенти тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматига тааллуқли масалалар юзасидан тузилган шартномалар Республика ҳукумати тавсияси билан денонсация қилинади. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан тузилган ва ратификация қилинган халқаро шартномалар Олий Мажлис томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати тавсиясига кўра денонсация қилинади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг ратификация, денонсация, бекор қилиниши ёхуд тўхтатилиб қўйилиши ҳақидаги қарор лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси томонидан ушбу шартноманинг расмий матни, нусхаси ҳамда унинг ратификация, денонсация қилиниши, бекор қилиниши ёки тўхтатиб турилиши ҳақидаги асоснома билан биргаликда Олий Мажлиснинг Қонунчилик

палатасига киритилади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасини ратификация, денонсация, бекор қилингани ёки тўхтатиб қўйилгани ҳақидаги қарори Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатига тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг ратификация, денонсация, бекор қилиниши ёки тўхтатиб турилиши ҳақидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилинган ва Сенат томонидан маъқулланган қарор матбуотда чоп этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг ратификация, денонсация, бекор қилиниши ёки тўхтатиб қўйилиши ҳақидаги қарор етарли овоз олмаган ҳамда ушбу йиғилишда мазкур масала лойиҳасининг қайта кўриб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилинмаган тақдирда ушбу шартнома ратификация, денонсация, бекор қилиниши ёки тўхтатиб қўйилган ҳисобланмайди.

Олий Мажлиснинг халқаро шартноманинг ратификация қилингани ҳақидаги қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳри босилган ҳамда Ташқи ишлар вазири имзо чеккан Ратификация Ёрлиғи давлат бошлиғи томонидан имзоланади.

Ушбу ёрлиқ махсус ҳужжат бўлиб, халқаро шартнома Олий Мажлис томонидан кўриб чиқилгани ва ушбу шартноманинг Ўзбекистон Республикаси учун зарурийлигини эътироф этганини англатади.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасини ратификация, денонсация, бекор қилиниши ёки тўхтатиб қўйилишига оид Олий Мажлис ваколатлари Парламент қонунчилик фаолиятининг таркибий қисми бўлсма-да, бу ваколатлар Олий Мажлисни халқаро муносабатларнинг сиёсий-ҳуқуқий иштирокчисига айлантиради. Зеро, биринчидан, Парламент ушбу ваколатлар туфайли Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилашда иштирок этиш имконини беради. Иккинчидан, Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасининг ратификация қилиниши нафақат ижроия ҳокимият, балки Олий Мажлис ҳар икки палатаси зиммасига

ратификация қилинган шартноманинг бажарилиши учун катта масъулият юклайди. Бундай масъулият Парламентнинг қабул қилинган қонун ва қарорларнинг бажарилиши устидан назорат этиш вазифаларидан келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳамда Палаталар қарорларининг бажарилши устидан назорат ўрнатилиши Қонунчилик палатаси Спикери ва Олий Мажлис Сенат Раиси томонидан ташкил этилади.

Сенатнинг Ташқи сиёсий масалалар бўйича Қўмитаси ҳамда Қонунчилик палатасининг халқаро ва парламентлараро алоқалар Қўмитаси ана шундай назоратни бевосита амалга оширувчи субъектлар ҳисобланади. Бу қоида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 87-моддасида белгилаб қўйилган. Шу билан бир қаторда, зарурат туғилганда, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан депутат ва сенаторлардан иборат ташкил этилган комиссиялар ҳам назорат функциясини амалга ошириши мумкин.

Ратификация қилинган халқаро-ҳуқуқий актларнинг бажарилши устидан назорат сўров воситасида амалга оширилиши мумкин. Палаталар, депутат ва сенаторлар давлат ҳокимияти ва бошқарувининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан асосли хулоса ёки ўз нуқтаи назарини баён этиши бўйича парламент сўровини тақдим этади. Давлат ҳокимияти ва бошқарувининг мансабдор шахсларининг ушбу сўров бўйича ахбороти палаталар мажлисларида тингланади ва муҳокама этилади. Шунингдек, ратификация қилинган халқаро шартномаларнинг бажарилишини назорат этиш Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси депутатлар уюшмалари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Фракциялар ёки депутатлар гуруҳи Қонунчилик палатаси йиғилишида давлат ҳокимияти ва бошқарувининг мансабдор шахсларга мурожаат этиб, уларнинг ваколатига кирадиган масалалар юзасидан асосли тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён этишни талаб қилиши мумкин.

Олий Мажлис ваколатларининг иккинчи гуруҳи унинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасидаги меъёрлардан келиб чиқади. Ушбу моддада Олий Мажлис Қонунчилик Палатаси ва Сенатининг биргаликда

амалга оширадиган ваколатларга қуйидагилар киритилган: Ўзбекистон Республикаси ички ва Ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурлари қабул қилиш; Ўзбекистон Республикаси таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ҳамда уларнинг Ўзбекистон таркибидан чиқарилиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш; Ўзбекистон Республикаси чегараларини ўзгартиш; Ўзбекистон Республикасига тажовуз қилинган ёки агрессиядан биргаликда ҳимояланишга оид шартномавий мажбуриятларнинг бажарилиши зарур бўлган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг уруш ҳолати эълон қилиниши ҳақидаги фармонини тасдиқлаш.

Бундан ташқари, ҳар бир палата иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ҳаёт соҳалари ҳамда давлатнинг ички ва Ташқи сиёсатига оид масалалар юзасидан қарор қабул қилиш мутлақ ваколатига эгадир.

Ўзбекистон Республикасининг бир палатали парламенти тажрибаси ижроия ҳокимияти томонидан Ташқи сиёсат соҳасида амалий қарорлар қабул қилиниши қанчалик муҳим аҳамият касб этса, Олий Мажлиснинг бу борада ўз нуқтаи назарини ошқора баён этиши шунчалик зарурдир. Бу ўрнида сўз, биринчи гада, Олий Мажлис томонидан халқаро муносабатларнинг долзарб масалалари юзасидан ўз нуқтаи назарини мурожатнома ва баёнотлар орқали расман ифода этиши хусусида бормоқда. 1998 йил 28 августда Олий Мажлиснинг биринчи чақириқ ўн иккинчи сессиясида Афғонистонда ҳарбий-сиёсий вазиятнинг кескинлашуви муносабати билан қабул қилган баёноти; иккинчи чақириқ Олий Мажлис учинчи сессиясида (2000 йил 30 август) халқаро террористик гуруҳларнинг Ўзбекистон Республикаси чегара ҳудудларининг айрим жойларига суқулиб киргани муносабати билан терроризм, диний экстремизм ва фундаментализмга қарши биргаликда курашишга даъват этган Ўзбекистон фуқаролари, барча мамлакатлар парламентлари, жаҳон Ҳамжамиятининг илғор кучлари мурожаати; 2001 йил 6 декабрда иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида халқаро коалиция, барча тинчликпарвар кучларнинг

терроризмга барҳам беришга қаратилган саъй-ҳаракатлари қўллаб-қувватланган Ўзбекистон халқига Мурожаатини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Маълумки, мамлакатимизда икки палатали парламент шакллантирилгандан кейин ҳам бир талай сиёсий баёнотлар қабул қилинди. Масалан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 13 майда Андижон шаҳрида амалга оширилган террористик ҳатти-ҳаракатларда депутат ва сенаторлар муносабати ифода этилган “Андижон шаҳридаги воқеаларга доир” Қарори, Қаршидаги “Хонабод” аэродромидан АҚШ ҳарбий кучлари контингентининг чиқарилши билан боғлиқ масала юзасидан Олий Мажлис Сенатининг Баёноти шулар жумласидандир.

Турли мамлакат парламентларининг Ташқи сиёсий фаолиятига оид тўплаган тажрибаси паламент нуқтаи назарининг расман ва ошқора баён этилиши кенг қўлланишидан далолат беради. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислохотлари туфайли Олий Мажлиснинг Ташқи сиёсат фаолитдаги иштироки кенгаймоқда. Бу Олий Мажлисга давлатнинг Ташқи сиёсий фаолиятига доир қарорлар қабул қилиш, шунингдек, Сенатга Ўзбекистон Республикаси Президентининг тавсияси билан мамлакатимизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларни тайинлаш ёки вазифасидан озод этиш ваколатларининг берилишида намоён бўлади. Бундай ваколатлар паламент назоратининг бир шакли сифатида ижроия ҳокимиятнинг Ташқи сиёсий фаолиятига ҳам кадрлар масаласида, ҳам меъёрий нуқтаи назардан зарур ўзгартиришлар киритиш имконини яратади.

Шундай қилиб паламент давлатнинг Ташқи сиёсатида билвосита ёхуд депутат ва сенаторларнинг ташаббуслари орқали таъсир этиши мумкин. Бундай таъсир депутат ва сенатор сўровлари ҳамда Олий Мажлис қонунчилик палатаси депутатлар бирлашмалари ва Сенатининг қўмиталари орқали амалга оширилади. Олий Мажлис депутатлари ва сенаторлари палаталар мажлисларида ўз нуқтаи назарини баён этиб, тегишли қарор қабул қилишига таъсир этади. Буларнинг

барчаси ҳукуматнинг Ташқи сиёсий фаолиятига парламент таъсирининг механизмларидир.

Янги икки палатали парламентнинг Ташқи сиёсат соҳасидаги фаолиятининг аҳамияти палаталарнинг янги тузилмасида ҳам намоён бўлади. Жумладан, палаталар регламентлари ҳақида қонунларга мувофиқ, қонунчилик палатасида халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар, Сенатда эса Ташқи сиёсий масалалар қўмиталари ташкил этилади. Бу ҳол парламент Ташқи сиёсат соҳасида фаоллигининг кучайишигагина эмас, умуман, Ташқи сиёсатни амалга ошириш конституцион-ҳуқуқи механизм самарадорлигининг олқишига хизмат қилади. Бир палатали парламент фаолият юритган даврлардаёқ, Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси билан биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ташкил этилиб, Олий Мажлиснинг давлат Ташқи сиёсий фаолиятни амалга ошириш жараёнида иштирок этишига ташкилий асос яратилган эди.

Олий Мажлиснинг парламентлараро фаолияти билан боғлиқ ваколатлари хусусида алоҳида тўхталиш жоиз. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига биноан, Қонунчилик палатаси Спикери ҳамда Сенат Раиси палаталарнинг парламентлараро алоқалари ва фаолиятини бошқаради, шунингдек, хорижий давлатлар, халқаро ва бошқа ташкилотлар билан муносабатларда палаталарнинг расмий вакиллари ҳисобланади.

Икки ва кўптомонлама парламент алоқаларининг ривожланиши Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамият билан яқин ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилишида муҳим аҳамият касб этади. Давлатлар ўртасида самарали парламентлараро алоқаларнинг ўрнатилиши, аввало, икки томонлама иқтисодий манфаатлар, халқаро ҳаётнинг муҳим масалалари бўйича нуқтаи назарларнинг мос тушиши ёки яқинлиги, мамлакатларнинг геосиёсий жойлашуви ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш, айниса, хавсизликни мустаҳкамлашда туганган ўрни билан белгиланади. Ҳозирги вақтда бу борада парламентлараро ҳамкорлик жадал ривожланаётганини эътироф этиш мумкин.



Кўпинча парламентлараро муносабатлар соҳасидаги алоқаларнинг асосий мавзуини қонунчилик борасида тўпланган тажриба ташкил этади. Шунингдек, икки палата доираси парламент делегацияларининг бир-бирига ташрифи ҳамда қўмиталар, комиссиялар ва қонунчилик органлари аппарати ўртасида мулоқот амалиётда кенг қўлланилган. Ана шу ўзаро мулоқот жараёнида қонунчилик соҳасида тўпланган тажрибадан фойдаланиш, қонунчилик актлари, ахборот-таҳлилий материаллар билан алмашиш имконият туғилади. Бу ўринда хавфсизлик ва бошқа долзарб масалалар юзасидан маслаҳатлашув ҳамда музокаралар олиб бориш парламентлараро алоқалар соҳасида айниқса, муҳим аҳамият касб этиб бормоқда.

Олий Мажлис Ташқи сиёсий фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири – МДҲ паламентлари, биринчи галда, Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари паламентлари ўртасида икки томонлама ҳамкорликни кенгайтириш.

Таъкидлаш жоизки, парламентаризм ривожининг янги босқичига келиб, Олий Мажлис халқаро алоқалар соҳасида салмоқли сиёсий ва қонунчилик тажрибасини тўплашга муваффақ бўлди. Бир палатали Олий Мажлиснинг Ташқи сиёсий алоқалар соҳасидаги ваколатлари шаклланиб, ривожланиб бораётган ёш парламентнинг имконият ва эҳтиёжларига мос эди. Аммо, сиёсий-ҳуқуқий маданиятнинг юксалиши, Ўзбекистон сиёсий тизимида Ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда паламентнинг роли ва иштирокининг ортиб бориши парламентлараро алоқаларда муайян ўзгаришлар юз беришига сабаб бўлди.

Бу аввало, давлатнинг Ташқи сиёсий вазифаларнинг амалга оширилишида парламент фаоллигини янада кучайтирилишини тақозо этади. Хусусан, қуйи палата депутатларининг профессионал асосда фаолият юритиши халқаро муносабатлардаги вазиятни ўрганиш борасида изчилроқ фаолият олиб боришга шароит яратади. Эҳтимол, келгусида Халқаро ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг назорат-таҳлилий фаолияти аста-секин сиёсий моҳият касб этиб, шартнома ва келишувларнинг нафақат Ўзбекистон ўзида бажарилиши, балки Ташқи сиёсатдаги вазиятни теранроқ таҳлил этишга йўналтирилса ажаб эмас.

Ана шундай таҳлил асосида доимий информацияон маърузалар тайёрлаш, вазиятга баҳо бериш, мавжуд масалаларни ҳал этиш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш (айни пайтда бундай ёндашув Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятида кенг қўлланмоқда) мумкин. Бу ўз навбатида парламентнинг Ташқи сиёсий қарорларнинг қабул қилинишига таъсирининг кучайишига хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, парламентлараро ҳамкорлик мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга оид Ташқи сиёсий масалаларни ҳадл қилишнинг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Зеро, ШХТ, ЕврАзЭС каби минтақавий ташкилотлар доирасида интеграция жараёнларнинг фаоллашуви ушбу ташкилотларга аъзо давлатлар миллий қонунчилигини бир-бири билан уйғунлаштиришга эҳтиёж туғилади. Бу эса, парламентлараро ҳамкорликни янада жадаллаштиришни тақозо этади. Бизнингча, бу борадаги алоқалар борган сари тизимий характер касб этиб боради ва парламент Ташқи сиёсий функцияларининг янада ривожланишига янада кўмаклашади. Бу жараён ҳамкорлик ташкилий шакллариининг миллий қонунчилик меъёрларининг уйғунлашуви, умумий ёндашуларни шакллантириш усуллариини яратиш, ижроия ҳокимият томонидан Ташқи сиёсий масалалан юзасидан парламент нуқтаи назарини инобатга олиш механизмларини ишлаб чиқиш йўлидан боради. Парламенлараро ҳамкорлик парламентнинг Ташқи сиёсатини амалга ошириш борасидаги мавқеини юксалтириш билан бир қаторда, турли мамлакатларда қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, давлатлараро интеграция сифатини янги босқичга кўтаришга, бир сўз билан айтганда, давлатнинг Ташқи сиёсий фаолиятининг демократиялашувига хизмат қилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ташқи сиёсат механизмлари.
2. Ташқи сиёсат механизмнинг институционал асосларини санаб беринг.
3. Ташқи сиёсий механизмни бошқаришда Президентнинг роли.

4. Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларини тузиш тўғрисидаги таклиф ким томонидан кўриб чиқилади?

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Америка Қўшма Штатлари. – Т., Тошкент Давлат Шарқшунослик Институтини нашриёти., 2003
4. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
5. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
6. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
7. Дипломатия Республикаси Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.
8. Мирқосимов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. Из-во Академия, 2004.

## **1.2. Ташқи сиёсий фаолиятни амалга ошириш ҳамда Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш органлари**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мамлакат Ташқи сиёсатини амалга оширувчи давлат органи ҳисобланади.

Вазирликнинг асосий вазифалари – Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитети тамойилини ҳаётга татбиқ этиш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ташқи сиёсий курсини амалга ошириш, хорижий мамлакатлар, халқаро ва минтақавий ташкилотларда Ўзбекистон Республикаси давлат манфаатлари ҳамда фуқаролари ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Вазирлик зиммасига юкланган вазифаларга биноан қуйидагиларни амалга оширади:

— ЎзРнинг Ташқи сиёсати стратегияси, унинг Ташқи сиёсий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суриш, шунингдек, давлатнинг халқаро фаолияти умумий муаммоларига доир масалалар бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

— вазирликлар, идоралар, муассасаларнинг халқаро алоқаларни ривожлантириш бўйича ишини мувофиқлаштиради;

— Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланишида халқаро молиявий, иқтисодий ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўрнатилишига ва бу алоқаларнинг кенгайишига кўмаклашади;

— бошқа мамлакатларнинг тегишли давлат органлари ва Ташқи сиёсий муассасалари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан музокаралар олиб боради ҳамда шартнома ва битимлар тузади;

— бу шартномалар ва битимлар асл матнларининг депозитлари ҳисобланади;

— тегишли давлат шартномалари ва битимларини ратификация қилиш учун белгиланган тартибда Олий Мажлисга тақдим этади;

— ЎзРнинг кучга кирган давлатлараро шартномалари ва битимларини рўйхатдан ўтказиш ёки ҳужжатлар йиғма жилдида сақлаш, рўйхатга киритиш ёки эълон қилиш учун БМТ котибиятига белгиланган тартибда юборади;

— ЎзР давлат шартномалари бўйича томонларнинг мажбуриятлари бажарилиши устидан назоратни таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

— ЎзР Президенти, Олий Мажлис Раиси, ЎзРнинг Бош вазири ва ЎзР Ташқи ишлар вазирининг хорижий давлатларга ташрифини ЎзРнинг давлат дипломатик протоколи тўғрисидаги Низомга мувофиқ, протокол жихатдан тайёрлайди ва ташкилий таъминлаш чора-тадбирларини кўради;

— халқаро конференциялар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар мажлислари ишида қатнашиш учун ЎзРнинг расмий делегацияларини тузади ва юборади;

— хорижий давлатларнинг расмий давлат делегацияларини қабул қилишни ташкил этади ҳамда сиёсий, дипломатик, протокол ва вакиллик ишларини олиб боради;

— иқтисодиёт, маданият, фан-техникани айирбошлаш ва савдо соҳасида ЎзРнинг вазирликлари ва идоралари, жамоат бирлашмалари ва фуқароларнинг халқаро алоқалари ривожланишига кўмаклашади;

— «Жаҳон» ахборот агентлиги орқали чет элда ЎзРнинг Ташқи ва ички сиёсати тўғрисида ҳолисона ахборот тарқалишига кўмаклашади;

— ЎзР вазирликлари, идоралари ва ташкилотларига дипломатик протокол соҳасида, улар томонидан элчихоналар ва бошқа хорижий ваколатхоналар билан алоқаларнинг амалга оширилишида кўмаклашади;

— ҳам республика ҳудудида, ҳам чет элда хорижий давлатлар, халқаро, ҳукуматлараро ва минтақавий ташкилотлар билан дипломатик ва консуллик алоқаларини амалга оширади;

— халқаро ҳуқуқ меъёрларига ва Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ бошқа давлатларнинг республика ҳудудидаги доимий дипломатик ваколатхоналари билан муносабатларни кўллаб-қувватлайди, дипломатик ваколатхоналар ходимларини аккредитация қилади;

— хорижий мухбирларни аккредитация қилади, ЎзРнинг Ташқи сиёсати тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш чора-тадбирларини кўради, бошқа давлатларнинг журналистлари билан брифинглар, матбуот конференциялари ва учрашувлар ўтказиши; хорижий давлатларнинг савдо ваколатхоналарини, халқаро сиёсий, иқтисодий ва молиявий ташкилотлар ва бирлашмаларнинг ваколатхоналари ва миссияларини аккредитация қилади, хорижий фирмалар, компаниялар ва ташкилотларни аккредитация қилиш тартибини белгилайди;

— ЎзР худудида хорижий ваколатхоналар ва халқаро ташкилотларнинг дипломатик ва консуллик иммунитетига риоя қилиш учун шароитлар яратади, халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ ўз функциялари бажарилишида уларга кўмаклашади;

— чет элда яшовчи ватандошлар билан алоқалар ва муносабатларнинг ривожланишига кўмаклашади;

— паспорт-виза ҳужжатларини расмийлаштиради; маҳаллий ва хорижий юридик шахслар ва фуқаролар учун ҳужжатларни талаб қилиш ва легализация қилиш ишини белгиланган тартибда юритади, фуқаролик ҳолати ва нотариал ҳужжатлари билан боғлиқ бўлган бошқа консуллик масалаларини ҳал этади;

— ЎзРга келувчи фуқароларни ЎзР фуқаролигига қабул қилиш масалалари бўйича тақдимномаларни кўриб чиқишда белгиланган тартибда қатнашади; Ташқи сиёсий фаолиятга тегишли бўлган масалалар бўйича қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқади, республика қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга доир таклифлар тайёрлайди.

Вазирлик ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эгадир – бошқа мамлакатларнинг тегишли давлат органлари, Ташқи сиёсий муассасалари ва дипломатик ваколатхоналари билан ўз ваколати доирасида музокаралар олиб бориш ҳамда давлат номидан улар билан расмий ёзишмаларни амалга ошириш;

— ЎзР вазирликлари, идоралари, ташкилотлари, муассасалари ва корхоналаридан Ташқи сиёсий ва Ташқи иқтисодий фаолият масалалари бўйича сўровлар юбориш ва маълумотлар, таклифлар, хулосалар ҳамда бошқа зарур материалларни олиш;

— мувофиқлаштирувчи, илмий-услубий ва бошқа кенгашлар, идоралараро эксперт комиссияларини тузиш, шунингдек, Ташқи сиёсий фаолият муаммолари бўйича махсус кенгашлар чиқариш;

— зарур бўлганда халқаро муносабатлар соҳасида таклифлар, хулосалар ва таҳлилий материаллар тайёрлаш учун олимлар, мутахассислардан иборат вақтинчалик ишчи гуруҳларини тузиш;

— хорижий мамлакатлар билан ўзаро ҳамкорлик асосида зарур ахборотни айирбошлашни белгиланган тартибда амалга ошириш, бунинг учун тегишли вазирликлар, идоралар ва ташкилотлардан талаб этилаётган материалларни олиш;

— Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетига раҳбарлик қилиш.

Вазирлик тизимида марказий аппарат, элчихоналар, миссиялар, бош консуллик ва консулликлар, халқаро ташкилотлар қошидаги ваколатхоналар, дипломатик сервис хизмати, хўжалик ҳисобидаги тузилмалар қиради.

Ташқи ишлар вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва Олий Мажлис томонидан тасдиқланади. Вазир вазирлик ва унинг қошидаги ташкилот ва муассасалар фаолиятига раҳбарлик қилади; Ўзбекистон Республикаси Президентининг топшириғига кўра, давлат номидан хорижий мамлакатда музокаралар олиб боради ҳамда Ўзбекистон Республикаси номидан шартномаларни имзолайди; вазирлик ваколатидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади; хорижий делегация ва расмий шахсларни қабул қилади; Вазирлик барча бўлинмалари ва ходимлари учун бажарилиши шарт бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради, топшириқлар беради; вазирлик зиммасига ва ўзига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради, вазир ўринбосари махсус топшириқлар бўйича элчилар, марказий аппарат тузилмалари раҳбарининг мусъулият доирасини белгилайди; ходимлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида марказий аппаратнинг штат жадвалини тасдиқлайди, зарур таркибий тузилмаларининг низомлари ҳамда вазирлик ходимлари ҳамда вазирлик қошидаги муассаса ва ташкилот раҳбарларини хорижий сафарларга ҳамда марказий аппаратга ишлашга жўнатиш масаласини ҳал қилади; вазирлик марказий апаратыни ҳамда унинг қошидаги ташкилотлар харажатлар сметасини

тасдиқлайди; иш ҳақи фонди доирасида вазирлик аппарати ходимларининг ойлик маошига қўшимча ҳақ белгилайди.

Вазир ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тайинланади. Улар ўртасидаги вазифалар тақсимоти вазир томонидан белгиланади.

Махсус топшириқлар бўйича элчилар вазир тавсиясига биноан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан тайинланади.

Вазирликда вазир (раис), вазир ўринбосари ТИВ таркибий тузилмаларининг айрим раҳбарларидан иборат коллегия тузилади.

Дипломатик ваколатхоналар вазирлик раҳбарлигида фаолият юритади ва қуйидаги вазифаларни бажаради:

— чет эл мамлакатларида Ўзбекистон Республикасининг вакили ҳисобланади;

— хорижий давлатдаҳалқаро ҳуқуқ, ушбу давлат билан тузилган иккитомонлама шартнома ва келишувлар, шунингдек, ҳар икки давлат иштрокчисибўлган кўп томонлама шартномалар доирасида Ўзбекистон Республикаси ва унинг фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш;

— хорижий давлат ҳукумати ва унинг бошқа ташкилотлари билан музокаралар олиб бориш;

— ўзлари жойлашган давлат Ташқи ишлар вазирлиги ҳамда ушбу давлатда аккредитация қилинган чет эл ваколатхоналир билан доимий алоқаларни боғлаш;

— мавжуд қонуний воситалар асосида ўзлари жойлашган мамлакатда рўй берган воқеа-ҳодиса ҳақида вазирлик орқали ўз давлати раҳбариятини баҳобар қилиш;

— ўзлари жойлашган мамлакатнинг Ўзбекистон билан дўстона муносабатлар ўрнатилиши, икки давлат ўртасида сиёсий, иқтисодий ва маданий соҳаларда ўзаро фойдали алоқаларнинг ривожланишига интилиш.



Халқаро ташкилотлар қошидаги ваколатхоналар Ўзбекистон республикаси номидан фаолият юритиб, юридик шахслар ҳамда мамлакатимиз фуқароларининг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилади.

Миссия ёки ваколатхона раҳбари тегишли вазирлик ва муассасалар билан келишилган ҳолда Ташқи ишлар вазирлигининг тавсияси билан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади. Мамлакатимизнинг хорижий ваколатхоналари ва улардаги ходимлар сони ўрнатилган дипломатик муносабатлар ҳамда ушбу масалаларга доир келишувларга мувофиқ тарзда белгиланади.

Дипломатик ваколатхоналар раҳбарлари, элчихоналар дипломатик персонали, миссия ва консулликлар, Ўзбекистон Республикаси ТИВ марказий аппарати ходимларига қуйидаги дипломатик мақом берилади:

- Фавқулодда ва Мухтор Элчи;
- биринчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил;
- иккинчи даражали Фавқулодда ва Мухтор вакил;
- биринчи даражали Маслаҳатчи;
- иккинчи даражали Маслаҳатчи;
- биринчи даражали Биринчи котиб;
- иккинчи даражали Биринчи котиб;
- биринчи даражали Иккинчи котиб;
- иккинчи даражали иккинчи котиб;
- Учинчи котиб;
- Агташе.

Элчихоналар, миссиялар, халқаро ташкилотлар ҳузуридаги доимий ваколатхоналар ва консулликлар, Ўзбекистон Республикаси ТИВ марказий аппарати ходимларига дипломатик даража берилаётганда, ижобий аттестация, ихтисосликка кўра олий маълумот, эгаллаб турган лавозим, иш стажи ва бошқа малакавий унвонлар инобатга олинади.

Фавқулудда ва Мухтор Элчи, биринчи ва иккинчи даражали Фавқулудда ва Мухтор Вакил дипломатик даражаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан берилади.

Биринчи ва иккинчи даражали Масалаҳатчи, биринчи ва иккинчи даражали биринчи котиб, учинчи котиб ва атташе дипломатик даражаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири буйруғи билан берилади.

Ташқи ишлар вазирлиги Ташқи сиёсат механизмининг ғоят муҳим бўғини сифатида барча умумий масалаларни ҳал этишда тайёргарлик ва ташкилий ишларни амалга оширади.

Шу билан бир қаторда, Ташқи сиёсат механизми тузилмасида Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳам алоҳида ўрин тутди.

Мазкур вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ташқи иқтисодий ва савдо алоқалари, хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида бошқарув тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2005 йил 21 июлдаги Фармонига асосан қайта ташкил қилинди.

Ушбу Фармонга асосан қуйидагилар вазирликнинг асосий вазифалари этиб белгиланган:

— Ташқи иқтисодий фаолият, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестициялар жалб этиш, Ташқи савдони эркинлаштириш, Ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида ягона давлат сиёсати ўтказилишини таъминлаш;

— жаҳон товарлар (капиталлар, хизматлар) бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ички ва Ташқи бозорлар истиқболларини ҳамда самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг аҳволини чуқур таҳлил этиш ва ривожланишини прогнрз қилиш, хорижий шериклар билан узок муддатли, барқарор савдо-иқтисодий муносабатларни ўрнатишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

— иқтисодиётни ривожлантириш ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, мамлакатимиз Ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш;

— ЎзРнинг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан ўзаро манфаатли асосда иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлаш;

— қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва республика иқтисодиётига хорижий инвестициялар жалб этилишига кўмаклашиш, инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилиши мониторингини амалга ошириш, хорижий инвесторларга зарур ахборот ёрдами кўрсатиш.

Зиммасига юклатилган вазифага кўра, вазирлик қуйидаги функцияларни амалга оширади:

а) Ташқи иқтисодий фаолият, экспортни ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, Ташқи савдони эркинлаштириш, Ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш соҳасида:

— Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш соҳасида давлат бошқарув идоралари фаолиятини мувофиқлаштиради;

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий ривожланишининг асосий йўналишлари, Ташқи савдо асосий кўрсаткичларини шакллантириш, мамлакатнинг валюта ва божхона-тариф сиёсатини такомиллаштиришда иштирок этади;

— Ташқи иқтисодий фаолият амалга оширишда тенг ҳамкорлик ва эркинлик тамойилларига асосланган шарт-шароитларни вужудга келтиришда иштирок этиш;

— товарлар халқаро савдоси соҳасида, жумладан, қишлоқ хўжалик, енгил саноат, фуқаролик авиатехникаси, хизматлар, интеллектуал мулк савдоси,

давлат хариди, Ташқи савдода санитар, фитосанитар ва техник чораларни қўллаш борасида давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради;

— инвестицион муҳитнинг яхшиланиши ҳамда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштириш борасида манфаатдор вазирлик ва муассасалар билан биргаликда чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади ва бу соҳадаги ишларни доимий таҳлил этиб боради;

— мамлакат иқтисодиёти ва экспорт имкониятларини ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни жалб этиш борасида халқаро молия институтлари ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини аниқлаш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритиш;

— хорижий инвесторлар билан ишлаш ҳамда чет эл инвестицияларини жалб этиш бўйича давлат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— манфаатдор вазирлик ва муассасалар билан ҳамкорликда махсус иқтисодий ҳудудлар бўйича давлат сиёсати шакллантириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқади;

— ўз ваколати доирасида Ташқи иқтисодий фаолият соҳасидаги қонунчиликка шарҳлар ва тушунтиришлар беради;

— Ўзбекистон Ташқи савдо инфратузилмасини ривожлантириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқади ва амалга оширади;

— Минтақавий иқтисодий интеграцияни амалга ошириш юзасидан тегишли таклифларни ишлаб чиқади;

— Ташқи савдони либераллаштириш, Ташқи савдо алоқаларини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

— вазирликлар, муассасалар, хўжалик субъектлари билан биргаликда халқаро савдо-саноат кўргазмалари, ярмарка, форум, тадқиқот, конференцияларни Ўзбекистонда ва хорижий давлатларда ташкил этади, реклама-ахборот фаолиятини юритади;

— Ташқи иқтисодий алоқалар бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш, қисқа ва узоқ муддатли хорижий амалиёт ва семинарлар, Вазирликнинг ўқув марказида ўқувни ташкил этади;

б) жаҳон товар (капитал, хизматлар) бозорини ўрганишга оид комплекс маркетинг тадқиқотлари, ички ва Ташқи истеъмол бозорларининг уларнинг истиқболи ва самарадорлигини инобатга олган ҳолда чуқур таҳлил этиш, хорижий ҳамкорликлар билан узоқ муддатли ва барқарор савдо-иқтисодий муносабатлар ўрнатишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида:

— Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларининг хорижий ҳамкорлар билан узоқ муддатли, барқарор муносабатларини йўлга қўйиш мақсадида жаҳон товарлар (сармоя, хизматлар) бозорларини ўрганади;

— Ташқи иқтисодий алоқалар, халқаро товарлар соҳаси, хорижий мамлакатлардаги иқтисодий вазият ҳолатини таҳлил этади; конъюнктурани ўрганиш асосида жаҳон маҳсулот ва хизматлар бозори ривожига тенденцияларини прогноз қилади;

— Ташқи ва ички истеъмол бозорларининг истиқболи ва самарадорлигини инобатга олган ҳолда уларнинг ҳолати ва ривожини чуқур таҳлил этади;

— мамлакат хўжалик субъектларининг Ташқи бозорларга чиқиши учун шарт-шароит яратиш борасида чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

— Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва Вазирлар Маҳкамасини Ташқи иқтисодий алоқалар масалалари бўйича ахборот таъминотани амалга оширади;

— Мамлакат экспорт маҳсулотларининг жаҳон бозоридаги ривожини қисқа, ўрта ва узоқ муддатли сценарийларини ишлаб чиқади ҳамда илмий тадқиқотларни олиб боради;

— Ташқи иқтисодий алоқалар субъектларига ҳуқуқий, молия-кредит, нархлар ва валюта, Ташқи бозорнинг экспорт қилинаётган маҳсулот сифати ва техник кўрсаткичларига оид талаблари бўйича маслаҳатлар беради;

— Мамлакат хўжалик субъектлари Ташқи иқтисодий фаолиятига, хорижий ҳамкорликни излаб топиш ҳамда уларнинг ишончилиги, обрў-эътибори ҳамда улар билан узок муддатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга кўмаклашади;

— Корхоналардаги маркетинг хизматини ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият юритишига методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

— Ташқи савдо инфратузилмасининг жаҳон электрон савдо тизимига уйғунлашуви, миллий маҳсулот ишлаб чиқарувчилар ва экспортёрларнинг Интернет глобал тармоғидаги иштирокини кучайтириш, Ўзбекистон Республикаси ТИФ (Ташқи иқтисодий фаолият) ахборот марказини ташкил этиш борасида дастурлар ва чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади;

— Электрон тижорат соҳасида савдо сиёсатини шакллантиришда иштирок этади, давлат бошқаруви ва жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиради;

в) мамлакат иқтисодиёти рақобатбардошлилигини ошириш ва унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви, республика экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларининг амалга оширишга кўмаклашиш, Ташқи иқтисодий фаолият маҳаллий субъектлари ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш соҳасида;

— хорижий давлатлар бозорларининг маркетинг тадқиқотлари асосида экспорт қилишга мўлжалланган янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

— тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, маҳаллий хом ашё асосида импортни ўрнини босадиган эҳтиёт қисмлар ва материаллар ишлаб чиқариш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади, мамлакатда

ишлаб чиқараётган маҳсулотлар ва хизматлар сифатини оширишга қаратилган концепция ҳамда дастурларни ишлаб чиқишда қатнашади;

— биринчи галда кооперация алоқаларини ривожлантиришни талаб этадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи турли гуруҳлар иқтисодий манфаатларини мувофиқлигини таъминлайди;

— экспорт салоҳиятини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлайди;

— Ташқи истеъмол бозорларининг эҳтиёж ва талабларини ўрганади, экспорт стратегияси, шунингдек, экспорт номенклатураси ва ҳажмини кўпайтириш, экспорт молиялаштириш механизмини такомиллаштириш, миллий маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг нафақат анъанавий экспорт номенклатураси савдосида янги услуб, воситаларни жорий этиш ва шарт-шароитларни оптималлаштириш, балки маҳсулотлар янги турларини экспорт қилиш борасидаги чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқади;

— экспортнинг турли механизм ва схемалари, Ташқи бозорлар талаби ҳамда маҳаллий моддий хом ашё захираларидан тўлиқ фойдаланиш ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш борасида тавсиялар ишлаб чиқади;

— Ташқи иқтисодий сиёсат масалалари юзасидан манфаатдор вазирлик ва муассасалар билан биргаликда транспорт коммуникациялари, Ташқи савдо юкларини ташишни такомиллаштириш, республика коммуникация тизимини халқаро транспорт коммуникациялар тизимига уйғунлаштиришга қаратилган янги транспорт маршрут ва йўлларини излаб топиш бўйича таклиф ишлаб чиқади;

— маркетинг тадқиқотларини амалга оширади ва миллий экспортнинг бутун номенклатураси бўйича маркетинг ва тахлилий маълумотномалар тайёрлайди;

— мамлакат экспорт сиёсати ва экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тадбирларини

мувофиқлаштиради ҳамда экспорт қилувчи корхоналарни иқтисодий жиҳатдан рағбатлантириш бўйича таклифлар киритади;

— экспорт қилинаётган маҳсулот миқдори ва сифатини эксперт баҳолаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

— республика корхоналари, шу жумладан, кичик бизнес корхоналари томонидан экспорт учун ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни сотишни ташкил этишда қатнашади ҳамда Ташқи бозорларда маркетинг тадқиқотлари ўтказишда уларга кўмаклашади;

— давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан тақдим этилаётган маълумотлар асосида экспорт-импорт соҳасида белгилаб олинган ишларнинг боришини мониторинг қилади ва таҳлил этиб боради, натурал ва нархларда ифодаланган экспорт ва импорт самарадорлиги, трапорциялари ҳамда суръатларини прогноз қилади ва уларни аниқлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

— ишлаб чиқариш ва муҳим маҳсулотларни жумладан, пахта толаси, рангли металллар ва бошқа экспортбоп товарларни етказиб бериш балансларини тузишда иштирок этади;

— юридик шахслар, хусусан, хорижий инвестор ва корхоналар томонидан келтирилаётган товарларни, экспортга чиқараётган маҳаллий маҳсулотларни мустақил равишда сертификация қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ҳамда маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш технологик жараёнида қўлланадиган технологик асбоб-ускуна, эҳтиёт қисмлар, материал ва компонентлар бўйича хулосалар берилади;

— давлат томонидан Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш, экспорт-импортни лицензиялаштириш, экспорт-импорт контрактлари, бошқа савдо-иқтисодий шартномаларни қайд этиш ва ҳисобга олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга оширади;



— Вазирлар Маҳкамасига маҳсулотларни экспорт ва импорт қилишни миқдоран чеклаш, экспорт ёки импорт қилинаётган маҳсулот айрим турларига давлат монополиясини ўрнатиш, шунгдек, товарларни олиб кириш ва олиб чиқиш бўйича ҳимоявий, компенсацион, демпингга қарши ва бошқа чоратadbирларни жорий этиш борасида таклифлар киритилади;

— ҳимоя чоралари, демпингга қарши ва компенсацион божлар киритилишидан олдин белгиланган тартибда суруштирув ишларини амалга оширади;

— ихтисослашган Ташқи савдо ва транспорт компаниялари фаолиятини мувофиқлаштиради;

— ихтисослашган Ташқи савдо компаниялари томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотлари экспортини прогнозининг бажарилишини мониторинг қилиб боради;

— ихтисослашган Ташқи савдо компаниялари томонидан ўз маблағлари ҳамда Ташқи савдо инфратузилмалари объектлари сармоялари эвазига Ташқи иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларида кўшма корхоналарнинг ташкил этилиши, маҳсулот ортишдан олдин экспанция тизимини ривожлантириш дастурларида иштирок қилишни мувофиқлаштиради;

— Ўзбекистон Республикасининг хориждаги вакиллигини таъминлайди ва унинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилади, халқаро ва хорижий ташкилотлар томонидан ўтказиладиган тадбирларда Ўзбекистон Республикаси вакилларининг иштирок этишига кўмаклашади;

— Ўзбекистон Республикасига нисбатан чекловлар киритган ёки республика хўжалик субъектлари олидидаги мажбуриятларини кўнгилдагидек бажармаган хорижий давлатлар компаниялари рўйхатини юритади; Ташқи иқтисодий фаолият субъектларига ушбу рўйхат мазмуни бўйича мслаҳатлар бериб боради;

— давлат бюджети маблағлари, унинг Ташқи кредитлари ёки ҳукумат кафолати билан молиялаштириладиган контрактлар, шунингдек, қонунчиликда

белгиланган тартибда ва экспорт қилинаётган маҳсулотлар айрим турларига нисбатан Ташқи савдо нархлари, тижорат, валюта ҳамда тўлов шартномалири устидан назоратни амалга оширади;

— халқаро иқтисодий низоларни ҳал этиш бўйича таклифлар киритади, Ўзбекистон Республикаси хўжалик субъектларга хорижий мамлакатлар чет эл юридик ва жисмоний шахсларга Ўзбекистон Республикасида мавжуд хўжалик келишмовчиликларини судгача ҳал қилишда кўмаклашади;

— Ўзбекистон Республикаси худуди орқали хавфли юклар, ҳарбий қурол-аслаҳа, асбоб-анжом, портловчи моддаларни транзит сифатида ўтилишини назорат қилади ва бу борада тегишли хулосалар тайёрлайди;

— Белгиланган ҳолатларда маҳсулотни Ўзбекистон божхона худуди ёки унинг ташқарисида қайта ишлаш жараёнини техник-иқтисодий жиҳатдан асослашни келишади;

— Маҳсулотларнинг Ўзбекистон божхона худудидан ташқарида қайта ишланиши унинг иқтисодий манфаатларига зарар етказмаслиги тўғрисида белгиланган тартибда хулосалар беради;

— Экспорт фаолиятини рағбатлантиришга оид халқаро тажриба ҳамда амалдаги қонунчиликка таянган ҳолда экспорт салоҳиятини кучайтиришнинг қонунчилик асосларини янада такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритади;

г) Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молия институтлари, халқаро ҳуқуқнинг бошқа субъектлари билан ўзаро манфаатли иқтисодий молиявий ҳамкорликни таъминлаш соҳасида:

— Ўзбекистон Республикасининг Ташқи иқтисодий соҳада хорижий давлатлар, халқаро ва ҳукумат ташкилотлари билан ҳамкорлигининг устувор йўналишларини шакллантириш борасида таклифлар ишлаб чиқади;

— Хорижий давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан Ташқи иқтисодий фаолият масалалари бўйича, хусусан, савдо-иқтисодий, инвестицион, молиявий, солиқ, транспорт коммуникация, илмий-техникавий ва ҳ. ҳамкорлик соҳасида

Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари лойиҳаларини келишган ҳолда Вазирлар Маҳкамасига киритади;

— Ўзбекистон Республикасининг хориждаги савдо ваколатларини очиш ва ёпиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритади;

— Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг топшириғига биноан музокаралар ўтказди ва халқаро шартномалар тузади, шунингдек, хорижий давлатларнинг Ташқи иқтисодий фаолият органлари, фирмалари, компаниялари, корхоналари ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ҳақида келишиб олади;

— Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари бўйича тарафларнинг ўз мажбуриятини бажарилишини мониторинг қилади;

— хорижий давлатлар ва халқаро молиявий институтлардан техникавий, инсонпарварлик, беғараз ёрдам олиш жараёнини мувофиқлаштиради;

— Халқаро Савдо ташкилоти (ТАТТ/ХСТ) билан ишлаш бўйича идоралараро комиссия котибияти вазифасини бажаради, мамлакатнинг ТАТТ/ХСТ аъзо бўлиши, хусусан, миллий қонунчиликни ТАТТ/ХСТ меъёр ва қоидаларига мослаштириш билан боғлиқ тадбирларни амалга оширади министрлик ва идоралар ўртасида алоқаларни таъминлайди;

— Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий мамлакатларга давлат ташрифи билан боғлиқ ахборот-тахлилий, шартномавий-ҳуқуқий, ташкилий жиҳатдан таъминлашда иштирок этади;

— хорижий давлатлар билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг (қўмита кегнгаш) ўзбек тарафи котибияти вазифасини бажаради;

— Ташқи иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича хорижий делегацияларнинг Ўзбекистон Республикасига ташриф буюриши, хусусан, кутиб олиш ва кузатиш, делегация аъзоларига виза олиш ёки узайтириш, меҳмонхонага жойлаштириш, транспорт хизмати, музокаралар, бизнес-семинарлар,

конференциялар, мамлакат бўйича сафарларни ташкил этиш бўйича чоратadbирлар мажмуини амалга оширади;

— Ташқи ишлар вазирлиги билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги элчихоналарига иқтисодий маслаҳатчилар сифатида ўз вакилларини жўнатади;

д) қулай инвестицион муҳитни шакллантириш, мамлакатга хорижий инвестицияларни жалб этиш, инвестицион лойиҳаларнинг бажарилишини мониторинг қилиш, хорижий инвесторларга зазур ахборот кўмагини кўрсатиш соҳасида:

— тўғридан-тўғри хорижий инвестиция оқимини таҳлил қилади, чет эл сармояларини жалб этиш ва рағбатлантириш жаҳон тажрибасини ўрганиб умумлаштиради;

— хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди;

— иқтисодиёт тармоқлари ва минтақалар ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш, хорижий инвестиция ва кредитлар ҳажми ва кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилишда иштирок этади;

— ўта муҳим стратегик дастурлар ва устувор лойиҳаларни амалга оширишга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, Ташқи кредитларни жалб этади, корхона ва ташкилотлар тақдим этган маълумотлар асосида улардан самарали фойдаланиш мониторингини амалга оширади;

— ўз ваколати доирасида хорижий мамлакатларнинг давлат, банк ва тижорат кредитларини жалб этиш, валюта маблағларидан оқилона фойдаланиш ва ҳукумат томонидан кафолатланган кредитларнинг қайтарилишини таъминлаш, уларнинг ҳисоб-китобини амалга ошириш ишларида иштирок этади, шунингдек, унга бўйсунадиган Ташқи иқтисодий ташкилотларга кредитлар ҳисобига операцияларни амалга оширишни топширади;

— жалб этилаётган инвестицияларни иқтисодиёт тармоқлари ва мамлакат минтақалари бўйича оптимал жойлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлайди;

— мамлакат учун муҳим аҳамият касб этган инвестицион лойиҳаларнинг амалга оширилишига хорижий молия тузилмалари, институтлари ва донор мамлакатлар жалб этиш борасида таклифлар, истиқболли ва жорий дастурларни ўрганади, умумлаштиради ва амалиётга жорий этади;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ва самарадорлигини баҳолаш тадбирларида иштирок этади, инвестиция жараёни самарадорлигини ошириш ҳамда устувор инвестиция лойиҳалари портфелини янгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритади;

— устувор инвестиция лойиҳаларини шакллантиришда иштирок этади; узок муддатли прогнозлар, иқтисодий ривожланиш устуворликлари ва тузилмавий ўзгаришлар, шунингдек, ҳукумат томонидан ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш йўналишлари асосида халқаро молия тузилмалари хорижий молиявий ва суғурта институтлари ҳамда донор-мамлакатлар билан биргаликда ушбу лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади;

— тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун иқтисодиётнинг устувор секторлари ва энг муҳим ишлаб чиқариш соҳалари рўйхатини аниқлаш бўйича таклифлар тақдим этади, йирик корхоналарни хусусийлаштириш конкурсларини ташкил этишда иштирок этади;

— инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, жумладан, инвестиция шартномаларига амал қилиш устидан назорат ҳамда мониторинг қилиб беради;

— белгиланган ҳолатларда инвестиция лойиҳаларининг техник-иқтисодий жиҳатдан асосланишини экспертиза қилади;

— хўжалик субъектларининг Ўзбекистон Республикасининг ташқарисидаги инвестиция фаолиятини бошқариш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

— хорижий инвестицияларни жалб этиш масалаларида Ташқи иқтисодий фаолият субъектларини зарур маълумотлар билан таъминланишига кўмаклашади;

— бўлғуси хорижий инвесторларни мамлакат инвестиция имкониятлари, амалга оширилаётган лойиҳалар, қонунчилик ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди;

— бўлғуси инвесторлар ва донор-мамлакатлар билан доимий алоқаларни ўрнитиш ва мустаҳкамлаш мақсадида ҳамда ўзаро қизиқиш уйғотган масалаларни муҳокама этиш учун республика ва унинг ташқарисида халқаро конференциялар, семинар ва бизнес-анжуманларни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни мувофиқлаштиради;

— бўлғуси инвесторларни маҳаллий хўжалик субъектлари инвестиция таклифлари, жумладан, лойиҳаларнинг асосий кўрсаткичлари ва талаб этиладиган инвестиция ҳажми тўғрисида, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги савдо-иқтисодий маслаҳатчилари, махсус ахборот ресурслари (Интернет, турли нашрлар ва ҳоказо) орқали хабардор қилади ва бу борада маълумотлар базасини яратади;

— ТАТТ/ХСТ тамойилларига биноан, маҳсулот ортилишидан олдин инспекция фаолиятини ташкил этишни мувофиқлаштиради.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигини бошқарадиган вазир зиммасига қуйидаги вазифалар юкланади:

— вазирлик фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади ҳамда вазирлик зиммасига юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун шахсан жавобгардир;

— вазирлик тузилмаларига ўзгартириш киритади, белгиланган умумий миқдор доирасида марказий аппарат штат жадвали ҳамда харажатлар сметасини тасдиқлайди;

— белгиланган тартибда вазирлик марказий аппарати ва ҳудудий бўлинмалар ходимларини ишга тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади;

— белгиланган тартибда марказий аппарат бўлинмалари, вилоятлар, Тошкент шаҳри, Қорақолпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари Низомларини тасдиқлайди.

Ушбу вазирлик “Ўзинтеримпекс”, “Узмарказимпекс”, “Узпромташимпекс”, “Марказсаноатэкспорт”, “Ўрта Осиё Транс”, “Ўзбекэкспертиза”, “Ўзэкспоцентр” акционер компанияларининг давлатга тегишли акцияларини бошқаради.

Вазирлик ҳузурида Ташқи иқтисодий фаолиятни ахборот таъминоти Ташқи бозорлар маркетинги ва моддий рағбатлантириш Фонди фаолият юритади.

Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги таркибига қуйидагилар киради:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги.

2. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар бошқармалари.

3. “Ўзбек экспертиза” ОАЖ

4. “Ўзбектендерконсалтинг” Агентлиги

5. “Ўзэкспоцентр” РТВЦ

6. “Интерсервис” РХВД

7. “Ўзинкомцентр” УВИКЦ

8. “Интерстрой” РВХФ

9. “Халқаро Ҳамкорлик Маркази” АЖ

10. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида кадрлар малакасини ошириш маркази

11. “Деловой партнёр” газетаси.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ташқи ишлар вазирлигининг асосий вазифалари.

2. Ташқи ишлар вазирлигининг қандай ҳуқуқлари мавжуд.

3. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазири зиммасига қандай вазифалар юкланади.

## Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.
4. Америка Қўшма Штатлари. – Т., Тошкент Давлат Шарқшунослик Институтини нашриёти., 2003
5. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
6. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
7. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
8. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
9. Дипломатия Республикаси Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.
10. Мирқосимов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. Из-во Академия, 2004.

### **1.3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари**

Ташқи сиёсий фаолиятнинг асосий тамойиллари Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида ифода этилган. Улар муҳим Ташқи сиёсий қарорларни қабул қилишда асос сифатида хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг бош тамойили – мамлакат суверенитетини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир.

Мамлакат суверенитети – миллий мафкура ва миллий манфаатларга таянган ҳолда Ташқи ва ички сиёсат соҳасида қабул қилинаётган қарорлар



асосини ташкил этувчи етакчи тамойил сифатида намоён бўлади. Бинобарин, суверенитет олий кадрият, миллий давлатчиликни асоси сифатида либерал-демократик жамият талаблари орқали англанади, талқин этилади, шу билан бирга, суверенитет халқаро муносабатлардаги интеграцион жараёнлар иштирок этмасликка, алоҳидалик (изоляция) сиёсатини амалга ошириш, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойил ва меъёрларини бажаришдан бош тортиш, умумдунёвий ва минтақавий нуқтаи назардан хавфсизлик, барқарорлик ва фаровонлик манфаатларини инкор этишга асос бўла олмайди.

Суверенитет устуворлиги тамойили миллий манфаатлар устуворлигига таянган ҳолда халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилишга масъулият билан ёндошув; жаҳон ҳамжамиятига очиқлик; бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик; миллий давлатчиликни шакллантириш, ҳуқуқий давлат ҳамда фуқаролик жамиятини барпо этишда ўзига хос ва ўзига мос йўлни танлаш ҳуқуқини англатади. Мустақил тараққиёт йўлидан бораётган республика учун бу айниқса муҳим аҳамият касб этади. Шу ўринда истиқлолнинг дастлабки йилларида Президент Ислон Каримов масаланинг ана шу жиҳатига тўхталиб, “Ўзининг халқаро обрў-эътиборини қозониш ва мустаҳкамлаш, халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида ўзини қарор топтириш учун кўп ишларни қилиш, баъзан эса умуман бошидан бошлашга ҳам тўғри келади” (Каримов И.А. Ўзбекистон; миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1993, 50-бет).

Суверенитет тамойили давлатга халқаро ҳуқуқнинг бирламчи субъекти бўлишига имкон яратади. Зеро, давлат мустақил ва ўз-ўзини бошқарадиган тузилма сифатида ҳеч кимни Ташқи иродасига боғлиқ эмас. Суверенитетга эга бўлмаган давлат халқаро ҳуқуқ субъекти бўла олмайди. Чунки универсал характерга эга бўлган бундай давлатнинг халқаро ҳуқуқ тартиботини шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш, халқаро ҳуқуқ меъёрларини ишлаб чиқиш, ҳуқуқларга эга бўлиш ва уларни амалга оширишда тўлиқ иштирок этиш, зиммасига олган мажбуриятларни бажара олиш қобилиятини англатади.

Давлат ҳуқуқнинг бирламчи субъекти сифатида асосий (фундаментал) ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Қуйидагиларни унинг асосий ҳуқуқлари сирасига киритиш мумкин: давлатларнинг суверен тенглиги; мустақил бўлиш ҳуқуқи; ўз худудида ҳукмронлик қилиш; яқка тартибда ёки коллектив ҳимояланиш ҳуқуқи. Давлатнинг мажбуриятлари сифатида қуйидагиларни эътироф этиш мумкин: бошқа давлатлар суверенитетини ҳурмат қилиш; бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик; куч билан таҳдид қилишдан воз кечиш; тинчлик ва халқаро хавфсизликни сақлаш; халқаро иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш; инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш; атроф-муҳитни муҳофаза этиш.

Мамлакатимиз Ташқи сиёсатининг тамойиллари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Конституцияга биноан, Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, низоларни тенг, музокара йўли билан ҳал этиш, бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашмаслик ҳамда халқаро ҳуқуқнинг бошқа давлатлараро тузилмаларига аъзо бўлиш, шунингдек, давлат ва халқнинг олий манфаатлари, унинг фаровонлиги ва хавфсизлигидан келиб чиқиб бундай иттифоқ ва тузилмалардан чиқиши мумкин.

Юқорида зикр этилган тамойил ва меъёрлар халқаро ҳуқуқнинг асосини ташкил этади. Улар табиати жиҳатидан универсал, умумэътироф этилган ва императив тамойиллардир. Бу уларнинг халқаро ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятидан келиб чиқади ҳамда БМТ Уставида мажбурий ҳуқуқий меъёр сифатида эътироф этилади. Шу боис халқаро ҳуқуқнинг бошқа тамойиллари ва халқаро ҳуқуқнинг бошқа тамойиллари ва халқаро шартномалар ушбу мажбурий меъёрларга зид келмаслиги керак.

Ушбу меъёр ва тамойилларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ифодаланиши иски ва Ташқи сиёсат мақсад ҳамда вазифаларининг уйғун ҳолда амалга оширилаётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлаш энг муҳим, комплекс вазифа ҳисобланади. Зеро, у ҳуқуқий давлат фуқаролик жамиятини барпо этиш бозор иқтисодиётини вужудга келтириш, аввало, Ўзбекистон фуқароларига муносиб турмуш даражасини таъминлашга қаратилгандир. Мазкур масалани ҳал этишнинг Ташқи сиёсий омиллари эса мамлакатимизнинг халқаро муносабатларда тўлақонли иштирок этиши, ўз суверенитетини янада мустаҳкамлашга қаратилган интилишларида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясини қабул қилиш арафасида Президент Ислом Каримов “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида бу ҳақда шундай деган эди: “Ўзбекистоннинг миллий манфаатларига мос келадиган кўп томонлама фаол Ташқи сиёсатини амалга ошириш – давлатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, иқтисодий қийинчиликларни бартараф этиш ва халқ турмушини яхшилашнинг зарур шарти ва ғоят муҳим воситасидир” (Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т., “Ўзбекистон”, 1993, 50-бет).

Суверен тенглик тамойили бошқа давлатларнинг ўзига хослигини тан олиш, мустақиллиги, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий тизимини, шунингдек, ички қонунчилигини шакллантириш ва ривожлантириш ҳуқуқини ҳурмат қилишни англатади. Ўзбекистон истисносиз барча давлатлар ҳуқуқ ва мажбуриятларининг тенглигини конституция даражасида эътироф этади.

Глобаллашув жараёни тобора жадаллашиб бораётган даврда суверен тенглик тамойили янгича маъно ва аҳамият касб этмоқда. Жумладан, ҳуқуқий таъриф ҳамда баҳо бериш анча қийин бўлган тенгсизлик ҳолатлари, яширин шаклларда бўлса-да, сақланиб қолмоқда. Бу ўринда масала айрим миллий иқтисодиётларнинг ривожланган давлатларга нисбатан рақобатбардошлигини заифлигигина эмас, балки илмий-технологик, ҳарбий-сиёсий, ижтимоий-

маданий, табиий-иқлимий ривожланишдаги фарқланишга бориб тақалади. Шу маънода, давлатлар ўртасидаги тенгсизликни бартараф этишнинг ягона йўли – халқаро ҳуқуқнинг аҳамияти суверен тенглик тамойилини амалга оширишда давлат фаоллигини кучайтиришдир.

Ушбу тамойил халқаро муносабатларнинг бошқаришнинг етакчи омили бўлган халқаро ҳуқуқ мавжудлигининг асосини ташкил этади. Суверенитетни тенгликсиз тасаввур этиб бўлмайди ва аксинча. Зеро, тенгликсиз давлатлар ўртасида, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, тенгсизликнинг намоён бўлиши, гегемонизм ва бир томонлама ҳукмронлик тенденцияларининг вужудга келиши халқаро муносабатлар тизими барқарорлигига жиддий таҳдид солади. Шу билан бир қаторда, мазкур тамойилни мураккаб давлат тузилмаларининг таркибий қисмлари ҳамда федерал давлатлар субъектларига нисбатан қўлланмайди.

Суверен тенглик тамойилидан келиб чиқадиган ҳуқуқларга халқаро ташкилотларга аъзо бўлиш, икки томонлама ёки кўп томонлама музокараларда иштирок этиш, бетарафлик ҳуқуқини киритиш мумкин.

Ҳар бир суверен давлат ўзга давлат юрисдикциясига қарши иммунитетга эга. Аниқроқ айтганда, давлатларнинг суверен тенглиги бошқалар эркинлиги билан чекланган эркинликни англатади. БМТ Халқаро Судининг нуқтаи назарига кўра, бундай тенглик халқаро ҳуқуқ томонидан бошқарилмайдиган барча ишларда ҳам тенг эркинликни англатади.

“Куч ишлатмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик” тамойили XX аср мобайнида шаклланган нисбатан янги тамойил. Бундан илгари халқаро ҳуқуқда давлатларарао низо ва келишмовчиликларни ҳал қилиш усули ҳамда давлатнинг вазифаси, ажралмас ҳуқуқи ҳисобланган. Ҳозирги вақтда хавф-хатарлар ва хавфсизликка таҳдидлар характерининг ўзгаргани, айрим давлатлар томонидан ўз миллий чегаралари доирасида харбий-полиция операцияларининг амалга оширилишини асослайдиган далиллар илгари сурилаётгани туфайли ушбу тамойил янгича маъно-мазмун касб этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, халқаро ҳуқуқда ушбу тамойилдан истиснолар ҳам назарда тутилган. Бу ҳол БМТ уставининг 42 ва 51-моддаларида акс эттирилган. Масалан, 42-моддага биноан, БМТ хавфсизлик кенгашига тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун ҳаво, денгиз ёки қуруқликдаги қўшинлар воситасида шундай ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқи берилиши мумкин. Бироқ бундай қарор БМТ ХК барча доимий аъзолари овозлари мос келган тақдирдагина қабул қилинади. БМТ уставида 51-моддада акс эттирилган давлатларнинг яқка тартибда ёки ялпи ҳимояланиш ҳуқуқига ишора қилиниб, бундай ҳуқуқ қуролли тажовуз содир этилганда, яъни бир давлат бошқасига ҳужум қилганида пайдо бўлиши таъкидланади. Бундай ҳолатларда ҳимояланиш ҳуқуқи кенг талқин қилинмаслиги зарур. Бу ҳол муайян давлатнинг қуролли ҳужум хавфини рўқач қилиб, ўзи олдиндан зарба беришга ҳақли эмаслигини англатади. Шунингдек, 51-моддада ҳимояланиш ҳуқуқидан фойдаланишда кўзда тутилган чора-тадбирлар тўғрисида Хавфсизлик Кенгашига зудлик билан маълумот берилишини ҳамда бу чора-тадбирлар Хавфсизлик кенгашининг халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги масъулияти ҳамда ваколатларига дахл қилмаслигини талаб этади. БМТнинг қуролли кучлардан фойдаланиш ҳуқуқи ҳам маълум даражада чекланган. Жумладан, дунё тинчлигига таҳдид ёки агрессия содир этилган ҳоллардагина Хавфсизлик Кенгашининг қарори ҳамда унинг раҳбарлигида қуролли кучлардан фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари ўз мустақиллиги учун кураш олиб бораётган колониал ва тобе мамлакат халқлари томонидан ҳам қуролли кучлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилган.

Уруш тарғиботини ман этилиши кучдан фойдаланмаслик ва куч билан таҳдид қилмаслик тамойилининг таркибий қисми ҳисобланади. Хусусан, 1970 йилдаги Декларацияда таъкидланишича, “Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг мақсад ҳамда тамойилларига биноан, давлатлар тажовузкорона урушларни тарғиб этишдан ўзларини тийиши лозим”. Бундай қоида 1987 йилдаги Декларацияда ҳам акс эттирилган.

Ўзбекистон учун ушбу тамойил муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Олий Мажлис биринчи чақирик биринчи сессиясида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, “Ўзбекистон урушлар, харбий тўқнашувларни олдини олишга қаратилган ҳар қандай, ҳаттон энг кичкина интилиши ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш”.

Масалан, халқаро терроризмга қарши фақат тинч сиёсий воситалар билан курашиб бўлмайди, шу билан бирга, унга қарши куч ишлатишнинг универсал меъёрлари ҳам ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун у турлича талқин этилиши мумкин. Дейлик, бир давлат ана шундай меъёрларнинг йўқлигини рўқач қилиб, харбий куч воситасида хорижий давлатлар ҳукуматини алмаштириш, унинг ҳудудида ўз қуролли кучларини жойлаштириш, бу мамлакатда ҳукуматни ва унинг сиёсатини шакллантириш жараёнимга аралашишга интилмоқда. Аммо ошқора халқаро террористик ҳаракатларга қарши куч ишлатгани учун бошқа давлатлар кескин танқид қилинади. Бундай ҳолларда террористик ҳуружларни амалга ошираётган халқаро экстремистик гуруҳлар ўта реакцион, ғайритамаддуний, тоталитар ҳамда ғайриинсоний ғояларни тарғиб этаётгани кўпинча инобатга олинмайди.

Ўзбекистон бундай ҳуружларга қарши курашда халқаро ҳуқуқ меъёрларига қатъий амал қилиш шарт деб ҳисоблайди. Ўзбекистон Республикасининг “Терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни (2000 йил 15 декабрь) ана шу мантиққа таянган ҳолда ёзилган ва қабул қилинган. Хусусан, унда терроризмга қарши курашишнинг асосий тамойиллари “қонунийлик” ва “шахснинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари устуворлиги” ҳақидаги қайдлардан бошлаб тавсифланади. “Терроризм” тушунчаси энг кенг маънода талқин этилиб, кучдан фойдаланиш ёки куч билан таҳдид қилиш тури сифатида (шу жумладан, халқаро миқёсда) ифодаланади.

Дарҳақиқат, террористларнинг муайян хизматлар, фондлар, ташкилотлар, хусусий шахслар томонидан (кўпинча яширин тарзда) молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланиши кучдан фойдаланиш ёки куч билан таҳдид қилишни

яширинча амалга оширадиган сиёсатни англатишини инкор этиш қийин. Зеро террористик хатти-ҳаракатлар ва уларнинг оқибатлари ҳозирги вақтда йирик ҳарбий операцияларни, оммавий қирғин қуроллари ёрдамида ҳарбий агрессия ҳаракатларини эслатади. Шу боис бундай хатти-ҳаракатларга тегишли қонуний баҳо ва таъриф бериш муҳим аҳамият касб этади.

Эътиборли жиҳати шундаки, “бошқа давлатга нисбатан куч ишлатмаслик (агрессияни қайтариш ва бошқа давлатлар билан ёрдам бериш ҳақида тузилган шартномалар бундан мустасно)” Ўзбекистоннинг мудофаа соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойилларидан бири ҳисобланади. Бундай ёндашув ушбу сиёсатнинг бошқа тамойиллари, чунончи ҳарбий-сиёсий блокларда иштирок этмаслик; ядро оммавий қирғин қуроллариининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиб олиш, сақлаш, тарқатиш, жойлаштиришдан воз кечиш; химояланиш учун етарли куч-қудратга эга бўлиш.

“Чегаралар дахлсизлиги” тамойили юқорида тавсифланган икки тамойил билан узвий боғлиқдир. Бошқалари сингари ушбу тамойилни унитар ёки федератив давлат ҳудудий яхлитлиги, бир давлатнинг бошқасига ҳудудий даъволари ва бошқа муаммолардан ажратилган ҳолда талқин этиш мумкин эмас. Халқаро муносабатлар ривожинининг ҳозирги босқичида, айниқса, муайян давлатларнинг бир-бирига ҳудудий даъво билан чиқаётган бир паллада бу ғоят мураккаб ва шу билан бирга долзарб масалага айланиб қолмоқда.

1992 йилнинг 30 майида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси ўртасида давлатлараро муносабатлар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома тузилган эди. Жумладан, ушбу шартноманинг 1-моддасида томонлар қатъий амал қилишни зиммасига олган тамойиллар орасида чегаралар дахлсизлиги алоҳида кўрсатиб ўтилган, ушбу ҳужжатнинг 2-бандида эса томонлар “бир-бирининг ҳудудий яхлитлиги ва чегаралари дахлсизлигини ҳурмат қилиши” таъкидланади.

1993 йилнинг 7 августида МДХ иштирокчилари чегараларнинг дахлсизлиги, 1994 йилнинг 15 апрелида – суверинитет, худудий яхлитлик ҳамда чегараларнинг дахлсизлигига риоя этиш тўғрисидаги Декларацияга имзо чекди.

“Низоларни тинч хал этиш” тамойили халқларнинг қонуний манфаатлари, тинчлиги ва хавфсизлигига таҳдиди солиншига йўл қўймаслик учун халқаро муносабатлар субъектлари ўртасида вужудга келаётган барча масалалар фақат тинч йўллар билан хал этилишини тақозо этади. Ушбу тамойил БМТ Уставининг VI боб 2-модда 3-бандида мустаҳкамлаб қўйилган. Унга кўра, ҳар қандай низо музокара, тергов ва келишув воситалари, арбитраж ёки суд орқали бартараф этилиши зарур. БМТ Бош Ассамблеясининг халқаро ҳуқуқ тамойиллари ҳақидаги Декларациясининг давлатлар ўртасидаги низолар тинч йўллар билан хал этилиши ҳамда халқаро тинчлик хавфсизлик ва адолатга таҳдид қилмаслиги даркор.

Низони хал этиш воситаси унинг характери ва ҳолатига мос бўлмоғи керак. Агарда белгиланган восита низони хал этишга имкон бермаса, у ҳолда низолашаётган тарафлар уни хал этишни бошқа тинч воситаларини қўллаши лозим.

Шу маънода, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, “Ўзбекистон республикамиз билан чегарадош мамлакатлардаги ҳарбий-сиёсий можароларни тинч йўл билан хал қилишга ва уларнинг олдини олишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларни, амалий қадамларни қўллаб-қувватлаб келди ва бундан буён ҳам қўллаб-қувватлайверади. Бу йўлда мамлакатимиз ҳам ўз давлат сиёсати доирасида, ҳам халқаро ташкилотлар механизмларидан фойдаланган ҳолда, мавжуд имкониятларни аниқ мақсадни кўзлаб ишга содаи. Бутун миллий стратегиямизнинг асосий йўналишларидан бири ана шундай мазмун-моҳиятга эга”. (Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998, 51-бет).

“Бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик” тамойили юқорида тавсифланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс эттирилган



тўрт тамойил билан узвий боғлиқдир. Ушбу тамойилнинг Ташқи сиёсат соҳасида тадбиқ этилиши БМТ Устави ва Бош Ассамлеянинг 1965 йилда қабул қилган бошқа давлатлар ички ишларига аралашмаслик, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Декларацияда акс эттирилган халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган тамойилига асосланади. Ушбу тамойил Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрида қабул қилган “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонунида акс эттирилган. Унда жумладан, “Ўзбекистон Республикаси ички ишларга аралашинишга йўл бермайдиган мустақиллик ва суверенитет дахл қилмайдиган ҳамда давлатлараро муносабатларнинг мафкуравийлашувига йўл қўймаслик тамойилларига таянган ҳолда таянган ҳолда, барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли муносабатлар ўрнатади”.

Шу билан бирга, халқаро муносабатларда, хусусан, қуролсизланиш масалалари бўйича кўзда тутилган назорат, текширув ҳамда жойида инспекция қилиш ички ишларга аралашиниш деб ҳисобланмайди. Бундай қоида, масалан, 1993 йилда қабул қилинган кимё қуролини тақиқлаш тўғрисидаги конвенция ҳамда 1996 йилда қабул қилинган ядро синовини тўлиқ тақиқлаш тўғрисидаги Шартномада мустаҳкамлаб қўйилган.

Аммо, шунга қарамасдан, кейинги вақтда ушбу тамойилнинг бузилиши ҳоллари тез-тез учраб турибди. Кўпинча бундай ҳолларда масаланинг гуманитар, демократияга оид ҳамда глобаллашув ва илмий-техника тараққиёт билан боғлиқ жиҳатлари рўқач қилинади. Бундай аралашувга демократлаштириш жараёнларига кўмаклашиш сабаб қилиб кўрсатилиши мумкин. Масалан, нодавлат ноижорат ташкилот ва институтлар орқали муайян мамлакатга таъсир агентлари жўнатилади. Улар ўз навбатида дастлаб гўё “демократик тамойиллар” асосида ҳокимиятни алмаштиришга ва олий сиёсий лавозимларга ўз одамларини қўйишга, кейин эса ғарбона, американча мафкуранинг сингдирилиши ва мустаҳкамланишига замин ҳозирлайди.

Шу тариқа давлат сиёсати аста-секин мамлакат жамоатчилигининг аксарияти учун билинар-билинмас тарзда миллий манфаатларга зид кела бошлайди, ҳамма давлат ўз суверенитетидан маҳрум бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Бундай ҳолатлар суверенитетнинг сақланиши, давлатнинг ички ишларига аралашмаслик тамойилига риоя этишни таъминлаш лозим бўлган универсал миллий институларнинг заифлигидан далолат беради.

Бирон-бир давлат ўзи мустақил равишда, халқаро меъёрлар доирасидан ташқарида “гуманитар” ёки “антитеррористик интервенция” ҳуқуқига эга бўлмаслиги керак. Қайсидир мамлакатда инсон ҳуқуқлари бузилаётган ёхуд террористларни тайёрлаш базалари ташкил этилаётган экан, бундай муаммолар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллари асосида БМТ, ОБСЕ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларнинг тегишли тузилмалари орқали ҳал этилмоғи даркор.

Ўзбекистон Республикаси ўз Ташқи сиёсий фаолиятини халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган ана шу меъёр ва тамойиллари таянган ҳолда амалга оширади. Масалан, бир давлат ҳудудидан бошқа мамлакатларга нисбатан таҳдид (террористик, оммавий қирғин қуролларини тарқатиш ва ҳ.) пайдо бўлган, аҳолининг маълум қисми таъқиб этилаётган, инсон ҳуқуқлари оммавий равишда тузилаётган ҳолларда жаҳон ҳамжамияти ушбу давлатга қарши ҳарбий ҳаракатларни бошлашга қарор қилиши мумкин. Аммо бундай ҳаракатлар халқаро ҳуқуқнинг умумий меъёрлари билан қонунлаштирилиши шарт. Уларда муайян давлат томонидан содир этилган жиноят белгилари аниқ таъриф-тавсиф берилиши зарур.

Бироқ, афсуски, халқаро ҳуқуқда бундай меъёрлар ишлаб чиқилмагани сабабли бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашиб (қандай далиллар рўқач қилинишидан қатъи назар) қонуний, деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Маълумки, халқаро ҳуқуқ меъёр ва тамойилларига амал қилиш ҳар қандай мамлакат Ташқи сиёсий имкониятларини кучайтиради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг пишиқ-пухта ўйланган ва изчиллик билан амалга

оширилаётган Ташқи сиёсати мамлакатимизнинг халқаро муносабатлар тизимига уйғунлашиши жаҳон хўжалик алоқалари, ялпи хавфсизликнинг глобал ва минтақавий тизимларига интеграциялашишига хизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат ижтимоий тараққиётининг асосий ички масалаларини ҳал этиш, Ташқи сиёсатда мамлакат миллий манфаатларини ҳимоя қилишга тайёр, очиқ ва тинчликсевар мамлакат тимсолини шакллантиради.

Умуман олганда, 1992 йилнинг 2 мартдан эътиборан БМТ ҳужжатлари, биринчи галда, Низомида акс эттирилган меъёр ва тамойиллар Ўзбекистон учун мажбурий ҳисобланади. Шунингдек, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёр ва тамойиллари ифода этилган халқаро шартномалар ва одатларда акс этган қоидаларга ҳам мамлакатимиз ўз Ташқи сиёсатини амалга оширишда таяниб келмоқда. Улар Асосий Қонунимизда белгилаб қўйилган тамойиллар ҳисобланади. Бинобарин, Ташқи сиёсатни бошқаришга доир қонунчилик ҳам, Ўзбекистон Республикасининг бошқа давлатлар билан шартномалари ҳам уларга зид бўлмаслиги керак.

Шу ўринда иттифоқлар тузиш, ҳамдўстлик ва бошқа давлатлараро тузилмаларга кириш ва улардан чиқиш конституцион тамойили ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, давлат ва халқнинг олий манфаатлари, уларнинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлайдиган тамойил сифатида намоён бўлади.

Ушбу тамойилнинг аҳамияти шундаки, у Ташқи сиёсий соҳада қабул қилинаётган муайян қарорларнинг оқилона ва мафкуралардан ҳоли ёндошувларга таянишида кўмаклашади. Бу ўринда сўз халқаро ҳуқуқ меъёр ва тамойилларига мос равишда миллий манфаатларни таъминлашга қаратилган интеграциялашувнинг ўзига хос стратегияси ҳақида бормоқда.

Иттифоқ, ҳамдўстлик ва давлатлараро тузилмаларнинг бошқа шаклларидаги халқаро ҳамкорликнинг сиёсий табиати давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш жараёнлари билан белгиланади. Бу ўринда, ўз Ташқи сиёсатини мустақил ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, давлатлараро муносабатларнинг

устувор йўналишларини белгилаш имкониятининг пайдо бўлиши назарда тутилмоқда. Гап шундаки, 90-йилларнинг бошида янги мустақил давлатларнинг барчаси учун бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш хавфи яққол намоён бўлган. Аммо, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов “Ўзбекистон: ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” асарида таъкидлаганидек, “Бизнинг мустақил давлатимиз бирон-бир буюк давлатнинг таъсир доирасига тушиб қолиш ниятида эмас. Ўзбекистон яна кимгадир бўйсунтириш учун мустақил бўлгани йўқ” (Каримов И.А. Ўзбекистон: Миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. –Т., “Ўзбекистон”, 1996, 51-б.)

Ўзбекистон Ташқи сиёсий амалиёти таҳлили унинг конституцион асослари қуйидаги тамойиллар асосида шаклланиганидан далолат беради:

- халқаро ҳуқуқнинг умуэтироф этилган меъёр ва тамойиллар устиворлиги;
- Марказий Осиё минтақасида ядросиз худудни сақлаб туриш ва кенгайтириш;
- ҳарбий блок ва иттифоқларга киришдан бош тортиш;
- Ташқи сиёсатда очиқлик, мафкуравий қарашларга тобе бўлишдан воз кечиш;
- тўлиқ ишонч асосида иккитомонлама ҳамда кўптомонлама Ташқи алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорликни чуқурлаштириш;

Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларига бирлашган мамлакатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама муносабатларни ривожлантириш ана шундай ҳамкорлик устувор йўналиши сифатида белгиланди. Зеро МДҲ ривожлантирилиши мустақилликни сақлаб қолиш, собиқ иттифоқнинг қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, қайта шаклланмаслигининг кафолати бўлиши зарур, деб ҳисобланган эди. Қолаверса, иттифоқ мамлакатлари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг кескин узилиши ҳар томонлама жиддий умумий инқирозга олиб келиши мумкинлиги ҳақида аниқ тасаввур ҳосил бўлган эди. Ҳар бир давлат ўз

тараққиёт йўлини белгилаб олиши, суверенитетини мустаҳкамлаши учун маълум вақт талаб этиларди. Бундан ташқари, МДХ доирасида ҳар бир давлат, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам ўз мудофаа қобилияти мустаҳкамлаш, давлатнинг худудий яхлитлиги ва чегаралари ҳимоясини таъминлашга интилиши лозим эди. Шунингдек, зарур хом ашёни сотиб олиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, технологиялар, телекоммуникация, транспорт тармоқлари, денгиз портларига чиқиш имкониятларини таъминлашга ҳам зарурат бор эди. Шу маънода, Ўзбекистоннинг Россия билан алоқаларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши ҳал қилувчи аҳамият касб этиб келган.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб, БМТга тўлақонли аъзо сифатида қабул қилингандан кейин 120 та давлат унинг суверенитетини тан олди. 45 давлат билан дипломатик муносабатлар ўрнатилди. 1992 йилнинг 16-17 февralида Иқтисодий Ҳамкорлик ташкилотининг Техронда бўлиб ўтган йиғилишида Ўзбекистон ушбу ташкилотига қабул қилинди.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг бош тамойили нимадан иборат.
2. “Ўзбекистон Республикасининг Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари тўғрисида”ги Қонун қачон қабул қилинган.
3. Ўзбекистон Ташқи сиёсий амалиёти таҳлили унинг конституцион асослари қайси тамойиллар асосида шаклланади.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.

4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
5. Америка Қўшма Штатлари. – Т., Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти нашриёти., 2003
6. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
7. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
8. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
9. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
10. Дипломатия Республикаси Ўзбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.
11. Мирқосимов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. Из-во Академия, 2004.

## **II. Ўзбекистон ва Марказий Осиё**

### **2.1. Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатида тутган ўрни ва аҳамияти**

Марказий Осиё минтақаси геосиёсий координаталар тизимида муҳим ўрин тутди. Қўшни минтақа ва давлатлардаги тинчлик-осойишталик кўп жиҳатдан ушбу минтақанинг сиёсий барқарорлиги ва иқтисодий ривожланишга боғлиқдир. Бу ҳол, биринчидан, Марказий Осиё давлатлари тарихий ривожланишининг ўзига хослиги, чунончи, бунга нисбатан муносабатда кескин ёндашувларни қабул қилмаслиги халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмнинг нафақат минтақада, балки қўшни давлатлар ҳудудида тарқалишига тўсқинлик қиладиган муҳим омил сифатида хизмат қилади. Иккинчидан, минтақада наркотрафикка қарши курашиш, ядро хавфсизлигини (минтақани ядродан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббуси орқали) таъминлашда биргаликда ҳаракат қилиш зарурати англаб етилган. Минтақа хавфсизлигини таъминлашга қаратилган интеграцион

жараёнлар келгусида глобал хавфсизлик тизимига ижобий таъсир этиши шубҳасиздир. Чунки минтақа жиддий ҳарбий-сиёсий омил бўлиши билан бир қаторда Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий соҳада яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Учинчидан, энергетика захираларининг глобал инқирози кутилаётган бир пайтда, минтақа ушбу захиралар нуқтаи назаридан катта имкониятларга эга. Тўртинчидан, минтақадаги қатор давлатлар иқтисодиётининг жадал ривожланиб, улар ўртасидаги интеграцион жараёнларнинг мустаҳкамланиб бораётгани келгусида бу ҳудудда глобаллашув таҳдидларига дош бера оладиган ёки унинг имкониятларидан самарали фойдалана оладиган иқтисодий жиҳатдан ўта ривожланган марказ вужудга келиши мумкинлигидан далолат беради. Бешинчидан, минтақа давлатларида демократия тамойилларининг миллий-маданий хусусиятлар билан уйғунлаштирилган сиёсий тараққиётнинг ўзига хос моделлари шакллантирилмоқда. Марказий Осиёда барқарор сиёсий тизимнинг вужудга келтирилиши эса минтақа манфаатларини глобал халқаро муносабатлар даражасида эътироф этилишига шарт-шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик Концепциясида таъкидланганидек, Марказий Осиё давлатларини бирлаштирадиган қуйидаги умумий хусусиятларни келтириш мумкин:

- яхлит маънавий ва маданий-тарихий мерос, кишилар эътиқоди, тили ва миталитетининг муштараклиги;
- сув артериялари, коммуникация ва энергетика захираларининг умумийлиги; иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси, аҳоли турмуш шароитларининг нисбатан бир-бирига яқинлиги;
- жамиятни демократлаштириш, ҳуқуқий давлатни шакллантириш, бозор иқтисодиётига ўтиш билан боғлиқ ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларнинг ўхшашлиги;
- минтақавий муаммолар — Оролдаги экологик инқироз, сув ва ёнилғи-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, жаҳон транспорт,

ахборот ва бошқа коммуникация тизимларига интеграциялашуви масалалари; омилларнинг барчаси минтақавий хавфсизликнинг асосини ташкил этган минтақавий интеграциянинг заруратини белгилаб беради. Жаҳон сиёсатида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган Ўзбекистон, минтақадаги геосиёсий мавқеи жиҳатидан, интеграция жараёнининг табиий ўзагини ташкил этиши мумкин.

— Марказий Осиё минтақаси собиқ Иттифоқнинг Осиё қисмидаги Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон каби мамлакатларни камраб олади. Қисман (этник, диний ва жўғрофий нуқтаи назардан) Афғонистонни ҳам ушбу минтақага қўшиш мумкиндек кўринади. Аммо унинг Марказий Осиё минтақасининг таркибий қисми сифатида эътироф этилиши учун у зарур ижтимоий, маданий, иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий белгиларга эга эмас.

Келгусида, афғон заминида тинчлик ўрнатилиши, ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг тикланиши, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этилиши билан у Марказий Осиё халқлари оиласига қабул қилиниши ва тегишли геосиёсий мақомга эга бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Бинобарин, янги Афғонистоннинг Марказий Осиё давлатлари билан интеграциялашуви натижасида шаклланган тақдирдагина у шундай имконият ва мақомга эга бўлиши мумкин. Чунки у энергетика ва транспорт коммуникациялари ўтган транзит давлатгина эмас, глобаллашув шароитида изчил ва самарали ривожланиб бораётган давлатлараро иқтисодий ҳамжамиятнинг таркибий қисмига айланади.

Марказий Осиё минтақасининг уйғун ва муваффақиятли тараққиётининг омили ҳисобланган ҳудудий ва тарихий муштаракликдан ташқари давлатлараро муносабатлардаги халқаро-ҳуқуқий тартибнинг шакллангани билан ҳам ажралиб туради. Бу муносабатлар халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этиладиган ва меъёрлари талабларига жавоб берадиган интеграциялашувнинг янги шарт-шароитларда амалга оширилаётгани билан белгиланади. Аммо, Туркменистон бу жараёнлардан четроқда турибди. Бизнингча бу вақтинчалик ҳол бўлса керак.



Чунки, эртами кечми, ушбу давлат Марказий Осиё интеграцияси жараёнига уйғунлашуви зарур. Зеро, минтақа транспорт-энергетика тизими, минтақавий ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг ривожланиши, ялпи хавфсизлик шарт-шароитларининг пайдо бўлиши Туркменистон миллий манфаатларига мос бўлган давлатлараро муносабатларнинг самарали минтақавий тизимига қўшилишга ундайди. Бу тизим миллий манфаатларнинг тўлиқ ҳисобга олиниши негизида минтақавий манфаатларни белгилаб олиш, шунингдек, меҳнат тақсимооти тизими, ягона бозор ва яхлит иқтисодий маконига хизмат қилмоғи зарур.

Марказий Осиё таркибига шимолдан Тянь-Шань, Жанубдан Ҳисор тоғлари билан ўралган йирик субминтақа — Фарғона водийси киради. Худудий жиҳатдан, унинг таркибига Ўзбекистон, Тожикистон ҳамда Қирғизистон киради. Узунлиги 300 км., кенлиги 170 км., баландлиги 330-1000 м.гача. Иқлими континентал. Январнинг ўртача ҳарорати — 2-3<sup>0</sup>С, июльда эса 24-27<sup>0</sup>С ташкил этади. Ёғингарчиликнинг ўртача йиллик миқдори 100-500 мм. Ташкил этади. Сирдарё ва унинг ирмоқлари Сўх, Исфара ва бошқа дарёлар суви билан суғорилади. Унинг худудидан бир неча каналлар (Катта Фарғона, Жанубий Фарғона) оқиб ўтади. Қайроқум сув омбори ҳам шу худудда жойлашган. Водий суғорма пахтачиликнинг муҳим зонаси ҳисобланади.

Қарийб 22 минг кв.км. майдонга эга водий денгиз сатҳидан 400-500 м. баландликдаги кенликда жойлашган. Асрлар мобайнида яхлит худудга эга бўлган Фарғона водийси ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон ўртасида бўлинган. Чегаралар тахминан белгилангани сабали эксклав ва англавлар вужудга келган.

Водий худудида 7 миллиондан зиёд аҳоли истиқомат қилади; улардан 75 фоизи — қишлоқ жойларда яшайди. Иқтисодиётнинг яхши ривожлангани ҳамда аҳолининг тиғиз жойлашгани сабабли водий Марказий Осиёдаги энг камбағал минтақалардан ҳисобланади. Транспорт-коммуникация нуктаи назаридан жуғрофий жойлашуви қулай бўлса-да, Афғонистон ва Жануби-Ғарбий Осиёдаги

(Ироқ ва Эрондаги) вазиятнинг барқарорлиги денгизга чиқиш имкониятларининг чеклангани минтақанинг жўғрофий ҳамда геосиёсий салоҳиятдан тўлиқ фойдаланишга имкон бермаётир. Шунинг учун ҳозирги даврда Шимоли-Ғарбий йўналиш — минтақанинг энергетик, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий-сиёсий ва коммуникация алоқаларининг асосий йўли бўлиб қолди.

Биргина Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон кўрсаткичлари олиб қаралса, ушбу ҳудудда минтақа аҳолисининг 54 миллиондан ортиғи истиқомат қилади; ЯИМ 182,5 миллиард АҚШ долларни, мудофаага йўналтирилган харажатлар ярим миллиардга яқин АҚШ долларини ташкил этади.

Маълумки, собиқ иттифоқ таркибидаги республикалар умумиттифоқ хўжалик мажмуига киритилгани боис жаҳон Иқтисодиётига бевосита чиқа олиш имкониятидан маҳрум бўлган бир тизим эди. Ўтган асрнинг 90-йилларида бошқа республикалардан келтирилган соф моддий маҳсулот улуши Қозоқистонда — 39,9 фоизни, Тожикистонда — 50,2 %, Ўзбекистонда — 43,2 %, Қирғизистонда — 50,0 %, Туркманистонда — 50,7 %ни ташкил этган. Марказий Осиё давлатларининг Иттифоқ ташқарисидаги товар айрбошлаш миқдори 10,5-16 фоизни ташкил этган эди. Ваҳоланки, иттифоқ бўйича ўртача кўрсаткич 45 фоиздан зиёд бўлган. Яна бир омил аксарият Марказий Осиё мамлакатларининг хом ашёга ихтисослашуви билан боғлиқ эди. Аксарият тайёр маҳсулотлар хом ашё эвазига бошқа республикалардан келтирилгани сабабли минтақада қўшимча қийматга эга маҳсулотни ишлаб чиқаришга йўналтирилган саноат индустриyasi етарли даражада ривожланган эди.

90-йиллар бошидаги инқироз ва шаклланиш даврида Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ва тузилмаларида турли йўналишдаги ўзгаришлар юз бера бошлайди.

Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонда (ҳар бирида ўзига хос тарзда) 90-йилларнинг биринчи ярмида аграрлашув, аксилиндустриаллашув, аксилшаҳарлашув, инвестицион жараёнларнинг

қисқариши, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасининг торайиши, илмий салоҳиятнинг қисман йўқотилиши кузатилади. Шу билан бир қаторда, бозор ислохотлари суръати ошиб боради. 90-йиллар МОД турли миқёс ва даражада янги бозор тузилмалари ва институтлари шаклланиб, ривожланади. Моҳиятан бу жараёнлар инқилобий тус касб этган эди. Зеро, улар мулкка давлатнинг мутлақ ҳукмронлиги ўрнатилган тизимдан хусусий мулк, ижтимоий ва бошқарув тизимида демократик тамойилларнинг устиворлигига асосланган тизимга ўтиш жараёнини ифодалаган эди.

Марказий Осиё давлатларининг деярли барчасида ислохотлар дастлаб маҳсулотлар ва хизматлар ҳажмининг қисқариши, кейинчалик эса бу борадаги тақчилликка барҳам берган — нархларнинг эркинлаштирилиши; савдо, хизматлар соҳаси, қишлоқ хўжалиги, саноат ва иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидаги кичик, ўрта ҳамда қисман йирик корхоналарнинг хусусийлаштирилишидан бошланди. Натижада ёлланма ва оилавий меҳнатдан фойдаланадиган хусусий корхоналар, ҳиссадорлик компаниялар, биржалар пайдо бўлди. Бундан ташқари, икки даражали банк тизими шакллантирила бошланди. Бу тизимда давлатнинг марказий банкидан ташқари, тижорат банкларининг кенг тармоқли тизими ҳам тузилиб, фаолият юрита бошлайди. Миллий валюталар жорий этилиб, уларнинг конвертацияси, валюта назоратини кучайтириш, чет эл капиталини жалб этиш учун зарур шарт-шароит яратилди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни бошқариш миллий тизими вужудга келтирилди, маҳсулотлар, ишчи кучи, капитал ва хизматлар бозорининг нормал фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит ҳозирланди.

Мавжуд маълумотларга кўра, 90-йилларнинг охирида иқтисодиётнинг хусусий ва аралаш секторида банд бўлганлар ҳамда ЯИМ улуши Қозоқистон 77 ва 55 фоизни; Қирғизистонда — 73 ва 70 фоизни; Тожикистонда — 61-62 ва 30-35 фоизни; Туркманистонда — 59 ва 25-30 фоизни; Ўзбекистонда — 69 ва 45 фоизни ташкил этган. Бошқача айтганда, МОД барчасида иқтисодиётнинг хусусий ва аралаш секторида меҳнатга яроқли аҳолининг кўпчилиги жалб

этилган. Ушбу секторларнинг МОД ЯИМ улуши ҳам йилдан-йилга ортиб бормоқда. Буларнинг барчаси мазкур давлатларнинг бозор иқтисодиёти сари жадал интилаётгани ва аҳолининг аксарияти бу жараёнларда фаол иштирок этаётганидан далолат беради.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Марказий Осиёнинг жаҳон сиёсатида тутган ўрни.
2. Марказий Осиё давлатларининг ўзаро муносабатлари.
3. Марказий Осиё минтақасидаги геосиёсий муаммолар.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
6. Америка Қўшма Штатлари. – Т., Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти нашриёти., 2003
7. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
8. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
9. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
10. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.

11. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
12. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.
13. Мирқосимов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. Из-во Академия, 2004.

## **2.2. Хорижий экспертлар Марказий Осиё давлатларининг ривожланиш истиқболлари ҳақида**

Кейинги вақтда Марказий Осиё халқаро сиёсий ҳамда эксперт доираларининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Кўплаб хорижий таҳлилий марказлар минтақа давлатларининг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий маданий-маърифий тараққиётининг турли жиҳатларини таҳлил қилмоқда. Мисол тариқасида Марказий Осиё ва Кавказ Институти мутахассислари томонидан Ж.Хонкинс университети қошидаги Буюк Ипак йўлини ўрганиш Дастури доирасида тайёрланган “Марказий Осиё иқтисодиёти: 2015 йилгача картография истиқболлари” маърузасини келтириш мумкин.

Ушбу тадқиқотда МО давлатлари иқтисодиётининг қисқа муддатли (2007 йилгача) ва узок муддатли истиқболлари таҳлил этилади. Бу ўринда минтақа давлатлари 2 гуруҳга: нефть ва газни экспорт қилувчи (Қозоқистон, Туркманистон) ҳамда саноат тузилмасини диверсификация қилишга интилаётган ишлаб чиқарувчи мамлакатларга бўлинади.

Экспертларнинг таъкидлашича, 1-гуруҳ давлатларидаги кўрсаткичларга углеводородларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни кўпайтириш эвазига эришилади.

МО давлатлари саноати кўрсаткичлари ва имкониятлари қиёсланганда, ЯИМ энг юқори реал ўсиш миқдори Ўзбекистонда кузатилади. Қисқа муддатли истиқболда у йиллик 7 фоизни ташкил этади. Ўзбекистон Республикасида ЯИМ ўсиши ишлаб чиқаришни ривожлантириш хом ашёвий қарамликка барҳам берилгани билан белгиланади.

Мутахассислар яқин келажакда МО давлатлари хом ашё ва саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ортишини тахмин қилмоқда. Ҳозирги вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган экспорт ҳажми 588 долларни ташкил этади. Хом ашё экспорти ҳажмининг кўпайиши (асосан энергия захиралар эвазига) 1-гуруҳ мамлакатлари, саноат маҳсулотлари экспорти ҳажмининг ортиши 2-гуруҳ мамлакатлар томонидан таъминланмоқда. Чунончи, 2002-2005 йилларда Ўзбекистондан саноат маҳсулотлари экспорти кескин ортиши (йилига ўртача 20 фоиз миқдорида) кутилмоқда.

Тадқиқотда Осиё Тараққиёт банки ҳамда Жаҳон банкининг маълумотларига таянган ҳолда Марказий Осиё мамлакатларида қашшоқликнинг куйидаги даражаси белгиланади: Тожикистонда – 56,6%; Қирғизистонда – 47,6; Туркманистонда – 29,9%; Қозоғистонда – 27,9%; Ўзбекистонда – 27,5%.

Маъруза муаллифлари фикрича Марказий Осиё давлатларида сиёсий ва иқтисодий ислохотлар ҳамда минтақавий ҳамкорлик йўлга қўйилган тақдирда, 2008-2015 йилларда ЯИМ ҳажмининг ўртача 5% ЯИМ жонбошига тўғри келадиган миқдори 889 доллардан 1871 долларгача кўпайиши мумкин. Саноат маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича Ўзбекистон минтақада етакчи ўрин эгаллаши тахмин қилинади. Жумладан, саноат маҳсулотлари ҳажми ҳозирги вақтдаги 800 млн. доллардан 2,518 млрд. долларгача кўпайди (қиёслаш учун ушбу кўрсаткич Тожикистон 390 млн., Туркманистонда – 830 млн., Қирғизистонда – 333 млн. долларни ташкил этишини таъкидлаш мумкин).

Мутахассислар ушбу давр мобайнида минтақадаги қашшоқлик даражаси пасайиб Тожикистонда – 33,2%, Қирғизистонда – 30,1%, Туркманистонда – 21,9%,

Қозоғистонда – 19,7%, Ўзбекистонда – 17,8 фоизни ташкил этишини таъкидламоқда.

Марказий Осиё давлатлари иқтисодиётининг ўсиши суръатлари яқин келажакдаги истикболлари Халқаро Валюта жамғармаси (ХВЖ) томонидан ҳам юқори баҳоланмоқда (ўсиш суръатлари йиллик ўртача 8% ташкил этиши кутилмоқда). Бундай баҳо ХВЖ Яқин Шарқ ва Марказий Осиё давлатлари департаменти катта маслаҳатчиси Д.Оуэннинг чиқишида яққол ифодаланган эди.

Аmmo Марказий Осиёнинг иқтисодий тараққиёти, куч-қудрати ва салоҳиятининг кучайиши унинг сиёсий асослари билан боғлиқ масалани кун тартибига қўяди.

Маълумки, ушбу минтақа Ғарб ҳамда Осиё-Тинч океани давлатлари Ташқи сиёсий устуворликлари рўйхатида муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда Вашингтон, Брюссель, Токио ва Пекин Марказий Осиёда ўз геосиёсий стратегияси ва манфаатлари мавжудлигини сир тутаётгани йўқ. Бу ўринда Катта Марказий Осиёни ташкил этиш стратегияси алоҳида аҳамият касб этади. Унинг бош мақсади – анъанавий Марказий Осиёни (Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон) Жанубий Осиё давлатлари (Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Непал, Шри-Ланка) билан бирлаштиришда иборат. 2000 йилда илгари сурилган ушбу лойиҳа турли мамалкатлар ва халқаро ташкилотларда қайта ишланмоқда, тўлдирилмоқда.

Ҳозирги даврда АҚШ Евоосиё ичкарасига кириб боришни таъминлайдиган сиёсатини амалга ошираётган бўлса-да, бу минтақада унинг эркин ҳаракат қилиш микониятлари чекланмоқда. Вашингтон геосиёсатчилари Марказий Осиёдаги иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг беқарорлашуви бутун дунёга таҳдид солиши мумкин бўлган минтақавий низоларнинг кучайишига олиб келиши мумкинлигини теран англайди. Шу боис АҚШнинг Ташқи сиёсий стратегияси асосан геосиёсий интилишлар ўз стратегик манфаатлари, глобал ва минтақавий босқичда кучлар балансининг Вашингтонга фойдали бўлган

йўналишда шакллантириш ва қўллаб-қувватлаш ёндашувига таянади. У Катта Марказий Осиёни шакллантириш ғоясининг тарафдори ҳисобланади.

2005 йили АҚШ Давлат котиби К.Райз Марказий Осиё мамлакатлари учун масъулиятни Европа ва Евроосиё ишлари бўйича бюродан Жанубий Осиё ишлари бўйича бюро зиммасга юклайди. Бу қарор Ғарбда минтақада вазиятни янги талқин этилаётганидан далолат беради. АҚШ Давлат департаменти Марказий Осиё мамлакатлари интеграциялашувига табиий ва мантиқий жараён сифатида баҳо беради. Бундай ёндашувни у минтақага хос муаммоларнинг (терроризм, наркотрафик, коррупция, иқтисодий ва сиёсий тузимларнинг беқарорлиги) умумийлиги ва маданий-тарихий муштарақлик билан изоҳлайди. Америка сиёсатчиларининг фикрича, минтақа давлатларининг иқтисодий ва сиёсий соҳаларидаги интеграциялашуви жараёнларининг кучайиши ушбу ҳудудда жойлашган мамлакатлар барқарорлиги, иқтисодий ривожланиши ҳамда демократлашувига хизмат қилади. Катта Марказий Осиё лойиҳаси минтақада барқарор узлуксиз ривожланишига хизмат қиладиган вазиятни вужудга келтиришга қаратилган.

Иқтисодий манфаат нуқтаи назаридан “Катта Марказий Осиё” лойиҳаси бир неча сабабларга кўра қизиқиш уйғотади. Биринчидан. Вашингтон Покистон ва Ҳиндистоннинг жадал ривожланаётган иқтисодиётининг минтақадаги энергозахиралардан (Каспийдаги нефть ва газ, Қирғизистон ва Тожикистоннинг сув захираларидан) эркин фойдаланишига имкон туғдириб беришга интиломда. Ҳозирги вақтда Қозоқистон билан Афғонистон ҳудуди орқали нефть ва газни Жанубий Осиё мамлакатларига етказиб берадиган қувурни қуриш тўғрисида музокара олиб борилмоқда. Иккинчидан, Афғонистоннинг иқтисодий тикланиши ва мовлашуви зарурати. АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифокчилари назарида, икки минтақа ўртасидаги иқтисодий алоқаларни ривожлантириш Афғонистоннинг иқтисодий салоҳиятини тиклаш ва мустаҳкамлашга имкон беради. Марказий Осиё мамлакатларида демократияни ривожлантириш масаласида эса Ғарб тамоман янги стратегияни қўллашга интиломда. Бу



стратегиянинг моҳияти шундаки, унда иқтисодий тараққиёт ва фаровонлик тўлақонли демократик институтларни ривожлантиришнинг зарур асоси деб қаралади.

“Катта Марказий Осиё”ни шакллантириш ғояси муаллифлари назарида, у америка Ташқи сиёсий концепциясининг таркибий қисми сифатида янги геосиёсий ва геостратегик воқеликка айланмоғи лозим. Марказий ва Жанубий Осиё Минтақаларининг Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Ҳиндистон, Покистон каби ривожланган мамлакатлари(АҚШ давлат департаментининг фикрича) ушбу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучига айланиши керак. Шу тариқа, АҚШ гўё шерикликка асосланган ўзига хос “трансформацион (ўзгарувчан) дипломатия”ни амалиётда қўллашга интилмоқда.

Масаланинг моҳияти шундаки, “Катта Марказий Осиё”ни шакллантириш лойиҳаси ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ўйлаб чиқарилган ясама ва сунъий ғоя бўлиб, Марказий Осиёни Россия ва Хитойдан узоқлаштиришни назарда тутди(Большая Центральная Азия: объединяй и властвуй. — <http://www.dumaem.ru>).

Ғарб таҳлилчиларининг таъкидлашича, муайян мамлакалар во кучлар ўз геосиёсий манфаатларини кўзлаган ҳолда деярли ҳеч ким эътироз блдирмайдиган “демократия ва эркинликни ривожлантириш” шиоридан усталик билан фойдаланишга интилмоқда. Кейинги вақтда бу сўз бирикмасига “фаровонлик” ибрасини қўшиш ҳам урф бўлаётир. Аммо бундай “эзгу” мақсадлар доирасида режалаштирилаётган лойиҳаларнинг шубҳали жиҳати шундаки, улар нимагадир табиий захираларга бой ёки қулай жўғрофий, геостратегик ҳудудда жойлашган мамлакатлар ва минтақаларда амалга оширилиши кўзда тутилмоқда.

Ғарб стратегларининг фикрича, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётини энергозахиралар билан таъминлаш — глобал муаммолар орасида энг долзарб масалага айланиб қолган. Бошқа омиллар билан бир қаторда, нефть ва газ нафақат иқтисодий, балки ўта муҳим сиёсий, айрим минтақаларда эса ҳарбий таъсир ва тазйиқ воситасига айланиб бормоқда. Муайян мамлакатга нисбатан

муносабатларда тегишли нуқтаи назарни шакллантиришда минтақадаги геосиёсий манфаатларни назарда тутган ҳолда, аввало, ушбу давлатдаги табиий захиралар, шу жумладан, углеводород хом ашёсининг мавжудлиги, унинг жўғрофий жойлашуви ва ҳ. билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилгач, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилади.

Табиийки, бундай ҳолларда стратегик жиҳатда муҳим минтақа ва мамлакатларга кириб бориш, бундаги захираларга эгалик қилиш ва уларни ташиб кетишнинг асосий йўналишларини белгилаш усул ҳамда воситалари масаласи кун тартибига қўйилади.

Мавжуд маълумотларга кўра, 2004 йилнинг 1 январига дунёдаги аниқланган захиралар миқдори — 164 трлн. кубометрни ташкил этади. Глобал иқтисодиётнинг ривожланишини назарда тутиб, бу захиралар 62 йилга етади, деб ҳисобланади. Жаҳондаги табиий газ захирасининг 50 фоизи Россия ва Эрон улушига тўғри келади, унинг 70 фоизи — Россия, Қозоқистон, Туркменистон, Ўзбекистон ҳамда Яқин Шарқ мамлакатлари ҳудудида жойлашган.

Дунё минтақалари бўйича табиий газ захиралари тақсимооти қуйидагича: Яқин Шарқ — 35,0%, Африка — 7,5%, Ғарбий яримшар — 9,5%, Осиё-Тинч океани мамлакатлари — 7,0%, Ғарбий Европа — 3,0, Россия ва МДҲ — 37,9%(шундан 32,2 % Россия улушига тўғри келади).

Шу билан биргаликда, дунё минтақалари бўйича табиий газ истеъмоли қуйидагича: Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти — 54,2 %, Яқин Шарқ — 8,1%, МДҲ — 23,4%, Хитой — 1,2 %, Осиё — 5,7 %, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти таркибига кирмайдиган Европа мамлакатлари — 1,0%, Лотин Америкаси — 4,0, Африка — 2,0 %.

Бошқача айтганда, нефтчилар ва газчилар манфаатлари ҳамда энергоистеъмолчилар манфаатлари бошқа-бошқа қутбларда жойлашган. Айни вақтда жаҳон нефтегаз мажмуи Евроатлантика ва Тинч океани минтақалари ўртасидаги рақобатнинг тобора кучайиши шароитида ривожланмоқда. Бундай рақобат, бир томондан, жаҳон нефть ва газ захираларининг камайиши, иккинчи

томондан, Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари, айниқса, Хитойда уларнинг истеъмоли тез суръатлар билан ошиб бораётгани билан изоҳланмоқда.

Ғарб таҳлилчиларининг таъкидлашича, Ташқи кучларнинг Ироқ иқтисодиётига аралашуви жаҳон нефть бозорида кучлар мувозанатида жиддий таъсир қилмаган бўлса-да, умумий нефть хазиралари бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллаган мамлакатда кескинликнинг ортиб бориши умумжаҳон ёқилги савдосининг бутунлай издан чиқиб кетишига олиб келиши мумкин.

Жаҳон нефть ва газ бозорига таъсир этаётган омиллар куч воситасида энергетика муаммоларини ҳал этишни тан олишдан бош тортаётган Мексика курфази мамлакатларида ҳам намоён бўлмоқда.

Азалдан нефть ва газ ишлаб чиқарувчи минтақалардаги ана шундай салбий тенденциялар нефть ва газ захиралари ҳамда уларни ташиш йўлларини назорат қилиш борасида олиб борилаётган курашда Каспий-Марказий Осиё минтақаси аҳамиятини ҳар қачонгидан ошириб юбораётир. Бунинг боиси шундаки, биргина Қозоқистон, Ўзбекистон ва Туркменистонда жами аниқланган нефть захиралари 5,6 млрд. тоннани, ёки МҲД аниқланган захираларнинг 34 %, жаҳон захираларининг 3.5 % ташкил этади. Ушбу мамлакатларда газнинг аниқланган захиралари 7,76 триллион куб.м, яъни МҲД аниқланган захираларнинг 13,3 %, жаҳон захираларининг 4,3 фоизини ташкил қилади.

АҚШнинг Каспий ва Марказий Осиёни ўзлаштириш борасидаги режалари Дж.Бушнинг “глобал энергетик мувозанатни назорат қилиш” деб аталадиган ҳамда жаҳондаги нефть ишлаб чиқариш асосий ҳудудларини назорат этишни кўзда тутган янги энергетик стратегиясига айнан мос келади. Бу ўринда сўз учта глобал масаланинг: АҚШнинг иқтисодий, энергетик ва геостратегик манфаатларини таъминлаш тўғрисида бораётир. Мазкур стратегияга кўра, АҚШда яқин 20 йил ичида нефть истеъмоли — 33%, табиий газ истеъмоли 50%дан кўпроққа ортиши тахмин қилинмоқда.

Совет иттифоқи парчаланиб кечгач, МДҲ доирасида пайдо бўлган дастлабки энергетик муаммолар бугунги кунга келиб ўз йўналишини

ўзгартираётгани ва низоли тус олаётганини кузатиш мумкин. Ҳозирги вақтда Марказий Осиё, Каспий ва Кавказда, аввало иқтисодий манфатларни таъминлаш мақсадида қатор йўналишлар бўйича — транзит маршрутлар, стратегик муҳим ҳудудларни назорат қилиш, бой табиий захираларга эга мамлакатларга босим ўтказиш учун сиёсий кураш бормоқда. АҚШ, Россия, Ҳиндистон, Туркия, Европа Иттифоқи давлатлари бу минтақага катта қизиқиш билдирмоқда. Улар углеводород хом ашёси ҳамда уларни ташиш трансконтинентал йўлаклар атрофида бўлаётган мураккаб сиёсий ўйинда иштирок этмоқда. Марказий Осиё ва Каспий минтақаси фақат бой табиий захиралари билангина ўзига жалб этаётгани йўқ. Жаҳон сиёсатининг етакчи субъектлари учун бу минтақалар ўзининг геосиёсий ва геостратегик мақоми ва жойлашуви, уларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий-стратегик манфаатларини амалга ошириш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир. Бу ўринда Макиндернинг “хартланд” ҳамда дунёда ҳукмронлик қилаётган куч ҳақидаги назариясини эсга олиш мумкин.

Турли кучларнинг Марказий Осиёдаги манфаатлари ҳақида сўз кетганда, улар турли хил декларация ва расмий баёнотларда эмас, муайян кучларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамда кўзга ташланаётган тенденцияларни бошқариш фаолиятининг мазмунида акс этишини таъкидлаш зарур.

Шу маънода, АҚШнинг ушбу минтақадаги манфаатлари қўйида-гиларда ифодаланади: Америка компанияларининг Каспий нефть ва газ захираларини ўзлаштиришда фаол иштирок этиши, бу захираларни жаҳон бозорларига, жумладан, АҚШга экспорт қилиш учун зарур инфратузилмани шакллантириш, Хитойнинг минтақадаги сиёсий ва иқтисодий таъсирининг кучайишига йўл қўймаслик, Россия билан маҳаллий мусулмон аҳолисининг радикаллашуви ҳамда Хитой таъсирининг мустаҳкамланишига қарши ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиё мамлакатларида радикал исломга қарши бўлган ҳамда Ғарбга мойил дунёвий давлатларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, нарко-бизнес, қурол-яроғ, ядро технологиялар ноқонуний савдосига қарши курашиш.

АҚШ ушбу минтақадаги асосий транспорт ва энергетика объектлари назорат қилиш(ТРАСЕКА лойихаси, Баку-Жейхан қувури), Болқон — Кавказ — Марказий Осиё чизиғини тортиб, Евроосиё марказий қисмини “балканлаштириш”га интиломқда. Бзежинскийнинг “Евроосиё Болқони”ни ташкил этиш ғояси бугун АҚШдаги айрим сиёсий доиралар сиёсатининг мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда. АҚШнинг минтақадаги роли ҳақида тўхталганда, ўзларини Марказий Осиёдаги сиёсий ва иқтисодий жараёнларини бошқарувчи сценарист ва режиссёр деб билган АҚШ таъсири кейинги вақтда сусайиб бормоқда.

Хитойнинг мазкур минтақадаги манфаатлари, аввало, Каспий нефть ва газ захираларини ўзлаштиришда фаол иштироқ этиш, Қозоқистон ва Туркманистондан нефть ва газни Хитойга экспорт қилиш учун зарур инфратузилмани вужудга келтириш, минтақадаги бошқа табиий захираларни(металл рудалари, олтин, алюминий, сур ресурсларини) ишлаб чиқариш билан боғлиқ. Бундан ташқари, Хитой минтақада дунёвий давлатларнинг мавжуд бўлиши, ислом фундаментализми ва турк миллатчилиги ривожига йўл бермаслик, Марказий Осиё мамлакатлари томонидан Ғарбий Хитойдаги айирмачилик ҳаракатларининг қўллаб-қувватламаслик, АҚШнинг минтақадаги мавқеининг кучайишига қарши ҳаракатлар, ШХТ доирасида Россия ва минтақадаги бошқа давлатлар билан бу ҳудуддаги вазиятни барқарорлаштириш борасида ҳамкорлик қилишдан манфаатдордир.

Хитой стратегиясининг биринчи йўналиши — Покистон билан ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга қаратилган. Покистон-Хитой муносабатларининг ўзагини Қошқарни Покистоннинг Қарачи ва Хитой ҳарбий-денгиз базаси жойлашган Гвадар портлари билан боғлаб турган Қаракорум шоссеси ташкил этади. Бинобарин, ушбу шоссе Марказий Осиё давлатлари, биринчи галда, Тожикистон учун Ҳиндистон океанига чиқадиган асосий йўл бўлиб қолишини истайди. Хитой стратегиясининг иккинчи йўналиши — бевосита Марказий Осиё давлатларига қаратилган. Хусусан, Пекин хитой-қирғиз

темир йўлини куришини режалаштирмоқда. Расмий маълумотларга кўра, бу йўл Қошқарни Бишкек билан боғлаши керак, аммо хитойликларнинг асл мақсади — уни Андижон билан боғлаш. Мазкур йўлнинг курилиши иқтисодий сабаблар, чунончи, Қозоқистон ва Урумчига қараган ғарийт 1,5 минг километр яқинроқ бўлган Буюк Ипак йўлини тиклаш мақсади билан изоҳланмоқда. Бироқ, бу темир йўлни куришдан кўзланган мақсад — Фарғона фодийсига қуролли кучларни жойлаштириш имкониятига эга, яъни ҳарбий мақсадлар кўзланаётган бўлиши мумкин.

Хитой бугунги кунда иқтисодий, ҳарбий, сиёсий даражаси нуқтаи назаридан замонавий умумдунёвий тартиботнинг муҳим кутбларидан бири минтақавий интеграциянинг маркази сифатида тан олиниши зарур. ХХР Ташқи сиёсати мамлакатнинг ички манфаатлари, ҳар қандай Ташқи тазйикқа қаршилик кўрсатиш, бирон-бир йирик давлат ёки давлатлар гуруҳи билан иттифоқ тузиш, ҳарбий блоклар ва қуролланиш пойгасида иштирок этишдан воз кечиш тамойилларига таянади. Хитойнинг бундай иттифоқ ва блокларда иштирок этишдан манфаатдор эмаслиги бу ташкилот ва иттифоқларда минтақадаги хавфсизлик борасида ўз қарашларига таянган ҳамда аксарият Тинч океани мамлакатлари манфаатларига стратегик жиҳат зид бўлган АҚШнинг ҳукмронлик қилиши билан изоҳланади. Шу сабабли Хитой ҳукуматининг Ташқи сиёсати дунёда тинчлик ва барқарорликка таҳдид солаётган асосий хавф-хатар — гегемонликка интилиш ва кучга таянган сиёсат экани, ҳарбий блокларнинг кенгайтирилиши ва мустаҳкамланиши тинчлик ва хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмаслиги ҳақидаги тасаввурларга асосланади. Хитой сиёсатчиларининг фикрича, адолатсиз халқаро иқтисодий тартибот ҳамон ривожланаётган мамлакатлар манфаатларига раҳна солмоқда, бой ва қашшоқ мамлакатлар ўртасидиги тафовут кескинлашиб бормоқда, ривожланган мамлакатлар эса “инсон ҳуқуқлари” ва бошқа масалаларни рўқач қилиб, бошқа давлатлар ички ишларига аралашмоқда. Хитой етакчилари “фуқаролик уруши ички иш эмаслиги”, “инсон ҳуқуқлари суверенитетдан афзалроқ экани ” ҳақидаги

қоидаларни қабул қилиб бўлмаслиги ва улар бундан буён ҳам мамлакатининг ички ишларига аралаштиришга йўл қўйилмаслигини таъкидламоқда.

Албатта, Хитой раҳбарияти минтақа доирасида муайян фаолиятни мувофиқлаштириш ва уйғунлаштириш сиёсати хорижий сармоя ва технологияларни жалб этиш учун улкан имкониятлар яратишини яхши англаб етади. Шу боис мамлакат ҳукумати Тинч океани минтақасида иқтисодий либераллашув шароитида давлат суверенитетини сақлаб қолган ҳолда минтақавий интеграция жараёнларида фаол иштирок этмоқда. Хитой ҳамкорлик орқали ўзаро уйғунлаштирилган ўсиш стратегиясини амалга ошириш, глобал ҳамда минтақавий иқтисодий инқирознинг олдини олиш заруратини тан олади. Шу билан бирга, Хитой минтақавий интеграция жараёнларини чуқурлаштиришнинг муайян сценарийларини кўриб чиқишда жадал ҳаракат ва ташаббусдан кўра кўпроқ эҳтиёткорлик ва шошмасдан иш тутишни афзал кўрмоқда. Натижада тобора кучайиб бораётган иқтисодий минтақавийлашув ва қонуний институциялашув ўртасидаги муносабатлар мавҳум бўлиб қолмоқда.

Хитойнинг минтақавий ҳамкорликдаги иштироки қўйидаги йўналишларни қамраб олади:

— минтақавий ва глобал молиявий институтларининг шакллантирилиши. Хитойнинг ушбу институтлардаги амалий иштироки кучайган сари унинг “катта саккизлик”ка қўшилиш эҳтиёжи ортиши ва ана шу механизм орқали мамлакатнинг халқаро мавқеини кучайтиришга интилишлар намоён бўлиши мумкин.

— Энергетика соҳасида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш орқали Хитойнинг энергетик хавфсизлигини таъминлаш.

— ХХР иқтисодиётини Осиё-Тинч океани минтақасидаги интеграция жараёнлари билан уйғунлаштириш ҳамда АҚШ ва Япониянинг ТМҚлари (трансмиллий компаниялар) орқали ушбу мамлакатлар билан иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш.

Хитой жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва Осиёдаги минтавийлашув жараёнларининг объектив характерга эга экани англаб, хитой иқтисодиётини ушбу жараёнларга мослаштириш йўллари изламоқда. Шу билан бирга, мамлакат ҳали осий-тинч океани интеграциясида ўз ўрнини топа олмаган, унинг иқтисодиёти эса минтақа доирасида молиявий ва иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштиришга тайёр эмас.

Хитойнинг келгусида буюк давлат сифатидаги мақомини таъминлайдиган омиллар қўйидагича: ҳарбий куч-қудрат(стратегик қуролнинг мавжудлиги), сиёсий мақоми(БМТ Хавфсизлик Кенгашида доимий аъзо), ижтимоий жозибадорлик — Хитой бир қанча мамлакатлар учун минтақавий давлатдан глобал даражадаги куч маркази, геосиёсий мувозатнатни таъминлаш омилига айланиб бормоқда.

Келгусида Хитойнинг халқаро сиёсатдаги ўрни ва аҳамиятининг ортиши, унинг Ташқи сиёсий стратегиясининг шакл-шамойили Хитойнинг ички сиёсий ва ижтимоий тараққиёт тенденциялари, яъни бозор иқтисодиёти ривожланган сари у билан зиддиятга киришадиган ҳокимият тизимини қай даражада ислоҳ этишига боғлиқ бўлади. Агарда яқин йиллар ичида озик-овқат масаласи, йирик корхоналарнинг рақобарга дош бера олмаслиги оқибатида мамлакатнинг иқтисодий ривожини секинлашган тақдирда, асосий сиёсий-мафкуравий тамойиллар ҳамда коммунистик партиянинг яккаҳокимлиги масаласини қайтадан қўриб чиқишга тўғри келиши мумкин.

Россия Европа ва Осиёнинг каттагина ҳудудни эгаллаган Евроосиё маконидаги ўзига ягона давлат ҳисобланади. Мураккаб халқаро вазият ва ички муаммоларнинг мавжудлигига қарамай, улкан иқтисодий, илмий-техникавий ва ҳарбий салоҳиятга эга бўлган, Евроосиё қитъасида стратегик жиҳатдан ғоят қўлай маконда жойлашган бу давлат жаҳон миқёсида рўй бераётган жараёнларда муҳим ўрин касб этиб келмоқда.

Ўн йилдан ортиқ вақт мобайнида оғир шароитда амалга оширилган ислохотлар натижасида мамлакатда бозор иқтисодиёти ва демократиянинг



асослари вужудга келтирилди, тегишли институт ва жамоат ташкилотлари пайдо бўлди, Россия халқаро муносабатларнинг субъекти сифатида жаҳон сиёсатига қайтди. Ташқи таъсир сусайиб, мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни муваффақиятли якунига етказиш борасида ўз кучига ишонч ортиб бормоқда. Бундай ривожланиш АҚШ билан стратегик шериклик асосида буюк давлат мавқеининг тикланиши ҳақидаги тасаввурлар билан мос эди. Аммо, халқаро обрў-эътиборга эришиш учун, аввало, иқтисодий фаровонлик ва сиёсий барқарорликни таъминлаш зарур эди.

Кейинги вақтда Россия ўз Ташқи сиёсатининг кўп томонлама йўналишга эга эканини намоён этмоқда. Шунинг учун у барча мамлакаталар ва минтақалар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлаб, Форс курфази ёки Яқин Шарқдаги мураккаб минтақавий муаммоларни ҳал қилшда фаол иштирок этиб келмоқда. Бинобарин, бунда Россия мамлакатнинг Ташқи сиёсий захираларни сочмасдан, мавжуд реал имкониятлар келиб чиқиб, ҳаракат қилаётир.

Истикболда Россия Федерациясининг жаҳон иқтисодиётига кенг интерациялашуви, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар билан ҳамкорлигининг янада кенгайтирилиши кутиш мумкин.

Россия назарида, халқаро майдондаги асосий хавф-хатар ва таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

— айрим давлатлар ва давлатлараро бирлашмалар(бу ўриндан аввало АҚШ назарда тутилмоқда) томонидан халқаро хавфсизликни таъминлашнинг мавжуд механизмлари, жумладан, БМТ ва ОБСЕнинг ўрни ва аҳамиятини пасайтиришга интилаётгани;

— ҳарбий-сиёсий блокларнинг мустаҳкамланиши, биринчи галда, НАТОнинг Шарққа силжиши;

— бевосита россия чегаралари яқинида хорижий мамлакатлар ҳарбий базалари ва йирик ҳарбий контингентларнинг пайдо бўлиш эҳтимоли;

— оммавий қирғин қуролилари в уларни етказиб бериш воситаларининг тарқатилиши;

— МХД доирасида интеграция жараёнларининг заифлашуви;

Россиянинг давлат чегаралари ҳамда МХД аъзо-давлат Ташқи чегаралари яқинида низоларнинг пайдо бўлиши ва авж олиши.

Ҳозирги геосиёсий вазиятда, Россия Федерацияси Ташқи сиёсати учун, айниқса, минтақавий хавфсизликнинг самарали тизимини шакллантириш хусусида сўз борганда, Марказий Осиё минтақасининг аҳамияти беқиёсдир. Зеро Россиянинг жанубий чегараларидаги хавфсизлик минтақада воқеа-ҳодисаларнинг кечишига бевосита боғлиқдир. Бу ўринда Россиянинг Марказий Осиё давлатлари билан анъанавий иқтисодий ва гуманитар алоқалар алоҳида ўрин тутади. Шу маънода, Россиянинг постсовет маконида, жумладан, Марказий Осиёда таъсирининг сақланиб қолиши дунё миёсида унинг мавқеини мустаҳкамлашган қаратилган саъй-ҳаракатларнинг бир қисми ҳисобланади.

Россиянинг Марказий Осиёдаги бевосита манфаатлари ҳақида сўз кетганда, В.Третьяков стратегик характер касб этган қуйидаги манфаатларни келтиради:

1. Минтақада муайян масъулиятсиз сиёсий кучларнинг ҳукмронлигига йўл қўймаслик мақсадида ушбу минтақанинг барча ҳудудларида Россия таъсирини тўлиқ тикланишига эришиш.

2. Бевосита Россия чегаралари тутшиб кетадиган ҳудудларда ҳамда минтақадаги вазият издан чиқариши мумкин бўлган ички минтақавий низоларга йўл қўймаслик.

3. Минтақадаги тузумларнинг инқирозга юз тутиши, ички ёки Ташқи кучлар томонидан ағдарилишига йўл қўймаслик.

4. Марказий Осиё минтақасида истиқамат қилаётган рус миллатига мансуб кишиларнинг манфаат во ҳуқуқларининг таъминланиши.

5. Россиянинг минтақадаги иқтисодий мавқеини мустаҳкамлаш вав истиқболда бу ҳудудда рубль валюта зонасини шакллантириш.

6. Афғонистоннинг худудининг бир қисмини назорат қилаётган АҚШ ва НАТО наркотрафик масаласини ҳал этолмаётганини эътиборга олиб, уни ташишини тўлиқ тўхтатиши ёки камайтириш.

7. Конфессиялараро ва динлараро низолар ўчоқларининг ушбу минтақа ҳамда унга яқин худудларга кўчирилмаслигининг олидини олиш.

8. Марказий Осиё мамлакатларида шаклланган дунёвий давлатлар ва сиёсий тузумларнинг ағдалишига йўл қўймаслик.

9. Рус тилининг давлатлараро ва миллатлараро мулоқот воситаси сифатидаги ўрни ва аҳамиятини сақлаб қолиш.

10. Мазкур минтақага хос муаммолар, хусусан, минтақа доирасида сув тақсимооти каби масалаларнинг максимал даражада ҳал этилишига интилиш ва уларнинг низога айланиб кетишига йўл қўймаслик.

Д. Трофимов Россиянинг Марказий Осиёдаги манфаатлари масаласи юзасидан ўзгача нуқтаи назарни илгари суради. Унинг фикрича, бу манфаатлар аввало, минтақада ушбу худудда жойлашган мамлакатларнинг яқин ҳамкорлиги асосида барқарорликни таъминлаш; Хитой, Ҳиндистон, Эрон каби мамлакатлар билан шериклик муносабатларини таъминлаш мақсадида Марказий Осиё худудди орқали юкларни тўсиқсиз транзит қилиш ҳуқуқи; келажакда Россиянинг иқтисодий модернизациялашувига кўмаклашиши мумкин бўлган минтақа давлатлари билан умумий иқтисодий маконнинг мавжудлиги; минтақанинг геостратегик имкониятларидан амалий ҳарбий мақсадларда, шунингдек, Россиянинг минтақа ва дунё миқёсидаги давлат мақомини сақлаб қолиш учун фойдаланиш; Россиянинг минтақадаги етакчи ўрни жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши. В.Наумкиннинг фикрича, Россиянинг минтақадаги геоиқтисодий ва ҳарбий мақсадлари соф иқтисодий ҳамда энергетик вазифалари билан туташиб кетади. Шу маънода, Марказий Осиё юрагига олиб келадиган ҳарбий-стратегик ва иқтисодий йўллар унинг худудидан ўтадиган минтақадаги етакчи давлатлардан бири — Қозғистонга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Наумкиннинг назарида, “жанубий стратегик ўқ” ёки жанубдан келётган янги

тахдидаларга қарши ҳимоя буфер ҳудудини шакллантириш масаласини ушбу давлатнинг иштирокисиз амалга ошириб бўлмайди.

Шу билан бирга, Марказий Осиё давлатларининг Россияга нисбатан муносабатида турли ёндошувлар кўзга ташланмоқда. А.Мадашенко фикрича, бу минтақада жойлашган давлатлар манфаатлари ҳар доим ҳам мос келавермайди. Ҳар бир давлат, аввало, минтақа доирасидан ташқарига чиқадиган муайян миллий манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилади. У айнан евроосиёчилик ғояси ҳам россия ижтимоий фикри доирасида пайдо бўлиб, шаклланганини таъкидлайди. Бироқ, А.Малашенко назарида, Россия билан муносабатлар — Марказий Осиё давлатларининг барчаси учун асосий масаладир. Ҳозирги даврда шўролар даврида инкор этилган этник ўз-ўзини англаш жараёнининг кучайиб бораётгани ушбу минтақа давлатлари ижтимоий менталитетининг етакчи омили ва расмий мафкурасига айланиб бормоқда.

Шу билан бир қаторда, ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатларининг Россияни жалб этган ҳолда интеграция жараёнини кучайтириш борасидаги саъй-ҳаракатларининг уйғунлашувини кузатиш мумкин. Бу жараённинг аҳамиятини нафақат Россия раҳбарияти, балки Марказий Осиё давлатлари етакчилари ҳам яхши англаб етади.

Айрим тадқиқотчилар назарида, Қозоғистонни “Осиё эшигига кирадиган калит” деб ҳисоблаш зарур. Зеро бу давлатга таъсирнинг кучайиши нафақат минтақадаги вазиятнинг бароқарорлашуви, балки Россиянинг Марказий Осиё ва Каспий минтақаларининг бутун ҳудудидаги таъсирининг кучайишига хизмат қилади. Шу маънода, Россиянинг Қозоғистон билан алоқаларни мустаҳкамлашнинг қуйидаги муҳим жиҳат ва омиллари эътироф этилади:

— Россиянинг анъанавий маҳҳсулот сотиш бозорлари ҳамда Марказий Осиёнинг мустақил давлатларининг бой табиий захиралари устидан назоратнинг сақлаб қолиниши, асосан Россия иштирокида вужудга келтирилган транспорт ва инфор­мацион коммуникациялар ҳамда иқтисодий салоҳиятдан фойдаланиш. Сўнгги ўн йил мобайнида осие захиралар базасидан (рангли ва бошқа металллар,

газ, конденсат ва ҳоказолар) маҳрум бўлиши оқибатида Россия ички бозорида ва Ташқи иқтисодий фаолиятида жиддий номутаносибликларни келтириб чиқарди;

— Қозоғистоннинг геостратегик жойлашувидан фойдаланган ҳолда вужудга келиши мумкин бўлган локал низолар во тўқнашув зоналарини имкон даражасида Россия чегараларидан узокроқда бўлишини таъминлаш;

— Совет Иттифоқини ҳимоя қилиш учун вужудга келтирилган ҳарбий-космик, ҳаво ҳужумига қарши ва бой берилгани бошқа мудофаа салоҳиятининг қопланишига эришиш. Айти пайтда Россияда собиқ иттифоқ даврида Қозоғистонда барпо этилган ҳарбий инфратузилмага катта эҳтиёж сезилмоқда;

— Қозоғистонда истиқомат қилаётган этник россияликларнинг, кенгрок олганда, Россияга мойил бўлган аҳолининг таҳқирланишига йўл қўймаслик;

— Қозоғистон Республикасида Россиянинг иқтисодий фаолиятини сақлаб қолиш ва кучайтириш имкониятларидан фойдаланиш. Айтиқса, углеводород хом ашёсини ишлаб чиқариш ва ташиши, шунингдек, янги транспорт йўлакларини қуриш(биринчи гала, Шимол-Жануб йўналишида) истиқболлари нуқтаи назаридан бу масала далзарб аҳамият касб этади. Чунки бу лойиҳаларнинг аксарияти бўйича Россия Қозоғистон ҳудудини четлаб ўтиш имкониятига эга эмас.

— Қолаверса, ҳозирги вақтда икки малакат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга барча имконият мавжуд: Россия-Қозоғистон муносабатлари тез суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Қозоғистон раҳбарияти икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар устувор аҳамият касб этаётгани, ўзаро манфаатли дўстона алоқаларга асосланганини таъкидлаб келмоқда. Масалан, Қозоғистон томонидан МДХ доирасида имзоланган 600 зиёд ҳужжатлар, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома(1992 йил), абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома(1998 йил) шундан далолат беради. Россия ҳам импорт, ҳам экспорт бўйича Қозоғистоннинг асосий иқтисодий шериги бўлиб қолмоқда. “Бешлик” томонидан Евроосий иқтисодий ҳамкорлиги (ЕврАзЭС) ташкил

этилганидан кейин россия-Қозоғистон иқтисодий алоқалари янада жадал ривожлана бошлайди.

Жумладан, Қ.Р ва Россия ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия учрашуви натижаларига асосланиб, Россия энергетика ва саноат вазири В.Христенко 2006 йилда икки малакат ўртасидаги товар айрбошлаш ҳажми 20 млрд. долл. ошиб кетиши мумкинлигини маълум қилди. Бундан ташқари, икки мамлакат ўртасида иқтисодиёт соҳаси ҳамда чегараолди ҳудудларда икки йиллик ҳамкорлик тўғрисида ҳаракат режаси имзоланди.

Сочида май ойида икки давлат президентларининг учрашувида россия томони қозоқистон газ нархини оширишга, Қозоғистон юқларига имтиёзли тарифларни шакллантиришга розилик билдирди. Бундан ташқари, Н.Назарбоев ва В.Путин икки мамлакат ўртасидаги товар айрбошлаш ҳажмини ошириш имконини берадиган Шимолий Каспийдаги газ конлари биргаликда ўзлаштириш ҳақидаги келишиб олди. Ўша вақтда Россия-Қозоғистон ўртасидаги Евроосиё Тараққиёт банкини таъсис этиш тўғрисидаги Битим ҳам ратификация қилинди. Россия Давлат Думасининг МДХ ва ватандошлар билар алоқалар қўмитаси раиси А.Кокошин бу ҳужжатни “постсовет маконида молиявий-иқтисодий соҳадаги энг йирик интеграциялашув лойиҳаси” деб атади. Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан собиқ иттифоқ республикаларида ўз фаолиятини кенгайтириш ҳақида қарор қабул қилгани муносабати билан Евроосиё Тараққиёт банкнинг таъсис этилиши айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Аммо икки томонлама муносабатларда қуйидаги муаммоларга кўзга ташланмоқда: Россия билан эркин иқтисодий ҳудуд ва ягона тариф сиёсатининг шакллантирилмагани, ўзаро келишилган энер-гетика сиёсати масаласининг ҳал этилмагани ва бошқ. Кўплаб экспертларнинг фикрича, ушбу муаммолар ягона иқтисодий маконни шакллантириш ҳамда ЕврАзЭС доирасида интеграциялашув лойиҳа-ларининг ривожлантирилиши орқали ҳал этилиши мумкин.

Шу билан бирга, кўплаб сиёсатшунослар Марказий Осиё мин-тақасини таҳдид ва хавф-хатарлар ўчоғи сифатида баҳоламоқда. Масалан, В.Никоновнинг

фикрича, Марказий Осиё бошқа минтақаларга нисбатан кўпроқ даражада хавфсизликка таҳдид маибаи сифатида қаралиши мумкин. Чунончи, Афғонистон ва Тожикистондаги нозоларнинг авж олиши Марказий Осиёдаги кучлар мувозанатини буткул издан чиқариши ва Россиянинг жанубий чегараларида беқарор, нотинч вазиятни вужудга келтириши мумкин. Россия Марказий Осиё минтақасида пайдо бўлиши мумкин бўлган глобал таҳдидларнинг, жумладан, ядро қуроли компонентлари ва технологияларининг ўғирланиши, исломнинг радикаллашуви, ҳудуддий даъволарнинг тўлқини, гиёҳванд моддалар савдосининг авж олиши каби хавф-хатарларнинг олдини олишда иштирок этишдан маҳрум бўлмаслиги керак.

Ҳозирги вақтда жаҳон миқёсидаги айрим қудратли давлатлар ва минтақавий мамлакатлар Марказий Осиёда ўз мавқеини мустақамлашга интилмоқда.

Бу ҳудуддаги геосиёсий вазиятдаги ўзгаришлар минтақанинг бир неча куч марказлари туташган нуқтада жойлашгани ҳамда айрим Ташқи ва халқаро доиларалар уларнинг заиф нуқталаридан бу минтақа давлатларига тазийё ўтказишга интилаётгани билан ҳам изоҳланади. Масалан, марказий-осиё минтақасига Россия, Эрон ва Туркия қарашларини ифода этадиган геосиёсий моделлар кўп жиҳатдан тарихий анъаналарга таянган. Дейлик, Россия нуқтаи назаридан, Марказий Осиё унинг ҳаётий манфаатлари доирасида жойлашган. Худди шундай ёндошувни Россия билан бу борада рақобатлашаётган Эрон ва Туркия концепцияларида ҳам кузатиш мумкин. Хусусан, Эрон концепциясида Россиянинг минтақа таркибидан чиқарилган бўлса, собиқ иттифок республикаларининг барчаси унинг ҳудудига киритилган, ҳатто унда хитой Синжонининг иштирок этиши кўзда тутилган. Пантуркизмга асосланган Туркия ёндошувида насроний Грузия ва Арманистон, шунингдек, Россия ва Эрон унинг минтақавий концепцияси доирасидан чиқариб ташланган.

Россия, Эрон ва Туркия минтақавий концепциялари ҳам турли мезонларга асосланган. Масалан, жўғрофий яқинлик, иқтисодий алоқалар, совет ўтмиши

даврининг умумийлиги каби мезонлар Россиянинг “яқин хориж” концепциясида ўрин олган. “Янги Яқин Шарқ” ибораси талай жўғрофий, тарихий ва иқтисодий омилларни қамраб олади. Турк ҳамжамияти ғояси эса Туркия билан Кавказ ва Марказий Осиё халқлари ўртасидаги маданий муштаракликка урғу беради. Маълум бўладики, ҳар учала концепцияда тарихий анъана ва иқтисодий имкониятлар муҳим аҳамият касб этади.

Россия, Эрон ва Туркия концепциялари совет иттифоқи парчаланиб кетгандан кейинги даврдаги Ташқи сиёсий концепцияси негизида ётган тамойиллар асосида ишлаб чиқилган эди. Марказий Осиё мамлакатлари мустақилликка эришган даврнинг дастлаки йилларида бу доктриналарга жиддий ўзгартиришлар киритилади. Масалан, Эрон учун Қозоғистон ва Туркменистон, “қувур йўллари уруши”да эрон лойиҳаси ютиб чиққан тақдирда Техроннинг халқаро изоляциядан қутулишига ёрдам бериши мумкин бўлган давлатлар сифатида кўпроқ қизиқтиради. Илгарироқ Эрон учун тарихий-маданий ва этник яқинлик жиҳатидан минтақадаги энг муҳим давлат Тожикистон ҳисобланган. Туркия эса Марказий Осиёдаги сиёсатининг амалий мақсад ҳамда вазифаларини аниқлаш жараёнида Россиянинг бу минтақадаги мавқеини инобатга олишига мажбур бўлди.

Россиянинг глобал миқёсда ва минтақа доирасидаги ҳарбий-сиёсий хавфсизлик масалалари борасидаги сиёсати “яқин хориж”нинг бу қисмида ҳал қилувчи омил вазифасини ўтамоқда. В.Кулагин ҳақли равишда таъкидлаганидек, ушбу минтақада ҳарбий-сиёсий соҳада мутлақо янги, турли йўналишга эга бўлган тенденциялар кўзга ташланмоқда, янги мусттақил давлатлар ва субминтақавий гуруҳлар ҳарбий-сиёсий манфаатларнинг шаклланиш жараёнлари юз бермоқда, минтақа ташқарисидаги давлатларнинг таъсири кучайиб бормоқда. Турли сабабларга кўра, “яқин хориж” ибораси сиёсий жиҳатдан минтақада ва унинг атрофидаги вазиятга мос келмаётир. Шу ўринда В.Третьяковнинг таъкидлашича, Россия собиқ СССР таркибидан ажралиб чиққан энг катта мамлакат, Евроосиё минтақасидаги энг йирик давлатгина эмас, балки жами



салоҳиятини инобатга олганда, дунёда иккинчи ўринни эгаллаган ва келгусида бешта энг қудратли давлатлар қаторидан жой оладиган супердавлат сифатида эътироф этилиши керак.

Эрон хусусида тўхталадиган бўлсак, унинг стратегиясидаги икки йўналишга эътибор қаратиш зарур. Биринчиси — Эронда Каспий денгизи қирғоғи бўйлаб темир йўл қўрилишини амалга ошириш (минтақа давлатларини ўзига жалб этиш мақсадида), иккинчиси — Каспийдан Форс курфазигача канал қозиш; мазкур лойиҳага Россия ҳам қизиқиш билдирмоқда. Канал ҳам иқтисодий (Шимол-Жануб йўналишида транспорт йўлагининг ривожлантирилиши), ҳам геосиёсий (Каспий флотилиясининг Форс курфазига чиқиш имконияти) жиҳатдан катта қизиқиш уйғотмоқда. Шу тариқа, Эрон Россиянинг иттифоқчисига айланиб қолмоқда. Табиийки, бунинг учун Россиядан муайян кафолатлар ҳам талаб этилса керак.

Марказий Осиё ана шундай улкан иқтисодий хавф сиёсий манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилаётган давлатлар учунгина қизиқарли эмас, балки “денгиздан денгизгача” ҳалифаликни тиклашга интилаётганларни ҳам ўзига жалб этмоқда. Марказий Осиё минтақаси халқаро терроризмнинг диний экстемистик тусдаги марказлари учун тоталитар панисламизм ғояларига асосланган давлатни барпо этиш учун истиқболли макон ҳисобланади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Марказий Осиё давлатларининг ривожланиш тенденциялари.
2. Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий ўсиш омиллари.
3. Марказий Осиёда халқаро терроризм таҳдиди.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.

2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
6. Америка Қўшма Штатлари. – Т., Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти нашриёти., 2003
7. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
8. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
9. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
10. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
14. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
15. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.
16. Мирқосимов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. Из-во Академия, 2004.

### **2.3. Марказий Осиёдаги интеграция жараёнлари**

Минтақадаги интеграция жараёнлари бу ҳудудда истиқомат қилиб келаётган халқларнинг азалий тарихий ва маънавий илдизларининг муштараклиги, иқтисодий, ижтимоий ва демократик муаммоларнинг ўхшашлиги билан изоҳланади. Аммо бу интеграция оқилона тамойилларга асосланмоғи, умумий мақсадлар йўлида мавжуд имконият ва салоҳиятни бирлаштиришга қаратилмоғи керак. Интеграциянинг бирламчи мақсади минтақани иқтисодий тараққиётга қаратилган бўлса, ҳамкорликни амалга ошириш кўп томонлама

механизмларининг бош мақсади иқтисодиётга йўналтирилгандир. Ташаббускорлик, рақобат, савдонинг либераллашуви унинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида хизмат қилади. Интеграция жараёни, бир томондан, табиий равишда амалга оширилиши, иккинчи томондан, интеграцияга киришаётган давлатлар иқтисодиёти тараққиётнинг муайян босқичида бўлиши зарур.

Интеграция жараёнида ягона хўжалик мажмуи унинг тарбикига киритилган субъектлар, табиий ва иқтисодий омиллар, мамлакатлар иқтисодий ривожланиши йўналишини ифода этувчи умумий хусусиятларнинг мавжудлиги тамойилари негизида шаклланади. Шундай қилиб, унинг шаклланишига нафақат минтақа иқтисодий ривожланишининг умумий хусусиятлари, балки ҳар бир мамлакатга хос муайян омиллар ҳам таъсир қилади.

*Сиёсий соҳада* давлатлар бундан буён ҳам ижтимоий ва сиёсий воқеликка таянган турли даражадаги келишувлар(икки томонлама, кўп томонлама, субминтақавий ва минтақавий) асосида ҳамкорликни давом эттириши мумкин. Сиёсий интеграциялашув(биргаликда қарорлар ишлаб чиқиш, фаолиятнинг барча йўналишларида ягона сиёсатни шакллантириш) иштирокчилар томонидан доимо назарда тутилмаслиги ҳам мумкин. Шу боис интеграциялашувнинг қонунийлаштирилиши жараёнининг заифлиги шароитида сиёсий ҳамкорликни амалга оширишда иқтисодий омилга алоҳида аҳамият қаратилади.

Кейинги вақтда шунчаки эркин иқтисодий савдо доирасидан ташқарида ҳамкорликнинг тамоман янги шакл ва йўналишларда, жумладан, *ижтимоий ва экологик* соҳаларда амалга оширилаётганини таъкидлаш зарур.

Қолаверса, *хавфсизлик соҳасида*, чунончи, диний экстремизмнинг тарқалиши, наркотрафик, уюшган жиноятчилик, халқаро терроризмга қарши кураш ҳам ҳамкорликнинг ғоят муҳим йўналиши ҳисобланади.

Марказий Осиёда иқтисодий ҳамкорлик ва барқарорликнинг янада мустаҳкамланиши мамлакатлар ўртасидаги алоқаларнинг изчил ва амалий механизмларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Бу жараённинг устуворликлари минтақадаги давлатлар манфаатлари, иқтисодий имкониятлари ва ижтимоий-

иқтисодий тараққиётини жадалаштириш-нинг қуйидаги мақсадлари билан белгиланади:

минтақанинг сув захираларидан оқилона ўзаро манфаатли фойдаланиш ҳамда унинг экологик хавфсизлигини таъминлаш;

- савдо соҳасида ҳамкорлик қилиш;
- ёқилғи-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш;
- рақобатбардош тайёр маҳсулотларни чиқариш мақсадида ўзаро ишлаб чиқариш кооперациясини йўлга қўйиш;
- Ташқи бозорларга чиқиш имкониятига эга бўлган бирлаштирилган транспорт тизимини яратиш;
- алоқа ва коммуникацияларнинг ягона тизимини ташкил этиш;
- бозор инфратузилмаларини ривожлантириш;
- тарбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш;
- илмий-техникавий ҳамкорлик.

Марказий Осиё давлатларининг минтақавий интеграциясига қуйидаги омиллар хизмат қилади:

- минтақанинг энергетика, минирал ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаши;
- экспорт салоҳиятининг юқорилиги;
- қисқа давр мобайнида кооперация ва умумий сармоя асосида юксак сифатли рақобатбардош маҳсулот чиқариш имконини берадиган ялпи ишлаб чиқариш имкониятлари;
- юқори малака ва билим даражасига эга бўлган меҳнат захиралари;
- ишчи кучи қийматининг нисбатан паст даражаси;
- юксак илмий-техникавий салоҳият;
- сув ва бошқа табиий захиралардан биргаликда ва оқилона фойдаланиш имкониятлари;
- қулай геосиёсий жойлашув;

— экологик хавфсизликни таъминлаш имкониятлари.

Минтақавий интеграция жаҳон хўжалигига мослашув, дунёда шаклланган иқтисодий иттифоқ ва уюшмалар билан яқин ҳамкорлик қилишни тақозо этади. Шу билан бир қаторда, жаҳон хўжалигига интеграциялашув жараёни кўп жиҳатдан мамлакатларнинг ўзида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар мазмун-моҳияти, шунингдек, бундай ислохотларга ҳамда минтақавий ҳамкорликка тайёргарлик даражаси билан узвий боғлиқдир.

Интеграциялашув жараёнинг кенг форматда амалга оширилиши рақобатбардош иқтисодиётни вужудга келтиришда кўпроқ самара беради. Марказий Осиёда бу йўналишда ташкил этилган иқтисодий ташкилот минтақавий бозорни шакллантиришга қаратилган эди.

Минтақа давлатларининг минтақавий хавфсизлик ва барқарорлик ягона маконини вужудга келтириш, сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда интеграция жараёнлари ва ўзаро алоқаларни ривожлантириш масаларида ҳамкорлигининг ўта муҳимлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Ҳамжамиятни “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” Ташкилотига айлантириш таклифини илгари сурди. Бу таклиф Қозоқистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлат раҳбарларининг 2001 йил 28 декабрьдаги Тошкент баёнотида акс эттирилган.

Ўтган давр мобайнида давлат раҳбарларининг бешта учрашуви бўлиб ўтди: 2002 йил 28 февралда Олма-Отада, 2002 йил 6-7 июльда Оқтовда, 2002 йил 5-6 октябрда Душанбеда, 2002 йил 27 декабрьда Остонада, 2003 йил 5-6 июльда Олма-Отада.

Марказий Осиё республикалари давлар раҳбарларининг 2002 йил 28 февралда Олма-Отада бўлиб ўтган саммитида “Марказий Осиё Ҳамкорлиги” Ташкилотини (МОҲТ) таъсис этиш тўғрисида Шартнома имзоланди.

Миллий мувофиқлаштирувчилар институти ташкил этилди. 2002 йилнинг биринчи ярмида мазкур ташкилотга Ўзбекистон Республикаси, 2002 йилнинг июлидан эса Қозоқистон Республикаси раислик қилди.

МОҲТ асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- барча тарафлар манфаатларини инобатга олган ҳолда, сув-энергетика захиралари ва халқ хўжалиги объектларидан оқилона фойдаланиш;
- умуминтақавий транспорт инфратузилмалари тизимини шакллантириш;
- гуманитар соҳа ҳамда экологик муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш;
- хавфсизликни таъминлаш масалаларида ўзаро алоқаларни фаоллаштириш.

МОҲТ давлат раҳбарларининг бўлиб ўтган учрашувларида қабул қилинган қарорларни бажариш юзасидан қуйидаги ишлар амалга оширилган: Марказий Осиёда диний экстремизм ва фанатизм фаоллашувини олдини олиш борасида хавфсизлик хизматлари ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларининг доимий фаолият юритувчи минтақавий кенгашини ташкил этиш бўйича амалий ишлар олиб борилди. Бу тузилманинг терроризм, наркотрафикка қарши курашиш борасида яқин ва ўрта истикболдаги вазифаларини белгилаб олиш бўйича йиғилиши 2002 йилнинг 20-22 августида Тошкентда бўлиб ўтди. Мазкур йиғилиш қарорига биноан МОҲТ аъзо давлатлар хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқ-тартибот идоралари Кенгаши тўғрисида Низом ишлаб чиқилмоқда. 2002 йилнинг 18 ноябрида Тошкентда МОҲТ давлатлари парламентлари аъзоларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бу учрашув минтақада интеграция жараёнини чуқурлаштиришга қаратилган МОҲТга аъзо давлатлар қонунчилик базасини мувофиқлаштириш мақсадида ўтказилган эди. 2002 йилнинг 28-29 ноябрида МОҲТга аъзо давлатлар ишбилармон доиралари во тадбиркорларининг бизнес-форуми ўтказилди. Унинг мақсади — иқтисодий ҳамкорликнинг жорий ва истикболдаги муаммоларини, биргаликда турли

лойиҳаларни амалга ошириш ушбу минтақа давлатлари иқтисодиётига инвестицияларини жалб этиш масалаларини муҳокама этишга қаратилган эди. 2003 йилнинг 6 майида Ўш шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи иқтисодий анжуманда минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш, тўрт давлат қонунчилиги увофиқлаштириш, савдо қонун-қоидаларини айниқса чегара ҳудудларда осонлаштириш, шунингдек, туризм ва транспорт соҳасида ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди. 2003 йилнинг 12 августида Ўш шаҳрида терроризм, экстремизм ҳамда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиши масалалари бўйича хавфсизлик хизматлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбаларининг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг якуний ҳужжати — Протоколда тарафлар терроризм, экстремизм ҳамда гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш борасида саъй-ҳаракатларни янада кучайтириш ҳамда ҳамкорлик самарадорлигини ошириш тўғрисида келишиб олди.

Умуман олданда, келажакда Марказий Осиё давлатлари фаровонлиги кўшни давлатлардаги барқарорлик билан белгиланишини тахмин қилиш мумкин. Чунки айнан шу омил қуруқликдаги коммуникациялар бўйича савдо – сотиқнинг тўхтовсиз амалга оширилиши ҳамда собиқ иттифок республикаларининг Россия Федерацияси билан яқин ҳамкорлик қилишини имкон яратади. Бинобарин, истиқболада Марказий Осиё минтақасида қазилма бойликларнинг улкан хом ашё базасининг мавжудлиги ва россиядаги истеъмолчилар билан яхши шаклланган қувурлар ва бошқа коммуникация тузимлари билан узвий боғлиқлиги; Россия ва Марказий Осиё мамлакатларидаги бозор шарт-шароитларининг ўзаро маҳсулот ҳамда хизматлар айрбошланишининг талаб ва таклиф тамойилига мослашгани; тарафларнинг аввалги даврларда барпо этилган ҳамда биргаликда тасарруф этишга мўлжалланган объектларни сақлаб қолиш мақсадида кооперация ва технологик алоқаларни, аввало, энергетика ва транспорт соҳаларида ривожлантирилишидан манфаатдорлиги.

Россия ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг истиқболларининг таҳлили келгусида тарафлар узок муатли иқтисодий манфаатларини янада яқинлаштириш мумкинлигини кўрсатади. Ҳозирги вақтнинг ўзида бу минтақа давлатлари минтақаларо алоқаларни мустаҳкамлаш масаласига мафкуравий нуқтаи назардан эмас, амалий ёндошувларга таяниб, иш юритишга интиломда. Бу ўринда янги йўналишларни танлаш масаласи ушбу мамлакатларнинг келажакдаги тараққиёт моделининг мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Шундай қилиб, Россиянинг минтақадаги иқтисодий муносабатлар, постсовет маконида хавфсизлик халқаси ва таъсир марказини шакллантириш, бу худудда жойлашган мамлакатлар билан икки томонлама алоқаларида бир неча бор турли ўзгаришлар юз берган бўлса-да, унинг дўстона муносабатларини сақлаб қолишга қаратилган сиёсати ўзгармасдан келмоқда. Мустақиллик йилларида иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқаларнинг бутун бошли тизими вужудга келтирилди, коммуникация ва алоқа воситаларининг умумий инфратузилмаси мустаҳкамланди ва кенгайтирилди. Бинобарин, минтақадаги барча давлатлар икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкамланиши ҳамда хавфсизлик масаласининг ҳал этилишидан манфаатдор давлатлар сифатида халқаро терроризм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси ва бошқа ноаъанавий таҳдидлар билан изчил кураш олиб боришда яқин ҳамкорлик қилишга ҳаракат қилмоқда. Бундай ҳамкорлик стратегик шериклик тўғрисидаги икки томонлама шартномалар даражасига кўтарилиб, МДХ, ЕврАзЭС, ШХТ доирасида биргаликда олиб борилаётган фаолиятда ўз ифодасини топаётир. Шу муносабат билан, Колумбия университети(АҚШ) сиёсатшуноси Р.Менноннинг кўйидаги мулоҳазаси диққатга сазовордир: “Тарих, жўғрофия ҳамда ҳокимият мантиғи, — деб ёзади у, — Марказий Осиёнинг Россия таъсир доирасига қолишига кафолат беради. На минтақа давлатлари, на бошқа давлатлар ёки ташкилотлар бу воқеъликни



ўзгартира олмайди; Россия давлати тузумида ўзгаришлар ҳам бу ҳолат дахл қила олмайди...”

Шу билан биргаликда, В.Никонов таъкидлаганидек, Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларда мафкуравий тазйиқ ўтказиш ёки ақл ўргатишга интилмаслик лозим. Аммо бу Россия минтақадаги руслар ҳуқуқларини унутиши дегани эмас. Аксинча, Россия раҳбарияти учун русларнинг кўчиб келишига қулай шарт-шароит яратишдан кўра, уларнинг доимий яшаш жойида қолиши учун минтақада тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида саъй-ҳаракатлар самаралироқдир. Қолаверса, минтақада ан шундай сиёсат юритиш учун аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган.

Бизнингча, Россия Федерациясининг Марказий Осиё минтақасидаги сиёсатининг ўзагини бундаги вазиятнинг бошқарилишини яхшилаш борасида пухта ўйланган ва оқилона саъй-ҳаракатлар ташкил этиши зарур. Бундан ташқари, Россия Марказий Осиёдаги ўзининг жозибадорлиги ҳақида ўйлаб кўрса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу борада Россия илм-фан ҳамда маданият марказларининг минтақадаги ижобий фаолияти ҳамда РФ Марказий Осиёдаги фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан алоқаларининг фаоллашуви ижобий самара бериши мумкин. Ушбу минтақада россия бизнесининг кўллаб-қувватланиши, аҳаллий элитага сиёсий модернизациянинг заруратини тушунтириш, оқилона миграция сиёсатининг олиб борилиши, ЯХШТ(Ялпи хавфсизлик шартномаси ташкилоти) ва ШХТ(Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти) каби тузулмалар аҳамиятининг мустаҳкамланиши ҳам Россия ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатларга ижобий таъсир этган бўлар эди.

Шу тариқа, Марказий Осиёда барқарорликнинг сақланиб туриши Россия миллий манфаатлари мос келади. Албатта, бу умумий хулосага муайян аниқлик киритилиши лозим. Зеро Россия, биринчи галда, МДХ доирасида Марказий Осиё мамлакатлари билан яқин ҳамкорлик, иложи бўлса, дўстона муносабатларнинг ўрнатилишидан манфаатдор. Шу маънода, Россиянинг

Марказий Осиёдаги сиёсатининг устуворликлари бу минтақа мамлакатларининг талаб-эҳтиёжлари ҳамда ушбу ҳудудда иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий барқарорликни таъминлаш заруратига айнан мос келади.

Энди минтақавий интеграция ва минтақавий хавфсизлик тизими ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Буларнинг асосини, аввало, иқтисодий муносабатлар ташкил этади. Шу боис 2000 йилда Ўзбекистоннинг Ташқи савдо улуши МДҲ билан 37,6 %, иқтисодий ривожланган давлатлар билан 36,0 %, ривожланаётган мамлакатлар билан 26 фоизни ташкил қилган. Бунда Ташқи савдо улушининг энг кўп миқдори(15,8 %) Россияга тўғри келган. Бу икки давлатнинг ўзаро яқинлашуви — тарихий табиий жараёндр. У хатто собиқ иттифоқ даврида мавжуд бўлган. Собиқ иттифоқ республикаларидан бирортаси интеграцияга қарши чиқмаётгани ҳам шундан далолат беради. Шу билан биргаликда, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, улардан бирортаси ўз мустақиллигидан воз кечмайди. Президентимизнинг бу мулоҳазасида ғалати вазият — бир томондан, интеграцияга ҳеч ким қарши чиқмаётгани, иккинчи томондан, уни жадаллаштиришга ҳам ҳеч ким шошилмаётгани ифода этилган.

Собиқ иттифоқ макони жаҳон хўжалигига ўхшаб кетади: у тасодифан вужудга келган, парчаланаётган ва бир-бири билан тўқнашаётган мавҳумликдан иборат эмас. Бу суверен давлатлар ўртасида ўз чегаралари, миллий манфаатлари, мақсад ва устуворликлар, жумладан, иқтисодий соҳада, эга бўлган макондир. Бу давлатлар халқлари бир-бирига қанчалик яқин бўлмасин, улар ўртасида аниқ чегара тортилган ва бу чегараларни ҳеч ким, хатто унинг нарёғида қириндошлари бор кишилар ҳам бемалол кишиб ўтолмайди. Бу ҳол ана шу давлатлар ўртасидаги муносабатлар аввалгидек “қардошлик” алоқаларига эмас, балки миллий-давлат манфаатларига асосланади. Жаҳон тажрибасидан маълумки, ана шу манфаатлар на қон-қардошлик ришталари, на этник алоқадорлик, на диний туйғуларни инобатга олади. Бу манфаатлар геосиёсат, хавфсизликни таъминлаш манфаатлари, кучлар

мувозанати, суверенитетни ҳимоя қилиш ва ҳоказоларга асогланган қонунлар негизида ривожланади.

Ҳар интеграция жараёни доирасидаги ўзаро иқтисодий боғлиқлик, унга кирган давлатлар иқтисодий сиёсатининг мувофиқлаштирилишини тақозо этиб, қайси даражада уларнинг суверенитетига дахл қилмаслиги мумкин эмас. Аммо ушбу қоида бу жараён иштирокчиларининг барчасига таалукли бўлгани сабабли муайян давлат суверенитетининг маълум қисмидан маҳрум бўлиб, шу билан бирга, бошқа мамлакат суверенитетининг бир қисмига эга бўлади. Америкалик бир иқтисодчининг киноя билан айтганидек, давлат халқаро иқтисодий муносабатларга киришиб, худди никоҳ шартномасини тузиш бўлгани каби, кўзда тутилган муайян имтиёзлар учун эркинлигининг маълум қисмидан воз кечишга рози бўлади.

Бу ўринда масала бевосита иқтисодий ёки бошқа фойда олишгагина бориб тақалмайди. Зеро ўзаро боғлиқлик кучайган сари иқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш заруратга айланади. Бошқарилмайдиган ва ўта серхаражат “ёввойи” рақобат халқаро иқтисодий муносабатлар тизимида ҳам, ички иқтисодий муносабатлар тизимида ҳам “барчанинг барча қарши уруши”га айланадиган, миллий ва дунё миқёсидаги иқтисодий барқарорликка зарба берадиган мувофиқлаштиришнинг муқобили сифатида намоён бўлади.

Ҳозирги даврда глобал иқтисодий хавфсизликка минтақавий хавфсизлик тизимлари орқалигина эришиш мумкинлиги умумэътироф этилган қоидага айланди. Глобал иқтисодий хавфсизлик тизимининг шаклланиши жаҳон миқёсида интеграциялашув жараёнининг (шу жумладан, унинг элементлари — минтақавий интеграцион уюшма ва иттифоқлар, шунингдек, Ҳалқаро Савдо ташкилоти, Ҳалқаро Валюта жамғармаси, Бирлашган Миллатлар ташкилоти фаолиятининг кенгайиши) авж олиши билан бир вақтда кечади. Бу борада Европа Иттифоқи давлатлари(улардаги тузулмалар бир вақтнинг ўзида ҳам минтақавий интеграцион уюшма, ҳам минтақавий иқтисодий хавфсизлик

тизими вазифасини ўтайди) салмоқли ютуқларни қўлган киритгани барчага маълум.

Иқтисодий хавфсизликнинг минтақавий тизими, уларга аъзо давлатларни камида иккита таҳдиддан ҳимоя қилиши зарур: биринчиси — нисбатан заиф иштирокчиларни кучлилар тазйиқидан, иккинси — тизимнинг барча аъзоларини жаҳон хўжалигининг салбий схиёли таъсиридан муҳофаза этиши керак.

Иқтисодий хавфсизликнинг минтақавий тизимлари қандайдир битта тизим атрофида жипслашиши(масалан, МДХ давлатларининг Россия атрофида) шарт эмас. Бундай марказлар бир нечта бўлиши, давлатлар ўзининг тор доирадаги масалаларини ҳал этиш ҳамда иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш мақсадида улар атрофида жипслашиши мумкин.

Ўз миллий сиёсатини, айниқса инфратузилмаларини ривожлантириш ва захиралардан биргаликда фойдаланишни мувофиқлаштириш мақсадида ўзаро ҳамкорликни турли форумлардан бошлаган Марказий Осиё давлатлари бундан субминтақавий ҳамкорликнинг самарадорлигини эътироф этган. Бундан ташқари, ушбу минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашуви улар ўртасидаги технологик, хўжаликлараро ҳамда савдо алоқаларининг сусайиши билан ҳам изоҳланади. Масалан, Ўзбекистон яқин ўтмишда моддий ишлаб чиқаришда Тожикистоннинг 58 тармоғи маҳсулотидан фойдаланиб келган. Бундан ташқари, мамлакатимиз Туркманистондан 43 тармоқ маҳсулотини олиб, ўзи 62 тармоқ маҳсулотини етказиб берган. Қирғизистондан 56 тармоқ маҳсулотини олиб, 54 тармоқ маҳсулотини етказиб берган. Ўзбекистоннинг Қозоғистон билан муносабатларида ҳам тахминан шундай вазият ҳукм сурган.

Албатта, бу ўринда Марказий Осиё давлатларининг Ташқи савдо нуқтаи назаридан ноқулай жўғрофий жойлашувини ҳам эътиборга олиш зарур: юқорида таъкидланганидек, уларнинг очик денгизларга чиқиши имкони йўқ, улар ўртасидаги коммуникациялар яхши ривожланмаган. Ушбу ҳудуддан асрлар мобайнида Буюк Ипак йўли ўтган бўлса-да, унинг иқтисодиёт ривожининг

бугунги даражасига жавоб берадиган геоиқтисодий имкониятларини тиклаш ва рўёбга чиқариш осон эмас. Қолаверса, минтақа давлатларидаги тинчлик-осойишталик унинг атрофидаги Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон, Эрон каби давлатлардаги барқарорликка боғлиқ бўлиб қолмоқда. Зеро бу минтақада кучлар мувозанатини таъминлаш ва улар билан боғлиқ бўлган барқарорликни сақлаб туриш орқалигина транспорт йўлакларининг тўхтовсиз ишлаши ва Жануби-Шарқий Осиё, Европа мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни амалга ошириш имкониятини яратади.

Дунёнинг етакчи давлатлари — АҚШ, Германия, Япония ва бошқа давлатларнинг бу минтақага нисбатан катта иқтисодий манфаатдорлигини намоён этишига ишониш қийин. Ундан кўра, иқтисодий жиҳатдан минтақа мамлакатларидан у қадар узиб кетмаган Россия, Хитой, Эрон, Покистон, Туркия сингари давлатлар билан ҳамкорлик қилишга тўғри келади.

Таъкидлаш жоизки, транспорт муаммоси ҳам интеграция жараёнларини ривожлантиришга ундамоқда. Марказий Осиё давлатлари Россия орқали юкларни етказиб беришда қийинчиликларга дуч келиши билан 1991 йилнинг охирларида жаҳон коммуникацияларига чиқишнинг муқобил йўллари излай бошлаган эди. Минтақа давлатларини Эрон билан боғлаган Тежен-Серахс-Машҳад темир йўли қурилди, шунингдек, минтақани европа ва осие коммуникация тизимларига киритиш имконини бериши мумкин бўлган янги транспорт йўли — Транскавказ йўлагининг имкониятлари ўрганила бошланди.

Таъкидлаш жоизки, Туркманистон томонидан аввалги келишувларда имзоланган ҳужжатларга қарамасдан, транзит тўловларининг оширилиши бу соҳадаги интеграция жараёнларининг мураккаблашувига сабаб бўлди.

Шунга қарамасдан, минтақавий интеграциялашув жараёни тўхтаб қолгани йўқ. Айниқса, минтақа мамлакатларининг иқтисодий интеграциялашуви ҳаётий заруратга айланиб қолди. Бу ҳол минтақа давлатларидан айримларининг автаркия(ажралиб қолиш) ҳолатидан чиқишига ҳамда минтақа ичкарисидаги ихтисослашувни кенгайтириш имконини бериши

мумкин эди. Шу боис ҳозирги вақтда минтақа доирасида айрим давлатларининг ихтисослашуви яққол намоён бўла бошлади. Масалан, Ўзбекистон, автомобилсозлик давлати сифатида ривожланиб бораётир. Мамлакатда ишлаб чиқарилаётган “ЎздЭУ” ва “Мерседес” ресумдаги автомобиллар техник кўрсаткичлари бўйича минтақадаги барча давлатларда бемалол фойдаланилиши мумкин.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларининг интеграциялашувига талай объектив шарт-шароит ва омиллар мавжуд. Бу иқтисодий ривожланиш даражасининг нисбатан бир хиллиги, ижтимоий-иқтисодий муаммоларнинг ўхшашлиги, транспорт ҳамда чув захираларининг умумийлигидир. Бундан ташқари, минтақада истиқомат қилаётган барча халқларга таҳдид солаётган умумий хавф-хатарларнинг мавжудлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг таъкидлашича, Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг ташкил этилиши уларнинг бошқа мамлакатлардан ажралиб қолишини англайтмайди ва МДҲ доирасида минтақавий интеграция жараёнларига зид келмайди. Зеро “Бу Ҳамдўстлик давлатчилиқни шакллантириш ва бозор муносабатларига ўтилаётган мураккаб даврда минтақа давлатлари интилишлари ва саъй-ҳаракатларини уйғунлаштиришга қаратилган”.

Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг ташкил этилишини “минтақавийлашув орқали глобаллашув сари” тамойилининг амалда ҳаётга татбиқ қилиниши дея баҳолаш мумкин. Юқорида таъкидланганидек, бу жараённи кўп босқичли космик кемага қиёслаш мумкин. Биринчи босқичи — миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иккинчиси — субминтақа доираси интеграцион бирлашмаларни шакллаштириш ва ривожлантириш, учинчиси — янада юқорироқ минтақавий даражада интеграцион бирлашмаларни шакллаштириш ва ривожлантириш, ниҳоят, тўртинчиси — жаҳон иқтисодий тузулмаларига тўлиқ уйғунлашув.

Бу тамойилни миинтақа доирасида харбий-сиёсий ва иқтисодий хавфсизлик тизимини ривожлантириш ва мустаҳкамлашга нисбатан ҳам қўллаш мумкин. У миллий хавфсизликни мустаҳкамлашдан бошланиб, минтақа ва халқаро хавфсизлик доирасини қамраб олади. Бу ўринда минтақавий хавфсизлик миллий ва умумдунёвий хавфсизлик тизимларини боғловчи халқа вазифасини ўтайди.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Россия Федерациясининг Марказий Осиё минтақасидаги сиёсати.
2. Глобал иқтисодий хавфсизлик тизими.
3. Марказий Осиё давлатлари Ҳамдўстлигининг ташкил этилишини “минтақавийлашув орқали глобаллашув сари” тамойили.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
6. Америка Қўшма Штатлари. – Т., Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти нашриёти., 2003
7. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
8. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.

9. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
10. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
11. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
12. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.
13. Мирқосимов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. Из-во Академия, 2004.

## **2.4. Марказий Осиёда хавфсизлик масаласи**

Тарихнинг гувоҳлик беришича, минтақавий ва минтақалараро интеграцияни чуқурлаштириш, яъни икки томонлама иттифоқчилик муносабатларини йўлга қўйиш, ШХТ, ЕврАзЭС каби тузулмаларни ривожлантириш орқалигина Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлаш масаласини ҳал этиш мумкин. Акс ҳолда халқаро терроризм ва экстремизмнинг тарқалишига қарши биргаликда ва самарали курашиш, рақобатбардош иқтисодиётни шакллантириш ҳамда собиқ иттифоқ республикаларининг деярли барчасига хос бўлган талай ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилиши амри маҳол.

Минтақа ядро қуролига эга давлатлар қуршовида жойлашгани боис бу ҳудудда ядро қуролидан холи зонанинг ташкил этилиши улар ўртасидаги муносабатларда кучлар мувозанатини сақлаб туриш имконини яратади. Мазкур шартнома ядро қуролидан холи зона яратилишига илк бор БМТ жалб этилгани билан ҳам аҳамиятлидир. Дарҳақиқат, ушбу шартнома имзолагунга қадар БМТ на лотин Америкаси, на Қариб денгизи, на Жануби-Шарқий Осиё ва Африка, на Осиё-Тинч океани минтақасига бу қадар эътибор бермаган эди. Бугун жаҳон ҳамжамиятининг диққат-эътибори айнан Марказий Осиё минтақасига қаратилган. Чунки у кўпгина низоларнинг олдини оладиган жиддий омил



сифатида хизмат қилмоқда. Минтақа давлатлари бу каби мураккаб масалаларни амалда ҳал қилишга қодир эканини намоён этиб келмоқда. Масалан, ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлашга йўналтирилган чора-тадбирларнинг кучайтирилиши шундан далолат беради.

Минтақа давлатлари халқаро хавфсизлик масалаларида эришилган ижобий натижалардан ташқари, гуманитар соҳада ҳам ўз мавқеини мустаҳкамлаш имкониятга эга. Масалан, бешта давлат олимлари ядро соҳасидаги тадқиқотлар натижаларини фақат тинч йўлда фойдаланиш, тегишли соҳаларда юксак малакали мутахассисларни тайёрлаш, биргаликда яратилган илғор технологияларни жорий этиш учун қўшимча имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Мазкур шартнома Марказий Осиё ва унга чешарадош минтақалардаги интеграция жараёнларига ижобий таъсир этиши шубҳасиздир. Бошқача айтганда, минтақада давлатларининг сиёсий, ижтимоий ва маданий соҳадаги алоқалари янги босқичга кўтарилади. Бундай муҳим ҳужжатнинг айнан шу минтақада имзолангани ягона минтақавий манфаатларга таянган яхлит минтақавий мафқуранинг шаклланиш жараёни бошланганидан далолат беради. Энг муҳими шундаки, Ўзбекистон бунда қандайдир алоҳида масала эмас, Марказий Осиё мамлакатлари хавфсизлиги ва фаровонлиги масаласи кун тартибига қўйилганини ўз қўшниларига яна бир бор асослаб берди. Шу маънода, замонавий таҳдидлар, шу жумладан, халқаро терроризм ва оммавий қирғин қуроолларининг тарқатилишига қарши курашишнинг энг изчил ва самарали йўли — минтақадада жойлашган ҳамда ушбу таҳдидлар хавфини тўғри ва холисона баҳолаётган давлатларнинг яқин ҳамкорлигидир (Народное слово, 2006 йил 15 сентябрь).

Ўзбекистон истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ ядросизлик тамойилини ўз миллий қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйган эди. (Ўзбекистон Республикасининг “Мудофаа тўғрисида”ги Қонуни). Мазкур қонуннинг 2001 йил 11 майдаги янги таҳрири 4-бандига биноан, Ўзбекистон Республикаси ядро

ва бошқа оммавий қирғин қуролини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, сотиб олиш, сақлаш, тарқатиш ва жойлаштиришдан воз кечади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида”ги Қонунига биноан давлат қурол-яроғ, ҳарбий техника, икки хил мақсадда қўлланишини мумкин бўлган товар ва технологияларга нисбатан қатъий экспорт назоратини ўрнатади(17, 22- бандлар). Ўзбекистон Республикасининг “Муҳим юклар ва ҳарбий контингентлар транзити тўғрисида”ги Қонуни ҳам ядро қуроли ва материаллар транзитини мустақкам назорат этиш имконини яратади.

Ўзбекистон қонунчилигида ядро қуролининг яратилиши ва тарқатилиши билан боғлиқ бўлган барча хатти-ҳаракатларнинг криминаллашуви назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексида қуйидаги хатти-ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган:

— ядро, кимё, биологик ва бошқа оммавий қирғин қуроли ва уларни яратиш учун қулланиши мумкин бўлган материал ва асбоб-ускуналар контрабандаси(Ўз.Р. ЖК 1996 йил 30 август, 1998 йил 1 май, 1998 йил 29 август, 2001 йил 29 августдаги таҳриридаги қонунларнинг 246-банди. — Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 144-б.; 1998 й., 5-6 сонлар, 102-б.; 9-сон, 181-б; 2001 й., 9-10-сонлар, 165-б). Бу ўта жиддий бандга кўра, ядро, кимё, биологик ва бошқа оммавий қирғин қуроли ва уларни яратиш учун қулланиши мумкин бўлган материал ва асбоб-ускуналар контрабандасида айбланган шахсга нисбатан муддатидан илгари-шартли равишда озодликка чиқариш чораси белгиланмаган(Ўз.Р. ЖК 73 банди);

— радиактив материалларни ноқонуний эгаллаб олиш(Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2001 йил 29 августдаги таҳриридаги 252-банди. — Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сонлар, 165-б.);

— радиактив материалларни сақлаш, ҳисобини олиб бориш, фойдаланиш, олиб ўтиш, жўнатиш ва бошқа қаидаларини бузиш (Ўзбекистон

Республикаси қонунининг 2001 йил 29 августдаги таҳриридаги 252-банди. — Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси, 2001 й., 9-10-сонлар, 165-б.);

— асбоб-ускунада ёки бошқа ҳолатда бўлган нурланаётган радиактив моддалар, ядро материалларини ноқонуний сотиб олиш, сақлаш, фойдаланиш, бериш ёки бузиш(Ўз.Р.ЖК 254-банди);

— ядро энергиясини қўлланаётган объектлардан фойдаланиш қоидаларини бузиш( Ўз.Р.ЖК 254-банди);

— Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тақиқланган бактериологик(биологик), кимё ва оммавий қирғин қуролининг бошқа турларини ишлаб чиқариш, тўплаш, сотиб олиш, бериш, сақлаш, ноқонуний равишда ағаллаб олиш(Ўзбекистон Республикаси қонунининг 2001 йил 29 августдаги таҳриридаги 255<sup>1</sup>-банди. — Ўзбекистон Республикаси Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сонлар, 153-б. ; 2001 й. 9-10-сонлар, 165-б.).

Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий соҳада мазкур масала юзасидан изчил сиёсат олиб бормоқда.

Миллий хавфсизлик Концепциясида айрим қўшни давлатларнинг ядро қуроли ва бошқп оммавий қирғин воситаларига эга бўлишга интилаётгани миллий хавфсизлигимизга ҳарбий ва Ташқи сиёсий таҳдид сифатида белгилаб қўйилган. Марказий Осиё минтақасида ядро қуролидан холи зона ташкил этилиши мазкур масалалада миллий хавфсизлигимизни таъминлашнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган.

Ҳозирги даврда оммавий қирғин қуролининг тарқалиш тенденцияси тобора хатарли тус олаётгани эътиборга олинса, минтақада жойлашган барча давлатлар томонидан бундай зона ташкил этилишининг қўллаб-қувватланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Бу ташаббуснинг аҳамияти бой табиий, минерал, энергетик, меҳнат ва бошқа захираларга эга бўлган, дунёнинг етакчи давлатларининг геосиёсий ва геостратегикманфаатлари тўқнашаётган Марказий Осиё минтақасининг

геостратегик мавқеининг ортыб бораётгани билан изоҳланади. Шу муносабат билан, обрў-эътибори тобора ошиб бораётган ушбу минтақанинг янги таъсир доиралари ва ҳукмронлик қилиш учун кураш майдонига айланиб қолишига асло йўл қўйиб бўлмайди.

Бу ташаббус Марказий Осиё минтақасининг жаҳон хўжалик алоқалари, иқтисодий ва ахборот маконига фаол уйғунлашуви, дунёнинг етакчи давлатлари ва халқаро институтлар билан сиёсий ҳамкорлигининг мустаҳкамланиши, ва энг муҳими, минтақа мамлакатларининг халқаро хавфсизликнинг глобал тизимиغا интеграциялашувига хизмат қилади.

Бу ўринда, ядро хавфсизлиги ялпи хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида қаралиши зарур. Ядро қуролига эга бўлган ва эга бўлмаган давлатлар мажбуриятларининг мувозанати — ядро қуролидан холи зона фаолиятининг мустаҳкам асоси сифатида хизмат қилади.

Марказий Осиёда бундай зонанинг мавжудлиги Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномада белгиланган ядро хавфсизлиги глобал тизиминининг ажрасмас қисмидир. Бу ҳол Марказий Осиё давлатларининг ядро қуролини тарқатмаслик ва қуролсизланиш умумий режимига фаол қўшилиб бораётганини англатади.

Ана шу мақсадда аъзо давлатлар халқаро тажрибада синалган қуйидаги муҳим тамойилларга таянмоғи лозим:

- мазкур зона ядро қуролидан тўлиқ холи бўлиши шарт;
- унинг фаолиятига доир мажбуриятларни нафақат аъзо давлатлар, балки, манфаатдор барча мамлакатлар ўз зиммасига олиши мумкин;
- ядро қуролидан холи зона ташкил этилиши ҳақидаги битимлар ўзаро келишувларга қатъий амал қилинишини таъминлайдиган самарали назорат тизимини шакллантиришни кўзда тутиши зарур;
- назорат МАГАТЭ ҳамда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг кафолати асосида амалга оширилиши даркор.

Шу билан биргаликда, ядро қуролсизланиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилишидан ташқари оммавий қирғин қуроллари бошқа турларининг тарқалишини олдини олиш борасида ҳам амалий ишлар олиб борилиши зарур. Бу борадаги хатти-ҳаракатлар маслаҳатлашув, ахборот алшиш орқали ҳамкорлик қилиш, қурол-яроғ захиралари ҳақида маълумот бериш, шунингдек, тўқнашувлар рўй бераётган ҳудудлардан қурол олиб келинишини қатъий назорат қилиш изчил маҳанизмларини шакллантириш каби тадбирларни қамраб олиши керак.

Ядро хавфсизлиги кўшни давлатлардаги бўлинувчи материаллардан аниқ ва ишончли ҳимоя қилиш воситалари бўлишини тақозо этади. Терроризм ва ядро материалларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин бўлган ҳар қандай провокацияларга қарши ишончли ҳимоя бўлиши даркор. Бу, жумладан, минтақа давлатлари ҳудудига керакли пайтда ядро қуролига айлантирилиши мумкин бўлган хавфли ёқилғининг олиб кирилишига қарши ҳимоя чораларининг ишлаб чиқилишини талаб этади. Давлатлараро доирада эса бу дипломатлар, давлат ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш, ядро материалларини сақлаш, назорат қилиш ва ҳисобини олиш, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида халқаро ҳамкорликни фаоллаштириш ва чуқурлаштиришда ифода этилади.

Ўзбекистон учун минтақавий ядро хавфсизлиги таҳдиди долзарб аҳамият касб этади. Масалан, Ҳиндистон ядро қуролларини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартномани имзоламанган бўлса-да, айни пайтда мустақил равишда ядро ёқилғисини қайта ишлайди ва Покистон сингари ядро қуролига эга эканини эътиборга олиш зарур. Хитой ҳам ядро қуролига эга бўлган давлат. Ҳиндистон ядро қуроли синовини ўтказган вақтдан буён минтақадаги мувозанат ва барқарорликка жиддий зарар етказилди. Бунга жавобан минтақадаги яна бир давлат — Покистон ҳам ядро қуроли синовини ўтказди. Кейинги йилларда Эрон ҳам ўзининг ядро дастурини фаоллаштиришга ҳаракат қилмоқда. Эрон дро дастури атрофида вужудга келган вазият минтақавий хавфсизликка жиддий таҳдид солиши ҳамда глобал оқибатларни келтириб чиқариши мумкин.

Ўзбекистон назарида ядро қуролининг яратилиши уни ишлаб чиқаришни тақиқлаган халқаро ҳуқуқ меъёр ва тамойилларига зиддир. Шу боис халқаро ҳамжамият ядро қуролини яратиш ва унга эгалик қилиш борасидаги бундай интилишларга бефарқ қараб туриши мумкин эмас.

Шу билан биргаликда бундай кескин вазиятни куч ишлатиш, конфронтация йўли билан ҳал этилмаслиги даркор.

Ғарб ўз ядро дастурини ҳарбий мақсадларда қўллашга интилаётган Эронни айблаб келмоқда. Айрим ғарб мамлакатлари Эрон ядро дастурига оид маълумотларни БМТ доирасида кўриб чиқишга ва тегишли санкциялар қўллашга даъват этмоқда. Эрон эса, аксинча, ураннинг ўз ҳудудида бойитилиши талаб этаётгани сабабли, Ғарб билан муроСага кела олмаяпти. Эртами кечми, бу ҳол мамлакатга нисбатан санкция қўлланиши билан яқун топиши мумкин. Кейинги вақтда Эрон ядро қуроли ишлаб чиқариш объектларига нуқтали зарбалар бериш лозимлиги ҳақида билдирилаётган мулоҳазалар жиддий хавотир уйғотмаслиги мумкин эмас. Зеро, Эрон ядро дастурига нисбатан куч ишлатишга асосланган ҳар қандай чора, иқтисодий ва сиёсий санкциялар ҳамда эмбарго кутилган самара бериши даргумон. Аксинча, улар Осиёдаги икки минтақа доирасида: Яқин Шароқ ва Марказий Осиёда беқарор вазиятни вужудга келтириши эҳтимолдан холи эмас. Қолаверса, масалани куч воситасида ҳал этишга уриниш Америкага нисбатан салбий кайфиятларини кучайтиради, АҚШ ҳарбий базалари ва бошқа объектлари жойлашган мамлакатлар хавфсизлигига таҳдид солади. Энг муҳими, бундай ёндошув асосий масала — оммавий қирғин қуролиларини тарқатмаслик масаласининг ҳал этилишига хизмат қилмайди, аксинча, унинг янада чигаллашувига олиб келади.

Бундан ташқари, сиёсий санкциялар минтақада ишончсизлик муҳитини вужудга келтириб, маданий интеграциялашув жараёнларини секинлаштиради, исломнинг сиёсийлашув жараёнини кучайтиради, экстремистик ҳаракатлар кўпайишига замин яратади. Табиийки, бундай вазият “Жануб-Шарқ” мулоқоти янада мураккаблашади. Агарда оддий эрон фуқаролари, зиёлилари, сиёсатчи ва

тадбиркорлари ижтимоий тарақиётнинг глобал жараёнига жалб этилмас экан, ушбу мамлакат ривожланишининг истиқболларини тасаввур этиш қийин.

Эронга нисбатан иқтисодий санкциялар минтақа иқтисодиётини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин. Бу ҳол ушбу мамлакат билан савдо-иқтисодий алоқалар ўрнатган Ўзбекистонга ҳам салбий таъсир этиш эҳтимоли йўқ эмас. Қолаверса, санкциялар минтақа доирасидаги интеграция жараёнларига ҳам катта зиён етказди. Бу минтақа тарақиётига қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқаради ва ижтимоий-иқтисодий кескинликни янада оширади.

Нуктали зарбалар ҳам, ердаги ҳарбий ҳаракатлар ҳам, қандай натижа келтиришидан қатъи назар, минтақада Ғарбга қарши кучлар фаоллигини ошириб, халқаро терроризм имкониятларини кенгайтиради. Бу ҳол бутун дунё миқёсида оммавий норозилик чиқишларини кучайтириш билан биргаликда глобал молиявий-иқтисодий инқирозга сабаб бўлиши мумкин. Бундан ташқари, ядро материаллари сақланаётган тадқиқот марказлари нуктали зарбалар сув ва ҳавонинг захарланиши, оммавий эпидемияларнинг бошланиши оқибати минтақадаги экологик вазиятни издан чиқаради. Ядро тадқиқот объектлари асосан аҳоли яшаш пунктлари яқинида жойлаштирилгани сабабли бунда зарбалар тинч аҳоли ўртасида кўплаб талафотларга олиб келади. Ушбу масала Ўзбекистонда жиддий хавотир уйғотмоқда, чунки бундай чора-тадбирлар охиросида минтақани гуманитар фалокат ёқасига олиб келиши мумкин.

Вазият ривожининг инқирозли сценарийси АҚШ ва Исроил томонидан Эроннинг ядро объектларига нуктали зарбалар бериш билан чекланмайди, балки минтақада доирасида кескинликнинг ошиши, унинг бутун ҳудудида террористик хатти-ҳаракатларнинг фаоллашуви ва ҳатто ядро материалларининг террористлар қўлига тушиб қолиши мумкинлигини ҳам назарда тутди.

Россия ва бошқа давлатлар атомдан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўйича тегишли таклифлар билан Эронга муурожаат қилмоқда. Бинобарин,

халқаро ҳуқуқ меъёрларига мос бўлган бундай таклифлардан самарали фойдаланиш зарур.

Ўзбекистоннинг мазкур масала бўйича нуқтаи назари мамлакатнинг миллий-давлат манфаатлари, халқаро ҳуқуқ меъёрлари, барча низоли масалаларни тинч, музокара йўли билан ҳал этиш тамойилларининг устуворлигига таянади. Энг муҳими, бунда ўзаро ён босиш ва келишувлар тамойили амлқилиши лозим. Ҳар қандай масалани куч ишлатиш, халқаро санкциялар, нуқтали зарбалар ёки мамлакатни босиб олиш йўли билан ҳал этиб бўлмайди. Бундай ҳолларда БМТ Низомига таяниш, масалага икки хил андозалар билан ёндошишдан воз кечиш ҳамда муайян муаммо моҳиятидан келиб чиқиб, унинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳал этиш йўллари излаш зарур. Эрон ядро дастури масаласида эса МАГАТЭ уни ҳал этишнинг асосий механизми бўлиб қолиши шарт. Зеро мазкур муаммони ядро материални яратишга яқинлашиб қолган мамлакат билан конфронтация ёки куч воситасида ҳал этишга уринишлар қўшни давлатлар ва бутун халқаро ҳамжамият хавфсизлигига таҳдид солади.

Марказий Осиё давлатлари Ташқи ишлар вазирлари томонидан 2006 йилнинг 8 сентябрида Қозоқистоннинг Семипалатинск шаҳрида Ядро қуролидан холи зонани ташкил этиш тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши бутун бунё ҳамжамияти томонидан илиқ қарши олинди.

“Жаҳон” АА берган маълумотларга кўра, турли мамлакатларнинг таниқли сиёсий арбоблари ва олимлари машкур ташаббусни маъқуллаб, мазкур воқеага аз муносабатларини билдирган. Масалан, Россия Ташқи ишлар вазири Сергей Лавровнинг таъкидлашича, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани ташкил этиш ғояси Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов томонидан 13 йил илгари БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида илгари сурилган эди. Ўзбекистон томони, — дея давом этади С.Лавров, — Шартнома матнини ишлаб чиқиш ва уни Семипалатинскда минтақадаги бешта давлат раҳбари томонидан имзолаш даражасигача етказиш ишига катта ҳисса қўшди.



Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани ташкил этиш тўғрисидаги Шартнома АҚШнинг эксперт-таҳлилчилари ва оммавий ахборот воситаларида катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, ядро қуролини тарқатмаслик бўйича америкалик мутахассисларнинг назарида, бундай ҳужжатнинг имзоланиши нафақат минтақа доирасидаги, балки жаҳон миқёсидаги муҳим воқеадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси минтақавий ва глобал хавфсизликни, шунингдек, ядро қуролини тарқатмаслик режимини мустаҳкамлаш ишига қўшилган катта ҳиссадир. Бу шубҳасиз мамлакатимизнинг улкан Ташқи сиёсий салоҳияти, унинг халқаро обрў-эътиборининг тасдиғидир.

Колумбия университети ҳузуридаги Барнард институти профессори Камберли Мартиннинг фикрича, ушбу шартноманинг имзоланиши — Марказий Осиё давлатларининг оммавий қирғин қуроллари ва ядро материаларининг тарқалишини олдини олиш, террористларнинг атом қуролини қўлга киритишига йўл қўймаслик борасидаги кўп йиллик минтақавий ҳамкорлигининг ёрқин ифодасидир. Минтақадаги бешта давлатнинг мазкур масала юзасидан ягона нуқтаи назари уларнинг Марказий Осиё минтақасида ядро қуролини жойлаштирилмаслигидан манфаатдор эканини тасдиқлайди. Таҳлилчининг назарида, бундай яқдиллик халқаро терроризмга қарши ҳарбий ҳаракатлар амалга оширилаётган ҳудудда жойлашган минтақа учун ўта муҳим аҳамият касб этади. Бошқача айтганда, Марказий Осиё давлатлари террорга қарши курашда улар кимнинг тарафида эканини намоён қилиб, бу ёвуз кучга қарши принципиал муносабатини яна бир бор яққол ифода этди.

Марказий Осиё мамлакатлари учун ғоят муҳим бўлган яна бир муаммо — сув захираларидан оқилона фойдаланиш масаласидир. Зеро сув таъминоти ва трансчегаравий сув захираларидан биргаликда фойдаланиш ушбу минтақа мамлакатлари тараққиётига тўсиқ бўлиб келаётган омиллардан биридир.

Сув масаласи — миллий хавфсизлик манфаатларига таъсир этадиган, Марказий Осиё мамлакатларида давлат қурилиши жараёнига дахл қиладиган

мавзулардан бири. Чунки сув нафақат муайян мамлакат иқтисодийти ва ижтимоий соҳасини муваффақиятли модернизация қилиш, балки умуман, Марказий Осиё минтақасини назорат қилиш имконини берадиган ўта муҳим геоиқтисодий ҳамда стратегик омил бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади. Шунинг учун ушбу минтақа давлатлари томонидан барча мамлакатлар манфаатларини инобатга оладиган ўзаро келишилган “сув дипломатияси”нинг амалга оширилиши ушбу ҳудудда барқарор экологик вазият, ҳар томонлама тараққиёт ва тинчлик-осойишталик сақланишининг муҳим омили ҳисобланади.

Хўш, Марказий Осиёдаги сув муаммосининг негизи нимада? Маълумки, Марказий Осиё иссиқ минтақа бўлгани сабабли XIX асрнинг иккинчи ярмидан маҳаллий кўчманчи қабилалар ўтроқ турмуш тарзига ўтган пайтларда эътиборан сув муаммоси мавжуд бўлган. Бугунги кунга келиб, бу муаммо янада кескин тус олди. Бу, аввало, Марказий Осиё минтақасининг ягона сув мажмуига бирлашган умумий бошқарувнинг барбод бўлиши, яъни ҳар бир давлат кўпинча кўшнилари билан келишмаган ҳолда ўз сув сиёсатини юрита бошлаши билан изоҳланади. Бундан ташқари, кетма-кет уч йилдан буён юз берган қурғоқчилик сув муаммосини кескинлаштириб, Амударёнинг Орол денгизига туташган қуйи оқимида жиддий инқирозни келтириб чиқарди. Қолаверса, бу муаммо собиқ иттифок даврида чўлларни ўзлаштириш дастури доирасида Сирдарё ва Амударё сувларидан нооқилона фойдаланиш оқибатида пайдо бўлган эди.

Узоқ вақт мобайнида мазкур муаммонинг ҳал этилмагани минтақа давлатлари ўртасида сувдан фойдаланишнинг муайян масалалари бўйича тафовут ва келишмовчиликларнинг мавжудлиги билан белгиланади. Ачинарлиси шундаки, бу келишмовчиликлар минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда кескинликнинг пайдо бўлишига сабаб бўлган эди. Хусусан, Қирғизистоннинг кўшни давлатлар билан келишилмаган ҳолда Тоқтоғул ГЭСи орқали катта ҳажмдаги сувни оқизиб юбориши Фарғона водийси, Сирдарё ва Жиззах вилоятидаги катта ер майдонларини сув босиб кетишига олиб келди.

Бу борадаги яна бир муаммо — ахборот алмашинуви билан боғлиқ масаладир. Ҳозирги вақтда аниқ ва ишончли маълумотларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Уни тўплаш ва умумлаштириш учун эса тегишли база бўлиши лозим. Сув масаласига оид барча зарур маълумотларнинг йўқлиги ахборот маконида чигал вазиятларни вужудга келтирмоқда. Халқаро ҳуқуқ меъёрларидан чиқиб, миллий қонунчиликка урғу берилиши, “зиён етказма” тамойилининг унутилиши ҳам масаланинг ҳал этилишига хизмат қилмайди.

Бундан ташқари, минтақада сувдан фойдаланиш соҳасида бар-қарорликка сув захираларидан биргаликда фойдаланишнинг умумий ҳуқуқий негизининг яратилмагани, минтақа мамлакатларида шахсий манфаатларининг устуворлиги, ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ри-вожланишдаги тафовутлар ҳамда сувга бўлган эҳтиёжнинг узлуксиз ортиб бораётгани ҳам салбий таъсир этмоқда.

Келгусида минтақада сувдан исрофгарчилик билан фойдаланиш оқибатида унинг камайиши Марказий Осиёда геосиёсий ва ижтимоий-иқтисодий беқарорлашув жараёнини кучайтириши мумкин. Шу боис мазкур масаланинг самарали ҳал этилиши минтақадаги барқарор-ликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилган бўлар эди.

Хўш, вужудга келган вазиятдан чиқиш йўли борми?

Мазкур масаланинг ҳал этилиши жиддий ёндошувни талаб этади. Чунки ғоят кенг қамровли бўлган ушбу муаммонинг қуйидаги жиҳатлари кўзга ташланади:

— экологик жиҳати — ерларнинг сув босиши туфайли минтақадаги экологик мувозанатбузилаётгани, коллектор-дренаж тармоғининг ишдан чиқиши таъсирида ерларнинг мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва шўрлашуви;

— иқтисодий жиҳати — катта ҳажмдаги сувни оқизиб юборилиши оқибатида яшаш жойлари, қишлоқ хўжалик экинларини сув босиши ва ҳ. ;

— энергетик жиҳати — бундай муаммонинг мавжудлиги энергетик инқирозни келтириб чиқаради(Қирғизистонда қиш фаслида газнинг ўчирилиши);

— ирригацион жиҳати — катта ҳажмдаги сувнинг оқизилиши оқибатида қуйроқда жойлашган мамлакатлардаги ҳосилдор тупроқ қатламининг ювилиб кетиши, сув иншоотларининг ишдан чиқиши.

Айнан шунинг учун чегараларнинг икки томонидаги сув захираларидан фойдаланиш масаласи имкон даражасида тезроқ ҳал этилмоғи зарур. Акс ҳолда, европалик ва америкалик сиёсатшунослар тахмин қилганидек, келажакда мазкур масала минтақада жиддий ҳарбий тўқнашувларни келтириб чиқариши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, Марказий Осиёда сув масаласининг ҳал қилинмагани кўплаб минтақавий, ички ва локал низоларнинг бартараф этилишига тўсқинлик қилиб, минтақадаги бешта давлат ўртасидаги муносабатларда оғриқли нуқта бўлиб қолаётир, уларнинг иқтисодий тараққиётига салбий таъсир этаётир.

Шунинг учун Марказий Осиё мамлакатларида минтақадаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг беқарорлашувига йўл қўймаслик ҳамда минтақанинг барқарор ривожланишини таъминлайдиган илмий, технологик, иқтисодий ва экологик салоҳиятини ишга солиб, тегишли чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳаётий заруратга айланди.

Шу билан биргаликда, Марказий Осиёда сув тақсимоти масаласининг изчил ҳал этилиши минтақа давлатларининг иқтисодий ва эҳтимол келажакда, сиёсий кооперациясининг янада жадаллашувига асос бўларди. Мазкур муаммони ҳал этиш, аввало, минтақа энергетикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида донор мамлакатлар кўмаги ва захираларини ишга солиб, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорликнинг ўзоқ муддатга мўлжалланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш зарур. Шунингдек, қисқа муддатларга мўлжалланган стратегия ҳам ўзгартирилиши керак. Хусусан, барча соҳаларда кўп томонлама консенсус ва келишувларга эришиш борасида илгари режалаштирилган тадбирлар ўрнига миллий доирада сув ва энергияга тегишли ташкилий, бошқарув ва молиявий чекланишлар масаласини ҳал этиш ҳамда

Сирдарё ҳавзасида сув тақсимоти ва энергия алмашиш борасида давлатлараро ҳамкорликни жадал ривожлантириш даркор.

Биобарин, сув-энергетика соҳасида ҳамкорликни ривожлан-тириш ўзаро ён бериш ва биргаликда мавжуд масалаларни ҳал этиш самарадорлиги билан белгиланадиган янги ечимлар излашни талаб этадиган анча мураккаб жараён ҳисобланади. Минтақада бу борадаги мулоқот кўп томонлама ва икки томонлама асосда (ЕврАзЭС доирасида) олиб борилмоқда. Кейинги вақтда Халқаро сув-энергетика Консорциуми(ХСЭК) ғояси тўхтовсиз муҳокама қилинмоқда. Ҳозирги вақтда минтақа далаат бошлиқлари томонидан ХСЭКни ташкил этиш тўғрисида сиёсий қарор қабул қилинган бўлса-да, кўзланган мақсадга эришиш учун барча манфаатдор мамлакатларнинг бу борадаги саъй-ҳаракатларни янада жадаллаштириш талаб этилмоқда.

Сирдарё ҳавзаси сув-энергетика захираларидан фойдаланиш борасида ўзининг миллий манфаатлари нуқтаи назаридан минтақа давлатлари икки гуруҳга бўлинади. Сувнинг бошида жойлашган Қирғизистон ва Тожикистон, аввало, сув захираларидан фойдаланишнинг энергетик жиҳатидан манфаатдор давлат, суғориш масаласи улар учун иккиламчидир; Қозоқистон ва Ўзбекистон учун, аксинча, суғориш устувор масала ҳисобланади. Шу муносабат билан, давлатлар ўртасида фойдаланиш даври нуқтаи назаридан сувга бўлган эҳтиёж масаласида зиддиятлар келиб чиқмоқда. Масалан, энергетика учун сув асосан вегетация давригача талаб этилса, суғорма деҳқончилик учун айнан вегетация даврида сувга эҳтиёж юқори бўлади.

Ушбу тамойиллар минтақа давлатлари сув-энергетика соҳаси вакилларининг 1995 йилдан буён ўтказиб келинаётган йиғилишларида муҳокама этилган келишувлар лойиҳалари асосини ташкил этади. Аммо юқорида тилган олинган Қозоқистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида Битим 1998 йилдагина имзоланди. 1999 йил 17 июнидан Тожикистон ҳам ушбу битимга қўшилди. Ҳозирги вазиятда тарафлар учун ўзаро манфаатли хатти-ҳаракатлар орқалигина уларнинг сувга бўлган эҳтиёжлари қондирилиши мумкин.

Бассейндаги сув-энергетика захираларини бошқариш борасида ҳозиргача олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар захираларни низосиз тақсимланишини кафолатлай олмайди.

Бозор муносабатларига ўтгандан кейин Марказий Осиёдаги ҳар бир давлат, биринчидан, ҳудудидаги табиий захираларга маълум қийматга эга товар сифатида қарай бошлайди; иккинчидан, элект энергияси билан ўзини-ўзи тўлиқ таъминлашга интилмоқда; учинчидан, мавжуд сув захираларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бугунги кунга келиб, тарафлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятлар тўлиқ бажарилмаётир. 1998 йилдаги Битим бандларининг бажарилмаслиги ёқилғи ва сув истеъмолчиларининг уларнинг ҳақини тўлай олишга қодир эмаслиги ҳамда қоплаш ҳажмларини баҳолаш механизмининг номукамаллиги билан изоҳланади.

Идоралалараро ва давлатлараро зиддиятларни юмшатишга хизмат қилаётган компенсацион тўловларни муваффақиятли амалга оширилиши минтақа давларида бозор муносабатларини қан даражада жорий этилишига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Агар бугун иқтисодиёт шарт қўяётган экан, демак, захиралараро икки томонлама манфаатдорлик мавжуд бўлган томонга йўналтирилиши, ҳаракатнинг энг оқилона ва самарали йўлини эса бозор механизми ўзи белгилаб беради. Бунинг учун Марказий Осиёда сув-энергетика масаласини тартибга солиш мақсадида фаолиятнинг иқтисодий жиҳатда энг фойдали вариантини аниқлаб беридиган махсус тижорат тузилмасининг ташкил этилиши мақсадга мувофиқдир. Айнан шу мақсадда ташкил этилаётган Халқаро сув-энергетика Консорциуми(ХСЭК) зиммасига қуйидаги вазифалар юкланмоқда:

— молиявий механизм сифатида у, биринчидан, сув ва энергетика захиралари истеъмолчиларининг сувдан фойдаланиш учун тўлайдиган воситаларнинг етишмовчилиги масаласини ҳал этиши, иккинчидан, тўловоарнинг фақтида амалга оширилишини таъминлаши лозим;

— суғурта ташкилоти сифатида, инсон фаолияти билан боғлиқ бўлмаган ва объектив сабабларга кўра пайдо бўлиши мумкин бўлган зарарни

қоплаши зарур. Субъектив сабабларга кўра етказилган зарар айбдор томонидан жарима шаклида қопланади.

2004 йилнинг 30 июлида Олма-Ота шаҳрида Қozoқистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг ваколатхонасида “Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти”га аъзо давлатларнинг идоралараро ишчи гуруҳларининг Жаҳон банкининг вакиллари ўртасида Халқаро сув-энергетика Консорциумини (ХСЭЖ) ташкил этиш Концепцияси лойиҳасининг муҳокамаси бўлиб ўтди. Мазкур лойиҳа “Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилоти”га аъзо давлатлар бошлиқларининг Халқаро сув-энергетика Консорциумини ташкил этиш тўғрисидаги 2003 йил 6 июльдаги топшириғига биноан ишлаб чиқилган эди.

Консорциум ўз фаолиятида аъзо давлатлар қонунчилигига, хусусан, ягона иқтисодий маконнинг ташкил этиш тўғрисидаги Шартнома, давлат раҳбарлари кенгашлари, Қozoқистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари Бош вазирлари кенгашининг қарорлари ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига таяниб иш юритади. Консорциум ихтиёрийлик, тенг ҳуқуқлилик асосида ташкил этилмоқда. Унинг иштирокчилари ишлаб-чиқариш-хўжалик мутақиллигини сақлаб қолган ҳолда, ўзаро муносабатларда юридик шахс ҳисобланади.

Консорциумнинг мақсад ҳамда вазифалари қуйидагилардан иборат:

— минтақадаги сув-энергетика захираларидан самарали фойдаланиш ва уларни ривожлантириш бўйича биргаликдаги ўзаро фойдали фаолият тизимини шакллантириш;

— сув хўжалиги ва ёқилғи-энергетика тармоқларининг ишлаб чиқариш ва технологик жиҳатдан кооперация жараёнларини чуқурлаштириш;

— минтақа сув-энергетика соҳасини ривожлантиришга инвестицияларни жалб этиш;

— сув-энергетика захираларини тежаш стратегиясини таъминлаш;

— сув-энергетика захираларидан фойдаланишда илғор технологияларни жорий этиш борасида таклифлар ишлаб чиқиш ва тақдим этиш;

— янги сув-энергетика объектлари кўриш ва амалдагиларини реконструкция қилиш борасида ўзаро манфаатли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.

Консорциум фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

— аъзо давлатларнинг таъсисчилар берган ваколатлар доирасида сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш бўйича сув хўжалиги ва ёқилғи-энергетика идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш;

— энергетика тизимларининг самарали ва тежамкор ишлашини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш, биргаликдаги фаолиятнинг афзалликларидан фойдаланиш, сув омборларининг белгиланган иш режими ҳамда келишув ва шартномалар асосида етказиб берилган ва ортиқча электр энергияси ҳажми тартибига риоя этиш;

— минтақадаги сув-энергетика захираларидан ўзаро манфаатли фойдаланиш бўйича узоқ муддатли дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишида иштирок этиш;

— сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш соҳасида аъзо давлатлар умумий қонунчилик базасини шакллантириш имконини берадиган миллий қонунчилик меъёрларини яқинлаштириш, ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

— янги сув-энергетика қувватларини барпо этиш ва амалдагиларини реконструкция қилишга қаратилган инвестиция сиёсатини амалга ошириш;

— электр энергетика ва сув хўжалиги соҳасида давлатлараро, ҳукуматлараро идора ва ташкилотлар ҳамда хўжалик субъектлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш;

— аъзо давлатлар ёқилғи-энергетика ва сув мажмуаларининг самарали фаолиятини таъминлаш мақсадида нархлар, солиқ, божхона ва тарифлар соҳасида ўзаро келишилган сиёсат юритиш;



— ортиқча электр энергияси ва ёқилғи-энергетика захиралари учун тўловлар ва ўзаро ҳисоб-китобнинг келишилган механизмининг амалда ишлашини таъминлаш;

— электр энергетика ва сув хўжалиги соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш бўйича давлатлараро ва ҳукуматлараро келишувларни тайёрлашда иштирок этиш;

— Консорциум таркибига кирадиган корхона ва ташкилотларга моддий-техника ресурслари, эҳтиёт қисмлар, қурилиш конструкцияларини етказиб берилишини таъминлаш.

Аъзо давлатлар томонидан белгиланган ёқилғи-энергетика мажмуи ва сув хўжалигига оид вазирлик ва идоралар, миллий корпорация ва компаниялар, корхона ва ташкилотлар Консорциум таъсисчилари сифатида иштирок этади. Таъсисчилар қарорига кўра, халқаро ташкилотлар ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний ва юридик шахслар ҳам консорциум таркибига киритилиши мумкин. Консорциум унинг мақсад ва вазифаларини тан олган бошқа ташкилотларнинг аъзо бўлиши учун очикдир.

Ҳозирги вақтда демократлаштириш жараёни омили, сиёсий ва ижтимоий тизимлар барқарорлигини таъминлаш, аҳолининг сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш масаласи ҳам кун тартибидан олингани йўқ. Демократлаштириш жараёнининг самарадорлиги ҳокимият тизимини эркинлаштириш ҳамда давлат механизмини ислоҳ этиш борасида амалга ошириладиган изчил саъй-ҳаракатлар билан узвий боғлиқдир. Бу охир-оқибатда ҳуқуқий давлат ҳамда ривожланган фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилмоғи лозим. Албатта, ягона тарих, сиёсий ва иқтисодий тизимга эга бўлган ва бугунги кунга келиб интеграцияга киришаётган давлатлар ўз миллий қонунчилигини мувофиқлаштириш ҳамда ягона демократик андозаларга таянган ҳолда минтақавий ва минтақалараро тараққиёт масалаларини биргаликда ҳал этишлари даркор. Фақат шу асосда жамият эркинлиги, адолат, ҳар бир кишининг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлайдиган самалари

ишлайдиган механизм ва тизимлар вужудга келтирилиши мумкин. Шу маънода, интеграциялашув демократик институтлар, бозор иқтисодиёти, шахснинг ҳуқук ва эркинликлари ҳамда миллий хавфсизликни таъминлаш борасида тўпланган илғор тажрибадан фойдаланиш учун зарур шарт-шароит яратиб беради. Бу ўз навбатида ҳуқуқий, иқтисодий ва қисман сиёсий тизимларнинг минтақа даражасида бирхиллаштирилишини (албатта, минтақавий ва минтақалараро тузулмалар фаолиятини лозим даражада таъминлаш учун, шунингдек, келишувларни амалга ошириш мақсадида) тақозо этади.

Бу жараёнда минтақавий ва минтақалараро манфаатларнинг самарали тизимини шакллантириш учун зарур бўлган мафкуравий негизни ишлаб чиқишга йўналтирилган ижтимоий ташаббус, турли эксперт, мутахассис ҳамда сиёсий етакчилар ўртасида баҳс-мунозара ташкил этилиши муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув шароитида жаҳон тараққиётида иқтисодиётнинг интернационаллашуви, алоҳида давлат во минтақалар ўртасида ахборот ва маданий алоқаларнинг жадаллашуви, шунингдек, хавфсизликнинг локал ҳамда халқаро тизимларининг ўзаро боғлиқлигининг кучайиши, хусусан, халқаро муносабатлар тизимида муайян ўзгаришлар намоён бўлмоқда.

Бой табиий захираларга эга бўлган Марказий Осиё жаҳондаги етакчи давлатлар учун геосиёсий ва геоиқтисодий нуқтаи назардан алоҳида аҳамият касб этади. Айнан шу минтақада халқаро куч марказлари геостратегик манфаатларининг туташуви ҳамда тўқнашувини кузатиш мумкин. Уларнинг бу Марказий Осиёдаги фаоллининг ортиб бориши нафақат “ўйинчи”ларнинг ўзини, балки навбатдаги “ўйин” ташкил этилган мамлакатларни ҳам ташвишлантирмоғи лозим. Зеро таъсир доираларни ўзгартишга қаратилган интилишлар тури низо ва келишмовчиликларни келтириб чиқариб, сиёсий барқарорлик ва тинчликка раҳна солади.

Айрим мамлакатларда ва умуман Марказий Осиё минтақасида вазиятнинг тез ўзгариб бораётгани ва барқарорликка таҳдидлар сақланиб қолаётгани,

шунингдек, бундай саъй-ҳаракатларнинг ортида турган кучларнинг имконият ва захиралари ушбу минтақада истиқомат қилаётган халқлар тақдири барча давлат ва кишиларни ташвишлантормаслиги мумкин эмас.

Умуман олганда, кейинги вақтда минтақада юзага келган вазиятни стратегик маъхумлик ҳамда ҳал этилиши зарур бўлган мураккаб зиддиятлардан иборат ҳолат дея талқин этиш мумкин.

Сўнгги вақтда минтақада рўй берган воқеа-ҳодисаларда бундаги сиёсий ва иқтисодий кучлар мувозанатини ўз фойдасига ағдариш ҳамда минтақада ҳукмронлик қилишга қаратилган узоқни кўзлаган стратегик режанинг айрим жиҳатларигина кўзга ташланмоқда. Эътиборли томони шундаки, хавфсизлик ва барқарорликка замонавий таҳдидларнинг нафақат кўлами, балки ҳар бир мамлакатдаги вазият, унинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда геосиёсий мақсадларга эришишнинг шакллари, восита ҳамда усуллари ҳам тубдан ўзгармоқда.

Бу кучларнинг турли экстремистик ва айирмачи тузулмалар билан бирлашиб, ўз мақсадларига эришиш йўлида ҳатто радикал диний ташкилотлардан фойдаланишга интилаётгани (қизиғи шундаки, бошқа вазиятларда улар террористик ташкилот деб аталга бўларди) айниқса хатарлидир. Бундай интилишларнинг бош мақсади — минтақада ўзига хос “бошқариладиган беқарорликни” вужудга келтириш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни издан чиқариш, ўз тараққиёт моделини тикиштиришга қаратилган.

Маълумки, мамлакатимиз Ташқи сиёсатининг устувор йўналиш-ларидан бири — Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва барқарорликни сақлаш, минтақавий хавфсизликнинг мустаҳкам тизимини шакллантириш ҳамда шу орқали минтақа давлатларининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий тараққиётини таъминлашдан иборат. Бизнинг мамлакатимизда азалдан “Қўшнинг тинч — сен тинч” тамойилига амал қилиб келинади.

Сайёрамизда мислсиз даражада кўрол-яроғ тўпланган XXI асрда аллақачон ўз миллий-давлат манфаатларини ҳимоя қилишда куч во низо воситасида ҳал этишдан воз кечиб, уларнинг ўзаро мувозанатини таъминлаш йўлидан бориш талаб этилмоқда.

Шу маънода, Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорлик муаммоларининг ҳал этилиши буюк давлатларнинг ҳамда минтақа мамлакатларининг манфаатларини инобатга олишни тақозо этади. МДҲнинг айрим давлатларида шерикларни минтақадан сиқиб чиқаришга қаратилган ўйинлар мавжуд муаммоларнинг ҳал этилишига эмас, аксинча, ушбу мамлакатлардаги инкирознинг янада чуқурлашуви ҳамда чегара худудларида кескинликнинг ортишига олиб келди.

Ҳозирги даврда халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш жаҳондаги барча мамлакатларни бирлаштирувчи омил сифатида намоён бўлади. Бироқ, жаҳон ҳамжамияти томонидан амалга оширилаётган тадбирларга қарамасдан, халқаро терроризм ва экстремизм марказлари бутун дунё миқёсида, шу жумладан, Марказий Осиё минтақасида террористик ҳатти-ҳаракатларини фаоллаштирмоқда. Бинобарин, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг бу ёвуз кучга қарши саъй-ҳаракатларини қўллаб-қўвватлаб келмоқда.

Мамлакатимизнинг дунё миқёсида ва минтақа даражасида тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган ташаббуслари, биринчи галда, замонавий таҳдидларга қарши тура оладиган ҳамда амалда ишлайдиган халқаро институт ва механизмларни шакллантиришни кўзда тутди.

1999 йилдаёқ ОБСЕнинг Стамбул саммитида сўзлаган нутқида Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов БМТ тузилмаси доирасида терроризмга қарши курашиш Халқаро марказини ташкил этиш таклифини илгари сурган эди. Кейинроқ ушбу таклиф 2000 йилнинг 7-8сентябрида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТнинг мингйиллик саммитида ҳам янграган эди. Ушбу ташаббусни ривожлантириш мақсадида 2000 йилнинг октябрида БМТ, ОБСЕ

ҳамда Ўзбекистон ҳукумати томонидан ташкил этилган “Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш: гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси, уюшган жиноятчилик ва терроризмга қарши биргаликда курашиш” мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. 70 давлат ва 40 халқаро ташкилот экспертлари томонидан барча Ташқи таҳдидлар мажмуини эътиборга олган ҳолда, халқаро терроризмга қарши курашиш стратегиясининг умумий ёндошувлари бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон терроризмнинг барча кўринишлари ва унинг манбаларига қарши курашишга оид БМТнинг барча ҳужжатларини, жумладан, 11та конвенция ҳамда иккита протоколини имзоланган бир неча давлатлардан биридир. 2001 йилда БМТ Терроризмга қарши кўмитасининг 1373 сонли резолюциясининг ишлаб чиқилгани Ўзбекистоннинг бу борадаги ташаббусларининг амалда татбиқ этилганидан далолат беради.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашган қаратилган сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири — минтақада нарко тажовузга қарши курашишдир. БМТ Бош Қотиби К.Аннанинг 2002 йил октябрида Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида Президент Ислон Каримов Тошкент шаҳрида гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш бўйича Марказий Осиё минтақавий ахборот ва мувофиқлаштириш марказини (ЦАРИКЦ) ташкил этиш ғоясини илгари сурди.

Мазкур марказ фаолияти гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси во бошқа жиноятлар бўйича маълумотлар базасини яратиш ва тўлдириб боришга қаратилган. Ушбу база махсус электрон каналлар орқали гиёҳванд моддаларни назорат қилиш миллий агентликлари, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот, чегара ҳамда божхона идоралари томонидан марказга тақдим этиладиган оператив маълумотлар асосида шаклланиб бориши керак. ЦАРИКЦда иштирок этадиган ҳар бир давлат истаган пайтда минтақа ва халқаро миқёсда қидирув тадбирларини амалга оширишда таҳлилий материаллар ва ахборотларни сўраб олиши мумкин.

200 йилнинг сентябрида ЦАРИКЦ таъсис ҳужжатларини тайёрлаш лойиҳасининг дастлабки босқичи бошланди. Аъзо давлатлар вакилларида иборат лойиҳа гуруҳи(ЛГ) уни амалга ошириш бўйича умумсий ёндошувларни шакллантириш мақсадида ойлик йиғилишларни ўтказиб туради. 2006 йилнинг 23-24 мартда Тошкентда бўлиб ўтган биринчи йиғилишда мазкур гуруҳнинг функционал вазифалари ва ҳаракат дастури тасдиқланди. ЛГ 2006 йилнинг 25-27 апрели ва 30 май-1 июнда бўлиб ўтган йиғилишларида аъзо давлатлар томонидан ЦАРИКЦнинг таъсис ҳужжатлари лойиҳалари муҳокама этилди. Мазкур марказнинг Олма-Ота шаҳрида ўз фаолиятини бошлагани минтақавий барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашда Ўзбекистоннинг қўшган амалий ҳиссаси ифодасидир.

Маълумки, гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш халқаро терроризмни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, минтақадаги вазиятни издан чиқарадиган қудратли кучга айланиб бораётир. Сўнгги йилларда Афғонистонда гиёҳванд моддалар, хусусан, героин ишлаб чиқариш юқори суръатлар билан ўсиб бормоқда. Бу оғу саноат асосида ишлаб чиқарилаётир. Афғонистондаги халқаро кучлар эса асосий эътиборни терроризмга қарши курашга қаратиб, уни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаётган наркотрафик кўламининг мислсиз даражада кенгайиб бораётгани уларнинг эътиборидан четда қолиб кетмоқда. Афғонистонда аҳоли аксарият қисми моддий аҳволининг оғирлиги, дунё ҳамжамиятининг ушбу мамлакат иқтисодий инфратузилмасини тиклаш борасидаги саъй-ҳаракатларининг сустлиги афғонларнинг гиёҳванд моддаларни етиштириш ва ишлаб чиқаришда кенг иштирок этишига ундамоқда. 2004 йилда Афғонистонда героин ишлаб чиқариш 360 тоннага етди. 2006 йилда бу кўрсаткич 400 тоннага етиши ҳамда гиёҳванд моддалар экин майдонлари 100 минг.га ошганини инобатга олинса, наркобаронларнинг гиёҳванд моддалар ноқонуний савдосидан оладиган соф даромади 3 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши мумкин. Ана шу наркодолларларнинг каттагина қисми экстремистик ва террористик фаолиятни молиялаштиришга йўналтирилмоқда.

Ҳозирги вақтда Афғонистонда наша ва кўкнори экин майдонларида 1,8 млн. нафар киши жалб этилган. Ҳар гектардан йилига 15-16 минг. доллар миқдорида даромад олинмоқда. Ачинарлиси шундаки, наркобизнесда анъанавий равишда иштирок этиб келаётган собиқ дала кўмондонлари ва маҳаллий уюшган жинойий тўдалар бошлиқларидан ташқари, гиёҳванд моддаларни Ҳамдўстлик мамлакатларига контрабанда қилишда Афғонистон марказий ҳокимият ва ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари ҳам фаол иштирок этамоқда.

Бундай ҳолат мамлакатдаги вазият издан чиқариши ва парокандаликни янада кучайтириши табиийдир. Агарда кейинги вақтда Афғонистон ҳудудида фаолият юритаётган халқаро террористик гуруҳлар имкониятларининг кенгайиши ва уларнинг фаоллашувини эътиборга олсак, бу ҳол нафақат ушбу мамлакат билан чегарадош, балки унинг ташқарисидаги давлатларнинг хавфсизлиги ва барқарорлигига ҳам жиддий таҳдид солиши мумкин.

Ўзбекистон бундай хатарли хатти-ҳаракатларни ҳамда халқаро терроризмни муқаддас динимиз — ислом билан боғлашга уринишларни қаттиқ қоралайди. Чунки бундай ҳаракатлар “Ал-Қоида” ёки “Хизб ут-таҳрир” сингари ашаддий экстремистик ташкилотлар қўлига қурол тутқзади.

Аслида бизнинг аجدодларимиз асрлар мобайнида жаҳон тамаддуни тараққиёти, маънавий, маданий ва диний кадриятлар ривожига улкан ҳисса қўшиб келганлар. Шу боисдан Бухорога “қуббат ул ислом”(ислом қуввати) деб нисбат берилиши бежиз эмас. Ҳозирги низо ва тўқнашувлар давом этаётган мураккаб ва таҳликали замонда буюк аجدодларимизнинг миллати, тили ва диний эътиқодидан қатъи назар, ҳар инсонни юксак кадрлаш, жамиятда муҳаббат ва дўстлик муҳитини қарор топтириш, етим-есир, бева-бечораларга мурувват кўрсатиш ҳақидаги ўғитлари алоҳида аҳамият касб этади.

Таъкидлаш жоизки, исломнинг ўзида жиддий зиддият мавжуд. Шу муносабат билан, барча саъй-ҳаракатларни маърифатли, бағрикенг ислоига

таяниб, унда ҳукмронлик қилишга интилаётган ақидапараст кучларга қарши кескин кураш олиб бориш зарур.

Ҳозирги вақтда экстремистик йўналишдаги диний ташкилотлар аҳолиси асосан мусулмонлардан иборат мамлакатлардагина эмас, балки Россия, Украина ва МДҲ бошқа давлатларида ҳам фаолият юритиб, террористик хавф-хатарнинг кучайиши ва ички сиёсий вазиятнинг издан чиқишига қулай шарт-шароит яратмоқда. Уларнинг бундай фаоллиги Ташқи кучлар томонидан, шу жумладан, Араб Шарқи ва Жанубий Осиё мамлакатлари ҳамда уларнинг ғарбдаги маслакдошларидан келаётган каттагина молиявий кўмак билан ҳам изоҳланади.

Ядро қуроли ва унга эгалик қилаётган давлатлар сонининг кўпайиши ҳам ҳарбий-сиёсий хато ёки “техник” сабабларга кўра ишга солиниши эҳтимолнинг мавжудлиги жиддий хавотир уғотади. Қолаверса, оммавий қирғин қуролларининг халқаро террористлар кўлига тушиб қолиш хавфи ҳам у қадар мавҳум эмас. Ҳар ҳолда уларнинг бунга интилаётгани ҳақидаги маълумотлар кўпайиб бормоқда. Табиийки, бундай вазиятда нафақат халқаро хавфсизлик, балки миллий хавфсизлик ҳақида сўз юритиш қийин.

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов ана шу муҳим омилга таяниб, 1993 йилнинг 28 сентябрида БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқида шундай деган эди: “Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатларнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳо хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди. Шунга асосланиб, Ўзбекистон ядро қуролининг батамом тугатилиши учун, Ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисидаги Шартноманинг самарали ҳаракат қилиши ва унинг ҳеч бир муддатсиз узайтирилиши учун ҳаракат қилади. Бизнинг республикамиз ана шу Шартноманинг ҳаракат қилиш муддатини узайтиришга оид Конференцияга тайёргарлик музокараларида фаол қатнашади. Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасининг ядросиз зона деб эълон қилинишининг қатъий тарафдоридир” (Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.:



Ўзбекистон, 1996, 55-бет.). Ўзбекистоннинг халқаро хавфсизликнинг мустаҳкам пойдеворини яратиш борасидаги интилишлари сайёрамиздаги кўплаб давлатлар, шу жумладан, минтақамизда жойлашган мамлакатлар томонидан кўллаб-қувватланди.

Мазкур ташаббуснинг мантикий давоми Президентимизнинг 1996 йил декабридаги ялпи халқаро хавфсизлик моделлари муҳокамасига бағишланган Лиссабон саммитида ўз ифодасини топди. Олма-Ота Декларацияси(1997 йил 28 февраль) ҳамда Марказий Осиё давлатлари Ташқи ишлар вазирлари баёноти(1997 йил 15 сентябрь) асосида Марказий Осиёда ядросиз зона деб эълон қилиниши тўғрисидаги БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1997 йил 6 ноябрь Резолюцияси қабул қилинганидан кейин давлатимиз раҳбарининг ушбу ташаббуси амалиётга татбиқ этила бошлади. Халқаро ва минтақа доирасида ушбу ҳудудда жойлашган давлатлар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда Ядро қуролидан холи ҳудуд(ЯҚХХ) ҳақидаги Шартнома ва унга оид Протокол лойиҳаларини ишлаб чиқишга киришилди. Ушбу ҳужжатларни ишлаб чиқиш жараёнида ядро қуролига эга давлатлар, биринчи галда, кўшни давлатлар — Россия ва Хитойнинг нуқтаи назари эътиборга олинди.

Минтақада ЯҚХХни ташкил этиш механизмини шакллантириш борасида дастлабки босқич сифатида Тошкентда 1997 йил сентябрь ойида “Марказий Осиё — ядро қуролидан холи ҳудуд” мавзуидаги халқаро конференция ўтказилди. Марказий Осиё минтақасидаги бешта давлат Ташқи ишлар вазирларининг якуний баёнотида Марказий Осиёда ядродан холи ҳудудни ташкил этиш тўғрисидаги Шартномани тайёрлаш шаклларини кўриб чиқиш учун БМТ ҳамда маҳаллий экспертлар гуруҳини шакллантириш таклифи илгари сурилди. Мазкур таклиф БМТ томонидан маъқуллангач, экспертлар гуруҳи ташкил этилди.

МАГАТЭ ва БМТнинг қуролсизланиш бўйича бошқармасининг фаол иштирокида Марказий Осиёда ЯҚХХ тўғрисида Шартномани ишлаб чиқиш бўйича кўп томонлама музокаралар бошланди. Ушбу музокараларда нафақат

минтақа мамлакатлари, балки бешта ядро қуролига эга давлатлар — БМТ ХК доимий аъзолари делегациялари ҳам иштирок этди.

2006 йилнинг 8 сентябрида Семипалатинск шаҳрида Қозоқистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирилари томонидан Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш тўғрисидаги Шартнома имзоланди. Шундай қилиб, Ўзбекистоннинг бу ташаббуси глобал ҳамда минтақа доирасида халқаро хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш ишига қўшган муҳим ҳиссаси жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилди.

Атроф муҳитни муҳофаза этиш ҳамда мавжуд захираларни асраб-авайлаш масаласи ҳам минтақа тараққиётида муҳим тутади. Бу ҳол 1997 йилнинг февралда Оролни қутқариш халқаро фондининг Олма-Отада бўлиб ўтган йиғилиши ҳужжатларида акс эттирилган. Мазкур анжуманда бешта Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари томонидан Орол муаммоси, Марказий осиеда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш, ядро технологиялари ва хом ашёларининг ўғирланишига қарши курашиш масалаларини қамраб олган минтақа доирасидаги экологик хавфсизликнинг комплекс дастурини ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидланди.

Дарҳақиқат, ҳозирги вақтда ядро хавфсизлиги масаласи энг муҳим глобал муаммолардан бирига айланиб қолди. Глобал хавфсизликнинг асосини ташкил этадиган минтақа доирасида ҳамкорликни кенгайтириш мазкур муаммони ҳал этишнинг энг самарали йўли сифатида эътироф этилмоқда. Орадан ўн уч йил ўтиб, бугунги кунда янада долзарб аҳамият касб этган бу ғоянинг амалиётга татбиқ этилганини таъкидлаш мумкин. Минтақа давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудудни ташкил этиш тўғрисидаги том маънода тарихий Шартномани имзолаб, нафақат минтақа, балки халқаро доирадаги масъулиятини яққол намоён этди.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Марказий Осиё минтақасида халқаро хавфсизлик масалаларида эришилган ижобий натижалар.
2. Халқаро сув-энергетика Консорциумининг мақсад ва вазифалари.
3. Ядро қуролидан холи ҳудуд (ЯҚХХ) шартномаси.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Америка Қўшма Штатлари. – Т., Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти нашриёти., 2003
9. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
10. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
11. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
12. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
13. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.

14. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

## **III. Ўзбекистон халқаро ва минтақаларо Евроосиё ҳамкорлиги тизимида 3.1. Икки томонлама муносабатлар**

Икки томонлама муносабатлар — давлатлараро муносабатларнинг асосий ва энг кўп қўлланадиган шакли ҳисобланади. Шу боис давлатлар ўртасида кўп томонлама келишув ва шартномалардан кўра, икки томонлама келишув ва шартномаларнинг бир неча баробар кўплиги бежиз эмас.

Қабул қилинган таомилга кўра, кўп томонлама ҳамкорлик катта саъй-ҳаракатларни тақозо этади. Чунки муаамонинг ҳал этилишида қанча кўп давлат иштирок этса, қарор қабул қилиш жараёнида консенсус тамойилини қўллаш зарурати туфайли мамлакатларнинг бир-бири билан келишуви қийинлашади (Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997. С.9.). Президент Ислам Каримов икки томонлама ҳамкорликнинг афзалликлари ҳақида тўхталиб, шундай деган эди: “Икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ҳар қайси томоннинг манфаатларини янада аниқроқ ҳисобга олиш, бир-биримизни яқиндан таниш, узоқ муддатли ўзаро манфаатли ҳамкорликка мустаҳкам замин ҳозирлаш, шу тариқа барқарорлик ва хавфсизлик учун мусътаҳкам негиз яратиш имконини беради. Ўзбекистон ер юзисининг турли чеккаларида ишончли ва манфаатдор шерикларга эга эканлиги мени айниқса қувонтиради” (Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1998, 249-б.).

Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан икки томонлама шартнома ва келишувлари тузилиши, йўналишларли ҳамда қамраб олинган масалалар таҳлил этилса, уларнинг барчаси объектив геосиёсий, иқтисодий, ижтимоий-маданий омилларни инобатга олганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Ўзбекистон Ташқи сиёсий фаолият йўналишларининг асосий тамойилларига кўра, бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик, мустақиллик ва суверенитетига дахл қилмаслик ҳамда давлатлараро муносабатларининг мафкуравийлашувига йўл қўймаслик асосида барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатган.

Икки томонлама муносабатлар доирасида Ташқи сиёсий устуворликлар ўта муҳим миллий манфаатларнинг амалга оширилиши, жумладан, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари фавровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган

Шу маънода, Ўзбекистон ўз миллий манфаатлари мос келган ҳар қайси давлат билан ҳамкорлик қилишга тайёр.

Шунингдек, Ўзбекистон халқаро ҳаётнинг муайян масалалари бўйича қарашларида фарқ бўлган давлатлар билан ҳам очик мулоқот юритишга тайёр эканини намоён этмоқда. Зеро Ташқи сиёсий муносабатларнинг зарурий қисми бўлган бундай мулоқотсиз турди давлатлар ўртаси гуманитар, маданий ҳамда ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик муносабатларини таъминлаш мумкин эмас. Бу ҳол айниқса глобаллашув шароитида алоҳида аҳамият касб этади. Чунки давлатлар сиёсий нуқтаи назаридан қатъи назар, халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойиллари талабларидан келиб чиқадиган ўзаро алоқаларга киришади ва муайян мажбуриятларни зиммасига олади.

Икки томонлама алоқаларда халқаро муносабатларнинг мафкуравийлашувига, ҳақиқий талаб-эҳтиёж ва вазиятга зид бўлган қандайдир мажбуриятларнинг жорий этилишига ҳам йўл қўймаслик зарур. Давлатлар ўртасида диний эътиқод яқинлиги ва диний ғоялар йўлида ҳамкорликни йўлга қўйилгани давлатлараро муносабатларнинг мафкуравийлашувига мисол бўла олади. Бир вақтлар собиқ иттифок даврида давлатлар ўртасидаги муносабатлар марксча-ленинча ақидалар асосига қурилган эди. Баъзи мақсадлари миллий ёки минтавий манфаатлар доирасидан чиқадиган НАТО, ГУАМ ва бошқа бир қатор

ташкilotлар фаолиятида мафкуравийлашув жараёнининг айрим жиҳатларини кузатиш мумкин.

Бунинг хатарли жиҳати шундаки, мафкуравий ақидалар баъзан халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларини поймол этилишига олиб келади. Халқаро ҳуқуқ меъёрларининг бузилиши, давлатлар ўртасидаги муаммоларни хал этишда кучдан фойдаланиш, суверенитет ва ички ишларга аралашмаслик тамойилларининг поймол этилиши айнан ана шу мафкуравий ақидалар билан оқланади. Қолаверса, халқаро муносабатларнинг мафкуравийлашуви, айниқса, террористларни “ўзимизники” ва “бошқаларники”га ажратиш, бир муаллиф томонидан турли мамлакатларда содир бўлган бир хил воқеаларга икки хил баҳо берилиши икки хил стандартлардан фойдаланиш бўлмағур амалиётини келтириб чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири — Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, ушбу минтақани хавфсизликнинг барқарор ҳудудига айлантиришга қаратилган.

Бу ўринда интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантириш, Марказий Осиё минтақасида умумий бозорни шакллантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Фақат ана шундай яхлит бозоргина йирик хорижий инвестициялар оқимини жалб этиши, минтақанинг барқарор ривожланиши ва гуллаб-яшнашини таъминлаши мумкин.

Ўзбекистон жаҳон майдонида етакчи ўрин эгаллаган йирик давлатлар билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Биринчи галда, бу — Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция ва Европа Иттифоқининг бошқа давлатлари. Кейинги вақтда Ўзбекистон-АҚШ муносабатларида муайян тушунмовчиликлар кўзга ташланаётган бўлса-да, катта обрў-эътибор ва таъсирга эга бўлган бу давлат билан шериклик алоқаларини сақлаб қолиш ва ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ҳамкорлик шартномавий-ҳуқуқий негизга таяниши, ўзаро

ҳурмат, ишонч ҳамда минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида икки мамлакат салоҳиятидан фойдаланишга асосланиши зарур.

Ўзбекистон Республикаси Жанубий Корея, Ҳиндистон, Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиёнинг кўплаб мамлакатлари, Яқин Шарқ, араб давлатлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатган.

Ҳозирги даврда халқаро терроризм, экстремизм ва раликализмга қарши кураш дунёдаги барча мамлакатларни бирлаштириб турган етакчи омил ҳисобланади. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятининг ушбу ёвузлик, XXI аср вабосига қарши курашини қатъий қўллаб келмоқда.

Ушбу иллатга қарши курашишда давлатлараро ҳамкорликнинг зарурлиги нафақат унинг турли шакл ва кўринишларига, балки уни келтириб чиқараётган асл сабаблар, сиёсий мақсадларда ундан фойдаланиш имконини бераётган омилларга қарши курашишни ҳам тақозо этади. Бу ўринда, сўз, аввало, исломни сиёсийлаштираётган, нафрат ва терроризм мафкурасини яратаётган, ёшларни ўзига жалб этишга ҳамда мусулмон ҳалифалиги шаклидаги тоталитар давлат ташкил этиш ғоясини илгари сураётган ва уни амалга ошириш йўлларини таклиф қилаётган кўплаб радикал, экстремистик марказлар ҳақида бормоқда.

Халқаро ҳамкорлик гиёҳванд моддалар транзити, халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши самарали курашишнинг асосий шартларидан ҳисобланади. Бундай ҳамкорликдан кўзланган мақсад — хавф-хатарлардан огоҳ бўлиш, ҳеч ким таҳдидлардан четда қолиб кета олмаслигини англаб етиш, уларга қарши курашда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишга эришишдир.

Иқтисодий, илмий-техникавий, маданий ва бошқа соҳаларда ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши ҳам икки томонлама муносабатларнинг ривожига алоҳида ўрин тутади. Айнан икк томонлама ҳамкорлик доирасида муайян лойиҳа ва дастурларнинг амалда ҳаётга татбиқ этилишига эришиш мумкин.

## **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон Ташқи сиёсий фаолият йўналишларининг асосий тамойиллари.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари.
3. Ўзбекистон Республикасининг икки томонлама давлатлараро муносабатлари.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
9. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
10. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
11. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
12. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.



13. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
14. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.2. Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатлари**

Икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилган.

Ўзбекистон ва Қозоғистон халқлари асрлар мобайнида дўст-биродар бўлиб яшаб келган, бир-бири билан савдо-сотик қилган, қонқардошлик алоқалари ўрганган, бир-бирини қўллаб-қувватлаб келган. Тарихимиз, маданиятимиз, анъаналаримиз, тилимиз ва диний қадриятларимизнинг муштараклиги бугунги кунда ҳам ҳамкорлигимизнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Ўзбекистон-Қозоғистон муносабатларида яқин кўшнчилик, дўстлик ва қардошлик, ўзаро ишонч тамойиллари устувор аҳамият касб этиб келмоқда.

Икки мамлакат муносабатларида муҳим сиёсий воқеалар ва давлат раҳбарларининг ташрифлари қуйида келтирилган:

— 1991 йилнинг 21 декабри — Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Қозоғистонга амалий ташрифи .

— 1997 йилнинг 2-3 июни — Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Қозоғистонга давлат ташриф и.

— 1998 йилнинг 21 феввали — Қозоғистон Бош вазири Н.Балгимбаевнинг Ўзбекистонга ташрифи.

— 1998 йил 10 июнь — Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов туркий тилли давлатлар 5-саммити ва мамлакатнинг янги пойтахти Остонанинг тақдимотида иштирок этиш учун Қозоғистонга ташриф буюрди.

— 1998 йилнинг 30-31 октябрь — Қозоқистон Президенти Н.Назарбоев Ўзбекистонга ташриф буюрди.

— 1999 йилнинг 19-20 январь — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоевнинг инаугурациясида иштирок этди.

— 2000 йил 13-2-13 декабрь — Қозоғистон Тшақи ишлар вазири Е.Идрисов Ўзбекистонга ташриф буюрди.

— 2001 йил 16-17 ноябрь — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонга келди.

— 2002 йил 28 февраль, 6-7 июль ва 27 декабрь — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари йиғилишида иштирок этиш учун Қозоғистонга ташриф буюрди.

— 2002 йил 9 сентябрь — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонга келди.

— 2003 йил 5-6 июль — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари йиғилишида иштирок этиш учун Қозоғистонга ташриф буюрди.

— 2006 йил 19-20 март — Қозоғистон Республикаси Президенти Н.Назарбоев давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.

— 2006 4 сентябрь — Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов расмий ташриф билан Қозоғистонга келди.

1998 йилнинг 31 октябрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик ҳақидаги Шартнома икки давлат муносабатларни тартиб солиб турган асосий ҳужжат ҳисобланади.

2006 йилнинг март ойида интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш, фан ва технологиялар, халқаро автомобиль йўли, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси чегаро ҳудудларида фуқаро радиохизматлари фойдаланадиган 30.0-1000.0 МГц радио-тўлқиндан ноқонуний фойдаланишни

мувофиқлаштириш тўғрисида ҳукуматлараро битимлар, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжаликлари вазирликлари ўртасида саранча ва бошқа қишлоқ хўжалик зараркундалари ҳамда касалликларига қарши курашишда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги келишув, шунингдек, бир талай бошқа ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикасининг Қозоғистон Республикаси билан 1997-20002 йй. ва 2003 йилнинг январь-февраль ойларида товар айрбошлаш динамикаси: (млн. АҚШ долл. ҳисобида)

|                 |      |      |      |       |      |      |      |
|-----------------|------|------|------|-------|------|------|------|
| Товар айланмаси | 3    | 2    | 2    | 31    | 3    | 2    | 17   |
| Экспорт         | 94,0 | 84,6 | 75,0 | 6,4   | 12,9 | 63,3 | 4,6  |
| Импорт          | 1    | 1    | 1    | 10    | 1    | 8    |      |
| Сальдо          | 97,7 | 22,0 | 48,7 | 0,8   | 18,0 | 1,8  | 55,8 |
|                 | 1    | 1    | 1    | 21    | 1    | 1    | 11   |
|                 | 96,3 | 62,6 | 26,3 | 5,6   | 94,9 | 81,5 | 8,8  |
|                 | +    | -    | +    | -     | -    | -    | -    |
|                 | 1,4  | 40,6 | 22,4 | 114,8 | 76,8 | 99,7 | 62,9 |

2003 йилнинг январь-май ойларида экспортнинг товар таркиби куйидагича бўлган: ёқилғи минерал маҳсулотлар (37,5%), хизматлар (27,2%), қора металл ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (9,2%) ва ҳ.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар қардошлик ва яқин қўшничилик анъаналари асосида изчил ривожланиб бормоқда. Тўқсондан ортиқ ҳужжатлар ана шундай ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини ташкил этади. Улардан эллиқдан ортиғи иқтисодий соҳага тергишлидир. Эркин савдо, инвестицияларни ўзаро жалб этиш ва ҳимоя қилиш, икки томонлама солиқ олинишини олдини олиш тўғрисидаги келишувлар шулар жумласидандир.

2006 йилнинг март ойида доимий талаб бўлган товарлар рўйхатини тузиш ҳамда ҳар икки мамлакатда уларнинг савдосини кенгайтириш тўғрисида келишиб олинди. Икки томонлама ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия давлат раҳбарларининг келишувларини амалиётга татбиқ этишга ҳаракат қилмоқда. Тошкентда бўлиб ўтган йиғ 2010 йилгача инвестиция ҳамкорлиги, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини етказиб бериш, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги, туризм, таълим ва маданият соҳасидаги алоқаларни мустаҳкамлашга оид масалалар муҳокама этилди.

2004 йилда ўзаро товар айрбошлаш ҳажми 425,9 млн., 2005 йилда эса 516,4 мил.АҚШ долларини ташкил этди. Шу вақтдан бошлаб бу кўрсаткич беш юз миллиондан ошиб, йилиги ўртача 20 фоизга кўпайиб бормоқда. 2006 йилнинг январиди эришилган натижа — 40,4 млн.долл. ҳам ўсишдан далолат беради.

Ўзбекистонда Қозоғистон инвестицияларининг иштироки билан 73 корхона ташкил этилган бўлиб, улар савдо, қурилиш, озиқ-овқат, машинасозлик, енгил саноат, метални қайта ишлаш каби соҳаларда фаолият юритмоқда. Бундан ташқари Ўзбекистонда Қозоғистоннинг 24 фирма ва компанияси ваколатхоналари ишлаб турибди.

Қозоғистонда эса Ўзбекистонлик инвесторлар иштирокида ташкил этилган 86 корхона савдо, озиқ-овқат, фармацевтика, қурилиш, қурилиш материаллар ва минерал ўғит ишлаб чиқариш, пахта ва ёғочни қайта ишлаш, уй жиҳозлари ва шиша маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида фаолият юритмоқда.

Аммо бу кўрсаткичлар икки мамлакатнинг иқтисодий имкониятларига асло мос келмайди. Хусусан, Президент Нурсултон Назарбоевнинг мамлакатимизга ташрифи арафасида Қозоғистонга мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини тўғридан-тўғри етказиб бериш масаласига бағишланган йиғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистонда бир йилда 5 млн. тонна ана шундай маҳсулот ишлаб чиқарилади. Мамлакатимиз эҳтиёжларини қоплаш учун унинг ярми ҳам кифоя қилади. Демак, 2,5 млн. тонна маҳсулотни Ташқи бозорга экспорт қилиш

мумкин. Мавжуд маълумотларга кўра, 2005 йилда экспорт қилинган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларининг атиги 4 фоизи Қозоғистонга жўнатилган. Бинобарин, бу кўрсаткич бир неча баробар кўпайтирилиши зарур. Устига-устан, Қозоғистонда бу маҳсулотга эҳтиёж катта.

Кейинги уч йил мобайнида Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида Ташқи савдо айланмаси узлуксиз ошиб бормоқда. Ўзбекистонда бу кўрсаткич ҳар йили 20 фоизга ортиб бормоқда. Ўза савдо ҳажми домий равишда ўсиб, кейинги икки йилда қирийб 75 фоизга ошган. Эътиборли жиҳати шундаки, икки томонлама савдода илгари мавжуд бўлган салбий сальдо 2055 йилга келиб деярли тенглашди. Мустақилликнинг 14 йилидан кейин илк бор икки давлат ўртасида экспорт-импорт ҳажми ярим миллиард доллардан ошию, 2005 йилда 516 млн.АҚШ долларини ташкил этди.

Мамлакатларимиз ўртасида қишлоқ хўжалигидан ташқари, енгил ва оғир саноат, қурилиш, машинасозлик, транспорт коммуникациялари, нефть ва газ ҳамда бошқа соҳаларда ҳамкорликни фаоллаштириш имконияти мавжуд. Масалан, Қозоғистон, жанубий ҳудудлар учун ҳар йили Ўзбекистондан 1,5 миллиард куб.м газ сотиб олади. Сув-энергетика соҳаси ҳам икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан ҳисобланади. Томондар бўғдой, қурилиш материаллари, металл прокати савдоси соҳасида ҳам самарали ҳамкорлик қилиши мумкин. Музокаралар давомида ҳар икки мамлакатда талаб катта бўлган товарлар рўйхатини тузиш, савдо соҳасида тўғридан-тўғри ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида келишиб олинди.

Икки мамлакат банклари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бу ўринда Ислон Каримов Қозоғистон тараққиёт банкининг филиалини Ўзбекистон очиш таклифини илгари сурди.

Таҳлил шундан далолат берадики, Ўзбекистон ва Қозоғистон иқтисодиётлари бир-бири билан зиддиятга ва рақобатга киришмайди. Масалан, Ўзбекистон Қозоғистонда деярли ишлаб чиқарилмайдиган машинасозлик маҳсулотлари (самолётлар, автомобиллар, ўрта ҳажмдаги автобус ва юк

машиналари, қишлоқ хўжалик техникаси), кабел маҳсулотлари, қурилиш материаллари ишлаб чиқаради, пахта, мева ва сабзавот етишради.

Шу билан бирга, икки мамлакат иқтисодиётининг умумий жиҳатлари ҳам мавжуд. Бой углеводород ва энергетика захираларидан ташқари, улар кучли илмий-техникавий ва интеллектуал салоҳиятга ҳам эгадир. Ҳар икки томоннинг бурчи — бу салоҳиятдан оқилона фойдаланиш, икки мамлакатни бир-бирига гиж-гижлаётган, бир-биридан ажратишга интилаётган давлатлар ва ташкилотлар манфаатларини кўзлаб иш юритмаслиги шарт.

Биз сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш Шартномасига биноан шериклар сифатида мамлакатларимиз худудларидан ўтадиган газ қувурларидан самарали фойдаланиш йўлга қўя олдик. Шунингдек, ШХТ доирасида икки мамлакат давлат идораларининг ўзаро ҳамкорлиги ҳам кучайтирилмоқда.

Ўтган йили Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Қозоғистон Савдо-саноат Уюшмаси ўртасида тадбиркорлик тузилмаларининг бевосита ҳамкорлигини ривожлантириш борасида имзоланган Битим муҳим аҳамият касб этади.

Бунинг натижаси ўлароқ, 2005 йилда Қозоғистон ва ўзбекистон сармоси иштирокида тузилган корхоналар сони анчагина кўпайди. 2006 йилнинг бошида Қозоғистонда ўзбекистонлик резидентларнинг иштирокида ташкил этилган 87 корхона фаолият юритмоқда.

Аmmo ҳар икки томон ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий муносабатлари ривожлантиришда улкан имкониятлар мавжудлигини эътироф этмоқда. Икки давлат раҳбари савдо йўлидаги барча тўсиқларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш борасида тегишли топшириқлар берди. Кейинги вақтда бу борада анча иш амалга оширилган бўлса-да, аmmo мавжуд имкониятлардан ҳамон тўлиқ фойдаланилмаяпти. Бу, хусусан, ички чераларада маҳсулот ва транспорт воситалари, худудларимиз орқали товарлар транзити ва

икки томонлама юкларни божхона назорати қоидаларини соддалаштириш ва бирхиллаштириш масаласига тегишлидир.

Айниқса, транспорт соҳасида ҳамкорлик аҳамияти ортиб бораётганини таъкидлаш зарур. Зеро, товар айрбошлаш ҳажмининг ортиши одатда юкларни ташиш ҳажмининг ортишига олиб келади. Масалан, Қозоғистон юкларининг жануб йўналишига транзити сўнгги уч йилда 20 фозга ошди.

Шу билан бир қаторда, мамлакатларимизнинг биргалик қарор қабул қилиши ва ўзаро ҳамкорлиги асосида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар ҳам талайгина.

Аввало, рақобатбоп ишлаб чиқаришни ташкил этиш орқали иқтисодиётларнинг хом ашёга йўналтирилганини камайтириш, мамлакатларнинг экспорт салоҳиятини қўшимча қиймат юқори бўлган маҳсулот ва хизматлар ҳисобига ривожлантириш, ҳар икки давлатнинг илмий-техникавий ва инновацион жараёнларда иштирок этишини кучайтириш орқали жаҳон иқтисодиётига интегра-циялашувини жадаллаштириш.

Экологик муаммоларни ҳал этиш учун чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш талаб этилмоқда. Халқаро экспертларнинг фикрича, Қозоғистон тупроқ қатлами ўта ёмон ҳолатга келиб қолган. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун фойдаланилаётган ҳамда ҳолати тубдан яхшиланиши лозим бўлган экин майдонлари Ўзбекистонда ҳам оз эмас.

Бундан ташқари, ҳукуматларимиз саъй-ҳаракатлари ишлаб чиқариз ва социал объектларда захира ва энергияни тежайдиган технологияларни жорий этишга йўналтирилган. Телекоммуникация ва алоқа, экспорт товарларининг, айниқса, жанубий йўналишда, ўтишини таъминлайдиган минтақалараро транспорт йўлакларини модернизация қилиш борасида ҳам ана шундай технологияларни татбиқ этиш масаласи ҳал этилмоғи керак. Шунингдек, ҳар икки мамлакатдаги меҳнат захиралари кўп бўлган минтақаларда аҳолини иш билан таъминлаш масаласини ҳал этиш далзарб вазифалардан биридир.

Кейинги йилларда ҳар икки мамлакатда иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги, етакчи тармоқларнинг жадал ривожланиши аҳоли турмуш даражасининг яхшиланишига хизмат қилмоқда. Ижобий инвестицион иқлим аҳолининг уй-жой шароитларининг яхшиланишга ундамоқда. Бу борада икки ҳукуматлари томонидан ипотека кредитини ривожлантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Шу билан бирга, бундай чора-тадбирлар қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари базасини мустаҳкамлашни тақозо этмоқда.

Бундан буён ҳам ягона тамойилларга асосланган ҳуқуқий муҳитни шакллантириш борасидаги ишларнинг давом эттирилиши ишбилармон доиралар ва маҳсулот истеъмолчиларига қулай шарт-шароитлар яратиб беради. Икки мамлакатларнинг учинчи давлатларга нисбатан мусабатларда ўзаро келишилган ёндошувнинг шакллантирилиши томонларнинг Ташқи бозорларга чиқиш салоҳиятидан тўлиқ фойдаланиш имконини яратади.

Бугунги кунда бу соҳадаги Ўзбекистон-Ўзбекистон ҳамкорлиги 1998 йил 31 октябрда икки давлат ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномаси, 1994 йил 10 январдаги маданият, илм-фан, соҳалини сақлаш, таълим, туризм ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги ўзгаришлар Битим ва 1998 йил 30 октябрдаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан Ўзбекистон Республикасининг Таълим, маданият ва соҳалини сақлаш вазирлиги ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик борасида имзоланган идоралараро Битимга биноан олиб борилмоқда.

Айни вақтда телевидение соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома лойиҳаси устида иш олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтаришга хизмат қиладиган кўплаб ҳужжатлар имзоланган. Ўзбекистон Республикаси ва Қозғоғистон Республикаси ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик режаси ва Дастури, Ўзбекистон



Республикаси ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида яшириш маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида Битим, 2001 йил 16 ноябрдаги ўзбек-қозоқ давлат чегарасидан ўтиш пунктлари Битимининг протоколи, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Қозоғистон Республикаси ҳукумати ўртасида 2006-2008 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар соҳада ҳамкорлик режаси ва Дастури, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Мудофаа вазирликлари ўртасида давлат ҳаво кемаларининг хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик қилиш, Ўзбекистон Республикаси “Ўзбектуризм” Миллий компанияси ва Қозоғистон Республикаси туризм ва спорт вазирлиги ўртасида туризм соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисида, Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Қозоғистон Республикаси Савдо-саноат Уюшмаси ўртасида ҳамкорлик дастурларининг имзолангани шулар жумласидандир.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ўзаро дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Қозоғистоннинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари.
3. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.

5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор таракқиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
9. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
10. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
11. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
12. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
13. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
14. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
15. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.3. Ўзбекистон ва Қирғизистон**

Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йил 16 февралда ўрнатилган.

Икки мамлакат муносабатларида муҳим сиёсий воқеалар ва давлат раҳбарларининг ташрифлари қуйида келтирилган:

— 1992 йил сентябри — Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

— 1993 йил май — Ўзбекистон Республикасида Қирғизистон Республикасининг элчихонаси очилди.

— 1994 йил 16 январь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Қирғизистонга келди.

— 1995 йилнинг 4 декабрь — Андижон шаҳрида икки давлат раҳбарининг учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки томонлама алоқаларни кенгайтириш ва иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди.

— 1996 йил 4-5 сентябрь — Қирғизистон Республикаси Бош вазири А Жумагулов амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

— 1996 йилнинг 24-25 декабрь — Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

— 1998 йил октябрь — Қирғизистонда Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди.

— 2000 йил 26-27 сентябрь — Ўзбекистон Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Қирғизистонга келди.

— 2001 йил 4-5 май — Ўзбекистон Республикаси Бош вазизи Ў.Султонов амалий ташриф билан Қирғизистонга келди.

— 2003 йил 4-5 май — Қирғизистон Республикаси Президенти Асқар Акаев ЕТТБ Бошқарувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида иштирок этиш учун Ўзбекистонга келди.

— 2003 йил 6 май — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Э.Ғаниев раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси МОДТ аъзо давлатларининг иккинчи иқтисодий анжуманида иштирок этиш ўш шаҳрига келди.

— 2003 йил 15 август — Қирғизистон Республикаси Бош вазири Н Танаев амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

1996 йилнинг 24 декабрида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида абадий дўстлик ҳақидаги Шартнома икки давлат муносабатларни тартиб солиб турган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Ҳозирги вақтгача икки мамлакат ўртасида 129 зиёд ҳужжат имзоланган. Улардан 59таси — давлатлараро ва ҳукуматдлараро халқаро шартнома, 30таси — идоралараро халқаро шартномалар, 27таси — давлат чегараларини делимитация қилиш, 13таси — бошқа соҳаларга таалукли ҳужжатлардир.

Иқтисодий соҳада икки мамлакат ўртасида 32 ҳужжат, транспорт ва алоқа соҳасида — 7, солиқ қонунчилиги, ҳуқуқий муносабатлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигига оид — 7, гуманитар ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида — 3 ҳамда бошқа соҳаларда талай ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикасининг Қирғизистон Республикаси билан 1997-20002 йй. ва 2003 йилнинг январь-февраль ойларида товар айрбошлаш динамикаси: (млн. АҚШ долл. ҳисобида)

|                | 1997 | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002  | 2003<br>8 мес. |
|----------------|------|------|------|------|------|-------|----------------|
| Товар айланмас | 3,6  | 7,3  | 71,8 | 9,4  | 1,5  | 12,6  | 53,6           |
| Экспорт        | 4,4  | 5,2  | 51,2 | 5,0  | 5,4  | 76,5  | 36,8           |
| Импорт         | 9,2  | 1,1  | 20,6 | 4,9  | 9,3  | 49,5  | 16,9           |
| Сальдо         | 35,2 | +    | +    | +    | -    | +     | +              |
|                | 35,2 | 31,1 | 5,6  | 43,1 | 27,0 | 41,55 | +19,7          |

2003 йилнинг январь-май ойларида экспортнинг товар таркиби куйидагича бўлган: ёқилғи минерал маҳсулотлар (72,0%), хизматлар (14,7%), электр асбоб-ускуна (9,5%), қурилиш материаллари(7,0% ва х.

2003 йилнинг январь-май ойларида импортнинг товар таркиби куйидагича бўлган: хизматлар (39,8%), ёқилғи минерал маҳсулотлар (17,8 %), электр асбоб-ускуна (9,5%), қурилиш материаллари(7,0 %).

1996 йилда икки томонлама ҳамкорлик бўйича ташкил этилган Ўзбекистон-Қирғизистон ҳукуматлароараро комиссиясининг шу вақтдагача 4 йиғилиши бўлиб ўтди.

Бугунги кунда ўзбек-қирғиз ҳамкорлиги 1996 йил 24 декабрда икки давлат ўртасида имзоланган ўзбекистон Республикаси ва қирғизистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномаси, 1994 йил 16 январдаги маданият, илм-фан, соҳалини сақлаш, таълим, туризм ва спорт соҳаларида икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги ҳукуматлароараро Битим ва 1996 йил 27 декабрдаги маданий ҳамкоролик тўғрисидаги идоралароараро Битимга биноан амалга оширилмоқда.

2006 йилнинг 3 октябрида Ўзбекистон ва Қирғизистон президентларининг Тошкентда бўлиб ўтган учрашув чоғида 2006-2010 йилларга мўлжалланган иқтисодий, илмий-техникавий ва гуманитар ҳамкорлик тўғрисида Шартнома имзоланди. Шунингдек, томонлар муҳим икки томонлама ҳужжатлар пакетини имзолаб, давлат чегараларининг баҳсли ҳудудларини делимитация қилиш тўғрисида келиб олди. Бундан ташқари, учрашув чоғида юқори даражада илк бор Ўзбекистонда истиқомат қилаётган қирғизлар ва Қирғизистон ҳудудида яшаб келаётган ўзбеклар ҳақидаги масала қўтарилди.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ўзаро дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари.
3. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
9. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
10. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
11. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
12. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
13. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
14. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
15. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.4. Ўзбекистон ва Туркманистон**

Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар 1993 йил 16 февралда ўрнатилган.

Икки мамлакат муносабатларида муҳим сиёсий воқеалар ва давлат раҳбарларининг ташрифлари қуйида келтирилган:

— 1995 йил февраль — Ўзбекистон Республикасида Туркменистон Республикасининг элчихонаси очилди

— 1996 йил — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Туркменистонга келди.

— 1996 йил ноябрь — Туркменистон Республикаси Президенти С.Ниязов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

— 2000 йил сентябрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Туркменистонга келди.

— 2002 йил ноябрь — Ўзбекистон Республикаси Бош вазизи Ў.Султонов амалий ташриф билан Туркменистонга келди.

Ҳозирги вақтгача икки мамлакат ўртасида 97 зиёд ҳужжат имзоланган. Улардан 60 таси — давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро шартнома, 16 таси — идоралараро халқаро шартномалар, 12 таси — бошқа соҳаларга таалукли ҳужжатлардир.

1996 йилнинг 16 январидан имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ёзаро ёрдам ҳақидаги Шартнома икки давлат муносабатларни тартиб солиб турган асосий ҳужжат ҳисобланади.

Иқтисодий соҳада икки мамлакат ўртасида 40 яқин ҳужжат, транспорт соҳасида — 9, солиқ қонунчилиги, ҳуқуқий муносабатлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигига оид — 4, гуманитар ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида — 6 ҳужжат имзоланган.

Ўзбекистон Республикасининг Туркменистон Республикаси билан 1997-2002 йй. ва 2003 йилнинг январь-февраль ойларида товар айрбошлаш динамикаси: (млн. АҚШ долл. ҳисобида)

|                 | 1997  | 1998  | 1999  | 2000   | 2001   | 2002   | 2003  |
|-----------------|-------|-------|-------|--------|--------|--------|-------|
|                 |       |       |       |        |        | 8 мес. |       |
| Товар айланмаси | 116,8 | 51,5  | 86,3  | 193,5  | 164,8  | 76,36  | 35,5  |
| Экспорт         | 92,8  | 41,3  | 76,3  | 175,4  | 138,3  | 64,54  | 27,9  |
| Импорт          | 24,0  | 10,0  | 10,0  | 18,1   | 26,5   | 11,82  | 7,6   |
| Сальдо          | +68,8 | +31,1 | +66,3 | +157,3 | +119,9 | +52,7  | +20,3 |

2003 йилнинг январь-май ойларида экспортнинг товар таркиби куйидагича бўлган: ёқилғи минерал маҳсулотлар (52,5%), хизматлар (23,4%), қурилиш материаллари(12,0%), ўғитлар (4,3%).

2003 йилнинг январь-май ойларида импортнинг товар таркиби ку-йидагича бўлган: хизматлар(42,3%), ёқилғи минерал маҳсулотлар (24,8 %), пластмасса ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар(11,1 %).

Бугунги кунда <sup>3</sup>амкорлик 1996 йил 16 январьда икки давлат ёртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Туркменистон Республикаси ёртасидаги имзоланган дёстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартномаси, 1996 йил 16 январдаги маданият, илм-фан, таълим, туризм ва спорт со<sup>3</sup>аларида <sup>3</sup>амкорлик қилиш тўғрисида ҳукуматлараро келишувлар ва 1992 йил 2 мартдаги Ўзбекистон Республикаси таълим вазирлиги ҳамда Туркменистон Республикаси таълим вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро Битимга биноан амалга оширилмоқда.

### Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ўзаро дипломатик муносабатлари.



2. Ўзбекистон ва Туркменистоннинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари.
3. Ўзбекистон ва Туркменистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
9. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
10. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
11. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
12. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
13. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
14. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.

15. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.5. Ўзбекистон ва Тожикистон**

Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги дипломатик муносабатлар 1992 йилнинг 20 октябрида ўрнатилган.

Ўзбекистон ва Тожикистон БМТ, ОБСЕ ва бошқа нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо, улар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ҳамда Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамкорлиги Ташкилотлари доирасида ҳам ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Ҳар икки давлат Ташқи сиёсатда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган тамойилларига асосланади, бир-бирининг ҳудудий яхлитлиги ва суверенитети ҳурмат қилишини таъкидлайди, тарихан шаклланган чегараларни тан олади, минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлар борасида ҳамкорлик қилиб келади.

Ўзбекистон Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш тўғрисидаги ташаббусининг Тожикистон томонидан қўллаб-қувватланишини юқори баҳолайди. Ўзбекистон ва Тожикистон Марказий Осиёдаги экологик муаммолар ҳал этишда ҳамкорлик қилиб келмоқда, ҳар икки давлат Оролни қутқариш Халқаро фондининг ҳисобланади.

Икки мамлакат муносабатларида муҳим сиёсий воқеалар ва давлат раҳбарларининг ташрифлари қуйида келтирилган:

— 1993 йил — Ўзбекистон Республикасида Тожикистон Республикасининг элчихонаси очилди.

— 1998 йил май — Тожикистон Республикасида Ўзбекистон Республикасининг элчихонаси очилди.

— 1998 йил октябрь — Ўзбекистон Республикаси, Россия Федерация ва Тожикистон Республикаси ўртасида уч томонлама Декларация имзоланди.

— Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Х.Камилов раҳбарлигидаги Ўзбекистон ҳукумат делегацияси амалий ташриф билан Тожикистонга келди.

— 1999 йил октябрь — Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон божхона хизматлари вакилларининг учрашуви бўлиб ўтди.

— 2000 йил июнь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Тожикистонга келди.

— 2002 йил 5 октябрь — Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов расмий ташриф билан Тожикистонга келди.

— 2003 йил 4-5 май — Тожикистон Президенти Э.Рахмонов ЕТТБ Бошқарувчиларининг Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида иштирок этиш учун Ўзбекистонга келди.

— Бугунги кунда икки мамлакат <sup>3</sup>амкорлиги 2000 йил 15 июньда икки давлат ўртасида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномаси, биноан амалга оширилмоқда.

Ҳозирги вақтгача икки мамлакат ўртасида 120 зиёд ҳужжат имзоланган. Улардан 42таси — давлатлараро ва ҳукуматлараро халқаро шартнома, 28таси — давлат чегараларини делимитация қилиш, 30таси — идоралараро халқаро шартномалар, 21таси — бошқа соҳаларга таалукли ҳужжатлардир.

Иқтисодий соҳада икки мамлакат ўртасида 20 зиёд ҳужжат, шу жумладан, гуманитар ва илмий-техникавий ҳамкорлик соҳасида — 4 транспорт соҳасида — 5, солиқ қонунчилиги, ҳуқуқий муносабатлар ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳамкорлигига оид — 15, ҳамда бошқа соҳаларда талай ҳужжатлар имзоланган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султоновнинг 1998 йил октябрда Тожикистонга қилган ташрифи ҳамда Тожикистон Республикаси Бош вазирининг

Ўзбекистонга( 1998 й. маркт ва январь, 1999 й. январь, 2001 й. февраль, 2002 й. февраль ва декабрь, 2033 й. мартада) амалга ошириган ташрифлари икки давлат ўртасидаги кўп томонлама савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига хизмат қилди.

Томонлар минтақавий ва трансчегаравий савдони кенгайтириш ҳамда икки мамлакат саноат корхоналари ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлашга қизиқиш билдирмоқда.

2002 йилнинг августида Душанбе шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири иштирокида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-тожик комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Унда “Телевидение соҳасида ҳамкорлик тўғрисида”, “Ўзбекистон Рес-публика Ҳукумати томонидан Тожикистон Республикаси Ҳукуматига берилган давлат кредитига хизмат кўрсатиш тартиби тўғрисида”, “Муҳим юкларнинг темир йўл транзити тўғрисида”ги ҳукуматларлараро битимлар ҳамда икки томонлама ўтиш пунктларининг ишлаш режими тўғрисидаги Протокол имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, ҳукуматлараро битимга биноан, ўзбекистон томони 10 фоиз, яъни 12 млн.АҚШ доллари миқдоридаги Тожикистон қарзидан кечди. Давлат қарзларининг қолган қисмини(106 млн.АҚШ доллари) ўн йил мобайнида реструктуризация қилиш келишиб олинди.

Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан 1997-20002 йй. ва 2003 йилнинг январь-февраль ойларида товар айрбошлаш динамикаси: (млн. АҚШ долл. ҳисобида)

| Йиллар          | 97   | 98    | 99    | 00    | 01    | 02    | 03  | 2003<br>8 мес. |
|-----------------|------|-------|-------|-------|-------|-------|-----|----------------|
| Товар айланмаси | 69,8 | 138,0 | 151,4 | 120,1 | 106,3 | 116,9 | 3,9 | 10             |

|         |     |     |     |     |     |     |     |
|---------|-----|-----|-----|-----|-----|-----|-----|
| Экспорт | 10  | 122 | 12  | 10  | 85, | 101 | 85  |
|         | 6,3 | ,2  | 0,1 | 0,9 | 8   | ,1  | ,9  |
| Импорт  | 63  | 15, | 31  | 19  | 20, | 15, | 17  |
|         | ,5  | 8   | ,3  | ,2  | 05  | 8   | ,9  |
| Сальдо  | +4  | +10 | +8  | +8  | +65 | +85 | +6  |
|         | 2,8 | 6,4 | 8,8 | 1,7 | ,75 | ,26 | 8,0 |

2003 йилнинг январь-май ойларида экспортнинг товар таркиби куйидагича бўлган: ёқилғи минерал маҳсулотлар (53,8%), хизматлар (29,07%), ўғитлар (7,2% ва х.

2003 йилнинг январь-май ойларида импортнинг товар таркиби куйидагича бўлган: хизматлар (30,9 %), рангил металлар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (21,1 %), ёқилғи маҳсулотлар (12,0 %), портловчи моддалар(7,7 %).

Бугунги кунда бу со<sup>3</sup>адаги ўзбек-тожик <sup>3</sup>амкорлиги 2000 йил 15 июнда икки давлат ўртасида имзоланган ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси ўртасидаги абадий дўстлик Шартномаси, 1997 йил 10 январьдаги таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги ҳукуматлараро Битим ҳамда 1998 йил 4 январдаги маданият ва гуманитар со<sup>3</sup>аларида икки томонлама <sup>3</sup>амкорликни чу<sup>o</sup>урлаштириш борасидаги Битимга биноан амалга оширилмоқда.

1998 йилнинг август ойида Ўзбекистонда Тожикистон Республикаси Президенти Э.Рахмонов иштирокида Тожикистон Республикаси кунлари ўтказилди.

2002 йилнинг август ойида Ўзбекистон теледастурларини Тожикистон Республикасида, Тожикистон теледастурларини Ўзбекистон Республикасида намоёниш этилишини ташкил қилиш бўйича ҳамкорлик Битими имзоланди.

Шундай қилиб, Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистон Ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда. Бу борада асосий эътибор минтақа давлатлари ўртасидаги интеграция жараёнларини мустаҳкамлаш ва

чуқурлаштириш, ишлаб чиқариш кооперациясини ривожлантириш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш, сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш, минтақалараро аҳамиятга эга транспорт-коммуникация лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш, маданий ва гуманитар соҳада алоқаларни йўлга қўйиш, шунингдек, терроризм, экстремизм, нарқобизнесга қарши икки томонлама ва кўп томонлама асосда курашиш, савдо-иқтисодий алоқаларнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштиришга эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон жўғрофий жойлашуви, табиий, меҳнат ва бошқа салоҳияти житҳатидан олганда, бу каби минтақавий лойиҳаларнинг амалга оширилишида марказий ўрин тутади.

Ўтган давр мобайнида минтақа давлатлари ўртасида бир-бирини ҳурмат қилиш, манфаатларини ўзаро инобатга олишга асосланган барқарор ва дўстона муносабатларни ривожлантириш борасида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди. Ўзбекистоннинг Қозоғистон ва Туркманистон билан давлат чегараларининг тўлиқ делемитация қилиниши, Қирғизистон ва Тожикистон билан чегарага алоқадор масалаларнинг 80 фоизга ҳал этилгани бунга мисол бўла олади. Шу билан бир қаторда, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистон билан савдо-иқтисодий муносабатларда мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаяпти. Мавжуд захиралар эса яқин йиллар ичида бу давлатлар билан ўзаро савдо ҳажмини камида икки баробар кўпайтириш имконият борлигидан далолат беради. Минтақа давлатларининг бир-бирига жўғрофий яқинлиги, ЕврАзЭСга аъзо экани ва кейинги 5-7 йил мобайнида иқтисодиётининг барқарор ўсиши ўзаро савдо ҳажмини оширишга зарур шарт-шароит яратади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ўзаро дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Тожикистоннинг ўзаро ҳамкорлик алоқалари.
3. Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
9. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристь, 1997.
10. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
11. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
12. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
13. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
14. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.6. Ўзбекистон ва Россия**

Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ҳарбий-техникавий, иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий соҳаларда кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Улар ўртасидаги муносабатлар иттифоқчилик характер касб этган.

Ўзбекистон Республикаси Россия Федерацияси томонидан 1992 йилнинг 20 мартада тан олган ва ўша кундан эътиборан икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

“Ельцинчилик” деб номланган даврда Россия томонидан Ўзбекистонга нисбатан нооқилона сиёсат юритилган. Ўша даврларда Россиянинг Марказий Осиё, Шарқий Европа, Жануби-Шарқий Осиё ва бошқа минтақалардаги мавқеи бой берилди. Бинобарин, Россиянинг ана шу даврдаги Ташқи сиёсий ҳолати(асосан ўзининг айби билан) унинг миллий манфаатларига жавоб бермас эди.

В.В.Путиннинг ҳокимият тепасига келиши билан вазият аста-секин ижобий томонга ўзгара бошлади. У давлат механизмида оддий тартиб ўрнатиш билан биргаликда, Россиянинг тақдири, унинг истиқболи ва самарали демократик давлат қуриш имкониятларидан келиб чиқиб ўзига хос интеграциялашув мафкурасини илгари сурди. Мазкур мафкура давлат ва жамият қурилиши нуқтаи назаридан “суверен демократия” концепцияси даражасига кўтарилди. Шу маъножа, Ташқи сиёсий фаолиятда жиддий ўзгаришлар юз берди, хусусан, маълум нуфузга эга бўлмай туриб бошқа мамлакатлар ва халқлар орасида самарали сиёсат юртиб бўлмаслиги, бунинг учун миллий манфаатлар қанчалик аҳамият касб этса, халқаро обрў-эътибор ҳам шунчалик муҳим экани англаб етилди. Бинобарин, обрў-эътибор ҳам Россияга унинг энг тараққий этган даврларига хос бўлган ахлоқий-маънавий асосларга таяниши лозим.

Эътиборли жиҳати шундаки, В.Путин давлат раҳбари сифатидаги илк расмий ташрифини Ўзбекистонга амалга оширган эди. Бу ҳол Россия Ўзбекистонни Марказий Осиё минтақасидаги стратегик шириги сифатида тан олганидан далолатдир. Албатта, икки томоннинг миллий ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари борасида қарашлар яқинлигининг аҳамияти бекиёсдир.



Ўзбекистон Президенти Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида таъкидлаганидек, “Россия билан тарихан қарор топган иқтисодий, маданий, дўстлик алоқаларимиз Ўзбекистон учун, қолаверса, бутун минтақамиз учун ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган.

Шуни таъкидлашни истиардимки, тенглик, ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган, икки давлат орасидаги кўп томонлама ҳамкорлик, стратегик шерикликни кучайтириш учун бугун янги имкониятлар пайдо бўлаётгани ҳар икки томон — Россия ва Ўзбекистон манфаатларига ҳам мос келади”(Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. Т.: Ўзбекистон, 2000, 347-бет).

Икки давлат ўртасидаги муносабатлар қуйидаги энг муҳим ҳужжатларга асосланган — Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома(2005 йил 14 ноябр); Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартнома(2004 йил 16 июнь); ҳамда 1998 йил 12 октябрда имзоланган 1998-2007 йй. Иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома. 1991 йилдан ҳозирги вақтгача икки давлат ўртасида 171та халқаро шартнома ҳамда 33дан зиёд бошқа ҳужжатлар имзоланган.

2004 йилдан бошлаб икки томонлама муносабатлар жадал ривожлана бошлади.

2004 йилнинг 15-16 апрелида Президент Ислон Каримовнинг Россияга амалий ташрифи чоғида икки томонлама муносабатлар, далзарб халқаро масалалар юзасидан ошқора ҳамда самимий мулоқот бўлиб ўтди.

2004 йил 16 июнида Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммити доираси И.А.Каримов ва В.В.Путин ўртасида бўлиб ўтган икки томонлама учрашув чоғида Стратегик шерикчилик тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

Ўзбекистон — Россия ўртасида олий даражадаги мулоқот Президент Ислон Каримовнинг 2004 йил 2-3 июлида Россияга қилган сафари, МДХ давлат бошлиқлари Кенгашининг 2004 йил 16 сентябрьдаги Остона шаҳридаги ҳамда

президент В.Путин раҳбарлигидаги Россия делегацияси тўлақонли аъзо сифатида илк бор иштирок этган Марказий Осиё мамлакатлари ташкилотининг 2004 йилнинг 18 октябрида Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган саммитлари чоғида давом эттирилди.

2005 йилнинг 7-8 май кунлари Президент И.А.Каримов МДХ Москва шаҳрида бўлиб ўтган норасмий саммитида иштирок этди.

2005 йилнинг 27-29 июлида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Россия Федерациясига амалий ташрифи бўлиб ўтди.

2005 йилнинг 26 августида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов МХД давлат раҳбарлари Кенгашининг йиғилиши ҳамда Қозон шаҳрининг 1000-йиллиги муносабати билан ўтказилган анжуманда иштирок этди.

2005 йилнинг 6-7 октябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Марказий Осиё давлатлари ташкилоти давлат раҳбарлари Кенгашининг Санкт-Петербургда бўлиб ўтган йиғилишида иштирок этди.

Ўзбекистон раҳбарининг ташаббуси билан Евроосиё маконида иқтисодий интеграция жараёнларини кучайтириш ҳамда тараққиётга кўмаклашиш мақсадида Евроосиё ҳамкорлиги ташкилотини Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти (ЕврЗЭС) билан қўшиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Россия Федерация Президенти В.В.Путин билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон — Россия муносабатларининг истиқболлари муҳокама этилди. Россия раҳбари Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, интеграция жараёнларини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутаётганини таъкидлаб ўтди. Ўзбекистон раҳбари, ўз навбатида, Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар стратегик шериклик тамойиллари асосида ривожланиб бораётгани ва “дўст муносабатда синалади” халқ мақолига таянган Россия сиёсатини юксак Ўзбекистон юксак кадрлашини уқтирди. Учрашув чоғида томонларни қизиқтирган халқаро ҳамда минтақавий масалалар бўйича фикр алмашилди.

2005 йилнинг 14-15 ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Россия Федерациясига расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ушбу ташриф чоғида икки томонлама алоқаларни янги сифат босқичига кўтаришга хизмат қилдадиган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

Ушбу шартнома икки давлат ўртасидаги муносабатларнинг янги сифат даражасига кўтарилганининг ифодаси бўлди. Бошқача айтганда, эндиликда шўролар амалиёти давридагидан тубдан фарқ қиладиган янги фалсафий ёндашувга, жумладан, стратегик истиқболга эга бўлган умумий манфаатларнинг инобатга олинишига асосланган иттифоқчилик муносабатларининг шаклланиши ва ривожланишига имкон яратди.

Сўнгги йилларда Россия — Ўзбекистон муносабатлари икки давлат раҳбари — Ислом Каримов ва Владимир Путиннинг сиёсий иродаси ва саъй-ҳаракатлари туфайли жадал ва изчил ривожланиб бормоқда. Бундай тенденция нафақат сиёсий мулоқот, балки савдо-иқтисодий, ҳарбий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, гуманитар ҳамда маданий соҳаларда ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Маълумки, иттифоқчилик шартномасини тайёрлаш бўйича амалий фаолият бир неча йил илгари бошланиб, 1999 йилнинг 11 декабрида Ҳарбий ва ҳарбий-техникавий соҳада ҳар томонлама ҳамкорликни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги Шартнома ҳамда 2004 йилнинг июнида имзоланган Стратегик шериклик тўғрисидаги Шартнома икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг янада яқинлашувида муҳим босқич вазифасини ўтаган эди. Жумладан, стратегик шериклик тўғрисидаги Шартномада глобал таҳдидлар, биринчи галда, терроризм ва диний экстремизм каби хавф-хатарларни назарда тутган ҳолда стратегик шерикликни амалга ошириш зарур экани таъкидланади. Шунингдек, ушбу ҳужжатда ҳарбий ҳамкорлик тўғрисида ҳам батафсил сўз юритилади. Чунончи, унда ҳар икки мамлакат ёки бирининг манфаатларига таҳдид соладиган вазият вужудга келган тақдирда, уларни бартараф этиш чора-тадбирлари белгилаб қўйилган. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Россия ўртасида имзоланган

мазкур иттифоқчилик шартномаси икки мустақил давлат ва халқларнинг ўзаро яқинлашуви жараёнининг мантиқий босқичидир.

Янги шартнома туфайли Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги муносабатлар том маънода иттифоқчилик мазмунига эга бўлмоқда. Эндиликда Ўзбекистонга нисбатан агрессив хатти-ҳаракатлар дунёдаги энг қудратли давлатлардан бири — Россияга қарши тажовузни англатади. Масалан, иттифоқчилик ҳақидаги шартноманинг 2-бандида таъкидланишича, “тарафладан бири қарши муайян давлат ёки давлатлар гуруҳи томонидан содир этилган агрессия ҳар икки томонга содир этилган тажовуз ҳисобланади”. Ушбу ҳужжатда тинчликка хавф солиши ёки тарафлардан бирининг хавфсизлигига раҳна қилиши мумкин бўлган вазиятларни бартараф этиш чора-тадбирларини келишган ҳолда биргаликда амалга ошириш зарурлиги ҳақидаги қоидалари ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ўз-ўзидан аёнки, бу ўринда сўз, аввало, террористик таҳдидлар ҳақида бормоқда. Бу хатар қанчалик жиддий эканини Андижон шаҳрида юз берган қонли воқеалар, хусусан, хориждан молиялаштирилган бир гуруҳ терористлар томонидан Ўзбекистондаги конституцион тузумни ағдариб, ўрта аср халифалигини ўрнатишга уринишлари яққол намоён этди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ушбу воқеалар муносабати билан берган интервьюсида “Андижондаги фожияни амалга оширган кучлар кўзлаган мақсадидан қайтмаётгани, халқаро майдонда биз ҳақимизда турли миш-мишларни тарқатаётгани, бузғунчи ғояларни илгари сураётгани — барчамиздан атрофдаги воқеаларга лоқайд бўлмаслик ва огоҳ бўлишни тақозо этмоқда”(Народное слово, 2005 йил 17 ноябрь).

Россия Президенти В.Путин, ўз навбатида таъкидлаганидек, “Шартнома икки мамлакат ўртасидаги муносабатлари мутлақо янги сифат даражасига кўтаради. Россия ва Ўзбекистон минтақада барқарорлик ва тараққиётга эришиш йўлида кучлари, захиралари, улкан гуманитар салоҳиятларини бирлаштирмоқда”(Народное слово, 2005 йил 23 ноябрь).

Шартноманинг иқтисодий жиҳатлари ҳам эътиборга лойиқдир. Жумладан, Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ва молиявий алоқалар янада юқорироқ босқичга кўтарилди, икки мамлакат тадбиркорларига кўшимча имтиёзлар яратилди, ўзаро ҳамкорликнинг турли соҳаларидаги тўсиқлар бартараф этилди. Таъкидлаш жоизки, Москвада имзоланган мазкур шартнома ҳар икки томон учун тенг ҳуқуқли ва ўзаро фойдалидир. Масалан, унинг Ўзбекистон хавфсизлигини таъминлаш, маҳаллий корхона ва тадбиркорларнинг улкан Россия бозорига чиқиш имкониятига эга бўлгани унинг нақадар катта аҳамият касб этишидан далолат беради. Бинобарин, Россия Федерацияси учун ҳам ушбу шартноманинг аҳамияти беқиёсдир. Дейлик, чегарани тан олмайдиган тез тарқалиб бораётган терроризмга қарши биргаликда курашиш, иқтисодиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан каби соҳаларда икки томонлама алоқаларнинг ривожланишидан Россия ҳам шубҳасиз манфаатдордир.

Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши олий даражадаги алоқаларнинг, айниқса, парламентлараро муносабатлар ривожига ижобий таъсир этди. Ҳозирги даврда икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқалар, биринчи галда, қонунчилик фаолияти, делегациялар алмашуви соҳасида изчил ривожланиб бормоқда. 2005 йилнинг 18-20 майида Россия Давлат Думасининг МХД ҳамда ватандошлар билан алоқалар қўмитаси раиси А.Кокошин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Бўлиб ўтган учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида парламент маслаҳатлашувларини ортиқча расмийликсиз жадаллаштириш масаласи муҳокама этилди.

2005 йилнинг ноябрида Россия Федерал Маслиси Федерация Кенгашининг МХД ишлари бўйича қўмитаси раиси В.Густов Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 14-15 ноябрида РФ қилган расмий ташрифи мамлакат сиёсий доиралари, Россия Федерацияси Давлат Думаси ҳамда Федерация Кенгашида катта қизиқиш

уйғотганини эътироф этди. У стратегик шериклик тўғрисидаги Шартноманинг муваффақиятли амалга оширилиши натижаси ўлароқ иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши Россияда ижобий баҳонланганини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Россия Федерациясига қилган расмий ташрифи чоғида икки мамлакатнинг ёқилғи-энергетика соҳасида ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди (Народное слово, 2005 йил 22 ноябрь). Мамлакатимизда иш юритаётган “Газпром” ОАЖнинг Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги оператори — “Зарубежнефтегаз” ЁАЖ фаолияти ана шундай ҳамкорликнинг ёрқин намунасидир. Иттифоқчилик шартномасининг саккизинчи бандида таъкидланганидек, томонлар мавжуд халқаро амалиётдан келиб чиққан ҳолда икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштириш борасида тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқади. Бундай ҳуқуқий меъёрнинг мавжудлиги Ўзбекистон ва Россия ишбилармон шериклар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш, уларни янада самарали ўзаро фойдали бўлишига хизмат қилади.

Ана шундай ҳамкорликка мисол тариқасида 2004 йилнинг апрелида “Ўзбекнефтегаз” холдинг компанияси ҳамда “Зарубежнефтегаз” ва “Gaz Projekt Developmen Central Asia AG” компаниясидан иборат консорциум ўртасида “Шахпахты” қонида қўшимча қидирув ишлари бўйича маҳсулотни бўлиб олиш ҳақидаги Битимга биноан ташкил этилган “Зарубежнефтегаз — ГПД — Марказий Осиё” компаниясини келтириш мумкин. Эътиборли жиҳати шундаки, ушбу компания мамлакатимиз парламенти томонидан “Маҳсулотни бўлиб олиш битимлари тўғрисида”ги Қонун қабул қилингандан кейин пайдо бўлган дастлабки компания ҳисобланади. “Шахпахты” қонида маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича лойиҳа 15 йилга мўлжалланган. Шундай қилиб, бир вақтдан тўхтатиб қўйилган газ қонида жадал иш бошланиб кетди: 2005 йилнинг ноябригача 230 миллион кубометрдан кўпроқ газ ишлаб чиқарилди.

Бундан ташқари, “Зарубежнефтегаз” компанияси “Газпром” ОАЖ бошқаруви раиси А.Миллернинг 2005 йил сентябрида Ўзбекистонга қилган ташрифи чоғида имзоланган 2006-2010 йй. мўлжалланган Ўрта муддатли битим доирасидаги келишувларга кўра, газни тўхтовсиз етказиб берилишини таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги 3000 километр газтранспорт тизимларида комплекс диагностика ишларини амалга оширди, “Ўзбекнефтегаз” компаниясига асбоб-ускуна етказиб берди, “Марказий Осиё — Марказ” газопроводини модернизация қилиш, қайта жиҳозлаш ва кенгайтириш учун унинг ҳолатини баҳолаш ишларида иштирок этиб келмоқда. Ушбу келишувларнинг ҳаётга татбиқ этилиши, хусусан, Устюрт минтақасида инвестиция ҳажми қарийб бир миллиард долларни ташкил этган йирик газ конини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган лойиҳаларни амалга ошириш орқали “Газпром ва “Ўзбекнефтегаз” ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштиришга кенг имконият туғилмоқда. Битимнинг маҳсулотни бўлиб олиш ҳақидаги шартларига кўра, табиий газнинг бир қисмини Ўзбекистон тасарруф этади. Инвестициялар ҳамда мазкур конни ўзлаштирилиши туфайли минтақада замонавий инфратузилмага эга бўлган янги аҳоли пунктлари пайдо бўлади, минглаб янги иш ўринлари яратилади. Мазкур лойиҳаларга жалб этиладиган кўплаб корхона ва ташкилотлар кўшимча иш ҳажмига эга бўлади. Муҳими шундаки, лойиҳа муддати тугагунга қадар, унинг доирасида қурилган ва ташкил этилган барча моддий бойликлар Ўзбекистонда қолади. Бундан ташқари, ушбу лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги фаолият маҳаллий бюджетларга минтақани ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтирилиши мумкин бўлган мажбурий солиқ ва тўловлар эвазига қўшимча даромад келтиради(Народное слово, 2005 йил 22 ноябрь).

Экспертларнинг тахминига кўра, яқин 15 йилда энергия истеъмоли дуне миқёсида учдан бирига, 2025 йилда эса — 45 фоизга кўпаяди. Мавжуд маълумотларга кўра, 2025 йилга бориб нефтга бўлган талаб 42 фоизга, газга эса 60 фоизга ошиши мумкин экан. Маълумки, бу иқтисодий масаладан кўра кўпроқ

сиёсий масаладир. Чунки энергетика захираларига эгалик қилганлар нафақат жаҳон бозорларида, балки сиёсий муносабатлар соҳасида ҳам ҳукмронлик қилади. Шу боис ривожланган ёқилғи-энергетика, нефть ва табиий газ захираларига эга мамлакатлар билан(хусусан, Ўзбекистон билан) ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш масалалари ҳам геоиқтисодий, ҳам геосиёсий жиҳатдан ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Россия ва Ўзбекистон ўртасида энергетика соҳасида ҳамкорликнинг ривожлантирилиши, нефтьгаз секторига инвестициялар, янги технология ва илғор тажрибанинг жалб этилиши ҳар икки мамлакат миллийиқтисодиётини тараққиё этган давлатлар даражасига кўтарилишига хизмат қилиши шубҳасиздир. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда мазкур соҳани ривожлантиришда салмоқли ишлар амалга оширилди. Энг муҳим ютуқлардан бири шундаки, 1995 йилдаёқ мамлакатимиз нефть мустақиллигига эришди. Бугунги кунга келиб, республикада йилига 60 миллиард кубометр табиий газ ҳамда 6 миллион тоннага яқин суюқ углеводородлар ишлаб чиқарилмоқда. Мамлакат ички эҳтиёжларини тўлиқ қондираётган мазкур тармоқнинг экспорт салоҳияти тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Масалан, 2005 йилда “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компанияси 770 миллион АҚШ доллари ҳажмида маҳсулот экспорт қилди. 477,15 миллион долларлик табиий газдан ташқари, хорижий буюртмачиларга қарийб 95 миллион долларлик нефть маҳсулотлари, 10 миллион долларга яқин суюлтирилган газ, 73 миллион долларлик полиэтилен етказиб берилди. Мамлакатимизда магистрал газ қувурларининг кенг тармоғи мавжуд бўлгани туфайли (13 минг километрдан зиёд) фақат 2005 йилнинг ўзида табиий газ транзити учун 118 миллиондан ортиқ АҚШ доллари олишга муваффақ бўлинди.

Албатта, тармоқни янада ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини ошириш нефть ва газ ишлаб чиқарилишини, жумладан, янги конларни очиш ва ўзлаштириш эвазига, кўпайтиришни тақозо этади. Масалан, ҳозирги вақтда мамлакатимиздаги 190 углеводород хом ашёси конларининг 90тасида маҳсулот



ишлаб чиқарилмоқда, 67таси ўзлаштиришга тайёрланган, 33та конда эса геология-қидирув ишлари олиб борилмоқда. Бошқача айтганда, бу тармоқдаги улкан имкониятларни мамлакат ва халқ манфаатларига йўналтириш учун имкон борича тезроқ янги конларни ишга тушириш зарур. Албатта, бунинг учун катта сармоя керак. Бу ўринда “Ўзбекнефтегаз” компаниясининг ҳиссасидан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 11 майда қабул қилган фармонида биноан ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси тикланиш ва тараққиёт Фонди маблағ-ларининг бир қисми ҳам шу соҳага йўналтирилади. Мазкур фонд иқтисодиётнинг етакчи соҳалари, жумладан, нефтегаз тармоғини модернизация қилиш ва технологик жиҳатда қайта жиҳозлаш мақсадида ташкил этилган. Табиийки, бу соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилган қулай инвестиция муҳити, шунингдек, “Газпром” ва “Лукойл” каби йирик компаниялар билан ижобий ҳамкорлик тажрибаси(бу икки компаниянинг Ўзбекистондаги инвестициялари икки миллиард АҚШ доллари миқдорида баҳо-ланмоқда) бу соҳанинг истиқболи порлоқ эканидан далолат беради.

Ўзбекистондаги фойдали қазилмалар захираси қарийб 11 триллион доллар миқдорида баҳоланмоқда. Жаҳон тажрибаси қазилма бойликларни ишлаб чиқаришда ўзаро манфаатли ҳамкорлик катта самара беришидан далолат беради. Зеро бу хом ашёни ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш имконини яратадиган ҳам инвестиция, ҳам замонавий асбоб-ускуна, ҳам янги технологияларни жорий этишга хизмат қилади(Народное слово, 2006 йил 23 май).

Ўзбекистоннинг Россия билан ҳамкорлиги иттифоқчилик шартномасининг имзоланиши арафасида ва ундан кейинги даврда айниқса парламентлараро муносабатларда жадал ривожланмоқда. Россия сенаторларининг фикрича, бундай алоқалар замонавий таҳдидларга биргаликда кураш олиб боришга кўмаклашади.

2006 йилнинг 13-14 февраль кунлари Россия Федерал Мажлиси Давлат Думаси раиси Борис Гризлов расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди. 2006 йилнинг 12-16 мартада Россия Давлат Думасининг МДХ ва ватандошлар билан алоқалар кўмитаси раиси А.Кокошиннинг Ўзбекистонга ташрифи амалга оширилди. Ўша йилнинг апрель ойида Россия Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши раиси Сергей Миронов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2006 йил май ойида Россияда бўлган чоғида мамлакатимизда амалга оширилаётган хусусийлаштириш жараёнига жиддий эътибор қаратилган эди. — Кўпгина мамлакатларда бундай объектлар аллақачон хусусийлаштирилган, — Президент Ислон Каримов. — Ўзбекистоннинг бошқа давлатлардан фарқи шундаки, бизда хусусийлаштириш масаласида шошқалоқликка йўл қўйилмади. Шу боис Россия компаниялари мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнларида фаол иштирок этиши мумкин.

Бўлиб ўтган музокараларда Марказий Осиёда хавфсизлик, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш масалалари муҳокама этилди. Бу ҳақда Президент Ислон Каримов шундай дейди: “Минтақадаги барқарорлик шунчаки диққат-эътиборни эмас, жиддий фикр алмашишни талаб этади. Минтақадан ташқаридаги турли мақсадларни кўзлаб ҳаракат қилаётган айрим кучларнинг иштироки билан пайдо бўлаётган таҳдидлар минтақавий интеграциялашув масалаларининг далзарбланишига сабаб бўлаётир”. Мамлакатимиз раҳбари Россия президентининг Федерал Мажлисга тақдим этган мактуби ҳақида тўхталиб, унинг мазмуни бой эканини таъкидлади.

Президент Ислон Каримов 2006 йил 9 май куни Тошкентдаги Хотира майдонида журналистлар билан суҳбатда Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасида тузилган иттифоқчилик шартномаси минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, деб ишонч билдирди. Дарҳақиқат ушбу ҳужжат икки мамлакат манфаатларига хизмат қилиб, тинч-

осойишта ҳаёт кафолати бўлади, келажакка ишлнч билан боқиш имконини яратади. Президент Ислон Каримов 2006 йил 6 мартда “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик шартномасини ратификация қилиш туғрисида”ги Қонунга имзо чекди. Ўз навбатида, Президент В.Путин ҳам Сочидаги учрашув арафасида мазкур ратификация қилиш туғрисидаги қонунни имзолади. Шундан эътиборан қонун тўлиқ кучга кирди.

Марказий Осиё минтақаси ва унинг атрофида рўй бераётган жараёнлар хавфсизлик ва барқарорликни, сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашни тақозо этмоқда. Шу маънода, юқорида тилга олинган шартнома Ўзбекистон учун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур шартнома Россия учун ҳам ғоят аҳамиятлидир. Зеро у икки томонлама ҳамкорлик негизига таяниб, Россиянинг жанубий чегаралари хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилади(Народное слово, 2006 13 май). Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбарияти томонидан Ташқи сиёсий фаолиятда Хитой, Ҳиндистон, Жанубий Корея, Покистон билан дўстона алоқалар ўрнатишга ҳаракат қилаётгани Ўзбекистоннинг умумий хавфсизлик ва барқарорликка интилаётганидан далолат беради.

Ушбу шартнома кўплаб масалаларни қамраб олган. У сиёсий, ҳарбий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, Қуролли Кучларни модернизация ва ислоҳ этиш билангина чекланиб қолмайди. Унда икки томонлама ҳамкорликнинг бошқа жиҳатлари ҳам акс эттирилган. Улар қаторида савдо-иқтисодий муносабатлар. Телекоммуникация, энергетика, суғурта ва банк-молия соҳаси, халқаро транспорт инфратузилмаларидан ўзаро самарали фойдаланиш каби соҳаларни келтириш мумкин. 2005 йил натижалари Россия савдо соҳасида Ўзбекистоннинг асосий шеригига айланганини кўрсатмоқда. Мамлакатимиз дунёдаги кўплаб давлатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларни йўлга қўйган бўлса-да, умумий маҳсулот айрбошлашнинг 21 фоизи Россия улушига тўғри келади.

2005 йилда ушбу мамлакатга экспорт ҳажми 41,6 фоизга ошиб, 1.026,5 АҚШ долларини ташкил этди. Россиядан импорт ҳажми эса 12,7 фоизга ошиб,

1.034 миллион долларни ташкил қилди. Ўзбекистон газ ишлаб чиқариш бўйича МХД орасида учинчи, дунё миқёсида эса ўнта энг йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар қаторидан ўрин олган.

Таъкидлаш жоизки, икки томонлама савдо алоқаларида ижобий ўзгаришлар, хусусан, сўнги олти йил мобайнида маҳсулот айрбошлаш кўрсаткичларининг узлуксиз ошиб бориши 1998 йилда Россия рўй берган иқтисодий инқироз бартараф этилган кейин кўзга ташлана бошлади.

2004 йилда икки мамлакат ўртасида маҳсулот айрибошлаш 2003 йилга нисбатан 42,9 фоизга ошиб, 1641,9 млн.АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистондан Россия Федерациясига экспорт ҳажми 57,8 фоизга ошиб, 724,8 млн.АҚШ долларини ташкил этди, Россиядан импорт эса 33,7 фоизга кўпайиб, 917,1 млн.АҚШ долларини ташкил қилди.

2004 йилда савдодаги ижобий сальдо туфайли 2003 йилдаги салбий сальдони қарийб 38 млн. АҚШ доллари миқдорида қисқартирилишига эришилди.

2004 йилда экспорт таркиби асосан хизматлар(кўпроқ энергозахираларни, йўловчиларни ташиш, темир йўл орқали маҳсулот ташиш) 25,9 фоизни ўки 187,5 млн.АҚШ долларини, энергозахиралар — 17,7 фоиз ёки 128,6 млн.АҚШ доллари, пайта толаси — 10,1 фоиз ёки 72,3 млн.АҚШ доллари, қайта ишланган мева ва ёнғоқ — 2,8 фоиз ёки 20,4 млн.АҚШ доллари, қайта ишланган сабзавот ва бошқа ўсимликлар — 2,1 фоиз ёки 15,0 млн.АҚШ доллари, мато ва жун маҳсулотлар — 1,8 фоиз ёки 13,1 млн.АҚШ доллари, электр машиналар ва асбоб-ускуна — 1,8 фоиз ёки 12,7 млн.АҚШ доллари, пахта ва нотўқима материаллар — 1,6 ёки 11,2 млн.АҚШ долларини ташкил этган.

Импорт таркиби эса қўйидагича бўлди: қора металл ва улардан ишланган маҳсулот — 24,6 ёким 225,8 млн.АҚШ доллари, механик асбоб-ускуна — 13,7 ёки 125,8 млн.АҚШ доллари, ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари — 9,8 фоиз ёки 89,8 млн.АҚШ доллари, хизматлар — 6,2 фоиз ёки 56,4 млн. АҚШ доллари, электр машина ва асбоб-ускуна — 6,0 фоиз ёки 54,6 АҚШ доллари, ерда юрадиган

транспорт воситалари — 4,9 фоиз ёки 44,99 млн.АҚШ доллари, каучук ва резина маҳсулотлари — 4,0 ёки 37,0 млн.АҚШ доллари, фармацевтика маҳсулотлари — 3,9 фоиз ёки 35,7 млн.АҚШ доллари, оптик прибор ва аппаратлар — 3,1 фоиз ёки 28,2 млн.АҚШ доллари, пластмасса ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулот — 2,7 фоз ёки 25,0 млн. АҚШ долларини ташкил этган.

Ўзаро савдодаги экспорт ва импорт таркиби асосан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун рақобат қилмайдиган маҳсулотлардан ташкил топган(одатда ички бозорларда талаб юқори бўлган автомобиллар бундан мустасно).

Юқоридагилардан хулоса қилиб, икки томонлама савдо истиқболда савдо тўсиқларига йўл қўймайдиган ўзаро манфаатли асосда амалга оширилаётгани қайд этиш мумкин.

Мамлакатимизда Россия сармоясининг иштирокида ташкил этилган корхоналар ҳамда Россия компания ва фирмаларининг аккредетация қилинган ваколатхоналари сони кўпайиб бормокда. Масалан, 2003 йилда россия сармояси иштирокида мамлакатимизда 309 фаолият юритган бўлса, 2004 йилда уларни сони 390 тага етган. Улардан 54 юз фоиз россия инвестицияси асосида фаолият юритади, 295 таси эса — қўшма корхоалардир.

Россия сармояси иштирокида ташкил этилган корхоналарнинг низом жамғармаси 88,5 млн. АҚШ долларини ташкил этган. 2004 йил натижаларига кўра. ушбу корхоналарнинг Ташқи савдо айрбошлаш кўрсаткичи 81,8 млн. АҚШ долларини, 2005 йилнинг августига қадар эса бу кўрсаткич 76,5 млн.АҚШ долларини ташкил қилди(яъни 2004 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш 1,7 баробар ортиқ бўлган).

Ўзбекистон минтақалари нуқтаи назаридан олинадиган бўлса, фаолият юритаётган корхоналар асосан Тошкент ш., Тошкент, Самарқанд,, Бухоро, Андижон ҳамда Фарғона вилоятлари улушига тўғри келади. Мазкур корхоналар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидаги соҳаларни камраб олади: озиқ-овқат, текстиль, ёғочни қайта ишлаш, кимё-фармацевтика, металлургия, машинасозлик, автомобильсозлик, ёқилғи-энергетика, қишлоқ хўжалиги ҳамда

Ўзбекистон иқтисодиётининг бошқа тармоқларида биргаликда маҳсулот ишлаб чиқариш, савдо-воситачилик фаолияти.

Кейинги вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида кооперацияни мустаҳкамлаш жараёнлари кўзга ташланмоқда. Айни пайтда бу соҳада “Балтимор”, “Черкизово” ва бошқа машҳур россия компаниялари билан ташкил тўққизта қўшма корхона фаолият юритмоқда. “Бим Билль Дан” компанияси “Тошкентсут” бирлашмасининг 77 фоиз акциясини сотиб олиш тўғрисидаги шартномани имзолаб, суи маҳсулотлари ва мева шарбатини ишлаб чиқаришга 20 млн.АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритишни мўлжалламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар во савдо вазирлигида ўзбекистонлик резидентлар томонидан Россияда ташкил этилган 276та корхона рўйхатга олинган. Шунингдек ушбу вазирликда 83та россия компания ва фирмаларининг Ўзбекистондаги ваколатхоналари қайд этилган.

Бундан ташқари, доимий асосда МПКнинг йиғилишлари ўтказилиб турибди. 2005 йилнинг 10-12 октябрида МПКнинг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдаги 8-чи йиғилишида икки томонлама ҳамкорликни фаоллаштириш масалалари муҳокама этилди.

2005 йилнинг 9-10 январида Россия Федерациясининг Саноат бўйича федерал агентлиги бошлиғи Б.С.Алёшин раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистонга ташриф буюрди. Музокалар чоғида асосан авиасозлик ва нефтегаз саноати соҳасида икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик масалалари муҳокама этилди. Шунингдек, ташриф чоғида 2005 йил натижаларига кўра, икки томонлама маҳсулот айрбошлаш ҳажми сўнгги ўн йил мобайнида энг юксак кўрсаткич — 2 млрд.АҚШ долларини ташкил этгани алоҳида таъкидланди.

Россия Федерациясида “Ўзбекистон” савдо уйининг очилиши икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлидаги муҳим кадам бўлди. 2005 йилнинг 19 декабрида Тошкентда Рус Савдо уйининг

очилиши маросими бўлиб ўтди. Унинг асосий фаолияти РФ Сибирь минтақасининг иқтисодий салоҳиятини Ўзбекистондан келрилайётган маҳсулотлар билан ўзаро манфаатли жиҳатларини намойиш этишдир.

Мамлакатимизнинг Россия билан ёқилғи-энергетика соҳасидаги инвестицион ҳамкорлиги алоҳида аҳамият касб этади. 2005 йилда Россия Ўзбекистондан 8,115 миллиард кубометр газ сотиб олган. “Ўзбекнефтегаз” Миллий холдинг компания ҳамда “Газпром” ва “Лукойл” ОАЖ билан имзоланган ҳужжатларда мамлакатимиз нефтегаз соҳасига 2,5 миллиард доллар миқдорида инвестиция киритиш кўзда тутилган. “Техспецсталь-инжиниринг”(Санкт-Петербург) ҳамда Чкалов номидаги Тошкент авиасозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ўртасида 2008 йилгача 30та ИЛ-114 самолётларини импорт қилиш тўғрисида контракт тузилган. Эътиборли жиҳати шундаки, Россия Ҳарбий-денгиз кучлари ва “Выборг” авиакомпанияси дунёдаги энг йирик бешта самолетсозлик мажмуилари қаторидан ўрин олган “ТАПОИЧ” ДАЖ томонидан ишлаб чиқарилган бир неча самолётдан самарали фойдаланиб келмоқда.

2006 йилнинг биринчи чорагида маҳсулот айрбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24 фозга ошган во 402 млн. АҚШ долларини ташкил этган(Народное слово, 2006 йил 16 май).

Икки мамлакат ўртасида таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳам ўнлаб олий ўқув юртлиари ўртасида самарали ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, бундай ҳамкорлик иқтисодиёт, сервис, тиббиёт, бошқарув, тилшунослик, педагогика, қишлоқ хўжалиги, информатика ва янги саноат технологиялари соҳасида юксак малакали мутахассис-кадрлар тайёрланмоқда. Айти пайтда Тошкентда МДУ ҳамда Плеханов номидаги Молия академиясининг филиаллари ташкил этилиб, муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 676 мактабда рус тилида дарс олиб борилади, уларда 250минг ўқувчи таълим олмоқда.

Мустақиллик йиллари республика кутубхоналари янги адабиётлар билан бойитилди. Республикада ҳар йили рус тилида 1,0-1,2 млн. ададда 40-45 номда

дарслик ва қўлланмалар нашр қилинади. Рус тилида 85та газета ва 52та журнал чоп этилади.

Икки мамлакат фан, маданият ва жамоат арбобларининг ташаббуси билан 2004 йилнинг март ойида Москвада ўзбек халқининг бой маданий-тарихий меросини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган “Ўзбекистон маданияти ва санъати Фонди”нинг тақдимоти бўлиб ўтди.

Икки мамлакатнинг таниқли санъат ва маданият арбоб-ларининг учрашувлари, миллий театрлар гастроллари ҳамда мусаввирлар кўرғазмалари доимий равишда ўтказиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикаси ҳамда Россия Федерацияси ўртасида гуманитар соҳадаги ҳамкорлигини ривож-лантириш Комплекс дастури лойиҳаси тайёрланмоқда.

Тошкентда Россия ҳукумати ҳузуридаги халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик Россия марказининг ваколатхонаси (“Росза-рубцентр”) фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон бу соҳадаги ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган турли тадбирларни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Шу маънода, 2005 йилнинг ноябрида Ўзбекистон-Россия маданий ҳамкорлигининг 2005-2006 йилларга мўлжалланган Дастурининг имзолангани бу йўлдаги муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, икки мамлакат Фанлар академиялари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш Кўмитаси билан биргаликда Суффа платосида радиастрономия обсерваториясини қуриш режалаштрилаётгани ҳам эътиборга лойиқдир.

Шундай қилиб, юқоридаги мулоҳазаларга таяниб, Ўзбекистон-Россия муносабатлари ҳар қачонгидан мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлаш мумкин. Иттифоқчилик шартномаси икки мамлакат ўртасидаги яқин ҳамкорлик муносабатларининг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилади ҳамда ҳар хил



сиёсий ўйинлар ва тутириқсизликка йўл қўймайди(Заходов М. Правда Востока, 2005 йил 23 ноябрь).

Таниқли рус сиёсатшуноси А.Миграняннинг таъкидлашича, Россия билан иттифоқчилик алоқалари Ўзбекистон хавфсизлиги ва барқарор тараққиётини юқори даражада таъминлайди(Правда Востока, 2005 йил 23 ноябрь). Унинг фикрича, икки мамлакатнинг ўзаро яқинлашуви постсовет маконида бир талай омиллар билан белгиланган тараққиёт тенденцияларида жиддий ўзгаришлар рўй бераётганидан далолат беради. Олимнинг таъкидлашича, постсовет маконда интеграция жараёнларининг янги босқичи икки томонлама ва кўп томонлама даражада(ЕврАзЭС), жумладан, Россия ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида сифат жиҳатидан мутлақо янги муносабатлар вужудга келаётгани англаб етилаётганидан дарак беради.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Россиянинг инвестицион ҳамкорлиги.
3. “Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасида иттифоқчилик шартномасини ратификация қилиш туғрисида”ги Қонун қачон имзоланган?

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.

5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
9. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
10. С.В. Бирюков, Политика России в отношении новых независимых государств: проблема выбора стратегии, // Журнал «Восток», N1, 2001.
11. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
12. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
13. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
14. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
15. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.7. Ўзбекистон ва Америка Қўшма Штатлари**

Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатлари мамлакатимиз халқаро алоқаларининг алоҳида қисмини ташкил этади. Икки мамлакат ўртасидаги кўп йиллик муносабатлар тажрибаси Ўзбекистон ушбу давлат билан алоқаларини ички ишларга аралашмаслик тамойилига қатъий амал қилиш негизида ташкил этиши зарур эканини кўрсатмоқда.

Совет иттифоқи парчалангач, АҚШ вужудга келган янги геосиёсий маконда ўз таъсири кенгатириш йўллари излай бошлади. Аммо Тожикистонда бошланган фуқаролар уруши АҚШнинг бу минтақадаги фаоллигини бир оз сусайтирди. Бунинг боиси шундаки, АҚШ, биринчидан, бендай вазиятдан қандай фойдаланиш мумкинлигини тасаввур этмасди, иккинчидан, собиқ иттифоқ парчаланганига хали кўп вақт бўлмаган бир шароитда Ғарбнинг ушбу минтақага нисбатан қарашлари жуда секин ўзгара бошлайди. Қолверса, Марказиё Осиё собиқ иттифоқнинг ҳуқуқий вориси бўлган Россия таъсир доирасида қолган эди. Шу боис, Ғарб мамлакатлари Россиянинг низолашаётган томонларни тинчлантиришини кутиб турди. Бу ўринда АҚШ асосий эътиборни минтақадаги бой нефть захираларига эга бўлган ва ядро қуроли жойлаштирилган давлат — Қозоғистонга қаратади.

Аммо вақт ўтган сайин вазият ўзгаради. Қозоғистон инқирозга қарамасдан аста-секин оёққа тураётган Россия таъсир доирасига қайта бошлайди. Каспий муаммоси бўйича Россия ва Қозоғистоннинг манфаатлари бир-бирга мос келади. Ғарб таҳлилчиларининг фикрича, Ўзбекистон, аксинча, Россиядан узоқлаша бошлайди. Бу ҳол талай омиллар, айниқса, Тожикистондаги вазиятнинг яхшиланиши билан изоҳланади. Ғарбда чоп этилган таҳлилий материалларда Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида ўзини гўёки Россияга қарши қўяётгани ҳақидаги фикрлар пайдо бўлади. Аслида эса Ўзбекистон минтақа давлатларининг миллий, шу жумладан, геосиёсий манфаатларини аниқлаб олиш ҳамда мувофиқлаштиришга интилаётгани эътиборга олинмайди. Ўз-ўзидан аёнки, бу жараён ҳеч қаерда силлиқ ва осонлик билан кечмайди. Бу ўринда асосий хато шундан иборат эдики, Вашингтон доираларида ушбу жараён (яъни Ўзбекистон-Россия муносабатлари) низоли деб баҳоланади ҳамда Ўзбекистонга нисбатан алоҳида қизиқишнинг пайдо бўлишига сабаб бўлади. Аммо МДҲ ва Ўзбекистон-Россия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бир оз сусайиши бозор иқтисодиётига ўтаётган ва сиёсий тизимида туб ислохотларни амалга ошираётган давлатларга хос бўлган ички сиёсий жараёнлар билан

изоҳланади. Бу жараён миллий тараққиётнинг янги мафкурасини ишлаб чиқиш, оммавий сиёсий, ҳуқуқий ва иқтисодий онгдаги аввалги андозаларнинг жиддий равишда ўзгаришида намоён бўлади.

АҚШ Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 25 декабрда тан олган эди. 1992 йилнинг 19 февралда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси 1993 йил февралдан фаолият юрита бошлади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг 1996 йил июнь ойида АҚШга қилган расмий ташрифи икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда туб бурилиш ясади. Ташриф чоғида АҚШ Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги етакчи давлат сифатида қараётгани таъкидланди. 1997 йилда мамлакатимизга киритилган америка инвестициялари 800 млн. доллар ошиб, кун тартибига умумий миқдори 2 млрд. долларлик лойиҳаларни амалга ошириш масаласи қўйилган эди.

Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатларида хавфсизлик масаласи алоҳида аҳамият касб этиб келган. Хусусан, 1998 йилнинг апрель ойида икки мамлакат ўртасида “Ўзбекистон ҳудудидан гиёҳванд моддаларни олиб ўтиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятни олдини олишда биргаликдаги саъй-ҳаракатлар тўғрисида” Битим имзоланди.

Икки давлатнинг ядро қуролини тарқатмаслик, Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани ташкил этиш масалаларда бир хил ёндошувларга таянган. Чунончи, Америка томони Ўзбекистоннинг ядро қуролини тарқатмаслик Шартномасининг кафолатлар протоколига қўшилганини юқори баҳолади. АҚШ Ўзбекистон давлат чегараларини мустаҳкамлаш кўмаклашиш, турли дастурлар доирасида ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг малакасини ошириш ишига изчил кўмаклашиб келди.

Давлатлар ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик 1995 йилнинг октябрь ойида имзоланган мудофаа ҳамда ҳарбий алоқалар масалалари бўйича ҳамкорлик ва келишувлар Меморандуми асосида амалга оширилди. 2002 йилнинг февралда

Ўзбек-америка муносабатлари асослари ҳақидаги декларация парафирация қилинди. Унда бундай буён ҳар икки давлат иттифоқчи экани, шу жумдалан, ҳарбий соҳада ва Қўшма Штатлар Ўзбекистон қуроллик кучлари қурилишида кўмаклашиши белгилаб қўйилган.(Дектярев В. Мы долго шли навстречу друг другу// Правда Востока, 2002, 7 февраля).

2001 йилнинг 7 октябрида Ўзбекистон Ва АҚШ ҳукуматлари ўртасида Ўзбекистон ҳудуди орқали транзит ҳамда унинг ҳарбий инфратузилмасидан фойдаланиш тўғрисидаги битим имзоланди. Мазкур ҳужжат икки томонлама ҳамкорлик доирасида терроризмга қарши биргаликда курашишга мустаҳкам замин ҳозирлайди. Ушбу ҳужжатнинг муҳим жиҳатларидан бири шундаки, унда Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистонда жойлашиб олган террористик ташкилотлар ва уларни қўллаб-қувватлаётган кучларга қарши биргаликда курашиши таъкидланади. Шу билан бирга, терроризмга қарши курашда ўзбек-америка ҳамкорлиги Афғонистон халқига қарши қаратилмаган.

2002 йилнинг 11-14 мартада Президент Ислон Каримовнинг АҚШга расмий ташрифи амалга оширилди. АҚШ давлат котиби К.Райс, Пентагон раҳбари Д.Рамсфельд, Давлат котиби К.Пауэлл ва бошқа расмий кишилар иштирокида АҚШ Президенти Ж.Буш билан бўлиб ўтган учрашув чоғида мусибатли кунларда америка халқини қатъий қўллаб-қувватлагани учун Ўзбекистон раҳбарига миннатдорчилик билдирилди. Америка президенти бундан буён АҚШ ўзининг стратегик шериги сифатида Ўзбекистонни доимо қўллаб-қувватлашини таъкидлади.

Мазкур ташриф чоғида давлат чегараларини мустаҳкамлаш, унинг муҳандислик-техник инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда ҳарбий-техникавий ҳамкорликни ривожлантириш борасида эришилган келишувларни кўлга киритилган ижобий натижалар сифатида баҳолаш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакат Ташқи сиёсати нафақат миллий хавфсизлик масалаларини, балки иқтисодий фаровонликка эришиш масалаларини ҳам ҳал этиши лозимлигини тақозо этади. АҚШ ва Ўзбекистон

муносабатларида бу талабга ҳамда халқаро ҳуқуқ меъёрлари ва тамойилларига қатъий амал қилиб келинди.

Ўзбекистон МДХ давлатларидан биринчилардан бўлиб, МСБ лойиҳалари қўёллаб-қувватлаш ҳамда бу соҳани ривожлантириш мақсадида халқаро молия институтларининг кредитларини жалб эта бошлади. Ўзбекистон илмий-техникавий алоқаларни йўлга қўйиш, амалий фанлар ва юксак технологиялар соҳасида АҚШ энергетика, қишлоқ хўжалиги вазирликлари, америка хусусий компаниялари билан ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдордир.

Кадрлар тайёрлаш соҳасида Ўзбекистон ҳукумати томонидан (“Устоз” жамғармаси), шунингдек, АҚШнинг ҳукумат(савдо ва адлия вазирликлари, ЮСАИД) ва ноҳукумат ташкилотлари томонидан молиялаштириладиган дастурлар ижчил амалга оширилди. 1999 йилнинг июнида Тошкентда “Ўзбекистон — АҚШ” дўстлик жамияти расман қайд этилди.

2001 йил 11 сентябрь фожиасидан кейин толибонлар ва “Ал-Қоида”га қарши амалга оширилган антитеррористик операциялардан сўнг АҚШ билан муносабатлар жадал ривожлана бошлади.

Ўзбекистоннинг АҚШ билан муносабатлари мамлакатимиз миллий манфаатлари билан белгиланган ҳамда очик ва холисона алоқаларга йўналтирилган эди. Зеро Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти АҚШ дунёдаги энг қудратли давлат ҳамда ўта жозибали ҳамкор эканини яхши англаб етади. Ўзбекистон Президентининг 2002 йилнинг март ойида АҚШга қилган расмий сафари чоғида Стратегик шериклик ҳамда Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ҳамкорликнинг асослари тўғрисидаги Декларация, шунингдек, илмий-техник тадқиқотлар, ядро қуролини тарқатмаслик ҳамда молия соҳасидаги муносабатларга оид талай келишувлар имзоланди. Декларация бу ҳужжатлар орасида алоҳида аҳамият касб этади. Сиёсий, иқтисодий, гукманитар, ҳуқуқий, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамда хавфсизлик соҳасида ҳамкорликни назарда тутган ушбу ҳужжатда стратегик шерикликнинг асосий тамойиллари расман белгилаб берилган. Чунончи, унда тарафлар хавфсизликка ҳар қандай глобал

тахдидларга қарши биргаликда курашиш мажбуриятини зиммасига олиши қайд этилган. Бундан ташқари, гуманитар соҳасининг барча тармоқлари, жумладан, таълим, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни ҳимоя қилиш, фундаментал ва ижтимоий фанлар ҳамда юксак технологиялар соҳасида ҳамкорлик кўламини кенгайтириш назарда тутилган. Декларацияда таъкидланишича, АҚШ Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни кўллаб-қувватлаш мақсадида мамлакатимизнинг узок муддатли манфаатларига мос келадиган техник ёрдам дастурларининг жорий этилиши, америка банк ва компанияларини жалб қилинишига кўмаклашади.

2002 йилнинг январида янги стратегик иттифоқ амалий ишлар билан янада мустаҳкамланади: Ўзбекистон ҳудудида америка ҳарбий базалари пайдо бўлди, Конгресс 161 млн.доллар миқдорида ёрдам, америка маъмурияти эса 55 млн.доллар миқдоридаги кредит ажратди.

Ўзбекистон сиёсий қарашлардаги тафовутлардан қатъи назар, савдо-иқтисодий муносабатларни ривожлантиришни тақозо этадиган давлатлараро муносабатларни мафкуравийлаштирамаслик тамойилига таянган ҳолда, бу борадаги ишларни изчил амалга оширишга интилоқда.

АҚШ Ўзбекистоннинг 10 энг йирик савдо шериклари қаторидан ўрин олган. 2002 йил натижаларига кўра, икки мамлакат ўртасидаги маҳсулот айрбошлаш 404,6 млн.долл., шу жумладан, экспорт — 76,9 млн.долл., импорт — 327,9 млн. долл. ташкил этди.

Экспортнинг асосий кўрсаткичлари: хизматлар(24,3 %), пахта толаси (22,4 %), неорганик кимё маҳсулотлари(20,2 %), машина ва ускуналар(18,1 %), бошқалар(16,3 %).

Импортнинг асосий кўрсаткичлари: машина ва ускуналар(55,7 %), кимё маҳсулотлари ва пластмасса(16,6 %), озиқ-овқат маҳсулотлари(16,5 %), хизматлар(5,9 %), бошқалар(3,6 %).

Америка компаниялари мамлакатимизда тоғ саноати ва нефтьгаз мажмуи, агросаноат мажмуи, озиқ-овқат саноати ва транспорт инфратузилмасининг

технологик базасини ривожлантириш соҳасидаги устувор инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишида иштирок этмоқда.

Америка компаниялари ва молия институтлари иштирокида мамлакатимизда 2 млрд.383млн. доллар(шундан америка кредитлари улуши млрд.406 млн долларни ташкил этади) миқдоридаги 24та устувор инвестиция лойиҳаси амалга оширилган ва амалга оширилмоқда.

Улар жумласига қуйидаги йирик инвестиция лойиҳаларини киритиш мумкин:

— американинг “Ньюмонт Майнинг” корпорация иштирокида Мурунгов конидаги рудалар ва минерал массаларни қайта ишлаш ҳамда ишқорлашув технологияси воситасида олтин ишлаб чиқарадиган “Зарафшон-Ньюмонт” қўшма корхонаси. Лойиҳанинг умумий миқдори 228 млн. АҚШ долларини ташкил этади.

— Хўжаобод ер ости газ омборининг қурилиши. “БиЭсАй Индастриз Инк.” Компанияси билан лойиҳа ҳужжатлари тайёрлаш, инжиниринг, асбобо-ускуна етказиб бериш, уни монтаж қилиш, ушбу объект қурилишини назорат қилиш бўйича кантракт тузилган эди. Унинг миқдори 69,2 млн. долларнинг ташкил этди. Мазкур иншоот 1999 йили ишга туширилган.

американинг “АББ Луммус Глобал” компанияси иштирокида полиэтилен ишлаб чиқаришга йўналтирилган Шўртан газкимё мажмуининг қурилиши. Лойиҳа валюта қисмининг умумий қиймати 633,5 млн. долларни ташкил этади. Ушбу йирик корхона 2001 йилда ишга туширилган.

— Ақшнинг “Тексако” компанияси билан низом жамғармаси 12,4 млн. долларни ташкил этган ҳамда юқори сифатли автомобиль ёғларини ишлаб чиқариш бўйича “Ўз-Тексако” қўшма корхонаси.

— “Бейкер Хьюз” компанияси билан биргаликда Қашқадарё вилоятидаги Шимолий Ўртабулоқ конида нефть ишлаб чиқарилиши кўпайтириш.

— “Кейс-2002” гозизонтал шпинделли пахта териш машиналарини ишлаб чиқарадиган “Ўз-Кейсмаш” қўшма корхонаси.



— “СХ-100” ва “МХ-135” универсал ҳайдов тракторларини ишлаб чиқарадиган “ЎзКейстрактор” қўшма корхонаси.

— Аккумуляторлар ишлаб чиқарадиган “ЎзЭксайд” қўшма корхонаси.

Мамлакатимизда америка инвесторларининг иштирокида 316та корхона фаолият юритмоқда, шулардан 227 таси — қўшма корхона, 89 таси 100 фоиз хорижий инвестиция асосида тоқ металлургия, кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати, машинасозлик соҳасида иш олиб бормоқда.

Кейинги вақтда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳамда АҚШнинг Андижонда содир этилган террористик ҳаракатларларга ноҳолис ёндошуви туфайли икки мамлакат ўртасидаги муносабатларда бир кескинлик вужудга келди.

Ўзбекистон антитеррористик коалиция амалга ошираётган тадбирлар юзасидан зиммасига олган мажбуриятлардан воз кечмайди. Бинобарин, АҚШ буюк давлат ва шундай бўлиб қолади, аммо Ўзбекистон ҳам ўз миллий ва минтақавий манфаатларига эга мустақил суверен давлатдир ва шу боис ҳеч қандай куч уни танлаган йўлидан қайтара олмайди.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва АҚШнинг дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва АҚШнинг инвестицион ҳамкорлиги.
3. “Ўзбекистон — АҚШ” дўстлик жамияти.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,

3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
9. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
- 10.С.В.Бирюков, Политика России в отношении новых независимых государств: проблема выбора стратегии, // Журнал «Восток», N1, 2001.
- 11.Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
- 12.Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
- 13.Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
- 14.Дектярев В. Мы долго шли навстречу друг другу// Правда Востока, 2002, 7 февраля.
- 15.Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
- 16.Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
- 17.Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.8. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи(ЕИ)**

1992 йил 15 апрельда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа Ҳамжамиятлари Комиссияси ўртасида имзоланган Меморандум асосида Ўзбекистоннинг ЕИ билан алоқалари бошланган. 1994 йилнинг 16 ноябрида икки томон ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган.

ЕИ мамлакатларининг Ўзбекистон Республикаси билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдорлиги илгари, жумладан, 1989 йилнинг 18 декабрида атом энергияси, савдо, тижорат ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида имзоланган Битим асосида ўрнатилган муносабатларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш, ҳамкорлик ва шериклик алоқаларини мустаҳкамлаш билан белгиланади. Шерикликнинг асосини ташкил этадиган сиёсий ва иқтисодий эркинликларни мустаҳкамлаш; Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ишига катта ҳисса қўшаётган Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини таъминлашга кўмаклашиш; Ўзбекистон ва Ҳамжамият ҳамда унга аъзо давлатларнинг Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик Йиғилишининг(ОБСЕ) Якуний акти, Мадрид ва Венадаги якуний ҳужжатлар, СБСЕнинг иқтисодий ҳамкорлик бўйича Бонн конференцияси ҳужжати, янги Европа учун Париж хатияси ҳамда СБСЕнинг 1992 йил Хельсинкидаги “Давр ўзгаришлари жавоб” ҳужжатида акс эттирилган мажбуриятларни амалга оширилишига ҳам ката қизиқиш билдирмоқда.

ЕИ ҳуқуқ устуворлиги ва инсон ҳуқуқларининг, хусусан, кам сонли миллатлар ҳуқуқларининг ҳурмат қилиниши, бозор иқтисодиётини вужудга келтирилган йўналтирилган кўппартиявийлик асосида эркин ва демократик сайловларнинг амалга оширилиши ҳамда иқтисодий либераллашув тамойилларига қатъий амал қилиб келимоқда. ЕИ мамлакатлари Ўзбекистон Республикасида сиёсий, иқтисодий ва ҳуқуқий ислохотларнинг давом эттирилиши ва амалга оширилишидан манфаатдордир.

Ҳамкорликнинг муҳим омилларидан бири сифатида ЕИ тарафларни қизиқтирган икки томонлама ва халқаро масалалар бўйича доимий сиёсий мулоқот юритишга интилишларида намоён бўлади. Шунингдек, ЕИ

мамлакатларида Ўзбекистонга инвестицияларни, шу жумладан, энергетика соҳасига жалб этиш ва шу асосда Ҳамжамият давлатларининг энергетика маҳсулотларини олиш ва уларни транзит қилишга тенг иштирок этишига шароит яратилиши қанчалик муҳим эканини англаб етади.

ЕИ Ўзбекистоннинг очик халқаро савдо тизимига тезроқ кириш тарафдоридир. Шу маънода, ЕИ Ўзбекистондаги савдо тизими Халқаро Савдо ташкилоти қоидалари асосида эркинлаштиришига ҳаракат қилмоқда. ЕИ назарида Ўзбекистоннинг ХСТ аъзолигига қабул қилиниши учун ана шундай тайёргарлик кўриши турли мамлакатлар ўртасидаги савдо алоқаларининг жадаллашувига хизмат қилади.

1995 йилнинг январидан Брюссельда фаолият юритаётган Ўзбекистон Республикаси элчихонаси бир вақтнинг ўзида мамлакатимизнинг ЕИ вакили вазифаларини ҳам бажармоқда. 2002 йилнинг август ойидан Тошкентда ЕИ “Европа Уйи” — техник ёрдам кўрсатиш бўйича ваколатхонаси фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг ЕИ барча давлатлари билан олиб бораётган сиёсий мулоқоти ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов иштирок этган ЕИ 1996 йил июнь ойида Флоренциядаги саммитида Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шатнома имзоланди ҳамда ЕИ талай давлатлари ва институтлари раҳбарлари билан учрашувлар бўлиб ўтди.

1996 йилнинг ноябрида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Бельгияга қилган ташрифи доирасида Европа Ҳамжамиятлари Комиссияси (ЕИҲ) раиси Ж.Сантер ва Европа парламенти раиси Н.Ханш билан учрашувлари бўлиб ўтди.

1996 йилнинг апрелида ЕИ Комиссари Х.Ван ден Брук, 2004 йилнинг март ойида ЕИ Ташқи алоқалар бўйича Комиссари К.Паттен Ўзбекистонга ташриф буюрди.

“Ўзбекистон — ЕИ” ҳамкорлик кўмитасининг йиғилиши доирасида (Брюссель, 2005 йил январь) Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Э.Ганиевнинг (ЕИХ) вице-президенти Ф.Фраттини ва ЕИ энергетика бўйича Комиссари А.Пиебалгс билан учрашувлари бўлиб ўтди.

2005 йилнинг сентябрида ЕИ Марказий Осиё бўйича Махсус вакили Я.Кубиш Ўзбекистонга ташриф буюрди.

2004 йилнинг охирида ЕИ ташаббуси билан “ЕИ — МО” мулоқоти бошланди. Ҳозиргача унинг уч раунди: 2004 йилнинг декабрида Бишкекда, 2005 йилнинг июнида Брюссельда ва 2005 йилнинг апрелида Олма-Ота шаҳрида бўлиб ўтди. Биринчи учрашувда Ўзбекистоннинг Қирғизистондаги элчиси, иккинчи учрашувда Ўзбекистоннинг ЕИ елчиси, учинчи учрашувда Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари мамлакатимизнинг вакили сифатида иштирок этди.

Икки томонлама муносабатларни тартиб солиб турувчи, Ўзбекистоннинг Европа Ҳамжамияти ва унга аъзо давлатлар билан шериклик алоқаларини ўрнатадиган асосий ҳужжат — 1999 йил 1 июлда кучга кирган Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Битим ҳисобланади.

Ўзбекистон — ЕИ доираси 5та кўшма орган: ҳамкорлик Кенгаши, ҳамкорлик Кўмитаси, парламент ҳамкорлиги Кўмитаси ва 2та қуйи кўмита ташкил этилган.

Йиғилишлари одатда ҳар йили навбат билан Тошкент ва Брюссельда ўтказиладиган ушбу органлар икки томонлама муносабатлар ҳолатини муҳокама қилади ва уларни янада ривожлантириш бўйича йўл-йўриқларини ишлаб чиқади. Йиғилишлар чоғида минтақавий ҳамкорлик ва томонларни қизиқтирган халқаро мавзуларда фикр алмашилади.

Кейинги вақтда икки томонлама савда-иқтисодий алоқалар ривжланиб бормоқда. 2005 йил натижаларига кўра, Ўзбекистоннинг ЕИ давлатлари билан товар айрбошлаш миқдори 1 млрд. 586 млн. долларни ташкил этган (2004 йилга

нисбатан 105,1 фоиз). Республиканинг асосий савдо шериклари — Буюк Британия(430,2 млн.долл.), Германия (325,8 млн.долл.), Франция (132,7 млн.долл.), Латвия (101,7 млн.долл.), Италия (86,2 млн.долл.), Польша (64,1 млн.долл.), Литва (45,2 млн.долл.).

2005 йилнинг охирига келиб Ўзбекистонда ЕИ мамлакатлари инвесторлари сармояси иштирокида ташкил этилган 583 корхона ҳамда ЕИ давлатларининг 204 компаниялари ваколатхоналари фаолият юритмоқда.

Икки томонлама техник ҳамкорлик ҳам ривожланиб бормоқда. ЕИ ТАСИС дастури доирасида 1992 йилдан буён Ўзбекистонга 150,5 млн. евро ажратилган. Бу дастур доирасида амалга оширилган асосий фаолият йўналишлари қуйидагича: таълим, стандартлаштириш ва сертификатлаш, аудит, транспорт, энергетика, гиёҳванд моддалар устидан назорат қилиш, чегарабўйи ҳудудларда ҳамкорликни йўлга қўйиш, қонунчилик ислоҳоти, аҳоли турмуш даражасини ошириш. Техник ёрдам— ноу-хауларни тақдим этиш, ўқитиш ва маслаҳатлар бериш каби асосий шаклларда амалга оширилмоқда

Европарламент депутаты Ж.Аттард-Монтальдо “Бир вақтлар Президент Ричард Никсон ҳар бир минтақада унинг тимсоли бўлган мамлакат бор дея, Европа учун Италияни мисол қилиб келтирган эди. Агар Марказий Осиёни ифода этадиган мамлакатни танлаш керак бўлса, мен шубҳасиз, Ўзбекистонни танлаган бўлардим” деган эди(“Жаҳон АА”// Народное слово, 2006 йил 27 июль).

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Европа Иттифоқининг дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва ЕИнинг инвестицион ҳамкорлиги.
3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа Ҳамжамиятлари Комиссияси ўртасида имзоланган Меморандум.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
9. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997..
10. “Жаҳон АА”// Народное слово, 2006 йил 27 июль
11. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
12. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
13. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
14. Дектярев В. Мы долго шли навстречу друг другу// Правда Востока, 2002, 7 февраля.
15. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
16. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.

17. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.9. Ўзбекистон ва Буюк Британия**

Дунёдаги энг ривожланган, жаҳон майдонида катта обрў-эътиборга эга бўлган давлатлардан бири — Буюк Британия Ўзбекистоннинг шериклари орасида алоҳида ўрин тутади. БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифати у ЕИ, НАТО, ЕБСЕ каби бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолиятида фаол иштирок этиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1993 йилнинг ноябрь ойида мазкур мамлакатга амалга оширган расмий ташрифи икки томонлама алоқаларнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Ушбк ташриф чоғида икки мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий-шартномавий асосини яратган бир қанча келишувлар имзоланди. Буюк Британия Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда ядро қуролидан холи зонани ташкил борасида ташаббуси ҳамда гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қаршиизчил ва катъий саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Ҳозирги вақтда Буюк Британия ЕИ давлатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шериги ҳисобланади. Мамлакатимиз бозорида юздпн зиёд ўзбек-англия қўшма корхоналари фаолият юритмоқда.

Шуниси ҳам муҳимки, 1992 йилдан Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигининг (ҳозирги вақтда — Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Агентлиги) Ташқи савдо компаниялари Ливерпуль пахта ассоциациясига аъзо бўлган. Бу ҳол бугунги кунда ўзбек пахта толасининг асосий қисми ана шу ассоциация қонун-қоидалари асосида жаҳон бозорига олиб чиқилмоқда.

Маданий ва таълим соҳасида ҳам икки томонлама алоқалар изчил ривожланиб бормоқда. Тошкентда Англиянинг Венсминстр университети



андозалари ва ўқув дастурлари асосида мутахассис тайёрлайдиган Халқаро Венсминстр университетининг очилиши мамлакатларнинг бу борада ҳамкорлигини янги босқичга олиб чиқди. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон мактаб ва лицейлари учун инглиз тили дарсликларини яратиш лойиҳасини амалга ошираётган Британия кенгашининг фаолияти ҳам таҳсинга лойиқдир.

Буюк Британия парламенти Марказий Осиё минтақасига доир турли масалаларни муҳокама этиб, ҳукуматни “аҳамияти тобора ортиб бораётган дунёнинг бу қисмида британия манфаатларини” белгилаб олишга даъват этмоқда.

2003 йили Ўзбекистонга ташриф буюрган умумий Палатасининг халқаро тараққиёт қўмитаси раиси Т.Балдри икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришган унинг қўмитаси тайёр эканини билдирди.

Савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистонда британиялик инвесторлар томонидан ташкил этилган 161 та корхона, шу жумладан, улардан 41 таси юз фоиз британия сармояларига асосланган. Айни пайтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо Агентлигида 35 британия компания ва фирмаларининг ваколатхоналари рўйхатга олинган.

2005 йилнинг 5 ноябрида навбатдаги ўнинчи йиғилишини ўтказган Ўзбекистон-Британия савдо ва саноат кенгаши самарали фаолият олиб бормоқда.

Ҳозирги вақтда ҳамкорликнинг янги шакллари, хусусан, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнлари, нефть ва газ соҳасидаги лойиҳалар ва ҳ.к. бўйича тематик конференциялар, шунингдек, британиялик инвесторлага мамлакатимиз имкониятлари ҳақида тўлақонли маълумот берадиган кўргазма ва савдо ярмаркаларини ўтказиш режалаштирилмоқда.

2003 йилнинг 3-6 сенрида Лондон-сити Лорд-мэри Г.Артурнинг Ўзбекистонга келиши британия ишбилармон доираларининг мамлакатимиз билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда республика банк-

молия соҳасидаги ислохотлар ижобий натижа беришидан манфаатдор эканини намоён этди.

2002 йили товар айрбошлаш миқдори 302,1 млн. долларни (2001 йилда — 285,3 млн.долл.), шу жумладан, экспорт — 229 млн.долл., импорт — 73,1 млн.долл. ташкил этди. Ижобий сальдо — 155,9 млн.долл. 2003 йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич 180,6 млн.долларни ( экспорт — 145,4 млн. долл., импорт — 35,2 млн.долл.) ташкил этди.

Ҳозирги вақтда Британиянинг савдо таснифида “бошқа бозорлар” мамлакатлар гуруҳидан “стратегик бозорлар” давлатлари гуруҳида ўтказилган. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси ва Буюк Британия ҳукуматларининг таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги қўшма Баёноти имзоланди. 2003 йилнинг май ойида тошкентда Венсминстер университетининг расмий очилиши маросими бўлиб ўтди. Ушбу даргоҳда жорий йилда 320 навар ёшлар таҳсил олади. Айти пайтда Буюк Британия университетларида “Истеъдод” жамғармасининг 57 нафар стипендиати таълим олаётир.

2001 йилнинг 5 сентябрида таниқли сиёсий арбоб ва бизнесмен лорд Сейсбури бошчилигида Британия — Ўзбекистон дўстлик жамияти таъсис этилди.

Буюк Британиянинг халқаро тараққиёт ишлари вазирлиги томонидан Ўзбекистоннинг соғлиқни сақлаш тизимини ислох этиш, чунончи, бирламчи тиббий ёрдамни ривожлантириш стратегиясини қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳа ишлаб чиқилган. Лойиҳанинг умумий қиймати — 1 млн. 650 минг долл.

Ҳозирги вақтда икки мамлакатнинг шартномавий-ҳуқуқий асосини 11та ҳужжат ташкил этади, яна 6 ҳужжат устида иш олиб борилмоқда.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Буюк Британиянинг дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Буюк Британия савдо-иқтисодий ҳамкорлиги.
3. Ўзбекистон Республикаси ва Буюк Британия ўртасида ривожланиш тенденциялари.

## Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Mearshimer John. The Tragedy of great power politics. – N.Y, London.
9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
- 10.Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
- 11.Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
- 12.Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
- 13.Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
- 14.Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
- 15.Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
- 16.Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### 3.10. Ўзбекистон ва Германия

Бугунги кунда Германия сингари давлатнинг қудратли салоҳиятга эга экани ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 1993, 1995 ва 2001 йилларда Германияга ташрифлари ҳамда Германия Федерал Президенти Р.Герцогнинг Ўзбекистонга ташрифи икки мамлакат ўртасидаги давлатлараро мулоқотнинг мустаҳкам асоси сифатида хизмат қилаётир.

Германия Ташқи сиёсатининг ғайримилитаристик конституциявий мафкурага таянгани боис мамлакатимиз билан ҳарбий соҳадаги ҳамкорлиги кадрлар тайёрлаш, ҳарбий кийим-аслаҳа етказиб бериш, санитария-тиббий материаллар ва дори-дармон етказиб бериш билан чекланмоқда. Хусусан, ҳозирги вақтда Германия ҳукуматининг қуролли низода иштирок этаётган давлатларга ёки улар билан сегорадош мамлакатларга ҳарбий маҳсулот, технологиялар ва хизматлар кўрсатмаслик тўғрисида тақиқи амал қилмоқда. 1995 йилда қабул қилинган федерал қонунга кўра, собиқ иттифоқнинг барча республикалари уч турга бўлинган ва шунга биноан фақат федерал ҳукуматнинг махсус қарори билан олиб ташланиши мумкин бўлган бир талай чеклашлар жорий этилган. Ўзбекистон гуманитар юклардан ташқари ҳарбий техника ва қурол-яроғ етказиб бериш тақиқланган учинчи гуруҳ мамлакатлар тоифасига киритилган. Айти пайтда Германия федерал мудофаа вазирлиги Ўзбекистонга нисбатан ҳарбий-техника соҳасидаги чекловларни қисман ёки тўлиқ бекор қилиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Аммо бошқа соҳаларда икки томонлама муносабатлар изчил ва тўлақонли ривожланиб бормоқда.

Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат ўртасида яратилган шартномавий-ҳуқуқий асос бошқа Европа мамлакатлари билан тузилган шартномавий базага нисбатан анча мукамалдир(Ўзбекистон — Германия: годы сотрудничества//Народное слово, 2002, 7 март).

Иқтисодиёт, маданий-гуманитар соҳа ва фан икки томонлама муносабатларнинг асосий йўналишлари ҳисобланади. Жумладан, бу ҳамкорлик қўйидагиларни камраб олади:

— Федерал ҳукумат томонидан лойиҳаларни 40 йил муддатга 10 йиллик имтиёзли муддат билан молиялаштириш;

— Ижтимоий жиҳатдан муҳим лойиҳаларни техник молиялаштириш;

— “Гермес” суғурта жамияти кафолати билан иқтисодиётнинг реал секторидаги лойиҳаларни молиялаштириш;

— Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, шу жумладан, қўшма корхоналар ташкил қилиш, хусусийлаштирилаётган корхоналар акционер капиталига сармоялар жойлаштириш орқали тўғридан-тўғри инвестициялар киритиш;

— Кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида кредит линияларини очиш.

Германиядан мамлакатимизга асосан миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан мамлакат иқтисодиётини модернизация қилиш ва таркибий ўзгаришларни амалга ошириш имконини берадиган ҳамда саноатнинг турли тармоқларига қўлланадиган замонавий машина ва ускуналар импорт қилинади.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик маданий ҳамкорлик тўғрисида(1993 й.) ҳамда маданий ҳамкорлик бўйича ўзбек-герман қўшма комиссияси сессиялари Протоколлари асосида амалга оширилади. Айни пайтда Ўзбекистонда Гёте институти, академик айрбошлаш герман хизмати(ДААД), К.Аденауэр ва Ф.Эберт фондлари фаолият юритмоқда(Адилходжаев А. Ўзбекистан-ФРГ: сотрудничество развивается// Правда Востока, 2002 йил 6 март).

Шунингдек, ГФР ректорлар конференцияси, Бонн, Бохум ва Бамберг университетлари ҳамда Гамбург шарқшунослик институти, Гумбольт ва Халқаро тараққиёт фондлари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган. Германия олий ўқув юртлари билан Тошкент, Самарқанд, Фарғона ва Нукус

университетлари ,Жаҳон тиллари ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетлари ҳамкорлик қилади.

Ўзбекистон мактабларида немис тилининг ўрганилиши икки томонлама алоқаларнинг мустаҳкамланишида муҳим ўрин тутди. Масалан, немис мутахассислари билан биргаликда 5-синф ўқувчилари учун “Ассалом Дейч” дарслиги яратилиб, нашр этилган. Тошкентдаги 10-сонли мактаб немис тилини ўрганиш бўйича етакчи ўрин эгаллайди. Мазкур мактаб ўқувчилари немис тилини тўлиқ эгаллагани ва Германия ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга экани ҳақида махсус диплом топширилади.

1998 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар давлат қўмитаси ва Германия таълим, фан, тадқиқот ва технологиялар федерал вазирлиги ўртасида Илмий-техникавий ҳамкорлик тўғрисидаги декларациянинг имзоланиши бу соҳадаги алоқаларнинг фаоллашувига олиб келди. Мазкур ҳужжатда ҳамкорликнинг ташкилий, меъёрий, молиявий ва кадрлар алмашиш масалалари белгиланган, илмий-техникавий лойиҳаларни биргалик ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, ҳар икки мамлакат корхоналарида Ўзбекистон ва Германия олимлари томонидан яратилган “ноу-хау”ларни жорий этиш кўзда тутилган.

Ўзбекистондаги немис иқтисодиёти ваколатхонасининг кўмаги билан семинарлар, фан ва техниканинг долзарб масалалари бўйича амалий учрашувлар ташкил этилмоқда, икки мамлакатнинг манфаатдор ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилмоқда. Масалан, Ўзбекистон Фанлар академияси Сув муаммолари институти Карсруе ва Фрайбургдаги Альберт-Людвигс университетлари билан яқин ҳамкорлоик алоқаларини ўрнатган.

Икки мамлакат жамоатчилиги мулоқоти асосан “Германия — Ўзбекистон” дўстлик жамияти доирасида, шунингдек, қатор бошқа ташкилотлар орқали амалга оширилмоқда. Улар қаторига Франкфурт-Майнедаги “Германия — Марказий Осиё” жамияти, Берлиндаги “ЭПОГ” ижтимоий-маданий бирлашмаси, “Арбайтер самаритен бунд” ва “Акцион Медиор” хайрия ташкилотларини

киритиш мумкин. 2000 йилнинг январидан Бременда жойлашган Бремен ери ва Ўзбекистон жамоатчилиги ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлашни назарда тутган “Ўзбекистон — Германия” жамияти фаолият юритмоқда.

2006 йил сентябрь ойининг охирида ГФР Бундестаги раиси Х.О.Зольмц Ўзбекистонга ташриф буюрди. Ташриф чоғида у мамлакат расмий вакиллари билан учрашувлар ўтказди, кичи ва ўрта бизнес, таълим, соғлиқни сақлаш ва б. соҳалардаги ўзгаришлар билан танишиш мақсадида республиканинг қатор минтақаларида бўлди. Музокаралар чоғида терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, шунингдек, икки томонлама, жумладан, парламентлар ва Ташқи ишлар идоралари ўртасида ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди. Ўзбекистоннинг расмий доиралари вакиллари билан учрашувларда жаноб Зольмц “инсонга нисбатан адоват бўлган жойда бағрикенглик бўлиши мумкин эмас. Шунинг учун ҳам радикализм ва экстремизм сингари таҳдидларга тоқат қилиб бўлмайди” деган эди. Унинг назарида, мамлакат миллий хавфсизлигини таъминлаш учун давлат унда рўй бераётган барча жараёнларни, жумладан, экстремистик ва радикал ташкилотларни назорат қилиш учун етарли ҳокимиятга эга бўлиши керак. Таниқли немис сиёсий арбобининг фикрича, терроризм ва экстремизмга қарши нафақат куч ишлатиш, балки жамиятнинг маърифий, илмий ва маданий салоҳиятидан ҳам фойдаланмоқ даркор.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Германиянинг дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Германия савдо-иқтисодий ҳамкорлиги.
3. “Ўзбекистон — Германия” жамияти фаолияти.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Ўзбекистон — Германия: годы сотрудничества//Народное слово, 2002, 7 март.
9. Mearshimer John. The Tragedy of great power politics. – N.Y, London.
10. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
11. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
12. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
13. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
14. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
15. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
16. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
17. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.11. Ўзбекистон ва Франция**



Франция Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йил 3 январьда тан олган. 1992 йилнинг февралида икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатла ўрнатилди. 1995 йилдан Парижда Ўзбекистон Республикаси элчихонаси ишлаб турибди. Франция Ўзбекистонни Марказий Осиёда минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида етакчи давлат деб ҳисоблайди.

1993 йили Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Францияга ташрифи, 1994 йил апрель — Франция Президенти Ф.Миттераннинг Ўзбекистонга ташрифи, 1996 йил апрель — Ўзбекистон Президенти И.А.Каримовнинг Францияга расмий ташрифи ҳамда Президент Ж.Ширак ва Франциянинг бошқа раҳбарлари билан музокаралари икки томонлама муносабатларни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди.

1996 йилнинг июнида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Европа Иттифоқининг Флоренцияда бўлиб ўтган саммитида Президент Жак Ширак билан учрашди.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида мулоқот ва делегациялар алмашинуви фаол амалга оширилмоқда. 1998 йилнинг апрелида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Комиловнинг Францияга, сўнг Франциянинг саноат бўйича Давлат котиби К.Пьерренинг Ўзбекистонга ташрифи, 2000 йил июнида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султоновнинг амалий ташрифи, 2000 йил июлида Франция мудофаа вазири А.Ришарнинг Ўзбекистонга ташрифи, 2001 йилнинг январиди Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазизи Қ.Ғуломовнинг Францияга ташрифи, 2002 йил 5-7 ноябрида Франциянинг Ташқи ишлар бўйича Давлат котиби Р.Мюзельенинг, 2003 йил 15-16 майида Франция Ташқи савдо бўйича Давлат котиби Ф.Лооснинг, 2003 йил 28-29 июнида Франция мудофаа вазири М.Аллио-Марининг Ўзбекистонга ташрифи шундан далолат беради.

Икки давлатнинг ҳарбий-техникавий соҳадаги алоқаларини алоҳида таъкидлаш зарур. 1999 йили Франция мудофаа вазирининг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири ушбу мамлакатга расмий ташриф

билан келди. Ташриф доирасида муҳофаа ва икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисида Битим имзоланди.

1999 йил 1 июлидан кучга кирган Ўзбекистон Республикаси ва Франция Республикаси ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимга биноан икки мамлакат ўртасида энг қулай муҳит ўрнатилади. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг хорижий инвестицияларни жалб этишга қаратилган саъй-ҳаракати билан Франция мамлакатимизнинг нефнегаз соҳасига киришга мквффақ бўлди. 1994-1996 йиллар Ўзбекистон импорт маҳсулотларининг илгариги таркибини(буғдой, алкагол ичимликлар, гўшт) ўзгартириб, асбоб-ускуна олишга йўналтиради: Томпсон компанияси билан ҳаво назорати тизимини модернизация қилиш ва Текнип компанияси билан Бухородаги нефтьни қайта ишлаш заводини куриш бўйича контрактлар тузди.

2002 йилнинг ноябрида НАТО/СЕАПга аъзо давлатларнинг Прага саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Франция Президенти Ж.Ширак билан учрашди.

Парламентлараро алоғалар ҳам ривожланиб бормоқда. 2001 йилнинг 11-14 апрелида Франция сенатининг Ташқи ишлар, муҳофаа ва қуролли кучлар бўйича комиссияси раиси раҳбарлигидаги Франция делегацияси Ўзбекистонга ташриф буюрди. 1997 йилнинг 2сентябрида ва 2000 йилнинг октябрида Франция парламентининг бир гуруҳ аъзолари Ўзбекистонда меҳмон бўлди.

Франция Сенатида “Франция — Марказий Осиё” депутатлар гуруҳи, Миллий Мажлисида эса “Франция — Ўзбекистон” депутатлар гуруҳи фаолият юритмоқда.

Икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлик кўлами ҳам тобора кенгайиб бораётир.

Ўзбекистон бозори Франция учун Россия, Украина ва Туркменистондан кейин тўртинси ўринда туради. Импорт асосан асбоб-ускунадан иборат бўлиб, йирик аэрокосмик лойиҳалар доирасида амалга оширилади.

**Икки мамлакаи ўртасидаги товар айрбошлаш динамикаси қўйидаги жадвалда келтирилган (млн. США долл. ҳисобида)**

| <b>Йиллар</b>       | <b>Товар айрбошлаш</b> | <b>Экспорт</b> | <b>Импорт</b> |
|---------------------|------------------------|----------------|---------------|
| 2002                | 95,1                   | 35,2           | 59,9          |
| Январь-июль<br>2003 | 38,9                   | 14,8           | 24,1          |

Ўзбекистон Республикасида француз капиталининг иштирокида ташкил этилган “Миришкор” қўшма корхонаси(Наманган ш., пахта уруғини қайта ишлаш) ва 100 % франция сармояси эвазига барпо қилинган “Кюфра”(Кўкон ш., пойафзал ишлаб чиқариш) корхоналар фаолият юритмоқда.

Ҳозирги вақтда республикада 11 француз компания ва фирмалари, иккита француз банки: “Креди Коммесиаль де Франс” ҳамда “Сосьета Женераль” ваколатхоналари аккредетация қилинган.

ТАСИС дастури доирасида Франция Ўзбекистонга макроиқтисодиёт, молия, кичик ва ўрта бизнесни бошқариш соҳасида кадрлар тайёрлашда кўмаклашмоқда.

Франциянинг давлат маъмурияти халқаро институти Ўзбекистон Республикаси Президети ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси билан ҳамкорлик қилмоқда. Тошкент давлат Техника университети ва Пьер ва Мария Кюри номидаги Париж университетлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида тузилган Шартномага асосан комсомосдан олинган агросуратларни ўрганиш илмий маркази ташкил этилган. Икки мамлакат олимлари қуёш энергиясидан фойдаланиш(Тошкент вилоятидаги “Солнечный” қурилмаси негизида), инфекция касалликларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашиш айрим қишлоқ хўжалик экинларини районлаштириш соҳаларида самарали ҳамкорлиги йўлга қўйилган.

“ТЕКНИП”, “Томсон”, “Рон-Пуленк” компаниялари Франциядаги ўқув марказларида ҳамда Ўзбекистон Республикаси ишлаб чиқариш корхоналарида маҳаллий мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш билан шуғулланмоқда.

Франция Президенти Жак Ширакнинг дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг ўн йиллиги муносабати билан Президент Ислом Каримовга йўллаган мактубида шундай деб ёзади: “Францияликлар Ўзбекистон ҳақида борган сари кўпроқ маълумотга эга бўлмоқда. Унинг қадимий маданияти, анъана ва афзалликлари нафақат давлат идоралари, балки хусусий компанияларда қатта қизиқиш уйғотмоқда. Франция бундан буён ҳам икки томонлама мулоқотни чуқурлаштириш ва барча соҳаларга Ўзбекистон билан ҳамкорлик алоқаларни кенгайтиришга интилади”(Народное слово, 2002, 6 март).

Франция ва Ўзбекистон ўртасида маданий ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам изчил ривожланиб бормоқда. 1994 йилда Францияда Улуғбекнинг 600-йиллиги, 1996 йилда эса Соҳибқирон Амир Темурнинг 660-йиллиги Президентлар Ислом Каримов ва Жак Ширак иштирокида кенг нишонланди.

1997 йилда Бухоро ва Хиванинг 2500-йиллиги муносабати билан ЮНЕСКО шафелигида байрам анжуманлари ўтказилди. Бу анжуманлар Франция пойтахтида ташкил этилган “Ўзбекистон маданияти кун”лари билан тўғри келди.

1998 йилнинг январида Франциянинг Кан шаҳрида Савицкий номидаги Нукус музейи кўрғазмасининг тантанали очилиши маросими бўлиб ўтди.

Ўзбек муаллифларининг асарлари француз тилига ва француз адибларининг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилмоқда. Мазкур йўналишдаги ишларга кўмаклашиш мақсадида Франция Ташқи ишлар вазирлиги томонидан А.Навоий номидаги махсус дастур ишлаб чиқилган.

2003 йилнинг январида Париждаги Сорбонна ва Париж-Сюд университетлари ректорларининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида Президент Ислом Каримовга ана шу икки ўқув юрти томонидан таъсис этилган фахрий диплом топширилди.

Талабалар ва профессор-ўқитувчилар алмашуви, стажиров-калар, мутахассислар малакасини ошириш курслари ташкил этиш, турли олий ўқув юртлари ўртасида қўшма семинарлар ва конференциялар ўтказиш анъанага айланди.

Айни пайтда “Умид ”фонди йўлланмаси билан 15 талаба Франция олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда.

Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Рюэль-Мальмэзош шаҳарлари ўртасида бевосита ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон-Франция муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини турли соҳаларни қамраб олган 15 та ҳужжат ташкил этади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Франциянинг дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Франция савдо-иқтисодий ҳамкорлиги.
3. Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ҳарбий-техникавий ва таълим соҳасидаги ҳамкорлик.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Народное слово, 2002, 6 март.
9. Mearshimer John. The Tragedy of great power politics. – N.Y, London.
10. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
11. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
12. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
13. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
14. Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
15. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
16. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
17. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
18. Рубинский Ю.М. Французы у себя дома. – М., 1989.
19. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.

### **3.12. Ўзбекистон ва Япония**

Япония дунёдаги энг тараққий этган бешта давлатдан бири ҳисобланади. Иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳияти жиҳатидан АҚШдан кейин иккинчи ўринни эгаллайди. Шу боис ушбу давлат билан яқин ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши Конституциямиз талабларига тўлиқ мос келади ва мамлакатмизда замонавий саноат индустриясини ривожлантиришга хизмат қилади.

Япония Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 28 декабрда тан олган. 1992 йилнинг 26 январидан икки малакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Япониянинг Тошкентдаги элчихонаси 1993 йилнинг январидан, Ўзбекистоннинг Токиодаги элчихонаси 1996 йилда очилган. 2004 йилнинг май ойидан Осака шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг Фахрий консуллиги фаолият юритмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 1994 йил май ойида Япония қилган расмий ташрифи икки томонлама алоқаларни ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллади. Ташриф чоғида икки томонлама муносабатларнинг турли соҳалари оид ҳужжатлар имзоланди.

Мазкур мамлакат билан муносабатларда Ўзбекистон унинг нафақат дунёдаги энг қудратли давлатлардан бири, балки минтақавий ва халқаро муаммоларни ҳал этишда муҳим ўрин тутиши мумкин бўлган жаҳон ҳамжамиятининг обрўли аъзоларидан бири эканини эътиборга олади. Шу маънода, Ўзбекистон Япониянинг Осиёда ва дунё миқёсида мавқеининг кучайиши тарафдоридир. Республика минтақавий хавфсизлик ва марказий Осиё минтақасининг барқарор тараққиётини таъминлаш масаласида Япониянинг янада фаолроқ иштирок этишини қўллаб-қувватлайди. Япония ҳам ўз ўрнида Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги етакчи шериги деб ҳисоблайди. Зеро Япония Ўзбекистоннинг барқарор тараққиёти бутун минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш билан бир қаторда, осие минтақасида япон манфаатларининг таъминланишида муҳим аҳамият касб этишини эътироф этади.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик изчил ривожланиб, кенгайиб бормоқда. Япония донор-мамлакатлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Жадал ривожланаётган техник ҳамкорлик доирасида япон мутахассислари инвестиция лойиҳаларини техник-иқтисодий жиҳатдан асослаш ва Ўзбекистонда амалга оширилаётган лойиҳалар бўйича тадқиқотлар ўтказишга яқиндан ёрдам бермоқда.

Япон тарафи бир қанча инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш орқали мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларга кўмаклашмоқда. Хусусан, Япониянинг молиявий кўмаги ва япон компанияларининг бевосита иштирокида Бухоро ва Фарқона нефтни қайта ишлаш заводлари, Шўртан газкимё мажмуи, Тошкентдаги вагон таъмирлаш заводларини қўриш ва ишга тушириш, Кўкдумалоқ конини ўзлаштириш, Самарқанд, Бухоро ва Урганч сингари қадимий шаҳарларимиздаги аэропортларни реконструкция қилиш, телекомму-никация тармоқларини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мазкур давлат билар ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ғоят муҳим аҳамият касб этишини назарда тутиб, икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликнинг барча соҳаларини қамраб олган ҳужжатлар, хусусан, 1999 йилнинг 4 майида “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисида” ҳамда 1999 йилнинг 20 декабрида “Ўзбекистон Республикаси ва Япония ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада ривожлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларни қабул қилди. Республика ҳукуматининг бу қарорларида Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги қисқа, ўрта ва узок муддатга мўлжаллаган молиявий, беғараз ва техник ёрдам бериш борасида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб берилган.

“Япония — Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси ташкил этилган. У япон жамиятининг турли қатламлари вакилларида иборат 700 зиёд ҳамфикр кишиларни бирлаштиради. Ассоциация ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва бетакрор анъаналари билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида доимий равишда турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказиб туради.

2003 йилда Ўзбекистонда Япония билан ҳамкорлик кўмитаси ташкил этилди, 2004 йилнинг май ойида эса икки мамлакат ўртасидаги кўптомонлама алоқаларни ривожлантиришга йўналтирилган Японияда худди шундай ташкилот фаолият юрита бошлади( кўмитанинг фахрий президенти — Япониянинг собиқ



бош вазири Й.Моро, раиси — Т.Асо). 2004 йилнинг июлда Токиода икки қўмитанинг дастлабки қўшма йиғилиши бўлиб ўтди.

2005 йилда мамалкатлар ўртасида товар айрбошлаш 85.3 млн.долл., шу жумладан, экспорт — 31,7 млн.долл., импорт — 53,6 млн.долл. ташкил этди. Экспорт таркибида асосан газлама, пахта ипи, шойи ва хизматлар, импорт таркибида эса замонавий технологик ускуналардан иборат бўлди.

Ўтган давр мобайнида респбликага берилган воситаларнинг умумий қиймати 1,9 млрд.долларни ташкил қилган. Улардан йенада олинган имтиёзли кредитлар 871 млн.долл., Халқаро ҳамкорлик япон банкининг тижорат кредитлари 820 млн.долл., беғараз ёрдам ҳажми 147 млн.долл., техник ёрдам — 47 млн.долл. ташкил этди.

Ўзбекистонда 24та япон компаниялари ваколатхоналари фаолият юритмоқда, 7та қўшма корхона ва юз фоиз япон сармояси ҳисобидан ташкил этилган 4та корхона рўйхатга олинган.

1994 йилда иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-япон ва япон-ўзбек қўмиталари ташкил этилди. 1999-2001 йй. Тошкентда Халқаро ҳамкорлик бўйича япон Агентлиги(ЈИКА) ва Ташқи савдо япон ташкилотининг (ЈТРО) минтақавий ваколатхоналари ҳамда Ўзбекистонда техник ёрдам лойиҳаларини амалга ошириш ва икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасида ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйишга қўмаклашадиган Ўзбекистон-япон маркази очилди.

2002 йили япон томони икки мамлакат ўртасида тўғридан-тўғри ҳаво алоқасини амалга оширишга рухсат бергани Япониядан Ўзбекистон ва марказий Осиёга туристлар оқимининг кенгайишига хизмат қилди.

2005 йилда Тошкентда Марказий Осиё давлатлари ва Япония ўртасида маданий-сайёҳлик алмашинувни кенгайтириш мавзусида кун чиқар мамлакатнинг 100 зиёд ҳукумат ва сайёҳлик компаниялари иштирокида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда ҳар йили Япония маданияти кунлари ўтказилади. 2002 йилда Япониянинг Токио, Нара, Фукуока шаҳарларида “Ўзбекистоннинг

археологик бойликлари” кўргазмаси муваффақият билан ўтказилди. Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат археологлари узоқ йиллардан буён самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, Ўзбекистоннинг жанубида илк будда маданияти ёдгорликларини ўрганишда 2002 йили Ўзбекистоннинг юксак мукофоти — “Дўстлик” орденига сазовор бўлган япон олими К.Катонинг хизматлари бекиёсдир.

Таниқли мусаввир И.Хираяманинг молиявий кўмаги билан 2002 йилда Тошкентда “Маданият карвон-саройи” Ўзбекистон-япон илмий-ижодий марказ очилди.

2004 йилнинг апрелида Тошкентдаги Бобур номидаги истироҳат боғида Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссасининг тимсоли сифатида “Тинчлик қўнғироғи” ўрнатилди.

2004 йили Япониянинг Сока университети ҳудудида ўзбек хайкалтароши Р.Миртожиевнинг А.Навоий ҳайкали ўрнатилди.

2005 йил мобайнида Япониянинг бир қатор шаҳарларида “Буюк Ипак Йўли ва унинг мероси” мавзуида кўргазма ташкил этилди. Мазкур кўргазмага 60 мингдан зиёд одам ташриф буюриб, томоша қилди.

2005 йили Ўзбекистон Япониянинг Аичи шаҳрида ўтказилган халқаро кўргазмада иштирок этиб, унинг миллий экспозицияси “Табиат ҳассослиги” мавзусига уйғун бўлгани эътироф этилиб, бронза медалига сазовор бўлди.

2006 йилнинг баҳорида Ўзбекистон Бадий Академиясининг Замоनावий саънат Марказида япон дизайнерларининг замонавий плакат кўргазмаси бўлиб ўтди.

Япония ва Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этиш, глобаллашув шароитида Марказий Осиёнинг тараққиёт йўли борасидаги ёндошувлари муштаракдир. Ўзбекистон Япониянинг “Марказий Осиё — Япония” мулоқоти ташаббусини қўллаб-қувватлайди ҳамда Президент Ислам Каримов Япониянинг собиқ Бош вазир Д.Коидзумининг 2006 йил 28-30 августда мамлакатимизга қилган ташрифи чоғида бўлиб ўтган учрашувларда

таъкидлаганидек, Ўзбекистон бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтиришдан манфаатдордир. Зеро, Ўзбекистон учун Япония билан яқин ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳамда Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида биргаликда таклиф ва ташаббуслар билан чиқиш алоҳида аҳамият касб этади.

Мазкур мамлакатнинг технологик жиҳатдан юксак тараққий этгани ва унинг улкан инвестиция салоҳиятини эътиборга олган ҳолда янги ишлаб чиқариш корхоналарининг ташкил этилиши — икки томонлама муносабатларининг муҳим йўналишларидан ҳисобланади. Қолаверса, яқин йиллар ичида икки томонлама савдо ҳажмининг оширилишига барча имкониятлар яратилган.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Япониянинг дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Япония савдо-иқтисодий ҳамкорлиги.
3. Ўзбекистон ва Япония минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этиш.
4. Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ўзбек-япон, япон-ўзбек қўмиталари ва “Япония — Ўзбекистон” дўстлик ассоциацияси.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.

5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Mearshimer John. The Tragedy of great power politics. – N.Y, London.
9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
10. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
11. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
12. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
13. Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
14. Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
15. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
16. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
17. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

### **3.13. Ўзбекистон ва Корея Республикаси**

1991 йилнинг 30 декабрида Корея республикаси Осиё-Тинч океани минтақаси давлатлари орасида биринчилардан бўлиб Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йил 29 январь куни Москвада икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилши ҳақидаги протокол имзоланди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов Корея Республикаси раҳбарияти билан беш марта олий даражадаги учрашувлар ўтказди(1992, 1994, 1995, 1999, 2005 ва 2006 йй.). Мазкур учоашувларда ўзаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди, икки томонлама муносабатларнинг мустаҳкам шартномавий-ҳуқий асоси яратилди.

2006 йилнинг 28-30 мартада Сеулда бўлиб ўтган охириги учрашувда икки давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисидаги қўшма декларация имзоланди.

Савдо, фан ва технологиялар, инвестиция кафолатлари тўғрисидаги, икки томонлама солиқ ушланишидан ҳимояланиш тўғрисидаги асосий битимлардан ташқари, табиий захираларни ўзлаштириш, ахборот технологиялари ва сайёҳлик тўғрисидаги меморандумлар имзоланган. Ушбу ҳужжатлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга зарур ҳуқуқий ва техникавий асос яратди.

Мамлакатлар ўртасида парламентлараро ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. 1993 йилдан Корея Республикаси парламент делегациялари уч марта мамлакатимизга ташриф буюрган. 1996 йили Ўзбекистон Репсулика Олий мажлиси раиси Э.Халиловнинг Корея Республикасига, 2005 йилнинг октябрида Корея Республикаси Миллий ассамблеяси спикери Ким Вон Кининг Ўзбекистонда расмий ташрифи ташрифи амалга оширилди. 1997, 1999 йй. Ўзбекистоннинг парламент делегациялари БМТ томонидан ташкил этилган халқаро конференцияларда иштирок этиш учун Кореяда ташриф буюрган.

1995 й. ҚР Миллий ассамблеясида Ўзбекистон билан дўстлик парламент ассоциацияси ташкил этилди. 2005 й. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисида Корея билан ҳамкорлик қилиш бўйича гуруҳ ташкил қилинди.

2005 й. август ойида Корея республикаси Конституциявий суди раиси Юн Ёнг Чоль расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

1995 й. икки мамлакат Ташқи ишлар вазирликлари томонидан доимий равишда сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб келинмоқда(охириги 6 раунд учрашуви 2005 й. Сеулда бўлиб ўтди).

2004 й. Корея республикаси Ташқи ишлар вазирининг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди.

Икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик халқаро ташкилотлар доирасида ҳам муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ўзбекистон халқаро ташкилотлар ижроия органларига сайловлар ўтказилга чоғларда Корея Республикаси вакилларини қўллаб-қувватлаб келади. Биргина 2005 й. Ўзбекистон БМТ болалар ҳуқуқлари бўйича қўмитасига, Халқаро стандартлаштириш ташкилотига, шунингдек, БМТ ХК муваққат аъзолар сайловларида КР вакиллари номзодларини ёқлаб чиқди.

2006 йилнинг мартада Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг Корея Республикасига расмий ташрифи бўлиб ўтди. Бу давлатимиз раҳбарининг мазкур давлатга амалга оширган тўртинчи ташрифидир. Олий Даражадаги доимий мулоқот, хусусан, ўтган йилнинг май ойида Корея Республикаси раҳбари Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган бир қатор ҳужжатлар икки томонлама ҳамкорликнинг жадал ривожланаётганидан далолат беради. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг бу галги ташрифини Тошкентдаги музокараларнинг мантиқий давоми сифатида баҳолаш мумкин.

Ушбу ташриф натижасида Кореянинг етакчи корпорациялари томонидан нефть ва газни қайта ишлаш, енгил саноат, минерал захираларни ўзлаштириш каби соҳаларда бир қанча йирик инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши кўзда тутилмоқда. Корея инвестицияларининг умумий ҳажми 1,8 млрд. долл. ташкил этиши кутилмоқда.

Икки давлат ўртасида стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларациянинг имзоланиши муносабати билан бу воқеанинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа жиҳатларига тўхталиш лозим. Одатда сиёсий муносабатлар даражаси халқаро муаммолар ва халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик масалалари юзасидан қарашларнинг бир хиллиги билан белгиланади. Шу маънода айтиш мумкинки, халқаро ва минтақавий масалаларнинг аксарияти бўйича икки мамлакатнинг қарашлари бир-бирига мос келади. Сеулдаги

музокаралар чоғида бу яна бир бор таъкидланди. Бундан ташқари, Ўзбекистон учун Корея Републикаси билан сиёсий ҳамкорлик жаҳон майдонида мамлакатимиз манфаатлари ва унинг Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни сақлашга доир ташаббусларининг амалга оширилиши нуқтаи назаридан ҳам муҳимдир. Шунинг учун Ўзбекистон 2006 йилнинг 13 октябрида БМТ Бош Котиби лавозимига сайланган Пан Ги Мун номзодини қўллаб-қувватлаган эди. Ўзбекистоннинг бундай мундай муносабати Сеул сиёсий доираларида мамнунлик билан қарши олинди.

Ўзбекистон Сеулнинг Шимолий ва Жанубий Корея ўртасида ҳамкорликни кучайтириш орқали Корея ярим оролида тинчликни мустаҳкамлаш ва Жануби-Шарқий Осиё умумий тараққиётига йўналтирилган “Тинчлик ва фаровонлик” сиёсатини ҳам маъқуллайди.

Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Жаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиши, унинг халқаро иқтисодий тизимга интеграциялашувини қўллаб-қувватлайди. Корея Республикаси Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунлариданоқ уни Марказий Осиёдаги ўзининг энг муҳим шериги деб ҳисоблайди ва мамлакатмизда амалга оширилаётган ислохотларни, иқтисодиётимизни ривожлантиришга йирик инвестициялар бериш орқали қўллаб келмоқда.

Сиёсий ҳамкорлик даражасини белгилаб бераётган яна бир омил — ҳарбий-техникавий соҳада алоқаларнинг мустаҳкамланишидир.

Муниципал даражада, шу жумладан, икки мамлакат пойтахти — Сеул ва тошкент ўртасида ҳам яқин ҳамкорлик алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда Корея Республикасининг 15 компанияси: “ДЭУ Коррейшн”, “ДЭУ Моторс”, “Кабул Текстайлз”, “ДЭУ Хеви индастриз”, “ДЭУ Телеком Лтд.”, “Метро Ко., Лтд”, “Оушен Меритам Ко., Лтд”, “Фест Экспресс”, “Эл Жи Электроникс. Инк.”, “Корея Экспресс Ко., Лтд” ва ҳоказоларнинг ваколатхоналари рўйхатга олинган.

1994 йилда иқтисодий ҳамкорлик ва савдо бўйича ўзбек-корёя ва корёя-ўзбек кўшма кўмиталар фаолият юритмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолияти миллий банки Корёянинг 10 та банки билан ҳамкорлик қилмоқда. Корёя Тижорат банки, Чо Хунг банк, Дэ Донг банк, Донг Нам банк, Хана банк, Ханил банк, Корёя Эксчейнж банк, Квангжу банк, Пис банк оф Корёя ва Корёя Фест банк шулар жумласидандир.

Корёя иқтисодиёти юксак суръатлар билан тараққий этган мамлакат сифатида Ўзбекистон учун фойдали бўлган иқтисодий ўсиш, капитал ва сармояларни ривожлантириш тажрибасига эга. 1992 йили имзоланган савдо Битимига кўра икки мамлакат ўртасида энг қулай муҳит вужудга келтирилган.

Корёя Республикаси Ўзбекистоннинг савдо шериклари орасида етакчи, Осиё-Тинч океани мамалакатлари ўртасида эса биринчи ўринни эгаллайди.

| Кўрсаткичлар    | 1999<br>йил | 2000<br>йил | 2001<br>йил | 2002<br>йил | 2003<br>йил | 2004<br>йил | 2005<br>йил |
|-----------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|-------------|
| Товар айрбошлаш | 526,8       | 393,9       | 485,0       | 326,0       | 289,9       | 408,7       | 564,5       |
| Экспорт         | 122,5       | 106,4       | 137,0       | 67,0        | 55,1        | 56,8        | 51,5        |
| Импорт          | 404,4       | 287,5       | 348,0       | 259,0       | 234,8       | 351,9       | 513,0       |
| Сальдо          | -281,9      | -181,1      | -211        | -192        | -179,7      | -295,1      | -461,5      |

2005 йилда икки томонлама товар айрбошлаш 564,5 млн.долл.(2004 йилга нисбатан ўсиш 38 %), шундан экспорт 51,5 млн.долл., импорт 513,0 млн.долл. ташкил этди. Ўзбекистоннинг салбий сальдоси — 461,5 млн.долл.

Икки мамлакат ўртасида савдо ва иқтисодиёт, минерал захиралар, нефть ва газ ишлаб чиқиш соҳасида ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиши муносабати билан яқин йилларда икки томонлама товар айрбошлаш ҳажми сезиларли равишда кўпайиши кутилмоқда.

Корёянинг иқтисодиётимизга киритган инвестициялари 1-млрд АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон мазкур кўрсаткич бўйича Марказий Осиёда етакчи



ўрин тутади. Қолаверса, икки давлат раҳбарининг икки томонлама ташрифлари туфайли табиий энергетика захираларини ўзлаштириш борасидаги ҳамкорлик жадал ривожлана бошлади.

Бу соҳалардаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 1.8 млрд АҚШ доллари миқдорида маблағларни жалб этиш кўзда тутилмоқда. Масалан, “Ўзбекнефтегаз” холдинг компанияси ва Корея нефть корпорацияси ўртасида Фарғонада геолог-қидирув ишларини амалга ошириш бўйича имзоланган битимнинг молиявий асоси 50 млн.АҚШ долларини ташкил этади. Масалан, “Ўзбекнефтегаз” холдинг компанияси ва “КОГАЗ” компанияси ўртаси тузилган битимга кўра, Устюрда геолог-қидирув ишларини амалга оширишга 62,4 млн. АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиш режалаштирилмоқда. Ташкил этилиши мўлжаллаган “Ўзкорес Майнинг” қўшма корхонаси Таъсис шартномасининг қиймати 204,2 млн. АҚШ долл. тенг бўлади. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг Кореянинг Эксченж банки билан тузган кредит битими 20 млн. АҚШ долл., Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Кореянинг Эксимбанки ўртасида мамлакатимиз ўрта мактабларини ахборотлаштириш лойиҳаси ҳақида тузилган битимга кўра, бу соҳага 30 млн.АҚШ долл. киритиш режалаштирилган.

Ўзбекистон экспортининг ярмидан кўпини пахта толаси, қолган қисмини газлама ва ип, транспорт, сайёҳлик, суғурта, ахборот, транспорт-экспедиторлик хизматлар ташкил этади.

Импортнинг асосий моддаларини автомобилларга эҳтиёт қисмлар, пластмасса ва ундан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, механик ускуна, текстил материаллар, мебель, қора металллар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, электр ускуналар, хизматлар, шу жумладан, транспорт, суғурта, ахборот хизматлари ҳамда муаллифлик ва лицензия тўловлари ташкил этди.

Кореянинг Экспорт-импорт банки томонидан Ўзбекистонга берилган кредитларнинг умумий миқдори 103 млн.долл. ташкил этди.

Шунингдек, Кореянинг Эксимбанет томонидан “ЎзДЭУавто” АЖда “Матиз” русумидаги автомобилнинг янги моделини ишлаб чиқаришга 35,9 млн. АҚШ долл., шойитўқиш корхоналарини қайта жиҳозлашга 2,5 млн. АҚШ доллари миқдорида тижорат кредитлари ажратилган.

Ўзбекистонда 1995 йилдан аккредетация қилинган Корея халқаро ҳамкорлик Агентлиги (КОИКА) билан ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. 1992-2004 йй. КОИКА томонидан Ўзбекистонга кўрсатилган молиявий ёрдам миқдори 14 млн. доллардан ошди. КОИКАнинг стажировка дастури доирасида мамлакатимизнинг турли вазирлик ва идоралари вакилларида 630 нафар киши Корея Республикасида малака ошириб қайтди. Мазкур ташкилот орқали ҳар йили 40 нафар киши малака ошириш учун Корея Республикасига бориб келмоқда.

Мамлакатимизда жанубий корея инвестициялари иштирокида ташкил этилган 138 та корхона( шундан 17 таси 100 фоиз корея сармоялари асосида) фаолият юритмоқда. Шунингдек, юртимизда 37 та корея компаниялари ваколатхоналари рўйхатга олинган.

1994 йилдан иқтисодий ҳамкорлига ва савдо бўйича ўзбек-корея ва корея-ўзбек қўмиталари фаолият олиб бормоқда. Ҳозиргача уларнинг 4 йиғилиши бўлиб ўтган, охириги 2003 й. Сеулда ўтказилди.

2003 й Тошкентда Афғонистон иқтисодиётини тиклаш бўйича икки томонлама идоралараро Ижроия қўмитасининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

2004 йилнинг май ойида маданий масалалар бўйича икки томонлама қўёмига ташкил этилиб, унинг дастлабки йиғилиши Тошкентда ўтказилди.

2006 йилнинг мартада Сеулда Корея президентининг 2005 йил май ойида Ўзбекистонда қилган ташрифи натижаларига кўра ташкил этилган энергетика ва табиий захиралар бўйича идоралараро қўшма қўмитанинг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

1996 й. Тошкентда 1-ТошМИ негизида шарқона услублар асосида даволайдиган шифохона ташкил этилди. Мазкур шифохонада КОИКА йўналиши бўйича ташриф бцурган корея врачлари ишлайди. 1992 й. майидан Тошкентда

Корея Республикаси таълим вазирлигининг Корея маркази иш бошлади. Мазкур марказ танлаов асосида олий ўқув юртлари ўқитувчилари учун тил бўйича сатжировкалар, малака ошириш курслари ташкил этади. 1993 йилнинг мартида Тошкент давлат Шарқшунослик институтида корейшунослик факультети очилди.

Кореянинг Ўзбекистондаги элчихонаси томонидан бир неча йиллар буён “Корея маданияти кунлари”ни ўтказиб келмоқда. Унинг доирасида турли кўргазмалар, халқ ўйин ва анъаналари, корей кинофильмлари намойиш қилинади, корей мумтоз ва эстрада кўшиқлари фестивалъ ва концертлари ташкил этилади.

Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети ҳамда Самарқанд давлат Жаҳон тиллари институтида корей маданияти ва тили Марказлари, ҚР Ўзбекистондаги элчихонаси кўмаги билан замонавий адабиёт, аудио ва видеокассеталар билан жиҳозланган компьютер марказлари муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ҳаммаси бўлиб республикада 9 та корейшунослик кафедралари фаолият юритади, 112 та мактабда корей тилидан таҳсил берилади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон олий ўқув юртларида 30 яқин корейлик талаба ва аспирант, Корея Республикасининг ўқув юртларида 130 нафар Ўзбекистон фуқаролари таълим олмоқда.

1999 й. “Ўзбекистон — Корея” дўстлик жамияти ишлаб турибди. Таъкидлаш жоизки, икки мамлакат халқларини бирлаштириб турган муштарак жиҳатлар кўп. Халқларимиз менталитети ва урф-одатлари бир-бирига анча яқин бўлгани сабабли маданий мулоқотда муштараклиги бошқаларга нисбатан олган яққол намоён бўлади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Корея Республикасининг дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги парламентлараро ҳамкорлик.

3. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий алоқалари.
4. Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасида стратегик шериклик тўғрисида қўшма декларация.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан овоз ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Mearshimer John. The Tragedy of great power politics. – N.Y, London.
9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
10. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
11. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.

12. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
13. Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
14. Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
15. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
16. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
17. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

### **3.14. Ўзбекистон ва Хитой Халқ Республикаси**

Хавфсизлик масалалари, жумладан, ҳарбий соҳада минтақада муҳим геосиёсий ўрин тутган мамлакатлар ўртасидаги муносабатларга бевосита таалуқлидир. Бу ўринда Ўзбекистон билан чегарадош давлат алоҳида аҳамият касб этади.

Гарчанд Ўзбекистон Хитой билан чегарадош бўлмаса-да, икки мамлакат ўртасида хавфсизлик масаласида умумий манфаатлар кўзга ташланади.

1991 йилнинг 27 декабрида ХХР Ўзбекистон мустақиллигини тан олди. 1992 йилнинг 2 январидан икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўртанатилди.

Икки томонлама муносабатлар кенг доирадаги масалаларни қамраб олиб, анъанавий дўстлик ва ўзаро манфаатли алоқаларга асосланган. Давлатлар раҳбарлари ўртасидаги яқин шахсий муносабатлар, ўзаро ишончга асосланган алоқалар ҳамкорликнинг негизини ташкил этади.

Ҳозирги вақтгача икки давлат ўртасида ҳамкорликнинг турли соҳаларига оид 150 зиёд давлатлараро ва бошқа ҳужжатлар имзоланган.

Икки мамлакат раҳбарларининг ташрифлари доимий тус олган. Жумладан, Президент И.А.Каримов 1992, 1994, 1999, 2000 ва 2005 йй. Хитойга расмий

ташрифлари бўлиб ўтди. Ўз навбатида, ХХР раиси Цзян Хэминь 1996 йилда ва Ху Цзиньтао 2004 йилда Ўзбекистонга ташриф буюрган.

Ўзбекистон Республика Президенти Ислон Каримовнинг 1999 йилнинг ноябрида ҳамда 2005 йилнинг 25-27 майида Хитойга қилган расмий ташрифлари икки томонлама муносабатлар тарихида алоҳида ўрин тутади. Хусусан, кейинги ташриф чоғида икки мамлакат ҳамкорлигининг узок истиболларини белгилаб берган Дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

Мазкур ташриф чоғида имзоланган ҳужжат ва контрактларга биноан Ўзбекистонга 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида хитой инвестициясини киритиш режалаштирилган. Биргина нефтагаз соҳасида кўшма корхона ташкил этиш ва 600 млн. дол. Хитой инвестициясини жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида ШХТ доирасида ҳам яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган: 2003-2004 йй. икки давлат Ташқи ишлар вазирларининг ташрифлари чоғида терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш тўғрисидаги Битим ҳамда икки мамлакат Ташқи сиёсий идораларининг ҳамкорлиги ва маслаҳатлашуви тўғрисидаги Битим имзоланди. 2004-2005 йиллар мобайнида бу идоралар ўртасида учта учрашув бўлиб ўтди.

Томонларнинг Афғонистондаги вазиятга қарашлари бир-бирига яқин. Хитой Афғонистон бўйича “6+2” гуруҳининг Тошкентда бўлиб ўтган махсус йиғилишини тайёрлаш ва ўтказишда фаол иштирок этган эди. Хитой раҳбарияти Ўзбекистоннинг миллий сепаратизм, диний экстремизм ва халқаро терроризм масалаларидаги қатъий нуқтаи назарини юқори баҳолайди ва бу масалалар бўйича мамлакатимиз билан ҳар томонлама ҳамкорлик қилишга тайёр эканини таъкидлаб келмоқда.

### **Мамлакатлар ўртасида товар айрбошлаш динамикаси**

**(млн. АҚШ долл. ҳисобида)**

| Кўрсат- | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 |
|---------|------|------|------|------|------|------|------|
|---------|------|------|------|------|------|------|------|

| кичлар          |       |       |       |       |        |        |       |
|-----------------|-------|-------|-------|-------|--------|--------|-------|
| Товар айрбошлаш | 80,3  | 95,5  | 106,6 | 130   | 216,4  | 367,1  | 485,4 |
| Экспорт         | 19,2  | 22,5  | 14,86 | 17,3  | 53,3   | 101,5  | 228,2 |
| Импорт          | 61,1  | 73,0  | 91,75 | 112,7 | 163,1  | 265,6  | 257,2 |
| Сальдо          | -41,9 | -50,5 | -76,8 | -95,4 | -109,8 | -164,1 | -29   |

Ўзбекистон Истикболстат кўмитаси маълумотлари кўра, 2005 й. мамлакатлар ўртасида товар айрбошлаш ҳажми 485,4 млн. долл.(2004 йилга нисбатан ўсиш 32,2%)ташқил этган, шундан экспорт 228,2 млн., импорт –257,2 млн.долл. Ўзбекистоннинг салбий сальдоси — 29,0 млн.АҚШ долл.

Асосий экспорт маҳсулотлари: нефтьни қайта ишлаш маҳсулотлари, тахта толаси, пластмасса ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, шойи матолар, ўғитлар, хизматлар ва ҳ. Асосий импорт маҳсулотлари: механик ва электр ускуналар, транспорт воситалари, оптик прибор ва ускуналар, кофе, чой и ширинликлар, пластмасса ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, органик кимёвий аралашмалар, қора металллар ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, сопол маҳсулотлари, неорганик кимё маҳсулотлари, хизматлар.

ХХР статик маълумотларига кўра, 2005 й. икки мамлакат ўртасида маҳсулот айрбошлаш ҳажми 680,6 млн. долл.(+ 18,3%), Ўзбекистан экспорти 450,5 млн. (+11,8%), импорт – 230,1 млн. (+33,4%)долл. ташқил этган

ХХР томонидан Ўзбекистонга берилган молиявий воситаларнинг умумий қиймати 440 млн. доллардан ошади.

ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг 2004 йилнинг 7-14 июнида Тошкентда бўлиб ўтган йиғилишида Хитой ҳукумати томонидан ШХТга аъзо давлатларга 900 млн.АҚШ доллари миқдорида тижорат кредити ажратилиши эълон қилинди. Мазкур таклиф доираси Ўзбекистон томонидан 22 та лойиҳа таклифи тайёрланган.

2005 йилнинг июлида ХХР Давлат Кенгаши раисининг ўринбосари У Ининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида икки мамлакатнинг 500 зиёд савдо-саноат ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-фурум ўтказилди.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Хитой ўртасида тузилган ҳукуматлараро келишувларга биноан Осиё-Тинч океани давлатларини Яқин Шарқ ва Европа мамлакатлари билан боғлайдиган ҳамда юк ташиши харажатлари ва муддатларини қисқартириш имконини берадиган Андижон — Қашғар йўналишидаги автомобиль ва темир йўлларни лойиҳалаштириш, куриш ва реконструкция қилиш ишлари бошлаб юборилди. Тошкент — Андижон — Ўш — Қашғар автомобиль йўлининг умумий узунлиги 985 км. ташкил этади. Унинг Тошкент — Андижон — Ўш қисмига асфальт ётқизилган бўлиб умумий ҳолати яхши. 1999 йилнинг 5 апрелида Тошкентда ХХР, Озарбойжон, Грузия, Эрон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистон Республикасининг транспорт вазирликлари ва денгиз портлари раҳбарларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унинг натижалари бўйича материкдаги транспорт қатнови ривожини жадаллаштириш ҳамда Қашғар — Тошкент — Туркманбоши — Боку — Потти — Батуми — Констанца орқали Ляньюньгань — Роттердам маршрути бўйлаб замонавий “Ипак йўлини” барпо этишга оид қўшма протокол имзоланди. Бу йўлнинг юк ўтказиш имкониятлари 2010 йилга бориб 12-14 млн. тоннани, шу жумладан, Хитой ва ундан Шарққа ва Жануби-Шарққа — 6.4-7.5 млн.тоннани ташкил этиши белгиланган.

Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги гуманитар алоқалар ҳам ривож топиб бормоқда. 2005 йилнинг апрелида Пекинда “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” томонидан ташкил этилган “Ўзбек фотографиясининг 125 йиллиги” суратлар кўرғазмаси муваффақият билан ўтказилди. 2005 йилнинг сентябрида иккинчи Пекин халқаро замонавий санъат биеннаliesи доирасида ўзбек мусаввирларининг кўзгазмаси бўлиб ўтди.

Доимий равишда икки мамлакат маданият кунлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, 2004 йилнинг июнида ХХР раисининг Ўзбекистонга ташрифи



арафасида Тошкент ва Самарқандда Хитой маданияти кунлари ўтказилди. 2005 йилнинг 17-24 майида Пекин ва Шанхайда Ўзбекистон маданияти кунлари ўтказилди, хитой тилида нашр этилган Ойбекнинг “Навоий” романи тақдироти бўлиб ўтди.

2005 йили Пекин фестивалида МДХ ва Шарқий Европадан ягона вакил сифатида Тошкент вилоятининг “Турғай” фольклор ансамбли иштирок этди.

2005 йилнинг майида Тошкентда Конфуций номидаги хитой тили ва маданиятини ўрганиш институтининг расмий очилиш маросими бўлиб ўтди.

2005 йилнинг сентябрида Пендаги миллатлар Марказий университетида ўзбек тили кафедраси ташкил этилиб, ушбу соҳага ихтисослашган 18 талабадан иборат дастлабки гуруҳ ўқишга қабул қилинди.

Давлат йўналиши бўйича талабалар ва аспирантлар алмашинуви ҳам йилдан-йилга кенгайиб бораётир: ҳар йили 20 нафар ўзбек талабаси ХХР жўнатилади, ўз навбатида, мамлакатимизда 20 нафар хитойлик талабалар таҳсил олмоқда.

Шунингдек, Тошкент ва Шанхай, Бухоро вилоятининг Хубэй провинцияси билан, Тошкент вилоятининг Шаньси провинцияси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

2005 йилда икки мамлакат олимлари ва экспертлари ўртасидаги алоқалар ҳам жадаллашди. Бир неча хитой олими Ўзбекистонда ўтказилган илмий-амалий конференцияларда, хусусан, “Марказий Осиёдаги хавфсизлик муаммоси” ва “Марказий Осиё энергетика бозори: тенденция ва истикболлар” мавзисидаги анжуманларда иштирок этди. 2005 йилнинг декабрида Пекинда бўлиб ўтган “Ўзбекистон — Хитой муносабатлари: ҳамкорлик ва тараққиёт” мавзисидаги илмий-амалий конференцияда СМТИ, ЖИДУ ва бошқа ташкилотлар вакилларидан иборат ўзбек делегацияси иштирок этиб қайтди.

2005 йилнинг сентябрида Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитаси делегацияси Гуанжоуда бўлиб ўтган Осиё Олимпия қўмитаси ассамблеясида

иштирок этиб, ХХР МОҚ билан ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги Битимни имзолади.

1999 йилда ташкил этилган “Ўзбекистон — Хитой” дўстлик жамияти гуманитар соҳада ҳамкорликни ривожлантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Хтои Халқ Республикаси ишончли ҳамкор сифатида ўзини намоён этгани бугун ҳеч кимда шубҳа уйғотмайди. Сўнгги йилда турли даражадаги икки томонлама алоқалар жадаллашиб, икки мамлакатнинг турли соҳалардаги муносабатлари изчил ривожланиб бормоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатларимизнинг ҳам икки томонлама, ҳам ШХТ ва БМТ доирасидаги муносабатлари ижобий баҳоланиши мумкин.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва ХХРнинг дипломатик муносабатлари..
2. Ўзбекистон ва ХХР ўртасида савдо-иқтисодий алоқалари.
3. Ўзбекистон ва ХХР ўртасида Дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги Шартнома.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.

6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Поздняков Э.А. Концепция баланса сил в международных отношениях. //Баланс сил в мировой политике: теория и практика. Сб. статей под ред. Э.А.Поздняков. ИМЭМО, 1993.
9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
- 10.Зотов О.В. «Большая» Центральная Азия: принципы геополитики КНР, «INTERNET» -КНР //www/evrasia.org.ru. декабрь, 2000.
- 11.Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
- 12.Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
- 13.Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
- 14.Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
- 15.Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
- 16.Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
- 17.Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
- 18.Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

### **3.15. Ўзбекистон ва Ҳиндистон**

Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий, инвестиция, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда амалга оширилаётган ҳамкорлик, турли доираларда ўтказиб келинаётган учрашув ва маслаҳатлашувлар ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш ҳамда халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Президент И.А.Каримовнинг 2005 йил апрелида Ҳиндистонга қилган расмий ташрифи чоғида савдо, кичик бизнес, банк фаолияти, маданият, таълим, сайёҳлик ҳамда ҳарбий-техникавий соҳада алоқаларни янада мустаҳкамлашга йўналтирилган 14 та ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланди.

Ҳиндистон Бош вазини М.Сингхнинг 2006 йил 25-26 апрели Ўзбекистонга амалга оширган расмий ташрифи ўзбек-ҳинд ҳамкорлигининг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳаларда барқарор ривожланишининг ёрқин тимсоли бўлди. Мазкур ташриф томонларнинг минтақавий ва глобал хавфсизлик ҳамда янги таҳдидларга қарашлари муштарак эканини намоён қилди.

Шу билан бирга, 2005 йил натижаларига кўра товар айрибошлаш ҳажмининг атиги 61,1 млн.долл.ни ташкил этгани иқтисодий соҳадаги мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётганидан далолат беради. Икки давлат раҳбарининг фикрича, бу борадаги кўрсаткич яқин йиллар ичида бир неча баробар кўпайтирилиши мумкин.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Ҳиндистоннинг дипломатик муносабатлари..
2. Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида савдо-иқтисодий алоқалари.
3. Ўзбек-ҳинд ҳамкорлигининг сиёсий, иқтисодий ва гуманитар соҳалари.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.

2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Поздняков Э.А. Концепция баланса сил в международных отношениях. //Баланс сил в мировой политике: теория и практика. Сб. статей под ред. Э.А.Поздняков. ИМЭМО, 1993.
9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
- 10.Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
- 11.Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
- 12.Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
- 13.Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
- 14.Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
- 15.Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
- 16.Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
- 17.Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

### 3.16. Ўзбекистон ва Покистон

Покистон Ислом Республикаси Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 20 декабрда тан олган. 1992 йил 10 майда икки мамлакат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилган. ПИР Тошкентдаги элчихонаси 1992 йилнинг июнида, Ўзбекистоннинг Покистондаги элчихонаси 1994 йилнинг июлида очилган.

1996 йилнинг охиригача икки томонлама муносабатлар олий даражада ҳам, вазирлик ва идоралар доирасида ҳам делегациялар алмашинуви орқали изчил ривожланиб келди.

1992 йилнинг июнида ПИР Бош вазири К.Шарифнинг Ўзбекистонга илк ташрифи амалга оширилди. 1992 йилнинг августида Президент И.А.Каримов жавоб ташрифи билан Покистонда бўлди. 1995 йилнинг май ва ноябрь ойларида Покистон Бош вазири Б.Бхутто расмий ташриф билан Ўзбекистонда бўлган. 1996 йилнинг октябрида ПИР Президенти Ф.Легаре Ўзбекистонга ташриф буюрди.

2005 йилнинг мартида Покистон Президенти П.Мушаррафнинг Ўзбекистонга расмий ташрифи бўлиб ўтди. Ташриф чоғида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, икки томонлама сиёсий ва иқтисодий алоқаларни кенгайтириш масалалари муҳокама этилди. Ташриф доираси эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболларини белгилаб берди.

1999 ва 2000 йй. Ўзбекистон Республикаси ва Покистон Республикаси Ташқи ишлар вазирларининг ташрифлари амалга оширилди.

Ҳозирги вақтгача икки давлат ўртасида 24 давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар имзоланган.

Икки мамлакат ўртасидаги яқин ҳамкорлик алоқаларининг ўрнатилиши, жумладан, Афғонистон хавфсизлигини таъминлаш ва иқтисодиётини биргаликдаги саъй-ҳаракатлар орқали тиклаш воситасида Марказий ва Жанубий Осиёда тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилмоғи керак.

2005 йилнинг март ойида Покистон президенти П.Мушаррафнинг Ўзбекистонга қилган расмий ташрифи чоғида иқтисодий ҳамкорликни

кенгайтириш, шунингдек, терроризм, наркобизнес ва диний экстремизмга қарши биргаликда курашиш йўллари муҳокама этилди. Бу борадаги келишувларни амалга ошириш мақсадида бир талай ҳужжатлар имзоланди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам ривожланмоқда. Ушбу соҳада имзоланган Битимга кўра икки мамлакат ўртасида ҳамкорликнинг энг қулай шарт-шароитлари белгиланган.

**Мамлакатлар ўртасида 1998-2005 йй. товар айрбошлаш динамикаси**  
(млн. АҚШ долл. ҳисобида)

| Кўрсаткичлар    | 1998 | 1999 | 2000 | 2001 | 2002 | 2003 | 2004 | 2005 | 2005<br>янв фев |
|-----------------|------|------|------|------|------|------|------|------|-----------------|
| Товар айрбошлаш | 6,6  | 10,2 | 8,5  | 4,9  | 6,0  | 9,2  | 8,4  | 9,4  | 5,6             |
| Экспорт         | 2,8  | 3,3  | 3,7  | 2,3  | 2,1  | 3,6  | 2,3  | 1,2  | 0,3             |
| Импорт          | 3,8  | 6,9  | 4,8  | 2,6  | 3,9  | 5,6  | 6,1  | 8,2  | 5,3             |
| Сальдо          | -1,0 | -3,6 | -1,1 | -0,3 | -1,8 | -2,3 | -3,8 | -7,0 | -22,5           |

2005 йил натижаларига кўра товар айрбошлаш 10,7 фоизга ошиб, 9,4 млн. долл. ташкил этди. Шу билан бирга, экспорт 50,0 фоизга қисқарди (1,2 млн.долл), импорт эса- 8,2 млн.долларни ташкил қилди.

Покистон бозорига экспорт ҳажмининг камайиши пластмасса ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажмининг камайиши билан изоҳланади.

Умуман олганда, экспортнинг асосий бандларини хизматлар (33,3%), механик ускуналар (25,3%), пахта (10,3%), шойи (10,2%), органик кимёвий аралашмалар (6,9%), кимёвий штапель тола (3,2%), парафин, нефть вазелини (2,4%), ер ёнғоқ (2,1%), ўғитлар (1,9%) ва ҳ. ташкил этди.

Покистондан эса асосан цитрус мевалар (мандарини ва апельсини) (55,0%), фармацевтика маҳсулотлари (26,3%), ун ва кондитер маҳсулотлари (9,4%), пластмасса ва улардан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар (2,6%), тамаки хом ашёси (1,6%) ва б. импорт қилинди.

2006 йилнинг январь-февраль ойларида икки томонлама савдо ҳажмининг кўпайиши кузатилди. Товар айрибошлаш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,2 баробар ошиб, 5,6 млн. долл. ташкил этди (экспорт - 0,3 млн., импорт - 5,3 млн.). Икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтиришга кенг имконият мавжудлиги келгусида икки томонлама товар айрибошлаш ҳажмининг кўпайишига замин яратади.

2005 йи. 15-21 июлида Покистоннинг фармацевтика компаниялари делегацияси Ўзбекистонда бўлди ташриф чоғида Савдо-саноат палатаси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, “Дори-дармон” ассоциацияси ва “Ўзфармсаноат” давлат концернида учрашувлар ўтказилди ҳамда икки томон ишбилармон доираларининг кооперация биржаси ташкил этилди. Шунингдек, томонлар Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Қарачи ва Лаҳор савдо-саноат палаталари билан ҳамкорлик тўғрисида палаталараро Битим тузиш, 2006 йилда икки мамлакат ишбилармон доираларининг ўзаро ташрифлари, бизнес-форум ва кооперация биржаларини ташкил этишга келишиб олди.

2006 йилнинг 8-10 февраль кунлари Покистон давлат савдо корпорацияси делегацияси Ўзбекистонда меҳмон бўлди. Вазирлик, идора ва Ташқи савдо компанияларида бўлиб ўтган учрашувлар чоғида мамлакатимизда етиштирилаётган пахта толаси, буғдой ва бошқа маҳсулотларини Покистонга етказиб бериш масаласи муҳокама этилди, покистон томонига бир қанча тижорат ва инвестиция таклифлари тақдим этилди.

2005 йилнинг 29 декабрида Тошкентда савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий ҳамкорилик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг иккинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон делегациясига комиссия ҳамраиси, кишлок ва сув хўжалиги вазири С.Исмоилов, покистон делегациясини ПИР сув захиралари ва энергетика вазири Л.АЖатой раҳбарлик қилди. Покистон делегациясининг Ўзбекистон Бош вазири Ш.Мирзияев билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида учрашуви бўлиб ўтди.



Учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш масалалари муҳокама этилди. Хусусан, Покистон томони мамлакатлар ўртасидаги виза алоқаларини эркинлаштирилиши икки давлат ишбилармон доиралари мулоқотининг жадаллашувига хизмат қилишини таъкидлади. Йиғилиш сўнгида томонлар савдо-иқтисодий, молиявий ва маданий-гуманитар ҳамкорлик борасида бир-бирини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги учинчи йиғилишини 2006 йилда Исломободда ўтказишга келишиб олди.

Ўзбекистон ва Покистон кино соҳаси вакиллари маданий ҳамкорлик доираси икки мамлакат халқларининг тарихий муштараклиги акс эттирувчи ҳужжатли фильм яратиш устида иш олиб бормоқда. Шунингдек, биргаликда маданий қадриятларни ўрганиш, археологик қазилмалар ўтказиш ҳамда мамлакатимиздан олиб чиқиб кетилган тарихий қўлёзмаларнинг асл нусхаси ёки копиясини Ўзбекистонга қайтариб келиш борасида ҳам самарали ҳамкорлик амалга оширилмоқда.

1991 йилдан турли маданий-маърифий тадбирлар, хотин-қизлар, ишбилармонлар, ёзувчилар ва маданият ходимлари делегациялари-нинг ўзаро алмашинувини ташкил этган “Ўзбекистон — Покистон” жамияти самарали фаолият юритмоқда. Хусусан, унинг кўмаги билан Лаҳорда ўзбек тилини ўрганиш курслари ташкил қилинди.

Хуллас, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар жадал суръатлар билар ривожланиб бормоқда. Покистон Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш борасида Ўзбекистон билан алоқалар алоҳида аҳамият касб этишини таъкидлаб келмоқда. Икки мамлакат раҳбарларининг кўпгина сиёсий масалалар бўйича қарашларининг яқдиллиги бунга мустаҳкам асос сифатида хизмат қилмоқда. Масалан, Покистон БМТ Бош Ассамблеясида Андижон воқеаларига доир Ўзбекистон нуқтаи назарини қўллаб-қувватлади. Шунингдек, Исломобод Ўзбекистоннинг ШХТ доирасидаги таклиф ва ташаббусларини ҳам маъқуллаб келаётир. Покистон ҳукумати 2005 йил 8

октябрда юз берган зилзила муносабати билан мамлакатимиз томонидан кўрсатилган дўстона ёрдамни юксак баҳолади. Бу миннатдорлик ҳисси икки давлат раҳбари имзолаган кўшма баёнотда ифода этилган.

Ушбу мулоҳазаларга таяниб айтиш мумкинки, Ўзбекистон ва Покистон ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч ва самимий ҳурмат-эҳтиром туйғуларига асосланган ҳолда ривожланиб бормоқда. Таш-рифлар чоғида мамлакатларимизнинг бир-бири билан икки томонлама ва минтақа доирасида ҳамкорликни ривожлантириш интилаётгани, турли даражада мулоқотни кенгайтириш, ўзаро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим экани қайта-қайта таъкидланди.

Ўзбекистон ҳам, Покистон ҳам терроризмга бевосита дуч келган давлатлар. Халқаро террористлар ҳар икки мамлакатда узоқни кўзлаган террористик хатти-ҳаракатларни содир этган эди. Устига-устак Афғонистондаги беқарор вазият ҳам макроминтақавий доирада, яъни Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларидани вазиятга салбий таъсир этмоқда. Шу маънода, икки мамлакат ўртасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасида ҳамкорликнинг ривожлантирилиши ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Сир эмаски, маҳсулотни жаҳон бозорлари экспорт қилиш нуктаи назаридан Ўзбекистон ва умуман Марказий Осиё давлатлари учун Покистоннинг Қарочи ва Гвадар портларининг аҳамияти беқиёсдир. Шу билан биргаликда, Покистондан Марказий Осиёга келадиган савдо йўллариининг ривожлантирилиши минтақалараро иқтисодий алоқаларнинг мутаҳкамланишига хизмат қилади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва Покистоннинг дипломатик муносабатлари..
2. Ўзбекистон ва Покистон ўртасида савдо-иқтисодий алоқалари.
3. Икки томонлама халқаро терроризмга қарши кураш.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Поздняков Э.А. Концепция баланса сил в международных отношениях. //Баланс сил в мировой политике: теория и практика. Сб. статей под ред. Э.А.Поздняков. ИМЭМО, 1993.
9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
- 10.Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
- 11.Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
- 12.Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
- 13.Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
- 14.Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
- 15.Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.

16. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
17. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

## **IV. БОБ. Ўзбекистоннинг кўп томонлама муносабатлари**

### **4.1. Кўп томонлама муносабатлар**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ташқи сиёсат, давлат фаолиятининг муайян соҳаси сифатида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрлари ва тамойилларига қатъий амал қилиш ҳамда миллий манфаатларга таянган ҳолда давлатлараро тузилмаларда иштирок этиш орқали белгиланади. Ўзбекистоннинг кўп томонлама муносабатларининг асосий йўналишлари Конституциянинг 17 банди иккинчи қисмида акс эттирилган.

Конституциявий тамойилларга кўра, миллий манфаатларга зид бўлган, жумладан, халқ фаровонлиги ва хавфсизлигига зарар етказиши мумкин бўлган давлатлараро тузилмаларда иштирок этмайди. Бошқача айтганда, халқ фаровонлиги ва хавфсизлиги, қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, муайян давлатлараро алоқаларга нисбатан муносабатнинг бош мезонидир. Ана шу икки омил республиканинг халқаро ташкилотларга интеграциялашувининг асосий йўналишлари, Ўзбекистоннинг кўп томонлама дипломатиясининг устувор мақсадлари ва мазмун-моҳиятини белгилаб беради.

Ҳозирги вақтда халқаро ташкилотлар, халқаро алоқалар, кўп томонлама дипломатия ва ҳамкорликнинг энг мукамал механизми ҳисобланади. Йилдан-йилга уларнинг сони ортиб, ваколат ва вазифалари кенгайиб, ташкилий тузилмаси мураккаблашиб бормоқда. Халқаро ташкилотлар ўртасидаги алоқалар ва ҳамкорликнинг ривожланиши халқаро ташкилотларнинг БМТ атрофидаги яхлит тизимининг шаклланишига хизмат қилади.

Давлатлараро тузилмаларда иштирок этишнинг конституциявий асослари ҳақида сўз кетганда, Конституциямизнинг 17 банди иккинчи қисмида “иттифоқ” ва “ҳамжамият” ибораларининг киритилиши давлатнинг интеграция алоқаларининг турли даражасига жалб этилиши мумкинлигини ифода этиш мақсадни кўзлайди.

“Иттифоқ” ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқ ҳамда давлатлар ўз ваколатининг бир қисмини ўтказиши мумкин бўлган давлатлардан юқорироқ орган шакллантириши мумкинлигини истисно этмайдиган тузилма сифатида намоён бўлади. Амалиётнинг кўрсатишича, иттифоқ ҳимояланиш яқдиллигини билдиради, яъни бир давлатга қилинган тажовуз унинг иттифоқчисига ҳам қилинган тажовуз эканини англатади.

“Ҳамжамият” эса кўпроқ тимсолий тузилма бўлиб, унда интеграциялашувнинг нисбатан паст даражаси намоён бўлади.

Мисол тариқасида МДҲ олинадиган бўлса, у ҳолда “ҳамжамият” тушунчасини дезинтеграция ёхуд янги мафкурага асосланган интеграция шакли сифатида таърифлаш мумкин. Бу шаклни сифат жиҳатдан янги тузилманинг шаклланишига асос бўладиган, давлатлараро муносабатларнинг ўзгача шакл ва тамойиллари синалаётган ўзига хос полигонга қиёслаш мумкин. Ушбу иборанинг мазмун-моҳиятидан унинг тарихий-маданий табиатидан келиб чиқади. Бу ҳол тарихий муштараклик, узоқ йиллик дўстона, шериклик алоқалари негизида вужудга келиши мумкин. Бироқ, қандай шаклада бўлишидан қатъи назар, “ҳамжамият” интеграциялашув мақсадларига химат қиладиган ҳукуматлараро тузилма шаклидир.

Таъкидлаш жоизки, бундай таснифлаш анчайин нисбий ва этимологик жиҳатидан, аниқ ҳуқуқий ёки сиёсий таснифлашдан кўра, одатдаги тасаввур ва эҳтирослар билан кўпроқ боғлиқдир. Масалан, “иттифоқ” ҳамиша собиқ Иттифоқ шаклидаги унитар бирлашмани англатмайди. Иттифоқчилик муносабатларга асосланган ташкилотлар турли табиат, мақсад, вазифалар, сифатий алоқалар, предметга ҳамда турли интеграциялашув даражасига эга

бўлиши мумкин. Бу муайян иқтисодий манфаатларга асосланган (масалан, божхона иттифоқи, ЕврАзЭС) ёки номида “иттифоқ” сўзи бўлган ЕИ, НАТО сингари халқаро ташкилотлар шаклидаги иттифоқ сифатида намоён бўлади. ЕИ ва НАТО “иттифоқ” бўлса-да, барибир, улар интеграциялашув ва унинг йўналишларининг сифат жиҳатидан турли даражасини кўрсатади. Давлатлараро тузилмаларни таснифлашнинг мураккаблиги ҳам шундаки, интеграциялашув даражаси ўртасидаги чегара ижтимоий муносабатларнинг турли соҳалари ва қатламларида жойлашган, бинобарин, уларнинг тарихий-маданий табиати ва ривожланиш истиқболлари ҳам бир хил эмас.

Шу маънода, “иттифоқ” ва “ҳамдўстлик” ибораларининг муайян чегара ва белгиларган эга, аниқ ҳамда ҳар жиҳатдан асосланган таърифини бериш мушкул вазифа.

Ҳозирги даврда Ўзбекистон халқаро фаолиятининг бош мезони — кўп томонлама муносабатлар негизида миллий, минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлашга қаратилган. Бу эса турли ташкилотларда иштирок этиш орқали ушбу мақсадларга эришиш йўлида изчил ва ташаббус кўрсатиб фаолият юритиш талаб этилади. Ўзбекистон халқаро ялпи хавфсизлик тузилмаларига интеграциялашув жараён-ларида фаол иштирок этиб, турли ташаббус ва таклифлар орқали БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар роли ва таъсирчанлигини оширишга интилиб келмоқда.

Бугун ҳар бир давлатнинг хавфсизликни таъминлаш халқаро механизмларини шакллантириш ишидаги иштирокини йўлга қўймасдан туриб, умумий хавфсизлик тизими ривожини таъминлаш амри маҳол. БМТ Бош Котиби Кофи Аннан минг йиллик саммитида қилган маърузасида бу ҳақда тўхталиб, шундай деган эди: “Бирорта давлат, бирорта ташкилот барча муаммоларни ўзи ёзғиз ҳал эта олмайди. Шу билан бирга, ҳеч қайси давлат унинг муаммоларни бошқалар ҳал қилади деб ўйламаслиги керак. XXI асрни XX асрга нисбатан хавфсизроқ ва адолатлироқ бўлишига эришиш — ҳар бир давлат ва ҳар бир инсондан фаол саъй-ҳаракатларини талаб этадиган вазифа. Янгиланган

Бирлашган Миллатлар ташкилоти барчани ана шу эгу мақсад сари ундаб, бу борадаги саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириб, ўта муҳим ишни амалга оширади”.

Бундан илгарироқ, 1993 йилнинг сентябрида Президент Ислои Каримов БМТ 48-сессиясида қилган маърузасида бу ҳақда шундай деган эди: “Ҳозирги замон воқелиги шундайки, бир мамлакатнинг хавфсизлиги бошқа давлат ҳисобидан таъминланиши мумкин эмас. Минтақа хавфсизлигини бутун жаҳон хавфсизлиги муаммоларидан ажралган ҳолда кўриб бўлмайди”(Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон. 1996, 55-бет).

Дарҳақиқат, XXI асрда халқаро муносабатлар ва, айниқса, халқаро хавфсизлик тизимида жиддий ўзгаришлар жараёнлари юз бермоқда. Ўн йиллар мобайнида Ташқи сиёсат соҳаси ривожини тенденциялари ва қонуниятлари ҳақидаги тасаввурда тубдан ўзгараётир. Масаланинг ана шу жихатига тўхталиб Президент Ислои Каримов бундай деган эди: “Биз жадал ривожланаётган ва ўзгараётган дунёда яшаётганимиз сир эмас. Халқаро барқарорликка қарши янги таҳдидлар майдонга чиқмоқда, низолар ва хавфларнинг хусусияти тубдан ўзгармоқда.

Дунё халқаро террорчилик, радикал экстремизм, айирмачилик ва таркотрафикнинг тобора кенгайиб бораётган қўламлари, ядро қуроли ва оммавий қирғин қуроллари тарқалиши хавфига дуч келди.

Кўз ўнгимизда замонавий дунёнинг геосиёсий, иқтисодий ва ижтимоий, ахборот-коммуникация қиёфасида фундаментал ўзгаришлар ясайдиган чуқур жараёнлар рўй бермоқда”(Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2003, 275-бет).

Янги давр халқаро ривожланишининг янги қонунларини, янгича қадрият ва баҳолаш мезонларини тақозо этмоқда. Хусусан, 11 сентябрь Нью-Йоркда юз берган фалокат, Ўзбекистондаги террористик ҳаракатлар, Россияда, айниқса, болалар нишонга олинган Беслан фожиаси, Европа ҳамда дунёнинг бошқа

минтақаларида содир этилган ёвузликлар шундан далолат берадики, миллий хавфсизликка таҳдид шунчаки муайян қонуниятларга бўйсунадиган жараён, глобаллашув иқтисодиётлар ва тобора кенгайиб бораётган ахборот маконининг шунчаки ўзаро алоқадорлиги эмас, балки халқаро миқёсдаги масъулият, глобал ва минтақавий ҳамда миллий муаммоларни биргаликда ҳал қилиш зарурати ҳамдир. Бу халқаро мувофиқлаштириш механизмларини қайтадан кўриб чиқишини ҳам англатади.

Бугун дунё ҳамжамиятига давр таҳдидларига муносиб равишда жавоб бера оладиган, катта фалокат ва фожиаларнинг олдини олишга қодир ишчан халқаро ташкилотлар керак. Президент Ислон Каримов БМТ 48-сессиясида сўзган нутқида таъкидлаганидек, “кўп ҳолларда нуфузли халқаро ташкилотлар можароли вазиятларга, ифодали айтганда, ёнғин ҳиди эндигина чиқаётган пайтда эмас, балки батамом ловуллаб кетганда, бартараф этиш қийин бўлиб қолгандан кейингина эътибор бера бошлайдилар. Жаҳон ҳамжамияти можаролар кучайишининг олдини олиш мақсадида кўп ҳоллардаги бефарқ кузатувчи ролдан фаол тинчликпарвар нуқтаи назарига ўта бориши керак.

Шу муносабат билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши ҳузурида юзага келаётган халқаро можароларни таҳлил қилиш ва истикболни белгилаш бўйича махсус гуруҳ ташкил қилиниши мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундан мақсад тегишли қарорлар қабул қилиш учун Хавфсизлик кенгашига, БМТнинг бошқа бўлинмаларига, бутун жаҳон ҳамжамиятига зудлик билан тавсияномалар тайёрлашдан иборатдир”(Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд.- Т.: Ўзбекистон, 1996, 54-55-бетлар).

Бинобарин, бугун янги Ташқи сиёсий ёндошувлар ва халқаро мувофиқлаштиришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий воситаларини ишлаб чиқишга катта эҳтиёж сезилмоқда. Аммо бу БМТ сингари халқаро тузулмалар шакли ҳамда фаолият мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартирилишини аниқлатмайди. Ундан кўра, ушбу ташкилотларни модернизация қилиш, ҳали ишга солинмаган имкониятлари ва мавжуд захиралардан тўлиқ фойдаланиш, замон талабларига



мослаштириш орқали уларнинг фаолиятини такомиллаштирилиши самаралироқдир.

Ҳозирги вақтда БМТнинг жаҳон ҳамжамиятидаги мувофиқлаш-тирувчи ролини ошириш учун жуда қулай вазият вужудга келган(масалан, Бош Ассамблея, Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгашлар мавқеини кўтариш ва ваколатларини кенгайтириш, Хавфсизлик Кенгаши таркибини кенгайтириш орқали). Шунингдек, давлатларнинг муҳофаа харажатларини қисқартириб, бўшаган маблағларни БМТ бюджетига ўтказиб, унинг молиявий захирасини кучайтириш мумкин. Бундан ташқари, БМТнинг доимий қуролли кучларини ташкил этиш ҳамда БМТ Уставининг 43 ва 47 бандларида кўзда тутилган Ҳарбий-штаб кўмитаси фаолиятини жадаллаштиришга ҳам эҳтиёж бор. Бу билан БМТнинг тинчликпарвар операцияларини ўтказиш имконият-ларини кенгайтириш, шунингдек, Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган санкциялар бугуноҳ аҳолига у қадар зарар етказмаслиги ва аксинча, жиноятга йўл қўйган ҳукмдорларнинг муносиб жазоланишини таъминлаш мумкин. Бундай ўзгаришларга, аввало, ялпи хавфсизлик ва иқтисодий фаровонликни таъминлаш нуқтаи назаридан эҳтиёж туғилади.

БМТ терроризмга қарши курашиш борасида чинакам самарали ташкилотга айланмоғи зарур. Мазкур ташкилот доираси талай вақтдан буён уни фаолияти ислоҳ этиш масаласи муҳокама этилмоқда. Бир томондан, бу ислоҳотлар, унинг ўз фаолияти самарадорлигини оширишга, иккинчи томондан, жаҳон афкор оммаси нигоҳида БМТнинг обрў-эътибори ва нуфузининг ошишига хизмат қилиши керак. Бундан ташқари, БМТ ўз мандатини бажариши учун зарур захиралар билан таъминланиши, Котибият томонидан бу захираларнинг оқилона, барча аъзо давлатлар манфаатларини инобатга олган ҳолда ишлатилиши, БМТ фаолиятида замонавий бошқарув услублари ва технологиялардан фойдаланиш, асосий диққат-эътиборни устувор вазифаларга қаратиш зарурлиги муҳокама этилмоқда. Шунингдек, ноҳукумат ташкилотлари ҳам БМТ фаолияти самарадорлигини оширишга ўз ҳиссасини қўшиши лозим.

## Такрорлаш учун саволлар

1. Ўзбекистоннинг кўп томонлама муносабатларининг асосий йўналишлари.
2. Кўп томонлама дипломатия ва ҳамкорликнинг механизмлари.
3. Ўзбекистон халқаро фаолиятининг бош мезони.

## Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд.Т., Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
7. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
9. Поздняков Э.А. Концепция баланса сил в международных отношениях. //Баланс сил в мировой политике: теория и практика. Сб. статей под ред. Э.А.Поздняков. ИМЭМО, 1993.

10. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
11. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
12. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
13. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
14. Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
15. Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
16. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
17. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
18. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

## **4.2. Ўзбекистоннинг БМТда иштироки**

Бундай ўн тўрт йил илгари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йоркдаги бош қароргоғи олдида мустақил Ўзбекистоннинг байроғи ҳилпирай бошлади. 1992 йилнинг 2 мартдан мамлакатимиз ана нуфузли халқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлди.

1993 йилнинг 24 августида Тошкентда БМТнинг ваколатхонаси очилди. Бугунги кунда мамлакатимизда унинг бир қанча тузулмалари: тараққиёт Дастури, наркоманияга қарши курашиши дастури, Жаҳон соғлиқни сақлаш, Болалар фонди (ЮНИСЕФ), саноатни ривожлантириш ташкилоти (ЮНИДО), таълим, фан ва маданият бўйича ташкилоти (ЮНЕСКО) ваколатхоналари ташкил этилиб, кенг фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон БМТ ва унинг махсул ташкилотлари билан турли соҳаларда самаралари фаолият юритмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг халқаро интеграцияни кучайтириш ва барқарорликни мустаҳкамлаш, давлатлараро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган тинчликпарвар сиёсати алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Президенти БМТ минбаридан туриб, дунёда хавфсизлик ва тинчликни таъминлаш, халқаро терроризм, диний экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашиш борасида бир талай ташаббусларни илгари сурган эди. Давлатимиз раҳбари Бош Ассамблея ва бошқа тадбирларда жаҳон ҳамжамияти эътиборини Афғонистондани вазият ва Орол муаммосига қаратган эди. Бугунги кунга келиб, дунё жамоатчилиги Ўзбекистон даъватлари ва нуқтаи назарининг асосли эканини эътироф этмоқда.

Ўзбекистон минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасида изчил ва қатъий сиёсат олиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йилнинг сентябри ва 1993 йилнинг августида БМТ Бош Котиби Бутрос Галига йўллаган мактубида Марказий Осиёдаги барқарорликни издан чиқариши мумкин бўлган Тожикистон ва Афғонистондаги ички низоларга жаҳом ҳамжамияти эътиборини қаратиб, вазиятни ўрганиш ва зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқиш учун БМТнинг махсус комиссиясини жўнатишни илтимос қилган эди. БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясидаги нутқида давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон экстремизмни, террорчиликни, ҳар қандай қўринишдаги диний фанатизм ва ақидапарастликни қатъий қоралайди... Можарони сиёсий воситалар ёрдамида тинч йўл билан ҳал қилиш, бир-бирига қарши курашувчи томонлар ўртасида музокаралар олиб бориш, мустақил давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик...” тарафдори эканини таъкидлаган эди(Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд, Т.: Ўзбекистон, 1996, 52-53-бетлар). Айнан давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан республикага БМТ Бош Котибининг махсус вакили жаноб

И.Киттини раҳбарлигидаги миссия ташриф буюриб, БМТ Хавфсизлик кенгаши йиғилишида Тожикистондаги низонинг табиати ва ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида объектив хулоса қилиш имконини берган материаллар тўплашга муваффақ бўлди.

Шунингдек, Ўзбекистон Марказий Осиёда хавфсизлик, барқарорлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича домий семинар ташкил этиш ташаббусини ҳам илгари сурди. Мазкур семинарнинг 1995 йил сентябрида бўлиб ўтган йиғилишида 31 та давлат ва 6 та халқаро ташкилот вакиллари иштирок этди. Бундан ташқари, Ўзбекистон томонидан низо вужудга келаётган ҳудудлардаги вазият ўрганиш ва таҳлили қилиш асосида БМТ Хавфсизлик кенгаши, унинг бошқа бўлинмалари, бутун жаҳон ҳамжамиятига тегишли қарорлар қабул қилиш учун тавсиялар тайёрлаб берадиган махсус гуруҳни ташкил этиш таклифи ҳам илгари сурилди. Ўша даврлардаёқ Ўзбекистон раҳбари Марказий Осиё минтақасини ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббусини илгари сурди. БМТ БШ Ассамблеясининг 48-сессиясида Президент И.А.Каримов шундай деган эди: “вужудга келган шароитда инсоният тараққиётини чигаллаштириб юбориши мумкин янги можароларнинг олдини олишда айни БМТ асосий восита бўлиши керак. Шу муносабат билан, бизга БМТнинг энг муҳим органи — Хавфсизлик кенгаши ҳозирги дунёнинг ижтимоий-иқтисодий, этник-маданий, диний, маънавий жиҳатдан ғоят хилма-хиллигини таб-баробар тарзда акс эттириши, ўзининг таркиб топган консервати тузилмсини қайта кўриб чиқиши учун ҳам самарали чоралар кўриш зарурати ҳиҳоятда етилди, деб ҳисоблаймиз”(Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.:Ўзбекистон, 1996, 57-бет).

Икки йилдан кейин давлатимиз раҳбари БМТ Бош Ассамблеясининг махсус тантанали йиғилишидаги қилган маърузасида БМТнинг ролини ошириш йўллари ҳақида тўхталиб, жумладан, шундай деган эди: “Бугунги кунда “иссиқ нуқталар” деб аталаётган минтақаларда давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ва ҳамкорликни йўлга қўйиш орқалигина бутун дунёда тинчлик ва барқарорликни

таъминлаш йўллари белгилаб олиш мумкин”(“Жаҳон”АА. Т.:1997, 54-б). Давлатимиз раҳбари бир давлат — Афғонистон мисолида бир мамлакатдаги беқарор вазият минтақа ва глобал хавфсизлик, халқаро терроризм, наркобизнес ва қурол-яроғ тарқатиш билан бевосита боғлиқ бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди. Ушбу масалани амалда ҳал этиш учун Афғонистонга қурол олиб киришга эжмбарго жорий этилиши таклиф қилинди. Бу таклиф давлатимиз раҳбари томонидан афғон урушининг бутун даври мобайнида қайта-қайта таъкидлаб келинди. 2001 йилнинг 18 декабрида Президент Ислом Каримов БМТ Бош Котиби Кофи Аннанга йўллаган мактубда, Афғонистонда вужудга келган реал вазиятни инобатга олган ҳолда, ушбу мамлакатда тўпланиб қолган кўп миқдордаги қурол-яроғни қисқартириш ва олиб чиқиб кетиш масалаларини ҳал этиш зарурати баён этилади.

Ўзбекистон Республикаси дунё минтақаларининг барқарор тараққети ва хавфсизликни мустаҳкамлаш ишида халқаро ҳамкорликнинг глобал тузилмаси сифатида БМТнинг муқобили йўқ.

Шу билан бирга, кўп томонлама халқаро муносабатларда намоён бўлган тизимий инқироз БМТ фаолиятини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Сайёрамизда минтақавий қуролли тўқнашувлар авж олиши, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси, террорчилик фаолиятининг кучайиши ва диний экстремизмнинг тарқалиши каби дунё хавфсизлигига таҳдид солаётган ноаънанавий хавф-хатарлар БМТ тузилмасини ислоҳ этиш ҳамда фаолиятини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Биринчи галда, давлатлар олдида вужудга келаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий таҳдидларни бартараф этиш учун мутлақо янги институционал механизмларни шакллантириш зарур.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2000 йилнинг сентябрида ўтказилган “Мингйиллик саммитида” сўзлаганнутқида давлатимиз раҳбари халқаро терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, БМТ фаолияти ва тузилмасини ислоҳ этиш борасида ғоят муҳим таклифларни илгари сурди. Президент И.А.Каримов

назарида, замонавий таҳдидлар ва хатарлар БМТнинг барча тизимлари ва механизмларининг мураккат воқелик ва унинг истиқболдаги ривожига динамик мувофиқлаштирилишини, тинчлик, хавфсизлик ва барқа-рорликни таъминлаш борасида янги ёндашувлар ишлаб чиқилишини тақозо этади. Давлатимиз раҳбари фикрича, БМТни ислоҳ қилиш деганда, аввало, унинг минтақавий ва глобал муаммоларни ҳал этиш-даги ўрни ва аҳамиятини ошириш бўйича чоратадбирлар дастури қабул қилинишини аниқлатади. Ўзбекистон Президенти БМТ Хавфсизлик Кенгашини босқичма-босқич ислоҳ этиш зарурлиги таъкидлаб ўтди. Унинг доимий аъзолари таркиби нафақат ривожланган, балки ривожланаётган давлатлар ҳисобидан ҳам кенгайтирилиши лозим. Шунингдек, давлатимиз раҳбари Хавфсизлик Кенгашининг ҳам доимий, ҳам муваққат аъзолари сонини ошириш мақсадга мувофиқ эканини ўқтирди. Бу борада дастлабки қадам сифатида Президентимиз Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари таркибига жаҳон сиёсатида муҳим роли ўйнаётган ҳамда БМТ фаолиятини, шунингдек, инсонпарварлик ва хайрия йўналишларидаги кўплаб лойиҳа ва дастурларни молияловчи асосий ҳомийлардан ҳисобланган Германия ва Японияни киритишни таклиф этди.

Бундан ташқари, Ислом Каримов глобал ва минтақавий таҳдидларга муносабат билдиришда тезкорликни ошириш учун Бош қотиб ваколатларини кенгайтириш таклифини илгари сурди. Ниҳоят давлатимиз раҳбарининг учинчи таклифи Хавфсизлик Кенгашининг қуролли можароларнинг олдини олиш, зиддиятлар ва низоларни тинч йўл билан ҳал этиш воситалари ҳамда механизмларидан, жумладан, узоқ вақт давом этаётган можароларни бартараф этишда “тинчликка мажбур қилиш” деб аталувчи механизмдан самарали фойдаланиш масалаларидаги ўрни ва масъулиятини кучайтиришга қаратилган.

Уобу анжуманда Президент Ислом Каримов Орол денгизининг қуриши билан боғлиқ муаммога яна бир бор жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини қаратди. Дарҳақиқат, Орол бўйида вужудга келган вазият нафақат Марказий Осиё ҳудуди доирасидан чиқиб, жаҳоншумул аҳамият касб этмоқда. Шундан келиб

чиққан ҳолда, давлатимиз раҳбари экологик хавфсизликка соҳасидаги халқаро ҳамкорликка кўмак бериш, халқаро тузилмалар ва донор давлатларнинг молиявий маблағларини жалб этиш мақсадида БМТнинг Атроф муҳит бўйича дастури доирасида Орол ва Оролбўйи муаммолари бўйича махсус кенгаш тузишни таклиф қилди.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистон ва БМТнинг дипломатик муносабатлари.
2. Ўзбекистоннинг БМТдаги ўрни ва аҳамияти.
3. Ўзбекистон минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашдаги Ташқи сиёсати.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми.
8. Бирлашган миллатлар ташкилоти. Асосий омиллар. - Т., 2001.



9. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
10. Поздняков Э.А. Концепция баланса сил в международных отношениях. //Баланс сил в мировой политике: теория и практика. Сб. статей под. ред. Э.А.Поздняков. ИМЭМО, 1993.
11. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
12. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
13. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
14. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
15. Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
16. Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
17. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
18. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
19. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

### **4.3. Ўзбекистон ва ШХТ**

Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотидаги иштироки алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу ташкилот (у 1996 й. Шанхайда чегара ҳудудларида ҳарбий соҳада ўзаро ишончни мустаҳкамлаш чоратadbирлари тўғрисида имзоланган Битим доирасида) Хитой билан қўшни давлатлар ўртасида чегараларга доир масалаларни ҳал этишга қаратилган норасмий форум сифатида ташкил этилган эди.

ШХТ – субминтақавий халқаро ташкилотга олтига давлат – Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон аъзо бўлган. ШХТ таркибига кирадиган давлатларнинг умумий ҳудуди Евроосиё ҳудудининг 61 фоизини, умумий демографик (нуфусий) жиҳатдан дунё аҳолисининг тўртдан бир қисмини ташкил этади, иқтисодий салоҳияти нуқтаи назаридан АҚШдан кейинги энг кудратли – Хитой иқтисодиётини қамраб олади. Расмий тиллари – рус ва хитой тили. Қароргоҳи Пекинда жойлашган. ШХТга аъзо давлатлар ҳудудининг умумий майдони 30 млн. кв. км. зиёд ёки Евроосиё қитъаси майдонининг бешдан уч қисмини ташкил этади. Ушбу давлатлар аҳолисининг сони – 1,455 млрд. киши ёки дунё аҳолисининг тахминан тўртдан бир қисмини ташкил этади.

ШХТ ташкил этилиши тарихан умумий чегараларда қуролли кучлар ва қурол-аслаҳаларни қисқартириш тўғрисида Битим қабул қилинган Москва саммити билан узвий боғлиқдир. 1998 йилдан Марказий Осиё минтақаси, минтақавий хавфсизлик ва кўптомонлама ҳамкорлик масалалари «Шанхай бешлиги»нинг диққат марказига айлана бошлайди. Терроризм, сепаратизмга қарши курашиш, минтақа доирасида иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш «Шанхай бешлиги»нинг асосий мақсадлари сифатида эълон қилинади.

1998 йилнинг 3 июлида «бешлик»нинг Олмаотада бўлиб ўтган учинчи саммитида Ташқи ишлар вазирларининг Қўшма баёноти якуний ҳужжат сифатида қабул қилинади. Унда томонлар хавфсизлик масалалари юзасидан маслаҳатлашув жараёнини ривожлантириш ва «бунга минтақанинг барча манфаатдор давлатларини жалб этишга» келишиб олди. «Шанхай бешлиги» доирасида ҳамкорликни ривожлантиришнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилаб олинди: хавфсизлик, муҳим халқаро муаммолар юзасидан доимий маслаҳатлашувни амалга ошириш; халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдоси; вазият талаб этган ҳолларда Марказий Осиё, умуман, Осиё қитъасида хавфсизликни таъминлаш,

ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари бўйича экспертлар, Ташқи ишлар вазирлари доирасида учрашувларни ташкил этиш.

«Шанхай бешлиги»нинг 2005 йил июлида Душанбеда бўлиб ўтган бешинчи саммитининг тарихий аҳамияти беқиёсдир. Зеро, унда илк бор кузатувчи сифатида Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислон Каримов иштирок этиб, ХХР Раиси Цзян Цземин билан учрашган эди. Учрашув натижаларига кўра, «Душанбе декларацияси» қабул қилинди. Бу ҳужжатнинг аҳамияти шундаки, унда тарафлар халқаро терроризм, диний экстремизм, қурол-яроғ ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши биргаликда курашиш, узоқ йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастурини ишлаб чиқиш ҳамда бу борада тегишли келишувлар тузишга келишиб олиш билан биргаликда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудудга айлантириш ташаббуси қўллаб-қувватланди.

2001 йилнинг июнь ойида бўлиб ўтган саммитда «Шанхай бешлиги» унга аъзо бўлган давлат – Ўзбекистон Республикаси иштирокида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига айлантирилди. Ўзбекистоннинг ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириши маъқуллангач, мамлакатимиз шакллантирилаётган янги ташкилотнинг мақоми ва аҳамияти, мақсад ҳамда вазифаларини аниқлаштириш, жумладан, ШХТ ҳеч қачон ҳарбий ёки ҳарбий-сиёсий ташкилотга айлантирилмаслигига оид таклифларни илгари сурди.

Ўша даврда оммавий ахборот воситаларида таъкидланганидек: Шанхай саммитининг аҳамияти шундаки, унда икки масала – хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларида яқдилликка эришилган эди. Айнан шулар янги ташкилотнинг «ҳамкорлик орқали хавфсизлик» шиорида ифодаланган фаолиятининг асосий тамойилларига айланди. Террористик хатти-ҳаракат ва шунга ўхшаш таҳдидлар вужудга келганда ўзаро ёрдам ва маслаҳатлашувга ҳуқуқий асос мавжудлиги ҳам ушбу тамойил мазмун-моҳиятига мос келади. Умуман олганда, қайси соҳаларда ҳамкорликнинг ривожланишидан қатъи назар, у миллий, минтақавий, бир сўз

билан айтганда, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий хавфсизликнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади.

Ташкилотнинг 2002 йил июнь ойида Санкт-Петербургда бўлиб ўтган саммитида унинг устав ҳужжати – ШХТ Хартияси қабул қилинди. Унда ташкилотнинг мақсадлари, вазифалари ва тамойиллари ҳамда ҳамкорлик йўналишлари акс эттирилган, Минтақавий антитеррористик тузилма (МАТТ) ҳақидаги Битим имзоланди. ШХТ доимий равишда ишлайдиган органи бўлган ушбу тузилма ҳуқуқ-тартибот идоралари ва махсус хизматларнинг терроризмга қарши курашдаги фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутди.

2003 йилнинг майида ШХТ Москвадаги саммитида давлат бошлиқлар Кенгаши, ҳукумат бошлиқлари Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, Миллий мувофиқлаштирувчилар Кенгаши, министрлик ва идоралар раҳбарлари Йиғини, Котибият, шунингдек, МАТТ ҳамда ШХТ котибияти қошидаги аъзо давлатларнинг доимий вакиллари ҳақидаги Низомлар тасдиқланди.

Давлат бошлиқлари томонидан Минтақавий антитеррористик тузилма Ижроия қўмитаси қароргоҳини Бишкекдан (Қирғизистон) Тошкент шаҳрига кўчириш, шунингдек, 2004 йил 1 январидан ташкилотнинг доимий фаолият юритувчи органлари – ШХТ Котибиятининг Пекин шаҳрида, МАТТ Ижроия қўмитасининг Тошкент шаҳри иш бошлаши ҳақида қарор қабул қилинди.

ШХТ Ташқи ишлар вазирлари Кенгашининг 2003 йил сентябрида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишида терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш Шанхай Конвенцияси, ШХТ Хартияси, аъзо давлатлар ўртасидаги МАТТ тўғрисида Битимга ўзгартириш киритиш протокол имзоланиб, тегишли коммюнике қабул қилинди.

ШХТ асосий мақсад ва вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аъзо давлатлар ўртасида ўзаро ишонч, дўстлик ва яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаш;

- минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, янги демократик, адолатли ва оқилона сиёсий ҳамда иқтисодий

халқаро тартибни шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида турли йўналишларда ҳамкорликни ривожлантириш;

- терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг барча кўринишларига қарши биргаликда кураш олиб бориш, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда трансмиллий жиноий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши курашиш;

- сиёсий, савдо-иқтисодий, муҳофаа, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш, табиатни муҳофаза этиш, маданий, илмий-техникавий таълим, энергетик, транспорт, молия-кредит ва бошқа соҳаларда самарали минтақавий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш;

- аъзо давлатлар халқлари турмуш даражаси ва шароитларини узлуксиз яхшилаш мақсадида тенг шерикчилик асосида минтақада ҳар томонлама ва барқарор иқтисодий ўсиш, ижтимоий ҳамда маданий тараққиётга кўмаклашиш;

- жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувда ёндашувларни мувофиқлаштириш;

- аъзо давлатларнинг халқаро мажбуриятлари ҳамда миллий қонунчилиига мос равишда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш;

- бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатларни йўлга қўйиш ва ривожлантириш;

- халқаро низоларни олдини олиш ҳамда уларни тинч йўл билан ҳал этилишида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш;

- XXI асрда вужудга келадиган муаммоларнинг ечимини биргаликда излаб топиш.

ШХТ аъзо давлат қуйидаги тамойилларга таянади:

- давлатлар суверенитети, мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги, давлат чегараларининг дахлсизлигини ҳурмат қилиш, тажовуз қилмаслик, ички ишларга аралашмаслик, халқаро муносабатларда куч ишлатиш ва куч билан тажовуз қилиш, чегара ҳудудларда бир томонлама устунликдан воз кечиш;

- барча аъзо давлатларнинг тенг ҳуқуқлилиги, ҳар бирининг нуқтаи назарини эътироф этиш ва ҳурмат қилиш асосида ягона ёндашувларни излаш;

- умумий манфаатлар доирасида биргаликдаги хатти-ҳаракатларни босқичма-босқич амалга ошириш;

- аъзо давлатлар ўртасидаги келишмовчиликларни тинч йўллар билан ҳал этиш;

- ШХТ бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотга қарши қаратилмагани;

- Хартия ҳамда ШХТ доирасида қабул қилинган бошқа ҳужжатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни тўлиқ ҳамда виждонан бажарилиши.

ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- минтақада тинчликни сақлаш, хавфсизлик ва ўзаро ишончни мустаҳкамлаш;

- барча аъзо давлатлар умумий манфаатлари мос бўлган Ташқи сиёсий масалалар юзасидан халқаро ташкилот ва халқаро форумларда яхлит нуқтаи назарни излаб топиш;

- терроризм, сепаратизм ва экстремизм, гиёҳванд моддалар ва қурол-яроғнинг ноқонуний савдоси ҳамда транснационал жиноий фаолиятнинг бошқа турлари, жумладан, ноқонуний миграцияга қарши биргаликда курашиш чоратадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

- қуролсизланиш ва қурол-яроғ устидан назорат қилиш масалаларида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш;

- минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг турли шакллари кўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, маҳсулот, капитал, хизматлар ва технологияларнинг эркин ҳаракат қилишини таъминлайдиган савдо ҳамда инвестициялар учун қулай шарт-шароит яратилишига қўмаклашиш;

- транспорт ва коммуникация соҳасидаги инфратузилмадан самарали фойдаланиш, аъзо давлатлар транзит имкониятларини такомиллаштириш, энергетика тизимини ривожлантириш;

- табиатдан, хусусан, минтақа сув захираларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, табиатни муҳофаза этиш борасида махсус дастур ва лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш;

- табиий ва техноген характердаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш ҳамда уларнинг оқибатларини бартараф этишда ўзаро ёрдам кўрсатиш;

- ШХТ доирасида ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган ҳуқуқий маълумотлар билан алмашиш;

- фан, техника, таълим, соғлиқни сақлаш, спорт ва туризм соҳаларида ўзаро муносабатларни кенгайтириш.

ШХТ аъзо давлатлар ўзаро келишув асосида ҳамкорлик соҳаларини кенгайтириши мумкин. Ўз мақсад ҳамда вазифаларини бажариш учун ШХТ доирасида давлат раҳбарлари Кенгаши, ҳукумат раҳбарлари (Бош вазирлар) Кенгаши, Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши, вазирлик ва (ёки) идоралар раҳбарлари Йиғилиши, Миллий мувофиқлаш-тирувчилар Кенгаши, минтақавий антитеррористик тузилма (МАТТ), Котибият фаолият юритади.

ШХТ мустаҳкамлаш, унинг доирасидаги иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашда 2003 йилнинг сентябрида Пекинда давлат раҳбарлари Кенгаши томонидан тасдиқланган ШХТ аъзо давлатлар ўртасида кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг истиқболли Дастури ғоят муҳим аҳамият касб этади. Ушбу ҳужжатда олти давлатнинг 2020 йилгача амалий фаолиятининг йўналишлари, мақсад ҳамда вазифалари қайд этилиши билан биргаликда, уларни амалга ошириш йўллари ва усуллари ҳам акс эттирилган.

Ўзбекистон ШХТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш, халқаро терроризм ҳамда минтақавий барқарорликка таҳдид солаётган бошқа хавф-хатарларга қарши курашишга қаратилган ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Айниқса иқтисодий соҳада, шу жумладан, минтақада транспорт коммуникацияларини ривожлантириш соҳасидаги кўп томонлама ҳамкорликни истиқболлари порлоқ.

Ўзбекистон ШХТ очиқлик, бошқа давлатлар ва уюшмаларга қарши бўлмаслик, халқаро ҳамкорликни кенг ривожлантиришга тайёр бўлиш каби тамойилларини изчил амалга ошириш тарафдори бўлиб келмоқда.

ШХТ 2004 йилнинг 17 июнидаги Тошкент саммити ушбу ташкилот шаклланишининг якуний босқичи бўлгани ҳам янги ташкилий тузилмалар ва институтлар фаолияти муайян маъно-мазмун касб этаётгани қайд этилди. Чунончи, Пекинда Котибият фаолият юрита бошлади, Тошкентда минтақавий антитеррористик марказ шакллантирилди. Ташқи ишлар вазирлари Кенгаши қўйилган вазифаларни изчиллик билан амалга оширмоқда. Миллий мувофиқлаштирувчилар Кенгаши муҳим амалий ишларни бажармоқда. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш фонди ҳамда ШХТ ишбилармонлар фондини шакллантириш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бошлаб юборилди.

Ушбу анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов мамлакатимиз Ташқи сиёсати конституцион концепциясининг асосий йўналишларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистоннинг муҳим ташаббусларини баён этди. Аввало, давлатимиз раҳбари минтақа мамлакатлари барқарорлигига таҳдид солаётган халқаро терроризм, экстремизм ва сепаратизм кучларининг фаоллашиб бораётгани катта хавотир уйғотаётганини таъкидлади. Бундан ташқари, коммуникация ва транспорт соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги хатти-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, сув-энергетика, хом ашё захиралари ҳамда инсон салоҳиятидан ҳар бир давлат ҳамда минтақа манфаатлари йўлида оқилона фойдаланиш; минтақага Ташқи инвестиция ва сармояларни жалб этиш билан боғлиқ бўлган долзарб масалалар кун тартибига қўйилди. Форумда хавфсизлик ва иқтисодиёт ШХТ асосини ташкил этиши лозим экани уқтирилди. Президентимиз фикрича, айнан ана шу икки асосга таяниб, ШХТ фаолиятининг самарадорлиги ва халқаро обрў-эътибори, шунингдек, унинг дунёдаги ўзгарувчан вазиятга мослашувчанлиги таъминланиши зарур.

Ўзбекистон халқаро терроризм, экстремизм, сепаратизм ва наркотрафикка қарши кураш ШХТ фаолиятини устувор йўналиши этиб белгиланганини шак-



шубҳасиз қўллаб-қувватлайди. Минтақавий антитеррористик марказ фаолияти айнан худди шу масалаларнинг ҳал этилишига қаратилган. Биринчи галда, нафрат ва терроризм ғояларини тарғиб этаётган турли радикал ва экстремистик марказларга қарши курашиш зарур экани таъкидланди.

ШХТ доирасида иқтисодий ҳамкорликни кучайтириш ҳақида тўхталиб, Президент Ислам Каримов ушбу масалани ҳал этишнинг асосий йўли сифатида Марказий Осиё умумий бозорини шакллантириш зарурлигига эътибор қаратади. Зеро, бу масаланинг ҳал этилиши минтақа мамлактлари ва халқлар туб манфаатларига мос келади. Россия, Хитой ва бошқа давлатларнинг фаол шериклик иштирокида умумий бозорнинг ташкил этилиши тор миллий доирадан ташқарида ягона ёндашув ва мувофиқлаштирилган қонуний меъёрлар амал қиладиган маҳсулот ва хизматлар, меҳнат ва капиталлар йирик бозорини шакллантиришга имкон беради.

Ўзбекистон Марказий Осиё ҳудудидан ўтадиган ҳамда ШХТ аъзо давлатларнинг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ), Европа Иттифоқи (ЕИ), Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларини йўлга қўйиш ва мустаҳкамлашга хизмат қиладиган йирик транспорт-коммуникация лойиҳалари, йўлак ва маршрутларни амалга оширишга қаратилган ғоя ва таклифларни қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги Қарорида тасдиқланган Ташқи сиёсий ва Ташқи иқтисодий соҳадаги ислохотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепциясига биноан ШХТ доирасида ўзаро алоқалар фаоллашмоқда. Бу ўринда эришилган натижалар қаторида фаолияти ман қилинган террористик, айирмачилик ва экстремистик ташкилотлар рўйхати ва шундай жиноятлари учун қидирилаётган шахслар рўйхатини тузиш тўғрисидаги Ўзбекистон ташаббусининг амалга оширила бошлангани, терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши ШХТ аъзо давлатларнинг ҳамкорлик Концепциясининг тасдиқланганини таъкидлаш мумкин. Ушбу ташкилот билан муносабатларда комплекс ёндашувни таъминлаш мақсадида

Ўзбекистонда ШХТ масалалари бўйича идоралараро мувофиқлаштириш комиссиясини ташкил этиш мўлжалланмоқда.

Бундан ташқари, «Шанхай Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши 2007-2009 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик Дастури» қабул қилинган. Аъзо давлатларнинг «Шарқ-антитеррор-2006» терроризмга қарши биргаликдаги машғулоти, терроризмга қарши биргаликдаги машғулоти, терроризмни молиялаштириш билан боғлиқ бўлган гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши симпозиумлар ўтказиб келинмоқда.

Ҳозирги вақтда ШХТ халқаро ҳамкорликнинг қудратли институти, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқаро терроризм, сепаратизм ва экстремизм, гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш каби замонавий хавф-хатар ва таҳдидларга қарши курашишнинг чинакам омилига айланиб бормоқда.

Айни пайтда минтақанинг бой захираларидан фойдаланишга қаратилган йирик савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникацион ва гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш борасида мавжуд барча имкониятлар ишга солинмоқда.

Ўзбекистоннинг ШХТнинг келгусидаги ривож ва фаолиятига ёндошуви куйидагича.

Аввало, Марказий Осиёда шиддат билан ўзгараётган вазиятга тайёр туриш лозим. Зеро алоҳида давлатларда ҳам, умуман минтақа доирасида ҳам барқарорликни издан чиқариши мумкин таҳдидлар хавфи сақланиб қолмоқда. Бунга интилаётганлар етарли куч ва захираларга эга. Шу боис минтақадаги ўзаро алоқалар ва ҳамкорлик тизими шундай йўлга қўйилиши керакки, ў ҳар қандай таҳдид ва хавф-хатарга дош бера олсин.

Айни пайтда, геосиёсий мақсадларни кўзлаган кучларнинг турли экстремистик ва айирмачилик тузилмалари билан бил бирикти-раётгани, шунингдек, радикал диний ташкилотлардан ўз мақсад-ларида фойдаланаётгани (эътиборлиси шундаки, бошқа вазиятда бу ташкилотлар террористик деб

аталади) намоён бўлмоқда. Бундай хатти-ҳаракатлар минтақада “бошқариладиган беқарорлик” деб номланган вазиятни вужудга келтириш, барқарорликни издан чиқариш, ўз тараққиёт моделини тикиштиришга йўналтирилган.

Минтақада халқаро терроризмнинг ҳамкори, бундаги вазиятни издан чиқараётган қудратли омил — гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва наркотрафикдир. БМТ маълумтоларига кўра, кейинги йиллар мобайнида гиёҳванд моддалар экин майдонлари кенгайиб, героин ишлаб чиқариш ҳажми тез суръатлар билан ортиб бормоқда. Айти пайтда гиёҳванд моддалар саноат асосида ишлаб чиқарилмоқда.

Афғонистонда жойлаштиришган чел эл контингенти бу жараёнларга деярли таъсир кўрсата олаётгани йўқ.

Буларнинг барчаси борган сари жиддий тус олаётган бу ўта хатарли таҳдидга қарши курашда ШХТ аъзо давлатлар саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишни тақозо этмоқда.

Рус сиёсатшуноси А.Миграняннинг таъкидлашича, минтақада ШХТ ва ЕврАзЭСнинг фаоллашуви жаҳон миқёсида глобал муво-занатнинг тикланишига, дунёдаги етакчи давлатларнинг хавфсизликка таҳдид солаётган замонавий хавф-хатарларга, биринчи галда, бутун минтақа барқарорликни издан чиқариши ва модернизация жараёнларини тўхтатиши мумкин бўлган диний экстремизмга қарши биргаликда кураш олиб боришига зарур шарт-шароит яратиб беради.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистоннинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотигаги иштироки.
2. ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишлари.
3. ШХТ асосий мақсад ва вазифалари.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Поздняков Э.А. Концепция баланса сил в международных отношениях. //Баланс сил в мировой политике: теория и практика. Сб. статей под ред. Э.А.Поздняков. ИМЭМО, 1993.
9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
- 10.Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
- 11.Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
- 12.Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
- 13.Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
- 14.Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
- 15.Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.

16. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
17. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

#### **4.4. Ўзбекистоннинг ЕврАзЭСда иштироки**

Бугунги глобаллашув шароитида ҳар бир давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий тараққиёти кўп жиҳатдан унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви, яқин ҳамкорлари билан ҳар бирининг фаровонлигини таъминлаш йўлидаги изчиллик ва масъулият билан биргаликда ҳаракат қилишига боғлиқ.

Маълумки, ҳар бир давлат Ташқи сиёсатнинг мазмун-моҳияти унинг бош мақсади — ўз миллий манфаатларини таъминлашда намоён бўлади. Президент И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузасида таъкидлаганидек, давлатимиз Ташқи сиёсатининг бош мақсади, мазмуни ва моҳияти — бу Ўзбекистон манфаатидир. Бинобарин, миллий манфаатларнинг бир-бирига мослиги яқин давлатлараро муносабатлар ўрнатилишининг асосий шarti бўлиши лозим.

Бошқа томондан, бундай қарор дунёнинг етакчи давлатлари манфаатлари марказида жойлашган Марказий Осиё минтақасидаги вазиятнинг тез суръатлар билан ўзгариб бораётгани билан изоҳланади. Вужудга келган вазият ҳудудимиз хавфсизлиги, демократик давлат қуриш йўлида бунёдкорлик фаолияти билан банд халқимизнинг тинчлиги ва фаровонлиги таъминлашни тақозо этмоқда. Фаровонлик ва хавфсизлик ҳар қандай давлатлараро ҳамкорликнинг, у қандай шаклда бўлишидан қатъи назар, бош мезони бўлиши шарт. Ана шу икки мезон республиканинг халқаро ташкилотларга интеграциялашуви, Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама дипломатияси мақсадлари ва мазмунини белгилайди.

Ўзбекистон ташаббуси билан Марказий Осиё мамлакатлари Ҳамкорлиги ташкилотининг ЕврАзЭС билан бирлашуви минтақавий интеграция алоқаларининг чуқурлашуви ҳамда аъзо давлатларнинг икки томонлама иқтисодий ҳамкорлиги ривожига ижобий таъсир этади. ЕврАзЭСда МОИХТ доирасида ишлаб чиқилган механизмларнинг қўлланиши муҳим аҳамият касб этади.

Шу маънода, ЕврАзЭС билан МОИХТнинг бирлашуви республика миллий манфаатлари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17-моддаси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсий фаолиятининг асосий тамойиллари”, “Ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида”ги Қонунлари, Миллий хавфсизлик концепция ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга тўлиқ мос келади.

Таниқли сиёсатшунос А.Мигранян таъкидлашича, Ўзбекистон раҳбариятининг ЕврАзЭСга қўшилиш ҳақидаги қарори шунчаки конъюнктура мулоҳазаларига эмас, мазкуз масалаланинг чуқур ва ҳар томонлама таҳлилига таянади. Вужудга келган вазиятда Президент Ислом Каримовнинг қарори — том маънода стратегик қарордир, чунки Россия билан иттифоқчилик алоқалари унга хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг янада юқорироқ даражасини таъминлайди(Мигранян А. Ташкент сделал стратегический выбор//Правда Востока , 2005 йил 23 ноябрь).

Бошқа томондан, Ўзбекистоннинг бу ташкилотга аъзолиги унинг барча иштирокчилари манфаатларига мос келади. Зеро Ўзбекистоннинг бу ташкилот ишида фаол иштирок этиши унинг салоҳиятини кучайтиради, ягона бозор, сув-энергетика ва бошқа соҳалардаги дастурларни амалга ошириш, кооперация алоқаларини йўлга қўйиш борасидаги масалаларни самарали ҳал қилиш имкониятини беради. Улкан саноат, аграр, меҳнат ресурсларига эга бўлган Ўзбекистон ЕврАзЭСнинг, жумладан, минтақада энергетика, транспорт, сув ва бошқа муаммоларнинг ҳал этиш имкониятларини кенгайтиради. Кўп марта таъкидланганидек, Россия ва Белоруссияда пахта, чорва маҳсулотлари, қорақўл,

полиз маҳсулотлари ва мева-забзавотларга катта эҳтиёж бор. Бундан ташқари, республика енгил ва оғир саноат, савдо, хизмат кўрсатиш ва транзит, коммуникациялар ва бошқа соҳаларда ҳам улкан салоҳиятга эга.

ЕврАзЭС ва МОИХТ бирлашуви муқаррар эди. Ўтган давр мобайнида ҳар икки ташкилот муайян тараққиёт йўлини босиб ўтди. Масалага холисона ёндошадиган бўлсак, бу икки ташкилотнинг мақсад ва вазифалари бир-биридан деярли фарқланмайди. Уларга аъзо бўлган давлат ҳақида ҳам шундай хулосага келиш мумкин. Масалан, МОИХТда Белоруссия аъзо бўлмаган, ЕврАзЭС эса — Ўзбекистон. Янги тузилма вақтни тежашга имкон яратади, ортиқча ташкилий ҳаражатларга барҳам беради. Шу тариқа икки томонлама алоқаларда салмоқли тажриба тўплаган, катта жўғрофий ҳудудни эгаллаган, улкан салоҳият ва имкониятларга эга бўлган мазкур минтақа давлатлари интеграциялашувнинг янги йўлини танлади (Народное слово, 2005 йил 8 октябрь).

Ушбу шартномага қўшилиши республика учун ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги истикболларини очади. ЕврАзЭСда иштирок этиш минтақавий ва минтақалараро доирада интеграция жараёнларининг жадал ривожланишига шароит яратади. Сўз, аввало, эркин савдо ҳудуди ва божхона иттифоқи ҳақида бораётир. Бу давлатлар ўртасида ишчи кучи, товар ва хизматлар ҳаракатига тўсиқ бўлмаслигини аниқлатади. Бунинг таъсирида кичик ва ўрта бизнес ривожига кенг йўл очилади. Божхона тўловлари учинчи мамлакатлардан келаётган маҳсулотлардан фақат бир марта ундирилади. Бу ўз навбатида маҳсулот ва хизматлар савдоси ҳамда уларнинг аъзо давлатлар ҳудудига кириш имкониятлари борасида ягона қоидаларни жорий этишни; ХСТ ва бошқа халқаро ташкилотлар билан муносабатларда ўзаро келишилган ёндошувларни ишлаб чиқишни; Ҳамжамиятнинг Ташқи чегараларида иқтисодий хавф-сизликнинг таъминланишини тақозо этади.

Аъзо давлатлар иқтисодиёти таркибий тузилишини келишилга ҳолда ўзгартириш; ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг дастурларини биргаликда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш иқтисодий сиёсат соҳасида устувор йўналишлар

ҳисобланади. Бунга, шунингдек, валюта-молия тизимларининг алоқалари, ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятига тенг шарт-шароит яратиш, транспорт хизматларининг ва энергетика соҳасида умумий бозорни шакллантиришни қўшиш мумкин.

Бундан ташқари, маданий ҳамкорликни йўлга қўйиш, Ҳамжамиятга аъзо давлатлар фуқароларига таълим олиш ва тиббий хизматдан фойдаланишда тенг имкониятлар яратиш, юксак малакали мутахассислар тайёрлаш борасидаги дастурларни ривожлантириш, фан ва маданиятни тараққий эттириш, шунингдек, иштирокчи давлатларнинг технологик мустақиллиги, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларининг Ташқи бозорларда рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қиладиган мураккаб илмий-тадқиқот масалаларининг ҳал этилишини тақозо этади.

Ҳуқуқий соҳада — миллий қонунчиликнинг яқинлашуви ва уйғунлашуви; Ҳамжамият доираси умумий ҳуқуқий маконни шакллантириш мақсадида аъзо давлатлар ҳуқуқий тизимлари алоқаларини таъминлаш.

ЕврАзЭС доирасидаги ҳамкорлик ялпи хавфсизликнинг самарали тизимини шакллантириш, геосиёсат ва геоиқтисодиёт соҳасидаги талай мураккаб муаммоларни биргаликда ҳал қилинишини англатади.

ЕврАзЭС — иқтисодий ташкилот. Шу билан бирга, минтақавий хавфсизликка йўналтирилган давлатларо тузилмалар фаолиятининг фаоллаштирмасдан, улар ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамламасдан иқтисодий алоқаларни ривожлантириш амри маҳол.

ЕврАзЭС — тез ривожланиб бораётган истиқболли ташкилот. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти бешта давлат: Беларусь, Қозоқистон, Қирғизистон, Россия ва Тожикистонни бирлаштириб турган Божхона иттифоқи негизида 2000 йилнинг 10 октябрида Остона шаҳрида ташкил этилган эди. Ҳамжамиятнинг асосий мақсади — Божхона иттифоқи ҳамда МДҲ давлатлари ҳудудида ягона иқтисодий маконни шакллантириш жараёнини жадаллаштиришдан иборат.



Ҳозирги вақтда унга олти давлат — Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон киради. Унинг умумий майдони 20,8 минг кв.км, аҳолиси эса 200 млн.кишини ташкил этади. Бундан ташқари, Арманистон, Молдавия ва Украина ЕврАзЭС фаолиятида кузатувчи мақомида иштирок этади.

ЕврАзЭС аъзо давлатлар томонидан ихтиёрий равишда берилган ваколатларга эга бўлган халқаро ҳуқуқнинг мустақил субъектидир. Ҳамжамият унга аъзо ҳар бир давлат ҳудудида ўз мақсад ва вазифаларини бажариши учун зарур бўлган ҳуқуқий қобилиятга эга бўлиб, бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан муносабатлар ўрнатиши ва улар билан шартномалар тузиши мумкин.

Белгиланган мақсад ҳамда вазифаларни амалга ошириш учун ЕврАзЭС доираси Давлатлараро Кенгаш, Интеграция Қўмитаси, Парламентлараро Ассамблея, Ҳамжамият суди ташкил этилган.

Давлатлараро кенгаш ЕврАзЭСнинг олий органи ҳисобланади. Унинг таркибига аъзо давлатлар бошлиқлари ва ҳукумат раҳбарлари киради.

Давлатлараро Кенгаш ҳамжамиятга аъзо давлатларнинг умумий манфаатларига дахлдор масалаларни кўриб чиқади, интеграцияни ривожлантириш стратегияси, йўналишлари ва истиқболларини белгилайди ҳамда ЕврАзЭСнинг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш борасида тегишли қарорлар қабул қилади.

Давлатлараро Кенгаш Интеграция қўмитасига топшириқлар беради, талабнома ва тавсиялар билан Парламентлараро Ассамблея ва Ҳамжамият Судига мурожаат этади. У ўзининг қарорлари билан Ҳамжамиятнинг ёрдамчи органларини ташкил этиши мумкин.

Давлатлараро Кенгаш давлатлар раҳбарлари даражасида йилида камида бир марта, ҳукумат раҳбарлари даражасида кимида икки марта йиғилади. Йиғилишлар Давлатлараро Кенгашда раислик қилаётган томон вакили томонидан бошқарилади.

Давлатлараро Кенгашнинг вазифалари ва ишлаш тартиби ЕврАзЭСга аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгаши томонидан тасдиқланган Низомда белгиланади.

Интеграция Қўмитаси ЕврАзЭСнинг доимий ишлайдиган органи ҳисобланади. Унинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: ЕврАзЭС органларининг ҳамкорлигини таъминлаш, Давлатлараро Кенгаш йиғилиши кун тартиби ва ўтказиш даражаси ҳақида таклифлар ва қарор лойиҳаларини тайёрлаш, ЕврАзЭС бюджети бўйича таклифлар тайёрлаш ва унинг бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, Давлатлараро Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини назорат қилиш.

Ўз вазифаларини бариш мақсадида Интеграция Қўмитаси қуйидагиларни амалга оширади:

- Шартномада белгилаган ҳамда Давлатлараро Кенгаш томонидан берилган ваколатлар доирасида қарорлар қабул қилади;
- Ҳар йили Давлатлараро Кенгашга Ҳамжамиятда ишлар бориши ҳамда унинг мақсад ва вазифаларининг амалга оширилиши ҳақида маъруза, ўз фаолияти ва ЕврАзЭС бюджетининг бажарилиши тўғрисида ҳисобот тақдим этади;
- Ҳамжамият мақсадларига эришишга қаратилган, шу жумладан, тегишли шартномалар тузиш, тарафларнинг муайян масалалар бўйича ягона сиёсат юритишига оид чора-тадбирларни кўриб чиқади ва зарур таклифларни ишлаб чиқади;
- Давлатлараро Кенгашга, Парламентлараро Ассамблея ва аъзо давлатлар ҳукуматларига ҳамда Ҳамжамият Судига тавсиялар ва сўровлар билан муурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Интеграция Қўмитаси таркибига ўзаро келишаётган тарафлар ҳукумат раҳбарларининг ўринбосарлари киради. Интеграция Қўмитасининг раиси Давлатлараро Кенгаш йиғилишларида иштирок этади.

Интеграция Қўмитасининг йиғилишлари уч ойда камида бир марта ўтказилади.

Интеграция Қўмитасида қарорлар кўпчилик овоз билан(учдан икки қисми) қабул қилинади. Агарда қарор учун барча тарафлар вакиллари овоз бериб, бу овозларнинг учдан икки қисмини ташкил этмаган тақдирда, масала Давлатлараро Кенгашга кўриб чиқиш учун берилади. Ўзбекистонни ЕврАзЭС қабул қилиш чоғида овозлар қўйидагича тақсимланган эди:

- Беларусь Республикаси — 20 овоз;
- Қозоғистон Республикаси — 20 овоз;
- Қирғизистон Республикаси — 10 овоз;
- Россия Федерацияси — 40 овоз;
- Тожикистон Республикаси — 10 овоз.

Ўзбекистон Республикасининг ЕврАзЭСга қабул қилинганидан кейин овозлар тақсимоти қўйидагича бўлди:

- Беларусь Республикаси — 15 овоз;
- Қозоғистон Республикаси — 15 овоз;
- Қирғизистон Республикаси — 7,5 овоз;
- Россия Федерацияси — 40 овоз;
- Тожикистон Республикаси — 7,5 овоз;
- Ўзбекистон Республикаси — 15 овоз.

Ҳамжамиятнинг бюджети ҳам шу тариқа, қўйидаги улуш тўловлари шкаласи бўйича шаклланади:

- Беларусь Республикаси — 15 %;
- Қозоғистон Республикаси — 15 %;
- Қирғизистон Республикаси — 7,5 %;
- Россия Федерацияси — 40 %;
- Тожикистон Республикаси — 7,5 %;
- Ўзбекистон Республикаси — 15 %.

Шунингдек, Ҳамжамият бюджети Давлатлараро Кенгаш қарори билан ҳар бир давлатнинг муайян дастурдаги иштирокига қараб белгиланадиган, Ҳамжамиятнинг давлатлараро мақсадли дастурлари ва бошқа тадбирларини

молиялаштиришга йўналтирилган аъзолик тўловлари ҳисобига шакллантирилади.

Интеграция Қўмитаси йиғилишлари оралиғида Ҳамжамият фаолияти давлат бошлиқлари томонидан тайинланадиган Доимий Вакиллар комиссияси томонидан амалга оширилади.

Давлатлараро Кенгаш ва Интеграция Қўмитасининг ишини ташкил этиш ва ахборот-техник жиҳатдан таъминлаш вазифаси Интеграция Қўмитаси Котибиятига зиммасига юклатилади.

Котибият Интеграция Қўмитаси тавсияси билан Давлатлараро Кенгаш томонидан уч йил муддатга тайинланадиган Бош котиб томонидан бошқарилади.

Бош котиб Ҳамжамиятнинг олий маъмурий мансабдор шахси ҳисобланади, у Давлатлараро Кенгаш ҳамда Интеграция Қўмитаси йиғилишларида иштирок этади.

Котибият аъзо давлатлар вакиллари орасидан келишаётган тарафларнинг Ҳамжамият бюджетига қўшаётган улушига қараб белгиланган квотага қўра ҳамда контракт асосида ишга қабул қилинадиган шахслардан шакллантирилади.

Аз хизмат вазифаларини бажариш чоғида Бош котиб ва Котибият ходимлари келишаётган тарафларнинг бирортасидан ҳамда Ҳамжамиятдан ташқаридаги ҳокимият идораларидан маълумот сураб олиш ёки улардан кўрсатма олишга ҳақли эмас. Фақат ЕврАзЭС олдида ҳисоб берадиган халқаро мансабдор шахслар сифатида улар ўз мавқеига салбий таъсир этиши мумкин бўлган ҳар қандай хатти-ҳаракатлардан тийилмоғи керак.

Келишаётган тарафлар Бош котиб ва Котибият ходимларининг халқаро мақомини ҳурмат қилиш ҳамда хизмат вазифалари бажариш чоғида уларга таъсир ўтказмаслик мажбуриятини зиммасига олади.

Интеграция Қўмитаси вазифалари ва ишлаш тартиби Давлатлараро Кенгаш томонидан тасдиқланадиган Низомда бегилаб қўйилган.

Парламентлараро Ассамлея ЕврАзЭС доирасида парламентлар ҳамкорлиги органи сифатида аъзо давлатлар миллий қонунчилигини уйғунлаштириш ҳамда

Ҳамжамият вазифалари амалга ошириш мақсадида уларни ЕврАзЭС доирасида имзоланган шартномалар билан мослиги таъминлаш масалалани кўриб чиқади.

Парламентлараро Ассамлея келишаётган тарафлар парламентлари томонидан тавсия этиладиган аъзоларидан ташкил топади.

Парламентлараро Ассамлея аз ваколатлари доирасида қуйидагиларни амалга оширади:

- Давлатлараро Кенгаш томонидан кўриб чиқиладиган ҳуқуқий муносабатларнинг етакчи соҳаларида қонунчилик асосларини ишлаб чиқади;
- миллий қонунчилик актларини қабул қилишда асос бўладиган бир хил андозадаги лойиҳаларни ишлаб чиқади;
- Давлатлараро Кенгаш, Интеграция Қўмитаси ва Ҳамжамият Судига тавсиялар ва сўровлар билан мувожабат этиши мумкин.

Парламентлараро Ассамблея ҳақидаги Низом Давлатлараро Кенгаш томонидан тасдиқланади.

Ҳамжамият суди келишаётган тарафлар томонидан мазкур шартнома ва ЕврАзЭС доирасида амал қилаётган бошқа шартномалар ҳамда ЕврАзЭС идоралари томонидан қабиқл қилинаётган қарорларнинг бир хил қўлланишини таъминлайди.

Шунингдек, Ҳамжамият суди ЕврАзЭС органлари томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилиши ва Ҳамжамият доирасида амал қилаётган шартномалар бўйича вужудга келган низоларни кўриб чиқади, улар бўйича тушунтиришлар ва хулосалар беради.

Ҳамжамият Суди келишаётган тарафлар томонидан тавсия қилинган икки вакилдан таркиб топади. Судьялар Давлатлараро Кенгаш тавсияси билан Парламентлараро Ассамлея томонидан олти йил муддатга тайинланади.

Ҳамжамият Судининг ташкил этилиши ва ишлаш тартиби Давлатлараро Кенгаш томонидан тасдиқладиган Статути билан белгиланади.

2006-2007 йй. Ҳамжамият доирасида Божхона иттифоқини шакллантириш масаласи кун тартибига кўйилган. Бундан иттифоқнинг энг муҳим жиҳатларидан бири — ЕврАзЭСнинг умумий божхона тарифи ҳисобланади. Ҳозирги вақтгача тарифларнинг аксарияти(тахминан 70 фоизи) ўзаро келишилган. Бирок, бу ўринда сўз фақат уч давлат: Белоруссия, Қозоғистон ва Россия ҳақида бормоқда. Масалан, Халқаро Савдо ташкилотига аъзо бўлган Қирғизистон бу ишда умуман иштирок этмаётир. Тожикистон эса 2006 йилнинг охирларида бу борадаги фаолиятга кўшилишга ваъда берган.

МОД ва ЕврАзЭСнинг бирлашувидаг анча илгари Белоруссия, Қозоғистон ва Россия ўз ҳудудида мустақил равишда бож ўрнатиладиган товарлар гуруҳини ажратишга қарор қилган эди. Бу ушбу мамлакатда ишлаб чиқарилмайдиган, аммо бозор ҳолати ва истеъмолчилар кайфиятига жиддий таъсир этадиган товарлардир. Белоруссияда 500 номда, Қозоғистонда — 600 та, Россияда — 700 яқин ана шундай товарлар белгилаган. Аста-секин бундай товарлар сони қисқариб бориши керак. Ташқи савдо айланмасидаги 100 фоиз товарлар номенклатураси бўйича келишувга эришиш идеал ҳолат ҳисобланади, аммо кўпинча давлатларнинг иқтисодий манфаатлари, баъзан эса форс-мажор ҳолатлар бунга йўл қўймайди.

Ўзбекистон Республикасининг ЕврАзЭСга аъзо бўлиши ташкилотнинг жадал ривожланиш даврига тўғри келди. 2005 йил 22 июндаги ЕврАзЭС саммити қарорига биноан, аъзо давлатлар иқтисодиёт ва молия вазирларидан иборат ЕврАзЭСнинг молиявий-иқтисодий Кенгаши тўғрисидаги Низом ишлаб чиқилган ва тасдиқланган. Европа Иттифоқида анчадан буён фаолият юритаётган ушбу институтнинг ЕврАзЭС доирасида ташкил этилиши истиқболда Ҳамжамият доирасида ягона иқтисодий маконнинг шакллантирилишига кўмак-лашмоғи лозим. Ҳозирги вақтда аъзо давлатлар ўртасида асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзаро келишиш тартиби тасдиқланган. Шунингдек, ЕврАзЭСга аъзо давлатларнинг ягона валюта бозорини ташкил этиш борасидаги ҳамкорлигига доир Битим тасдиқланди.

Ҳамжамиятга аъзо давлатлар Ташқи иқтисодий фаолиятида миллий валюталардан фойдаланиш доирасини кенгайтириш кўзда тутилмоқда. Қароргоҳи Олма-Отада жойлашган ва 1,5 млрд. низом жамғармасига эга бўлган Қозоғистон-россия Евроосиё банки ташкил этилган. Унинг фаолияти, биринчи навбатда, ЕврАзЭСга аъзо мамлакатларни қамраб олиши назарда тутилмоқда. Мазкур муассасасининг асосий вазифаси — кўшма лойиҳаларга инвестиция оқимини таъминлашдан иборат. Банк Президенти Россия томонидан, вице-президенти эса Қозоғистон томонидан тайинланган. Агарда банк сармояларининг 30 фоизини ЕврАзЭС аъзолари, 70 фоизини хорижий ва бошқа иштирокчилар таъминласа, имкониятлари бир неча баробар кенгайган ушбу банк Ҳамжамият барча аъзоларининг кўплаб инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш имкониятига эга бўлади.

Ўзбекистоннинг ЕврАзЭСга аъзо бўлиши 80 яқин кўп томонлама шартномавий-ҳуқуқий актларни қабул қилиш ва миллий қонунчилик меъёрлари билан уйғунлаштиришни тақозо этади. Улар жумласига Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти ташкил этиш тўғрисидаги Шартнома(Остона, 2000 йил 10 октябрь, давлатлараро даражада), Россия Федерация ва Беларусь Республикаси ўртасида Божхона иттифоқи тўғрисидаги Битим(Минск, 1995 йил 6 январь, ҳукуматлараро даражада) ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

ЕврАзЭСга аъзо бўлиб кираётган давлатнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти доирасида қабул қилинган халқаро шартномалар рўйхатига қуйидагиларни киритиш мумкин: иқтисодий ва гуманитар соҳаларда интеграцияни чуқурлаштириш; Транспорт иттифоқини ташкил этиш; транзитнинг ягона шартлари; Божхона иттифоқига аъзо давлатлар чегараларидан жисмоний шахсларининг кесиб ўтишда тенг ҳуқуқ ва эркинлигини таъминлаш; таълим, илмий даража ва унвонлар ҳақидаги ҳужжатларнинг тенглиги ва ўзаро тан олинishi; кичик бизнес билан шуғулланиш учун қулай шарт-шароит яратиб бериш; фуқароликка эга бўлишнинг соддалаштирилган тартибининг жорий этилиши; фуқароларнинг визасиз бориб-

келиши; оммавий ахборотни тарқатишда ҳамкорлик; Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо давлатларнинг ёқилғи-энергетика балансини биргаликда ишлаб чиқиш ва бошқ.

Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятини таъсис этиш тўғрисида шартнома ЕврАзЭСнинг асосий хужжати ҳисобланади. У ташкилотнинг мақсади, вазифалари, таркиби, тузилиши, ваколатлари ҳамда идораларининг вазифаларини белгилаб беради. Шартнома, шунингдек, қарор қабул қилиш ва ташкилотни молиялаштириш тартибини белгилайди (Ўзбекистоннинг бу ташкилотга аъзо бўлганидан кейин, 2000 йил 10 октябрьдаги Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти тўғрисидаги Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги Прото-колга биноан, бу нормаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган).

Жумладан, Шартномага биноан, асосий ташкилий жиҳатлар қуйидагилардан иборат: ЕврАзЭСга аъзо давлатлар халқларининг турмуш даражасини кўтариш борасида иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш асосида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг муштараклигини таъминлаш орқали жадал ривожланишга эришиш; Ҳамжамиятга аъзо давлатларнинг турли соҳаларда ҳамкорлик алоқаларини чуқурлаштириш мақсадида муносабатлар самарадорлигини ошириш; жаҳон иқтисодиёти ва халқаро савдо тизимига интеграциялашув жараёнида ёндошувларни мувофиқлаштириш; 1995 йил 6 январидан Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси ўртасида имзоланган Божхона иттифоқи тўғрисида, 1995 йил 20 январьдаги Божхона иттифоқи тўғрисидаги Битимлар, 1996 йил 29 мартдаги иқтисодий ва гуманитар соҳаларда интеграцияни чуқурлаштириш тўғрисидаги, 1999 йил 26 февралдаги Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий макон тўғрисидаги Шартномаларга биноан Ҳамжамиятга аъзо мамлакатлар томонидан ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг бажарилиши.

ЕврАзЭСнинг асосий мақсади — Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий маконни шакллантириш жараёнини муваффақиятли амалга ошириш,



шунингдек, юқорида тилга олинган Битим ва Шартномаларда кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифаларни амалга оширишдан иборат.

Ягона иқтисодий маконни шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад куйидагилардан иборат:

- маҳсулот, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг умумий(ички) бозорининг самарали амал қилишини таъминлаш;
- аҳоли турмуш даражасини оширишга қаратилган ЕврАзЭСга аъзо мамлакатлар иқтисодиётида тузилмавий ўзгаришларнинг барқарор ривожини таъминлаш учун шарт-шароит яратиш;
- ўзаро келишилган солиқ, пул-кредит, валюта-молия, савдо, божхона ва тариф сиёсатини амалга ошириш;
- ягона транспорт, энергетика ва ахборот тизимларини ривожлантириш;
- давлат томонидан иқтисодиёт тармоқларининг устувор йўналишлари, ишлаб чиқариш ва илмий-технологик кооперацияни ривожлантиришни қўлаб-қувватлаш умумий чора-тадбирлар тизимини яратиш.

Ягона иқтисодий маконни шакллантиришнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

- дискриминацияга йўл қўймаслик;
- ўзаро манфаат тамойили;

Ягона иқтисодий макон босқичма-босқич шакллантирилади. Босқичлар давомийлиги, ҳар босқичдаги тадбирлар мажмуи ва уларни амалга оширилиши Давлатлараро Кенгаш томонидан белгиланади.

Бир босқичдан иккинчисига ўтиш мазкур шартномада кўзда тутилган мақсадларга эришилгани ва тарафларнинг зиммасига олган вазифаларни бажариши билан белгиланади.

Биринчи босқичнинг мақсади — Божхона иттифоқи ва ягона божхона маконини шакллантиришни якунига етказишдан иборат.

Иккинчи босқич маҳсулот, хизматлар, капитал ва ишчи кучининг умумий бозорини шакллантириш, ўзаро келишилган иқтисодий сиёсат юритиш ва ягона

инфратузилмани вужудга келтириш, иштирокчилар миллий қонунчилигини уйғунлаштирилишини яқунлашни ўз ичига олган Ягона иқтисодий маконни барпо этишни тақозо этади.

Иқтисодий ҳамкорликнинг кейинги босқичларида ЕврАзЭСга аъзо мамлакатлар асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўзаро келишувга эришишга интилади.

Маҳсулотларнинг эркин савдоси деганда, нималар тушунилади? Аввало, тарафлар эркин савдога оид амалдаги икки томонлама ва кўп томонлама битимларга биноан ўзаро савдода тўлиқ ҳажмда эркин савдо қилиш имкониятини яратиб бериши лозим.

Маҳсулотлар эркин савдоси тартибини жорий этиш қуйидаги мақсадлар кўзланади:

- ЕврАзЭСга аъзо бир давлат ҳудудида ишлаб чиқарилган ҳамда ташкилот азоларининг божхона ҳудудида эркин алмашиши кўзда тутилган маҳсулотнинг бошқасининг ҳудудига олиб киришда тариф ёки миқдорий чекланишларнинг қўлланилмаслиги;
- билвосита солиқларни ундиришнинг ягона тизимини қўллаш;
- халқаро ҳуқуқ ва меъёрлар ёки миллий қонунчилик нормаларига биноан ташкилотга аъзо бир давлат ҳудуддан бошқасига олиб кириладиган маҳсулотга нисбатан маълум муддатга ҳимоя чораларининг қўлланиши;
- ташкилотга аъзо мамлакатларнинг розилигисиз бир-бирига яратиб берган қулай шароитни унинг таркибига кирмайдиган бошқа, учинчи давлатга яратиб берилмаслиги;
- бир давлатнинг божхона ҳудудудан бошқасининг ҳудудига олиб ўтиладиган товарларга нисбатан дискриминацияга олиб келиши мумкин бўлган чеклаш ёки фискал тусдаги чоралардан икки томонлама воз кечиш;

Бундан ташқари, ушбу шартномага биноан, ташкилот аъзолари божхона иттифоқини шакллантириш ишини таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари эркин савдо режимининг амал қилиши, Ташқи савдо фаолиятининг ягона тартиб

асосида босқичма-босқич амалга оширилиши, Божхона иттифоқи тўғрисидаги битимларнинг умумий қоида ва тамойилларидан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг бажарилишини тасдиқлайди. Шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар халқаро меъёр ва қоидаларга таянган ҳолда савдо иқтисодий бирлашма сифатида қуйидаги хусусиятларга эга бўлган божхона иттифоқини ташкил этади:

- ягона божхона ҳудуди;
- умумий божхона тарифи;
- машкур шартномада кўзда тутилган ҳолатлардан ташқари, ўзаро савдода тариф ёки нотариф чеклашларга(лицензиялаштириш, квоталаштириш) йўл қўймайдиган режим;
- ички божхона ҳудудларида божхона назоратини чеклаш ёки келгусида умуман бекор қилиш;
- хўжалик юритишнинг универсал бозор тамойиллари ҳамда уйғунлаштирилган иқтисодий қонунчиликка таянган иқтисодиёт ва савдони бошқаришнинг бир хил механизмларини жорий этиш;
- бошқарув органлари;
- ягона божхона сиёсати ва ягона божхона режими.

Божхона иттифоқининг шаклланиш босқичида Интеграция Қўмитаси унинг ижроия органи ҳисобланади.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар ишлаб чиқариш потенциалидан самарали фойдаланиш, қулай инвестиция иқлимини вужудга келтириш, юқори самарали ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, келишилган монополияга қарши, ягона солиқ ва молия сиёсатини амалга ошириш, шунингдек, ягона иқтисодий макон доирасида адолатли рақобатга шароит яратиш имкониятини берадиган иқтисодиётдаги тузилмавий ўзгаришларнинг асосий йўналишлари ва босқичлари борасида ўзаро келишув асосида фаолият юритади.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар мамлакатларнинг барқарор иқтисодий тараққиётига зарур шарт-шароит яратади, уларнинг устувор тармоқлари ва

ишлаб чиқариш соҳаларини, ва мудофаа мажмуи корхоналарини конверсиялаш ва ислоҳ этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши таъминлайди.

Ўзаро рақобатни бузиши мумкин бўлган муайян корхоналар ёхуд маҳсулотларнинг айрим турларини ишлаб чиқаришга дотация (кўмак) ёки давлат захиралари ҳисобига субсидиялар берилиши ягона иқтисодий макон тамойилларига зид деб тан олинishi зарур. Аммо қуйидагилар бундан истсно бўлиши мумкин:

— айрим истеъмомчиларга дискриминациядан холи тарзда берилаётган ижтимоий ёрдам;

— фавқулодда ҳолатлар ёки табиий фалокатлар оқибатида етказилган зарарни қоплаш мақсадида берилган ёрдам;

— Турмуш даражаси муайян мамлакатдаги яшаш минимумидан пастрок бўлган ёки бандлик даражаси паст бўлган муайян мамлакат минтақасининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш мақсадида берилган ёрдам;

— Давлатлараро аҳамиятга эга лойиҳа ёки муайян мамлакат иқтисодиётидаги жиддий камчиликларни тузатиш мақсадида берилган ёрдам ва ҳ.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар ўзаро савдода маҳсулот йўналтирилган мамлакат тамойилига амал қилиб, билвосита солиқларни ундириш ягона тизимини қўллайди ва бунинг учун тегишли битимни имзолайди.

Ўзаро савдода импорт қилинаётган маҳсулотлардан олинаётган билвосита солиқлар ставкаси мамлакатнинг ичида худди шундай маҳсулотлардан олинадиган солиқ ставкасидан юқори бўлмаслиги зарур.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар иштирокчи мамлакатлар божхона ҳудудида ишлаб чиқариладиган ва олиб кириладиган акцизости маҳсулотлар рўйхатига таянаниб, ўзаро келишилган акциз сиёсатини амалга оширади.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар иқтисодиётининг давлат томонидан бошқарилиши институциал ўзгаришларни амалга ошириш, мулкдан самарали фойдаланиш, иқтисодиётнинг банк сектори билан муносабатларининг тартибга

солиниши, сармояларни жалб этишнинг янги механизмларининг яратилиши, давлатлараро ҳисоб-китобларнинг тартибга солинишига қаратилгандир.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар ўзларининг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда самарали бир-бирини тўлдирадиган ишлаб чиқаришни ташкил этишга интилади.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар хўжалик юритувчи субъектлар томонидан қуйидаги ҳолларда ўзининг устувор мавқеини суиистеъмол қилишга йўл қўймаслик борасида тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади:

- рақобатнинг инсофга зид бўлган усуллани қўллаш;
- истеъмолчилар манфаатларига зид равишда ишлаб чиқариш, бозорлар ва техник ривожланишни чеклаш;
- бошқа савдо шерикларга нисбатан бир хил қийматга эга бўлган савдо битимида хар хил шароитларни қўллаш.

Демпинг усуллари қўлланилганда зарар кўрган тараф аъзо давлатлар билан келишган ҳолда ҳамда ўз миллий қонунчилигида кўзда тутилган ҳимоя чораларини қўллашга ҳақлидир.

Аъзо давлатлар ўзаро келишилган аграр сиёсатини, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хом ашёни ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятини берадиган дастур ва лойиҳаларни биргаликда молиялаштиришни амалга оширади.

Яхлит аграр сиёсатини амалга оширишда аъзо давлатлар қуйидагиларни эътиборга олиши зарур:

- Шартномага аъзо давлатларнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш;
- қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш, ижтимоий тузилмаси ҳамда аъзо давлатларнинг табиий шарт-шароити билан белгиланган қишлоқ хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари;
- қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмасини такомиллаштириш.

Аъзо давлатлар бир-бирига хизмат бозорига миллий режим асосида киориш имкониятини яратади.

Аъзо давлатлар миллий хизматлар бозорига киришда мавжуд бўлган чеклашларни аста-секин ягона иқтисодий ҳудуд доирасида мазкур шартнома иштирокчилари — жисмоний ва юридик шахслар учун бекор қилинишига ҳаракат қилади. Шу мақсадда ЕврАзЭСга аъзо давлатлар умумэътироф этилган халқаро меъёр ва қоидаларга таянган ҳолда ягона иқтисодий ҳудуд доирасида хизматлар савдосини ривожлантириш умумий дастурини қабул қилади. ЕврАзЭСга аъзо давлатлар хизматлар савдоси борасида учинчи мамлакатлар билан муносабатларда ўзаро келишилган сиёсат юритади.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар ягона иқтисодий макон ичида иштирокчи мамлакатлар фуқароларининг эркин ҳарактланишини таъминлайди.

Эркин ҳаракатланиш иштирокчи мамлакатлар фуқароларига нисбатан ҳар қандай дискриминациянинг бекор қилиниши ва ишга жойлаштириш, рағбатлантириш ҳамда меҳнат шароитларининг бирхиллаштирилган ҳуқуқий режимини ташкил этишни тақозо этади.

Бу ўз навбатида қўйидаги имкониятларни вужудга келтиради:

— иштирокчи давлатлар ҳудудида эркин ҳаракатланиш, меҳнат фаолияти билан шуғулланиш;

— фуқароликка эга бўлиш ва ундан чиқишнинг энг соддалаштирилган тартибининг жорий этилиши;

— иштирокчи давлатларнинг бирида доимий яшаб келаётган фуқароларга мазкур давлат фуқароларига берилган ҳуқуқий мақомнинг берилиши;

— иштирокчи давлатлар фуқаросининг паспорти билан чегараларни эркин кесиб ўтиш;

— иштирокчи давлатлар чегарасидан валюта ҳамда бож тўловлари олинмайдиган юкларни олиб ўтишнинг ягона меъёрларини жорий этиш;

— иштирокчи давлатлар фуқароларига уларининг чегари=асини кесиб ўтишда қўлланадиган миллий режимни қўллаш;

— иштирокчи давлатларнинг бирида меҳнат фаолияти билан шуғулланганда, унинг фуқаролари бандлигини тартиб соладиган қонунчиликдан фойдаланиш;

— меҳнат фаолияти яқунлангандан сўнг иштирокчи давлатларнинг бирида қолиш.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар иштирокчи давлатлар ҳудудида меҳнат билан шуғулланаётган фуқароларнинг меҳнат стажи умумий меҳнат стажига, шу жумладан, пенсия ва нафақа белгиланаётганда, қўшиб ҳисобланиши тўғрисида келишиб олди.

Ташкилотга аъзо ҳар бир давлат ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб бошқа иштирокчилар билан келишмаган ҳолда турар жойини танлаш ҳуқуқи ва иқтисодий фаолият борасида қўшимча чеклашлар киритмаслик мажбуриятини зиммасига олади. Аксинча, ЕврАзЭСга аъзо давлатлар турар жойини танлаш ҳуқуқи ва иқтисодий фаолият юритиш, шу жумладан, иштирокчи мамлакатлар фуқаролари томонидан юридик шахсларни ташкил этиш борасида мавжуд чеклашларни босқичма-босқич бекор қилади.

Иштирокчи давлатлар учинчи мамлакатларга нисбатан, шу жумладан, чегараланмаган миграциянинг олдини олиш учун ягона виза сиёсатини амалга оширади ва мазкуур масала юзасида тегишли битим имзолайди.

Иштирокчи давлатлардан ҳар бири ўз ҳудудида бошқа иштирокчи мамлакат фуқароларига бепул малакали тиббий ёрдам кўрсатади ва бу борада тегишли битим тузади.

Интеграция Қўмитаси ижтимоий соҳадаги муаммоларни ўрганиш ва таҳлил этиш асосида Ҳукумат бошлиқлари Кенгашига қуйидаги масалалар юзасидан таклиф ва тавсиялар тақдим этади:

— бандлик;

— меҳнат қонунчилиги ва меҳнат шароитлари;

— касбий таълим ва малака ошириш;

— ижтимоий ҳимоянинг энг минимал андозаларини ишлаб чиқиш;

- ишлаб чиқаришда бахтсиз воқеалар ва касб касалликларини олдини олиш;
- Меҳнат гигиенаси;
- Касаба уюшмаларини ташкил этиш ва жамоа шартномаларини тузиш ҳуқуқи.

ЕврАзЭС аъзолари таълим, малака ошириш, мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, умумтаълим ва касб мактаблари, олий ўқув юртлиги ва аспирантурага ўқишга қабул қилишнинг ягона қонун-қоидалари ва шароитларини жорий этишнинг яхлит ўзаро келишилган тизимининг яратилишини, шунингдек, таълим, илмий даража ва илмий унвонларнинг ўзаро эътироф этилиши ва тенглигини таъминлайди.

ЕврАзЭС аъзолари валюталарнинг ўзаро конвертация қилиниши тўғрисидаги келишувни амалга ошира бориб, кундалик операциялар бўйича бошқа мамлакатлар валютасидан фойдаланиш, ягона валюта курсининг жорий этилиши, норезидент банкларнинг ички валюта бозорларига киритилиши, ваколатли банклар томонидан миллий валюталарни олиб кириш ва олиб чиқиш борасидаги чекловларнинг бекор қилиниши орқали бу соҳани янада либераллаштириш ишларини давом эттиради ҳамда Халқаро Валюта Фондининг 8-бандига қўшилади. Миллий валюта-молия тизимларининг ўзаро алоқаларини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида ЕврАзЭС аъзолари тегишли битимларни имзолайди.

ЕврАзЭС аъзолари икки томонлама солиққа тортиш амалиётига ҳамда даромад ва сармоядан солиқ тўлашдан бош тортишга барҳам беради ва миллий валюталар валюта курсини белгилаш механизмининг ўзаро келишиб олади.

Иштирокчи мамлакатлар давлатлараро ва тадбиркорлик соҳасида товар айланмаси, носавдо операциялар, транспорт, алоқа хизматлари ва бошқа соҳалар, шунингдек, банк ва тижорат кредитлари, валюта алмаштириш операциялари бўйича ҳисоб-китобларнинг давлат тулов тизимини шакллантиради.

ЕврАзЭСга аъзо ҳар бир мамлакат агарда капиталнинг ҳаракати ички капитал бозори фаолиятида бузилишларга сабаб бўлаётган бўлса, у ҳолда бошқа иштирокчиларни боҳобар қилган ҳолда капитал ҳаракати соҳасида вақтинчалик



ҳимоя чораларини қўллаши мумкин. Шу билан бирга, ЕврАзЭС аъзолари иштирокчи мамлакатларда иқтисодий вазият яхшиланиб борган сари капитал ҳаракатини либераллаштириш даражасини оширишга интилади. ЕврАзЭС аъзолари капитал ҳаракати билан боғлиқ кундалик тўловларда қийинчилик тўғдириши мумкин бўлган валюта операциялари соҳасижа қўшимча чекловларни киритмаслик мажбуриятини зиммасига олади. Ушбу банд қоидаларининг вақтинча қўлланмаслик ҳлатлари алоҳида битимлар орқали тартиб солинади.

ЕврАзЭС аъзолари ўзаро келишилган илмий-техникавий сиёсатни амалга оширади. Иштирокчилар илмий-технологик салоҳиятини интеграция қилиш ва ривожлантириш мақсадида миллий илмий тадқиқотлар, технологик ишланмаларни амалга ошири ва тажрибавий ишлаб чиқаришга оид устувор йўналишлар бўйича умумий дастур ишлаб чиқади.

ЕврАзЭС аъзолари иштирокчи давлатлар ҳудудида радио ва телевидение дастурлари, оммавий ахборот воситаларининг эркин тарқатилиши ва алмашуви, жисмоний ва юридик шахсларнинг телекоммуникация тизимларидан фойдаланиш, учинчи мамлакатлар билан ахборот алмашиши имкониятини таъминлайди.

ЕврАзЭС аъзолари мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этадиган иштирокчиларнинг қонунчилик ва бошқа меъёрий актларини яқинлаштириш ва бирхиллаштириш борасида биргаликда тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқади.

ЕврАзЭС аъзолари меъёрий актларини яқинлаштириш ва бирхиллаштириш мақсадида қуйидаги чора-тадбирларни амалга оширади:

- қонунчилик ва бошқа меъёрий актларни, шу жумладан, қонунлар ва бошқа нормаларга ўзгартириш киритиш борасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш;
- халқаро шартномаларни қабул қилиш;
- алоҳида модел актларни қабул қилиш;

— Давлатлараро Кенгаш ёки Хукуматлараро Кенгаш томонидан тегишли қарорлар қабул қилиниши;

— ЕврАзЭС иштирокчилари мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган ҳамда Давлатлараро Кенгаш томонидан тасдиқланадиган бошқа чора-тадбирлар.

Албатта, ЕврАзЭСда иштирок этиш мамлакатимизнинг ҳам, умуман минтақанинг манфаатларига ҳам тўлиқ мос келади. Чунки, сирасини айтганда, қудратли Ўзбекистон — бу нафақат Марказий Осиё минтақасида, балки бутун Евроосиёнинг улкан маконида барқарорлик ва фаровонлик кафолатидир.

Шу боис, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йиллариданок интеграция жараёнларини ҳар томонлама чуқурлаштириш тарафдори бўлиб келмоқда. Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконни шакллантириш, Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти ҳамда Марказий Осиё Ҳамкорлиги ташкилотлари ташкил борасидаги Ўзбекистоннинг ташаббуслари айнан ана шу мақсадни кўзлайди.

Бугунги кунда ЕврАзЭС — самарали фаолият юритаётган ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш шаклидаги давлатлараро кооперациянинг анча мукамал тузилмасини ўзида ифода этган ташкилот ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда унинг ташкилий тузилмасини янада такомиллаштириш борасида изчил саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон учун ажратилган квота бўйича мамлакатимизнинг ЕврАзЭСдаги доимий вакили(Бош котиб ўринбосари мақомида) тайинланди, Интеграция Қўмитаси ҳузурида кенгаш ва комиссияларга Ўзбекистон вакилларининг номзодлари тақдим этилган, бошқа лавозимларга номзодлар танлаш давом этмоқда.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Марказий Осиё мамлакатлари Ҳамкорлиги ташкилотининг (МOMХТ) ЕврАзЭС билан бирлашув сабаблари.
2. ЕврАзЭС ни шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад.
3. ЕврАзЭС асосий мақсад ва вазифалари.

## Адабиётлар

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Поздняков Э.А. Концепция баланса сил в международных отношениях. //Баланс сил в мировой политике: теория и практика. Сб. статей под ред. Э.А.Поздняков. ИМЭМО, 1993.
9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
10. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
11. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
12. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
13. Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.

14. Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
15. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
16. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
17. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

#### **4.5. Ўзбекистоннинг МДХ доирасидаги хамкорлик алоқалари**

Ҳам икки томонлама асосда, ҳам минтақавий интеграциялашув ва бошқа ташкилотлар доирасида яқин шериклари бўлган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги билан ҳар томонлама тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатлари алоқаларнинг ривожланиши Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги миллий манфаатларига тўлиқ мос келади. МДХ собиқ иттифоқ республикалари ўртасидаги кўп томонлама алоқаларнинг сақланиб қолиши, барча даражада алоқаларнинг самарали механизмини ҳамда ҳамкорлоикнинг янги шакллари тартибга солишда ижобий таъсирини намоен этди. Бинобарин, унинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқда, дейишга асос йўқ. Бироқ, мазкур ташкилотни жиддий ислох этишни ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда.

МДХга ким қандай баҳо бермасин, у давлатлар ўртасидаги процедура масалаларинигина эмас, балки собиқ иттифоқ мамлакатлари ўртасидаги мураккаб, ЕврАзЭСга аъзо бўлмаган(масалан, ГУАМга кирган) давлатлар ўртасидаги ўта кескин масалаларни ҳал этиш борасида ўзига хос сиёсий макон вазифасини ўтаганини инкор этиш қийин.

1991 йилнинг 8 декабрида Белоруссия ҳукуматининг Вискуля қароргоҳида Беларус Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина раҳбарлари Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини(МДҲ) ташкил этиш тўғрисидаги битимга имзо чекди.

1991 йилнинг 21 декабрида Олма-Отада 11 суверен давлат раҳбарлари(Болтиқбўйи давлатлари ва Грузиядан ташқари) томонидан мазкур битим Протоколини имзолаб, Озарбойжон Республикаси, Арманистон Республикаси, Беларусь Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Молдова Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси, Туркманистон, Ўзбекистон Республикаси ва Украина ўзаро тенглик асосида Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ташкил этишини эълон қилди.

Кейинроқ, 1993 йилнинг декабрида Ҳамдўстликка Грузия ҳам қўшилди.

Ҳамдўстлик барча аъзоларининг суверен тенглигига асосланган. Ҳамдўстликка аъзо давлатлар халқаро ҳуқуқнинг мустақил ва тенг субъектлари ҳисобланади. МДҲ давлат ҳисобланмайди ва давлатлардан юқорироқ мавқега эга бўлмайди.

Мамлакатларнинг МДҲ доирасидаги алоқалари унинг мувофиқлаштирувчи институтлари: 1993 йилда Минскда қабул қилинган МДҲ Устави асосида фаолият юритадиган давлатлар раҳбарлари Кенгаши, ҳукуматларлар раҳбарлари Кенгаши, Ижроия Котибият ва бошқ. орқали амалга оширилади.

Уставда давлатларнинг аъзолик шартлари, ташкилотнинг мақсад ва вазифалари баён этилган.

МДҲ ташкил этилганидан буён Ўзбекистон иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, янги асосда хўжалик алоқаларини сақлаб қолиш, ушбу жараёнларнинг сиёсийлаштирмаслик, сунъий равишда жадаллаштирмаслик, бир-бирига тазйиқ ўтказмаслик тарафдори бўлиб келди.

Ҳамкорлик давомида сиёсий мустақиллик ва давлат суверенитетини сақлаб қолган ҳолда иқтисодий интеграциялашув формуласи ишлаб чиқилди.

Ўзбекистоннинг МДХга нисбатан муносабати қуйидагилардан иборат:

1. Барча аъзо давлатларнинг манфаатларини инобатга олган ҳолда тенг шерикликка асосланган иқтисодий интеграция бош устувор мақсад бўлиб қолиши зарур.

2. Ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилишга интилаётган давлатлар ихтиёрийлик тамойилига қатъий амал қилиши керак.

Ўтган вақт мобайнида МДХ доирасидаги алоқалар таҳлили ана шу мураккаб ва ўта масъулиятли давр Ҳамжамият давлатларининг икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорликнинг барча соҳаларида ўзаро манфаатли ва тенг ҳамкорликка кенг имкониятлар мавжудлигини намоён этди. Янги мустақил давлатларнинг шаклланиши ва мустаҳкамланишига зарур шарт-шароит яратиб бериш нуктаи назаридан МДХ ўзининг муҳим тарихий вазифасини бажарди. Айнан МДХ туфайли тинч йўл билан, тадрижий ривожланиш орқали янги мустақил давлатлар ўртасидаги алоқаларнинг ҳуқуқий, ташкилий ва бошқа шарт-шароит ва омиллари вужудга келтирилди.

Ҳозирги вақтда ҳам МДХ 12 давлатнинг умумий ва ўз миллий манфаатларига таяниб, ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш имкониятини яратиб бераётган муҳим халқаро тузилма бўлиб қолаётир.

Мамлакатимиз миллий манфаатларидан келиб чиққан ҳолда МДХ доирасидаги давлатлараро алоқаларнинг қуйидаги асосий йўналишлари Ўзбекистон учун устувор аҳамият касб этади:

- олдинги босқич мақсадига эришилмагунча интеграция босқичларидан “сакрашларсиз” Ҳамдўстлик доирасида тўлақонли эркин савдо ҳудудини шакллантириш;
- савдо-иқтисодий ҳамкорлик самарадорлигини ошириш;
- Товарларнинг эркин ҳаракатини таъминлаш.

Ўзбекистон назарида, МДХ барча давлатлар учун максимал даражада ижтимоий-хўжалик самарадорлигига эришиш мақсадида иқтисодий жараёнларни бошқариш макони, мувофиқлаштирувчи ва ахборот билан

таъминлов вазифасини бажариши керак. Бу МДХ жаҳон хўжалик тизимига босқичма-босқич киришига имкон яратади.

МДХ ҳудудида эркин савдо зонасининг ташкил этилиши барча давлатларда тўлақонли борзор инфратузилмасини шакллантириш ва хўжалик алоқаларининг юқорироқ босқичига чиқиш нуктаи назаридан объектив зарурат ҳисобланади. МДХ аъзо ҳар бир давлат интеграциялашув даражаси, жаҳон хўжалик алоқаларига уйғунлашув мақсад ва йўллари ҳамда иқтисодий зарурат нуктаи назаридан ёндошиб, МДХ доирасидаги интеграциялашувнинг навбатдаги босқичида ва минтақавий бирлашмаларда иштирок этиш масаласини мустақил ҳал этмоғи даркор.

МДХ доирасидаги ҳамкорлик самарадорлигининг муҳим омили — қабул қилинаётган қарорларнинг бажарилишини таъминлашдир. Таъкидлаш жоизки, МДХ қарорлар одатда бир овозда қабул қилинса-да, уларни бажаришда мажбурийлик кўзда тутилмаган. Ҳамдўстлик тадбирларида иштирок этиш ҳам мажбурий эмас.

Шу тариқа, қарорлар барча давлатларнинг манфаатларига мос келсагина, бажарилади. Масалан, дипломларнинг ўзаро тан олиниши тўғрисида қарор қабул қилинди. МДХ давлатлари раҳбарларининг аксарияти миллий ўқув ютларини тамомламагани сабабли, бу қарор изчиллик билан бажарилади. МДХ доирасида қабул қилинган бирлашган қуролли кучларни ташкил этиш тўғрисидаги илк қарорлардан бири кўпчилик давлатларнинг манфаатларига мос келмагани учун бажилмасдан келди.

Қарорларнинг бажарилмаслиги учун жазолаш механизми кўзда тутилган ЕврАзЭСдан фарқли ўлароқ, МДХда бундай механизм мавжуд эмас. Қайсидир маънода, МДХни минтақавий бирлашмаларнинг ташкил этилишига тўсқинлик қилмаслик майдончаси деб ҳисоблаш мумкин.

МДХ кўплаб давлатлар аъзо бўлган. Шу негизда интеграция даражаси янада юқорироқ ҳамда бунга тайёр бўлган мамлакатлар иштирокидаги ташкилотни шакллантириш жараёни бораётир.

Бош прокурорлар мувофиқлаштириш кенгаши, ишки ишлар министрлар кенгаши, хавфсизлик ва махсус идоралар раҳбарлари кенгаши, чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши, солиқ(молиявий) қидирувлари органлари раҳбарлари кенгаши, божхона хизматлари раҳбарларининг кенгашидан иборат МДХ ҳуқуқ-тартибот идоралари раҳбарларининг мувофиқлаштирувчи йиғилиши доирасида ҳамкорликни фаоллаштириш мақсадида 2005 йилнинг августида Ташқи ишлар вазирларликлари раҳбарларининг иштирокида бир қанча қарорлар қабул қилинди.

Жумладан, МДХ Иқтисодий Кенгаши ва унинг ҳузуридаги иқтисодий масалалар бўйича Комиссиясининг Ҳамдўстлик олий органларининг иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш борасидаги масъулиятини ошириш бўйича қарор қабул қилинди.

Шунингдек, ахборот-прогноз ва таҳлилий хизматлар ишини кучайтириш зарур деб топилди. 2006 йилнинг 1 январигача МДХ доирасидаги ҳарбий соҳада ҳамкорликни мувофиқлаштириш Штаби(50 кишидан иборат) тугатилди. Унинг вазифаси 20 кишидан иборат МДХ мудофаа вазирлари кенгаши зиммасига юклатилди. Бу тузулма МДХ доирасидаги ҳарбий соҳада ҳамкорликни мувофиқлаштириш Штабининг ҳуқуқий меросхўри сифатида, юридик шахс ҳисобланади.

2006 йил Ҳамдўстлик ривожидан янги даврни бошлаб берди. Ҳамон турли даражада, шу жумладан, илмий доираларда доираларда унинг самарадорлигини ошириш масаласи кенгмуҳокама этилмоқда. 2006 йилнинг июнида Арманистоннинг Цахкадзор шаҳрида МДХ йили доирасида “МДХ давлатлар ҳамкорлигининг янги тузулмаси сифатида: ютуқлар ва ривожланиш истиқболлари” мавзуидаги илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Аксарият иштирокчилар ҳозирги вақтда бу ташкилот мураккаб дарни бошдан кечираётганини таъкидлаган бўлса-да, улар ташкил этилган кейинги 15 йиллик даврни аъзо мамлакатлар давлат қурилиши жараёнини якунига етказган сермахсул, самарали давр дея хулоса қилди. Ўтган давр Ҳамдўстлик доирасидаги



ҳамкорлик замонавий таҳдидларга жавоб бера оладиган, янги тамойил ва вазифалар таянган интеграциялашувнинг янада юқори даражасига замин ҳозирлади. Шунингдек, конференцияда 15 йил мобайнида дунё, воқеликда жиддий ўзгаришлар юз берди, ҳатто БМТ ва ОБСЕ сингари нуфузли халқаро ташкилотлар ҳам ислоҳ этилмоқда. Шу боис ҳозирги даврнинг асосий вазифаси — мазкур ташкилотни янада такомиллаштириш ва фаолиятининг кейинги йўналишларини белгилаб олишдан иборатди.

МДҲ Ижроия қўмитаси ижроия котиби В.Б.Рушайлонинг таъкидлашича, ўтган 15 йил мобайнида давлатлараро ва ҳуку-матлараро алоқаларда вужудга келган механизм ҳар бир давлатнинг интеграция жараёнларида унинг миллий манфаатларига мос келадиган даражада ва йўналишларда иштирок этиш имконияти туғилди. У бугунги кун тадаблари тўлиқ жавоб берадими? Албатта, йўқ. Давлат раҳбарлари томонидан ҳам бу таъкидланди. 2004 йилнинг сентябрида Остонада ва 2005 йилнинг августида Қозонда бўлиб ўтган давлат бош-лиқлари Кенгаши йиғилишларида МДҲ идораларини такомил-лаштириш ва ислоҳ этиш масаласи кўтарилди. Аммо МДҲ ислоҳ этиш бир дақиқалик иш эмаслиги ва бунинг учун маълум вақт талаб этилиши борасида ҳам умумий фикр мавжуд.

Ҳамдўстлик доираси йирик иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этиш учун катта имкониятлар бор. Бу муаммолар ҳамдўстлик давлатларининг аксариятига хосдир. Масалан, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, янги инновация тараққиёт йўлига ўтиш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, қашшоқликни тугатиш шулар жумласидандир. Сўнгги 5 йил ичида иқтисодиётда сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Масалан, ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги ўзаро савдо ҳажми 2,5 баробар ошди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу кўрсаткич бошқа мамлакатларга нисбатан олганда ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида тез суръатлар билан ўсиб бораётгани кўзга ташланади. Умуман ҳамдўстлик бўйича истеъмол нархларининг ошиши секинлашмоқда, ишсизлик даражаси барқарорлашмоқда. Аҳолининг реал даромадлари ошиб бораётир.

Иқтисодиёт тараққиётнинг устувор йўналиши бўлиб қолмоқда. Ҳозирги вақтда жаҳон ҳамжамияти ва МДХ мамлакатлари глобал тусдаги турли таҳдид ва хавф-хатарларга дуч келмоқда. Шу боис саъй-ҳаракатларни бирлаштирмасдан халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркобизнес, техноген фалокатлар, табиий офатлар оқибатларига қарши самарали курашиб бўлмайди. Ҳамдўстликнинг интеграция тараққиёти тажрибаси МДХ мамлакатлари ва органларининг хавфсизлик соҳасида ҳамкорлиги ғоят муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда МДХ замонавий таҳдид ва хавф-хатарларга биргаликда кураш олиб бориш соҳасида кўплаб битимлар яратилиб, амалиётга татбиқ этилмоқда.

Ҳозирги даврда иқтисодий ҳамкорлик, савдо ва инвестиция фаолияти соҳасида, шунингдек Ҳамдўстлик халқлари ўртасидаги азалий маданий, маънавий, илмий-техникавий алоқаларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МДХ давлатлари раҳбарлари томонидан Қозон шаҳрида “2006 йил — Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги йили”, деб эълон қилиниши, уларнинг Ҳамдўстликни сақлаб қолишдан манфаатдор эканлигини яна бир бор тасдиқлади. Шунингдек, давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини ҳам белдилаб берди: иқтисодий интеграцияни чуқурлаштириш, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, гуманитар соҳада ҳамкорликни ривожлантириш.

Бугунги кунда МДХ ислоҳ этишнинг асосий йўналиши — ҳамкорлик самарадорлигини ошириш деб белгиланган. Ҳамдўстликни ислоҳ этишнинг муваффақияти, барқарорлик, иқтисодий тараққиёт ва кишилар фаровонлиги айнан шу омилга боғлиқдир.

Ҳамдўстлик давлат раҳбарлари ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишдан манфаатдор эканини тасдиқламоқда. Россия Федерациясининг таклифи билан МДХ фаолияти самарадорлигини ошириш ва Ҳамдўстликни ислоҳ этиш борасидаги вазифаларни амалга оширишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқадиган юқори даражадаги гуруҳни ташкил этиш бўйича қарор қабул қилинди. Бу гуруҳ ўз тавсияларини шу йилнинг ўзидаёқ

давлатлар бошлиқлари кенгашига тақдим этади. МДХ органларини такомиллаштириш тўғрисида қарор МДХ ислоҳ этиш йўлидаги дастлабки қадамдир. Қозонда давлат раҳбарлари 14 моддадан иборат таклифлар пакетини тасдиқлади. Айни пайтда МДХ Ижроия қўмитаси тузилмасини такомиллаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Шу маънода, бугунги кунда таҳлилий фаолият, интеграция жараёнлари ривожини прогноз қилиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу вазифа, аввало, Давлатлараро Статистика қўмитаси зиммасига юклатилади. Шунингдек, Иқтисодий Кенгаш ишини ҳам фаоллаштиришга зарурат туғилмоқда. Ҳозирги вақтнинг ўзидаёқ давлатларнинг Ҳамдўстлик идоралардаги доимий вакилларининг ваколатлари ва масъулияти оширилди.

Тармоқ кенгашлари фаолияти самарадорлигини баҳолаш борасидаги ишлар ҳам давом эттирилади. Уларнинг айрим бугунги кундаёқ ўз натижасини бермоқда. Масалан, алоқа бўйича кенгаш ишида Ҳамдўстлик мамлакатлари билан биргаликда Болтиқбўйи давлатлари, Германия, Дания вакиллари иштирок этмоқда. Темир йўл тарнспорти кенгаши таркибига Болтиқбўйи давлатлари, Болгария, кузатувчи сифатида Финляндия иштирок этади. Нефть ва газ кенгаши ишида — Венгрия, Руминия, Словакия, Чехия вакиллари қатнашмоқда. Аммо тармоқ кенгашлари доирасидаги ҳамкорлик суръатларини янада ошириш талаб этилмоқда.

МДХ мамлакатлари ривожигаги шубҳасиз ниҳоятда мураккаб давр — 90-йиллар тарихий тажрибаси улар бир-бирига керак эканини кўрсатди. Бу йилларга келиб, собиқ иттифоқ даврида республикалар ўртасидаги ўзаро товар айрбошлаш ҳажмига нисбатан олганда пасайиш кузатилиши, учинчи мамлакатлар билан Ташқи иқтисодий алоқалар ўрнатилиши МДХ доирасида интеграциялашувнинг объектив негизлари бой берилганини англамайди. Ўзаро яқинлашув ва интеграция жараёнларининг кийин кечиши, биринчи галда, аввалги меҳнат тақсимотининг номақбуллиги, ислоҳотлар даврининг қийинчиликлари ҳамда МДХ мамлакатлари сиёсий тараққиётининг хусусиятлари билан изоҳланади.

Ҳозирги вақтда бу ўзгаришлар жараёни якунига етаётгани ва МДХ давлатларининг бир-бирига интилиши кучайиб бораётганини кузатиш мумкин. Бинобарин, МДХ давлатларида тизимий ислохотлар якунига етиб, иқтисодиёт барқарор ривожлана бошлагач, интеграция жараёнларининг янада кучайишига объектив шарт-шароит вужудга келади.

### **Такрорлаш учун саволлар**

1. Ўзбекистоннинг МДХдаги иштироки.
2. МДХ доирасидаги ҳамкорлик самарадорлигининг муҳим омили.
3. МДХнинг асосий мақсад ва вазифалари.

### **Адабиётлар**

1. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т., Ўзбекистон, 2005.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. Т.: Ўзбекистон, 1996,
3. Каримов И.А. Биз танлаган йўл — демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2003.
4. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
5. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар, деб ҳисоблашар эди. – Т., Ўзбекистон, 2005.
6. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд Т. Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд, Тошкент, “Ўзбекистон”, 1998.
8. Поздняков Э.А. Концепция баланса сил в международных отношениях. //Баланс сил в мировой политике: теория и практика. Сб. статей под ред. Э.А.Поздняков. ИМЭМО, 1993.

9. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
10. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
11. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.
12. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
13. Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
14. Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997.
15. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
16. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
17. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997

### **Фан юзасидан тавсия этиладиган адабиётлар**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истилол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан олинсин. 2-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.
3. Каримов И.А. Ватан саждаго<sup>3</sup> каби му<sup>о</sup>аддасдир. 3-жилд- Т., Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4-жилд. Т., Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. Т., Ўзбекистон, 1997.

6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва бар<sup>о</sup>арор тара<sup>о</sup>иёт й<sup>с</sup>лида. 6-жилд. Т., Ўзбекистон, 1998.
7. Каримов И.А. Биз келажакимизни <sup>с</sup>з <sup>о</sup>слимиз билан <sup>о</sup>урамиз. 7-жилд. Т., Ўзбекистон, 1999.
8. Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровои <sup>а</sup>ёт — пировард ма<sup>о</sup>садимиз. 8-жилд. Т., збекистон, 2000.
9. Каримов И.А. Ватан равна<sup>о</sup>и учун <sup>а</sup>р биримиз масъулмиз. 9-жилд. Т., Ўзбекистон, 2001.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмо<sup>о</sup> керак. 10-жилд. Т., Ўзбекистон, 2002.
11. Каримов И.А. Биз танлаган й<sup>с</sup>л демократик тара<sup>о</sup>иёт. 11-жилд. Т., Ўзбекистон, 2003.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз <sup>с</sup>з куч-<sup>о</sup>удратимизга, <sup>а</sup>мжи<sup>а</sup>тлигимиз ва <sup>о</sup>ат<sup>ий</sup> иродаимизга бо<sup>1</sup>/<sub>4</sub>ли<sup>о</sup>. 12-жилд. Т., Ўзбекистон, 2004.

1. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Низоми.
2. Бирлашган миллатлар ташкилоти. Асосий омиллар. -Т., 2001.
3. Америка Қўшма Штатлари. – Т., Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти нашриёти., 2003
4. Америкага ташриф. – Т., Ўзбекистон, 2003
5. Ўзбекистонда политология, - Т., Ўзбекистон, 2002.
6. Юнусов Х. Ўзбекистон – сиёсий ислохотлар ва жаҳон тажрибаси. – Т., Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети нашриёти, 2002.
7. Дипломатия Республики Узбекистан. Нормативные документы. «Жаҳон». 1997.
8. Мирқосимов С.М., Рахимова М.А. Дипломатическая служба: теория и практика. Из-во Академия, 2004.
9. Стратегик ҳамкорлик. – Т., Шарқ, 2004.

10. Касымов А., Васькин И. Основные направления внешней политики Республики Узбекистан. – Т., Узбекистан, 1993 г.
11. Моисеев Е.Г. Международно-правовые основы сотрудничества стран СНГ. — М.: Юристъ, 1997.
12. Лебедева М.М. Мировая политика: проблемы и тенденции развития. – М. 2000.
13. С.В.Бирюков, Политика России в отношении новых независимых государств: проблема выбора стратегии, // Журнал «Восток», N1, 2001.
14. Дектярев В. Мы долго шли навстречу друг другу// Правда Востока, 2002, 7 февраля.
15. Mearshimer John. The Tragedy of great power politics. – N.Y, London.
16. . Цыганков П.А. Теория международных отношений. Хрестоматия. – М. 2003.
17. Фельдман Д.М. Конфликты в мировой политике. – М. 1997

### **Курс бўйича реферат ва мустақил иш мавзулари**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг ҳуқуқий асослари.
2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг назарий асослари.
3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг иқтисодий асослари.
4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг маънавий асослари.
5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг ижтимоий асослари.
6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг асосий тамойиллари.
7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг асосий мақсади.
8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари.
9. Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва нуфузи.
10. Ўзбекистон жаҳон сиёсати ва халқаро муносабатларнинг фаол иштирокчиси.
11. Дипломатик хизмат асослари.

12. Халқаро муносабатлар ва дипломатия.
13. Ташқи алоқалар давлат органлари турлари ва вазифалари.
14. Ташқи алоқалар марказий органлари.
15. Ташқи ишлар вазирлиги.
16. Ташқи алоқаларнинг хорижий органлари.
17. Ўзбекистон манфаатини ҳимоялаш – Ташқи сиёсатнинг асосий мақсади.
18. Мудофаа ва хавфсизлик органлари тизимини ривожлантириш.
19. Марказий Осиёда стратегик мавҳумлик муаммоси ва унинг ечими.
20. Марказий Осиёда интеграция жараёнлари ва бозор ислохотларини ривожлантириш.
21. Марказий Осиёдаги иқтисодий, сув-энергетика, транспорт-коммуникацион, экологик муаммоларни ечишнинг амалий механизмларини шакллантириш.
22. Марказий Осиёни оммавий қирғин қуролларидан холи қилиш ва ядровий таҳдиддан ҳимоялаш масалалари.
23. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш ва мамлакатни қайта тиклаш жараёнлари.
24. Ўзбекистон ва Россиянинг ўзаро манфаатли ва зиддиятли нуқталари.
25. ХХР Ташқи сиёсатида Марказий Осиё омили.
26. АҚШ ва Ўзбекистоннинг дипломатик алоқалари.
27. Покистон ва Ўзбекистоннинг дипломатик алоқалари.
28. Ҳиндистон ва Ўзбекистоннинг дипломатик алоқалари.
29. Қозоғистон ва Ўзбекистоннинг дипломатик алоқалари.
30. Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг дипломатик алоқалари.
31. Тожикистон ва Ўзбекистоннинг дипломатик алоқалари.
32. Туркманистон ва Ўзбекистоннинг дипломатик алоқалари.
33. Ўзбекистон ва халқаро ташкилотлар.
34. Ўзбекистоннинг БМТ билан ҳамкорлигини ривожлантириш.



35. Ўзбекистоннинг ЕХҲТ ва НАТО билан хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш борасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.
36. Ўзбекистоннинг МДХ, ШҲТ ва ЕОИҲ билан ҳамкорлигини ривожлантириш вазифалари.
37. Ўзбекистоннинг дунё давлатлари билан ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш.
38. Ўзбекистоннинг дунёдаги етакчи давлатлар (АҚШ, Россия, Япония, Хитой, Германия, Франция) билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш.
39. Ўзбекистоннинг ЕИ давлатлари билан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш.
40. Халқаро терроризм, экстремизм ва радикализмнинг бирламчи манбаларига қарши кураш.
41. Жангари, мутаассиб кучларга қарши курашаётган давлатлар, ташкилотлар билан ҳамкорлик.
42. Дипломатик ваколатхоналар, уларнинг вазифа ва функциялари.
43. Элчихоналар, миссиялар ва консулликлар.
44. Дипломатик вакил тайинлаш. Ишонч ёрликлари.
45. Дипломатик корпус ва унинг ходимларининг ҳуқуқий мақоми.
46. Дипломатик ваколатхонанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.
47. Элчихона тузилиши.
48. Дипломатик ҳужжатлар ва элчихона ҳужжатлари.

